

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Сайдов, Е.В.Абдуллаев

**ҚАДИМГИ ЎЗБЕКИСТОН
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ:
ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**

Тошкент
«Адолат»
2001

Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдулаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: «Адолат» 2001. 416-бет.

Маданий ва маърифий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг тарих бўйича Ишчи гуруҳи томонидан нашрга тавсия этилган.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

**академик, юридик фанлар доктори Ш.З.Ўразаев,
академик, санъатшунослик доктори Г.А.Пугаченкова.**

Китоб цивилизация ҳодисаси сифатида қадимги Ўзбекистоннинг давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихига бағишиланган. Китобда ҳозиргача тарих ва юридик фанларида етарлича ёритилмаган кўпилаб муҳим муаммолар биринчи марта қараб чиқилади, жумладан давлат ва ҳуқуқ институтлари, пул муносабатлари, солиқ хизмати, ёзув, дипломатия, зардусhtiйлик ҳуқуқи пайдо бўлиши, қарор топиши ва ривожланиши масалалари ёритилади. Иловада Ўрта Осиёning муҳим ҳуқуқий ёдгорлиги сифатида «Авесто»нинг «Вандидод»и таржимаси биринчи марта келтирилади.

Китоб тарихчилар, ҳукуқшунослар, археологлар, талабалар ва аспирантларга ҳамда Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

© Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдулаев Е.В., 2001
© «Адолат», 2001, таржима.

**Ўзбекистон Республикасининг
10 йиллигига бағишиланаиди**

Мустақиликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

И.Каримов.

Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.
7-жилд.-Тошкент: «Ўзбекистон». 1999.-132-бет.

Давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

И.Каримов.

Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.
7-жилд.-Тошкент: «Ўзбекистон». 1999.-154-бет.

КИРИШ

Тарихи йўқ миллат миллат эмас. Ушбу оддий ҳақиқат давлатлар, халқлар ва цивилизациялар тарихида такрор ва такрор тасдиқланмоқда. Бу айниқса миллий ва давлат курилиши жараёни жадал бораётган янги мустақил давлатларга нисбатан адолатлидир. Айнан тарих, тарихий онг миллий ғоя шаклланишини қўзғатади, жамлайди ва унга ўзига хос маъно бағишлийди.

Ушбу ҳақиқат Ўзбекистон Республикасига нисбатан ҳам бевосита таалтуқлидир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «тарих ҳотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»¹. Ўрта Осиё ўз географик жойлашувига кўра илмий, маданий, ҳукуқий, маърифий ва диний билимлар Шарқ ва Фарб ўртасида жамланиши, қайта ўзгартирилиши ва ўтишида муҳим ўрин тутди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО умуман Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг бой тарихий ўтмишини, жаҳон маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссасини ҳисобга олиб, Ўрта Осиё цивилизаци

¹ И.А.Каримов. Хавфсиалик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 127-бет.

яси ёдгорликларини бутун дунёда ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта эътибор бермоқда. ЮНЕСКО Бош конференциясининг «Ипак йўлини ўрганишда интеллектуал ҳамкорлик учун институтлар тармоғини ташкил этишини жадаллаштириш» мухимлиги ҳақидаги қарори бунинг яққол далилидир. Ушбу қарорга мувофиқ 1995 йилда Самарқандда Ўрта Осиёни тадқиқ этиш халқаро институти ташкил этилди. Тошкентда Франция Марказий Осиё тадқиқотлари институти самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ЮНЕСКО шафелигига олти жиллик «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи» номли фундаментал асар чоп этилмоқда. «Марказий Осиё, - деб қайд этади ўзининг сўзбошисида ЮНЕСКОнинг собиқ Бош директори Ф.Майор, - маданий меросига диққат-эътибор унчалик ҳам кўп қаратилмаган минтақа ҳисобланди»², шу сабабли «Ўрта Осиёни шунчалик узоқ вақт беркитиб турган пардани»³ ниҳоят олиб ташлаш зарурдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги цивилизация жараёнлари тарихини ўрганиш эндиGINA бошланди. Яқин вақтларгача устунлик қилган методология тарихни узлуксиз синфий кураш ва ижтимоӣ можаролар жараёни сифатида талқин қилиб келди. Бу билан ижтимоӣ консенсус, бирлик, муросага бориш инкор этилди. Шу сабабли, фикримизча, тарихга нисбатан айнан цивилизациявий ёндашиб бир томондан, «синфий ёндашиб»дан, иккинчи томондан, миллий ўзига бино кўйишдан холи бўлган миллий ғояни ривожлантиришга қодирдир, чунки цивилизация – ҳатто ўзининг маҳаллий шаклларида ҳам моҳиятига кўра умумбаширий воқейлиkdir.

Тарихни энг аввало цивилизация тарихи деб тушуниш сизга тақдим этилаётган мазкур асарда нафақат тарих

² History of Civilization of Central Asia. Vol. II, Paris, UNESCO Publishind, 1995. P.5.

³ Ibid.,P.76.

методологиясидан, балки турдош гуманитар методологиялардан — фалсафа, ҳуқуқ, культурология методологияларидан фойдаланишни тақозо этди. Муаллифлар шунингдек ижтимоий ҳаётнинг истисносиз барча соҳаларини – қишлоқ ҳўжалигидан амалий санъаттагача бўлган соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистон тарихининг янги дарслигини яратишга интилишмади.

Цивилизация феномени сифатида Қадимги Ўзбекистонда давлатчилик ва ҳуқуқ тараққиёти тажрибасини таҳдил этиш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланди. Ушбу мақсад лавҳаларни баён қилишнинг ихчамроқ тузилишини тақозо этди. Бу эса Ўзбекистоннинг қадимги давлатчилиги ва ҳуқуқининг барча қадимий давлатларга яқин жиҳатларига эътиборни қаратиш имконини берди. Асарнинг мана шу тартибда тузилиши туфайли ўқувчи қадимги Ўзбекистон ҳуқуқий тафаккурининг «Вандидод» каби бебаҳо биринчи манбай билан бевосита танишиб, мустақил таҳдил учун қўпроқ имкониятта эга бўлади деб умид қиласиз.

Шу билан бирга шуни қайд этиш зарурки, қадимги Ўзбекистон цивилизацияси фақат ўзбек халқининг аждодлари томонидан эмас, балки Ўрта Осиёning бошқа халқларининг аждодлари томонидан ҳам яратилган: Хиндистон, Эрон, Хитой, Юнонистон ва Буюк Даштнинг қадимги халқлари ҳам унга ўз ҳиссаларини қўшишган. Карвон йўллари ёқасида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимги давлатчилиги ташқаридан бўладиган таъсирга учрамаслиги, ўзи ҳам ўз навбатида қўшни ҳудудларга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

Муаллифлар мазкур китоб ушбу йўналишдаги янги тадқиқотларга тўртки бўлади ҳамда ўзбек давлати ва ҳуқуқи тарихини бутун теранлиги ва кўп қирралиги билан чукурроқ тушуниш имконини беради, деб умид қиласади.

Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда айнан бир-бирига ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ҳар бир давлат - бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маданий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир.

И. Каримов.

Ватан саждагоҳ каби муқалласдир.
3-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999, - 6-бет.

БИРИНЧИ ЛАВҲА

ДАВЛАТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ: ЁНДАШУВЛАР ВА МЕТОДОЛОГИЯ



Давлатнинг келиб чиқишига цивилизациявий нуқтаи назардан ёндашиш.

Давлатнинг тарихий илдизларини, у қандай шароитларда пайдо бўлганлигини, қандай ривожланганлигини ва замонавий воқеаликда қандай мазмун касб этганлигини билмасдан туриб цивилизация ҳодисаси сифатида давлатни илмий тушуниш мумкин эмас.¹

Бутун дунёда бўлгани сингари Ўрта Осиёда ҳам давлатчилик абадий мавжуд бўлган эмас, балки инсоният тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлди. Антропологиянинг энг янги маълумотларига кўра фақат замонавий кроманьон одамнинг (*homo sapiens*, ёки неоантропнинг) тарихи қарийб 40 минг йилни ташкил этади, инсоният тарихидаги илк давлат тузилмалари эса бундан қарийб 5 минг йил олдин, бизнинг эрамизгача тўртинчи ва бешинчи минг йиллик чегарасида пайдо бўлган. Бинобарин — давлатчилик инсониятнинг нисбатан яқин вақтлардаги ихтиросидир. Инсон ўз онгли тарихининг мутлақо катта қисмida давлат бўлиб уюшган жамиятдан ташқарида яшаган².

Замонавий типдаги одамлар, неоантроплар ўн минг йиллаб давлат нима эканлигини билишмаган. Инсоният жамиятини ташкил этишнинг бошқа шакллари мавжуд эди. Уларнинг қолдиқлари ҳозирги вақтда ҳам айrim халқларда сақланиб келмоқда.

Ҳозирги одамнинг аждодлари – архоантроплар ва палеоантроплар бирлашишининг энг илк шакллари тартибга солинмаган (вақтинчалик) оила-уругчилик алоқалари, ташқи муҳитдан ҳимояланиш ва овқатни биргаликда

¹ Қаранг: Кашанина Т.В. Происхождение государства и права. Современные трактовки и новые подходы. – М., 1999. – С. 335.

² Лазарев В.В. Теория государства и права. – М., 1998. – С. 43.

қидириб топиш зарурияті туфайли келиб чиққан эди. Алоҳида «оилалар» ҳам бундай шакллар бўлиши мумкин эди, бироқ неандерталгача овчилар орасида пайдо бўлган ибтидоий подани ташкйл этган гуруҳлар, Олдувай маданияти маълумдир (2 миллионга яқин йил олдин). Уларни фақат қалтак, болта, тошлардан иборат ибтидоий қуроларнинг қўлланилиши бирлаштирган.

Минглаб йиллар ўтгач ибтидоий одамлар палеолит маданияти (қадимги тош асри)нинг такомиллашган қуролларини: қўпол ишланган тош найда, болта, қирғич, балиқ овлаш учун суюқдан ва тошдан ясалган «чангак»ларни ўз қўллари билан ясашга ўргандилар. Ўт ёқиши, ибтидоий турар жойлар қуришни ўрганиб олиши. Бу даврда умумий меҳнатнинг барқарорроқ шакллари, ибтидоий одамнинг асосий ижтимоий ячейкасига айланган ибтидоий уруғ жамоаси пайдо бўлди.

Олдинги «уруғтча бўлган» бирлашмалар инсонни биологик тур сифатида сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлай олмас эди. Меҳнат қуроллари тайёрлаш ва уларни такомиллаштириш фақат инстинктларни ривожлантиришнингина эмас, балки одам хотирасини, онг кўнималарини, нутқнинг бурролигини, уларнинг мустаҳкамланиб қолиши ва кейинги авлодларга узатилишини талаб этар эди.

Авлодлар давомийлиги ибтидоий одамнинг аждодлари ва авлодлари ўртасидаги табиий алоқанинг энг барқарор шакли сифатида уруғнинг бирлашишисиз англаниши ва мустаҳкамланиши мумкин эмас эди. Қон-қариндошлиқ ташкилоти инсоннинг соғлом жисмоний ривожланиши эҳтиёжларига ҳам мувофиқ келар эди. Чунки яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлиши соғлом авлод пайдо бўлишига олиб келмас эди. Шу сабабли экзогамия (фақат ҳар хил уруғларнинг вакиллари ўртасидаги никоҳ муно-

сабатлари) инсоният эволюциясининг муҳим қонуниятларидан бири бўлди.

Уруғ ибтидоий ишлаб чиқариш, унинг моддий маданияти ривожланиши учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Ибтидоий жамоа иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг паст даражасига асосланар эди. Палеолит ва мезолит (ўрта тош асли) даврида уруғчилик тузуми хўжалиги ўзлаштириб олувчи, яъни овчилик, мева териш, балиқ овлаш орқали ёввойи табиатнинг тайёр маҳсулотини олувчи хўжалик эди. Кулчилик тузумининг кейинги даврларида мотига билан ер ишлаш дехқончилиги куртаклари пайдо бўлади.

Бундай хўжалик уруғ жамоасининг энг кам эҳтиёжларинигина таъминлаши мумкин эди. Кўпинча уруғнинг барча аъзолари, шу жумладан ўсмирлар ҳам жамоа ғаровонлиги учун меҳнат қилиши, жамоа манфаатларини жамоа бўлиб ҳимоя қилиши зарур эди. Овчилик ва балиқ овлаш, мева териш орқали қўлга киритилган маҳсулот уруғнинг умумий мулкини ташкил этар ва унинг аъзолари ўргасида тенг тақсимланар эди. Бунда ибтидоий хўжаликнинг ҳар бир овчиси, мева терувчисининг хизматлари эътиборга олинган. Бундай хўжалик, одатда, қўшимча, ортиқча маҳсулотга эга бўлмас эди.

Ибтидоий жамоани бирлаштиришнинг пайдо бўлган қон-қариндошлиқ принципи ўша вақтларда одамлар алоқасининг мумкин бўлган яккаю-ягона, табиий шакли эди. Боланинг онадан туғилиши уруғ алоқасининг энг аён белгиси ҳисобланарди ҳамда болалар, рўзгор тўғрисида ғамхўрлик қилиш жамоада аёлларнинг аҳамиятини юқори кўтарар эди. Бунинг устига мева-чева териш, сўнгра эса аёллар шуғулланадиган мотига билан ер ишлаш дехқончилиги эркакларнинг ҳамиша ҳам муваффақиятли бўлавермайдиган овчилигига қараганда, гарчи камтаринроқ

бўлса-да, доимий даромад берар эди. Шу сабабли ибтидоий жамоада аёллар роли етакчи эди, Ҳозирги замон халқлари кўпчилик аждодларининг уруғлари эса матриархатга асосланган эди. Бироқ, қадимги патриархал уруғлар ҳам маълумдир (масалан, Қадимги Миср, Иудия, Хиндистанда, скифларда ва шарқий славянларда).

Уруғчилик жамоаси нафақат энг қадимги замонларда, балки германлар, англосакслар, славян халқларининг илк давлатлари қарор топиши даврида, шунингдек янги эранинг бир минг йиллигига Месоамерика (Марказий Америка)нинг илк синфий давлатлари ривожланиши даврида ҳам ўз ролини сақлаб қолди.

Шундай қилиб, уруғ (ибтидоий уруғчилик жамоаси) ўзида қон-қардошлиқ, биргаликдаги жамоа меҳнати, ишлаб чиқариш маҳсулотларига биргаликдаги мулкчилик принципи бўйича ташкил этилган ҳамда мана шу шартшароитлардан келиб чиқиб ижтимоий мавқенинг тенглигига, уруғ аъзоларининг манфаатлари бирлиги ва жисплигига олиб келган ибтидоий жамоа тузуми ташкил этилишининг биринчи ячейкасини ифодалар эди.

Ҳозирги вақтда археология ва этнографиянинг муваффақиятлари туфайли ибтидоий жамоа, унинг ривожланиш босқичлари ва тенденциялари тўғрисидаги билимлар жиддий равишда бойиди³. Агар, XIX-XX аср бошида ижтимоий ривожланиш тўғрисидаги тарихий билим тахминан уч минг йиллик даврни қамраб олган бўлса, бунгача бўлган барча нарса эса (ёзма ва бошқа ишончли манбалар йўқлиги туфайли) бунгача бўлган тарих деб белгиланган бўлса, эндиликда инсоният ҳаётининг 10-12

³ Қаранг: Вентеров А.Б. Значение археологии и этнографии для юридической науки // Сов.гос.права. – 1983. – №3, С. 28-56.
Куббелъ С.С., Першии А.И., Вентеров А.Б. Этнография и наука о государстве и праве// Вестник АН СССР. – 1984. №10.

минг йиллик тарихий кўлами тўғрисидаги анча ишончли маълумотлар мавжуддир. Бундан ташқари, агар XIX-XX аср боши учун тарихга қарашнинг асосан европача кўриниши хос бўлса, яъни Европа ва унга тугашиб кетган айrim минтақалар тарихи тўғрисидаги билимлардан фойдаланилган, сўнгра эса ушбу билимлар қолган бутун дунёга сунъий равища тарқатилган бўлса, кейинроқ бориб ер шарининг барча минтақалари тарихи илмий англаш доирасига жалб қилинди.

Ибтидоий жамият ҳеч қачон турғун бўлмаган, у ўз ривожланишида турли босқичларни босиб ўтди. Ибтидоий тарихни даврлаштиришнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатишади. Булар - умумтарихий, археологик, антропологик турлардир. Давлатчиликнинг пайдо бўлиши назарияси учун археология фанининг энг янги маълумотларига асосланувчи ва ибтидоий жамиятнинг «неолит инқилоби»га («неолит» сўзидан - янги тош асли) томон ривожланишининг асосий чегараларидан бири сифатида ажralиб турувчи даврлаштириш алоҳида қимматга эгадир.

Ушбу тушунчани тарих фанига инглиз археологи Г.Чайлд XX аср ўртасида олиб кирди. У неолит даврида (такмидан милоддан аввалги VII-III минг йиллик) ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка, яъни овчилик, балиқчилик ва мева теришдан дехқончиликка, чорвачиликка, металлургия ва металлга ишлов беришга, керамика ишлаб чиқаришига ўтиш чоғида инсоният ҳаётининг барча соҳаларида юз берган принципиал жиҳатдан сифат тўнтаришини таърифлаб берди. Ушбу ўтиш ер шарининг турли минтақаларида (Яқин Шарқ, Месоамерика, Тоғли Перу ва бошқаларда) бундан тахминан 10-12 минг йил илгари бошланди ва бир неча минг йил давом этди, у ибтидоий жамият ҳаётининг бутун моддий асосини, унинг

ижтимоий ва маънавий ташкил этилишини ўзгартириб юборди ва шу сабабли адолатли равишда инқилоб деб аталади. Кўрсатиб ўтилган даврлаштириш қайси ибтидоий жамият тўғрисида сўз бораётганлигини, у қандай вақт доираларида мавжуд бўлганлигини, унинг ижтимоий ва маънавий ташкил этилиши қандай бўлганлигини, инсоният такрор ишлаб чиқариш ва мавжуд бўлишнинг қандай шаклларидан фойдаланганигини аниқ белгилаш имконини беради.

Бинобарин, давлатчилик назарияси учун ўзлаштирувчи жамиятларда, ишлаб чиқарувчи иқтисодиётта эга бўлган жамиятларда ҳокимиятни ташкил этиш ва ижтимоий-регулятив тизимларнинг қандай шакллари мавжуд бўлганлигини аниқ белгилаш имконияти пайдо бўлди.

Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала — тарих фани ва юридик фандаги мунозарали масалалардан биридир. Давлатларнинг пайдо бўлишини турлича тушунтирувчи кўплаб назариялар мавжуддир⁴. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, муайян назариялар доирасида ҳам давлатчилик туғилишининг ҳар хил жиҳатлари тўғрисида ягона фикр йўқ, чунки ўрганилаётган жараёнлар жуда қадим замонда юз берган ва уларнинг илмий моделлаштириш билан муқобиллиги ҳақида тўлиқ ишонч йўқ.

Бир неча минг йилликлар, асрлар ва ҳатто ўн йилликлар олдин давлат ҳозирги вақтдаги сингари эмас эди. Давлатчиликнинг ривожланиш тарихи тўғрисида сўз борганда, одатда, «давлатнинг тиги» категориясидан фойдаланилади.

⁴ Давлатнинг (15 назария) ва хукуқнинг келиб чиқиши (7 назария) назарияларининг энг тўлиқ таҳлили Т.В.Кашанинанинг «Давлат ва хукуқнинг келиб чиқиши» китобида берилган. С. 51-103; 316-332.

Давлатнинг типи - бу муайян, қоидага кўра, давлатларнинг тарихий шартланган гуруҳига хос бўлган умумий белгилар жамидир⁵.

Шўролар даврида юридик фанда жамият ва давлат ривожланиши тарихига ёндашувнинг фақат давлат ва ҳукуқнинг марксча-ленинча назарияси доирасида ишлаб чиқиған формацияли ёндашувидан фойдаланилар эди. Ушбу ёндашувга мувофиқ давлатнинг типи синфий жамиятнинг иқтисодий тузуми, унга мувофиқ келувчи синфий тузилма, унинг синфий моҳияти билан белгиланар эди. Марксизм-ленинизм тарихни ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашиши жараёни сифатида қараб ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формация - бу ишлаб чиқаришнинг муайян усулига асосланган жамиятнинг тарихий типи, жамиятнинг ҳар бир типига муайян ишлаб чиқариш муносабатлари (базис) ва унга мувофиқ келувчи сиёсий-ҳукуқий ва бошқа (усткурма) муассасалар хос, давлат - бу усткурманинг энг муҳим қисми, унинг моҳияти, мазмuni пировард натижада иқтисодий базис билан белгиланади, деган тезисни илгари сурар эди.

Формацияли ёндашувнинг асосий нуқсонлари:

биринчидан, давлатчиликнинг тарихий ривожланишини давлатнинг бир тарихий типининг бошқаси билан механик алмашиши деб талқин қилувчи бир томонламалик бўлиб, бу тарихнинг давлат ривожланиши йўллари ва шаклларининг кўп хиллилиги, ушбу ривожланишнинг циклигига, давлатлар типлари ўзгаргандага жараёнларнинг қайтиши эҳтимолига мувофиқ келмайди;

иккинчидан, беш формацияли схеманинг номуқобилиги ва бутунжаҳон кўламида давлатнинг қулдорчилик, феодал, буржуа ва социалистик типларининг хато ра-

⁵ Лазерев В.В. Теория государства и права. - М., 1998. С. 45-47.

вишда универсаллаштирилиши ҳисобланади. Давлатчилик тарихи кўп вариантилидир ва ҳамма вақт ҳам унинг учун чизилган схемага «тушавермайди»;

учинчидан, ишлаб чиқаришнинг Осиёча усули инкор қилинади;

тўртингчидан, маънавий омиллар (маданий, миллий, диний, ва бошқа омиллар) етарлича баҳоланмайди ҳамда давлатчилик ривожланишида ва унинг типологиясида жамият маънавий, маданий ҳаётининг аҳамияти камситилади, уни антагонистик синфлар манфаатини акс эттирувчи ғоялар, тасаввурлар ва қадриятлар билан чеклайди;

бешинчидан, давлатчиликнинг социалистик типини тарихан сўнгти ва олий тарихий тип деб билади. Давлат ривожланиши амалиёти давлатнинг «ўлиши» тўғрисидаги утопик концепцияни фош қилиб ташлади.

Ҳозирги вақтда давлатлар типологиясига цивилизациявий ёндашув тобора катта рол ўйнамоқда.

Цивилизациявий ёндашув асосида «цивилизация» (лотинча - *civilis* фуқаролик) тушунчаси туради. Ушбу тушунчанинг ўзи турлича тавсифланади.

«Цивилизация» атамаси кўпроқ умуман маданиятнинг синоними сифатида кўлланилади ҳамда одамлар турмуши ва фаолиятини ташкил этишининг типлари ва шаклларида, уларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек улар томонидан яратиладиган моддий ва маънавий қадриятларда ифодалана-диган жамият тараққиётининг тарихан муайян даражасини, инсоннинг ижодий кучлари ва қобилияtlарини англатади.

Мана шу нуқтаи назардан цивилизацияни жамият ва давлатнинг алоҳида типини шакллантирувчи табиий-иклим, жамиятдаги иқтисодий, миллий, маданий, маънавий шартшароитлар ва алоқаларнинг ўзига хос ва яхлит жами (тизими) сифатида белгилаш мумкин.

Замонавий нуқтаи назардан қараганда давлатлар типологиясига давлатчилик мавжуд бўлишининг ташқи хусусиятларига эмас, балки ички хусусиятларига асосланган цивилизациявий ёндашув қимматлироқ тулолади. Давлат - бу ҳокимиятнинг ташкил этилишидир, шу сабабли, ҳар хил давлатлар хусусиятларини таҳдил қилганда дикқат-эътиборни энг аввало давлат ҳокимиятининг шаклланиши, тегишлилиги, амалга оширилиши жиҳатларига қартиш зарурдир. Бундай нуқтаи назардан давлатлар типологиясига цивилизациявий ёндашувда давлат ва шахс нисбати таснифлашга асос қилиб олинади.

Бинобарин, цивилизациявий ёндашувнинг формацияли ёндашувдан асосий фарқи жамият ва давлатчилик ривожланишини инсоннинг ўз фаолияти қадриялари ва мақсадлари тўғрисидаги тасаввурлари орқали очиб беришдан иборатдир.

«Цивилизация» тушунчаси ёрдамида тарихни ўрганиш асослари инглиз тарихчиси А.Ж.Тойнби (1889-1975 йй.) томонидан 1934-1961 йилларда чоп этилган ўн икки жилдлик «Тарихни англаш» («A Study of History») асарида ишлаб чиқилган. Муаллиф цивилизациялар фарқини энг аввало тафаккур тарзida кўради. У маданий элемент ўзида «цивилизациянинг қалби, қони, лимфаси, моҳияти»ни ифодалавши тўғрисидаги қоидани асослади. Тойнбининг фикрича, цивилизация географик, миллий, диний белгилар ва бошқа белгиларнинг умумийлиги билан фарқ қилиувчи жамиятнинг тор ва маҳаллий ҳолатидир. У уларга боғлиқ равишда жаҳон тарихида 21 цивилизацияни ажратиб кўрсатди. Булар: Миср, Хитой, Фарбий, Узоқ Шарқ, проваслав, славян, араб, Американинг туб халқлари (майя, инклар, аштеклар) цивилизацияси ва бошқалардир. Тойнби, шундай қилиб, ушбу асосда давлатни типологиялаштиришдек алоҳида вазифани ўз олдига кўймасдан жамиятнинг ўзига хос типологиясини амалга оширеди.

Умуман олганда турли олимлар томонидан цивилизацияларнинг 15-20 тадан 30 тагача тури фарқланади⁶.

Шундай қилиб, давлатнинг типологиясига цивилизация ёндашув давлатчилик ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллар жамиятнинг социал-маданий параметрлари, ҳалқ маънавияти даражаси, унинг анъаналари, миллий хусусиятлари, менталитети, мафкуранинг хусусияти, географик мұхит ва бошқалар ҳисобланишидан келиб чиқади. У ёки бу цивилизацияларнинг айнан хусусиятларини тавсифлайдиган маънавий мезонлар сони ўсиши туфайли давлатлар типологиясининг «заминга яқинроқ» типологиялари пайдо бўлди.

Ҳар бир жамият уюшқоқлик, тартибга солинганликнинг муайян даражасини тақозо этади, у бунингиз мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли ҳар қандай жамиятда ҳокимият муносабатлари мавжудлигига ифодаланадиган регулятив тизимлар мавжуд бўлади. Ибтидоий жамиятда бошқарув ижтимоий ҳокимият институтлари мавжуд бўлиши билан тавсифланади. Улардан бири уруғ аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб, унда энг мұхим масалалар ҳал этилар эди. Ижтимоий ҳокимият институтларидан яна оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқларни айтиб ўтиш мумкин. Энг тажрибали, обрўли қабиладошлар оқсоқол ва ҳарбий бошлиқ бўлар эдилар. Уруғ-қабила тузумининг анча кейинги босқичида қабила бошлиқлари, оқсоқоллар кенгаши, лашкар-бошилар пайдо бўлди. Ибтидоий жамиятда муайян лавозимни эгаллаб турган ҳолда бошқарув функцияларини бажарган одамлар, маҳсус оммавий ҳокимият йўқ эди.

Ўзлаштирувчи иқтисодиётга асосланган ибтидоий жамият нисбатан бир хил эди, одамлар фақат ёши, жинси, уруғ ва

⁶ Қаранг: Тойнби А.Ж. Постижение истории. – М., 1991; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1992; Вебер М. Избранные произведения. – М., 1990; Шпенглер О.Закат Европы. – М., 1993. – Т.1 ва бошқалар.

қабилага тегишилиги, диний эътиқоди билан ажралиб турар эди. Бундай жамиятда бошқарув функциялари (ички муносабатларни тартибга солиш, тартибни кўриқлаш, душманлардан ҳимоя қилиш) умуман олганда маҳсус органлар ташкил этилмасдан уруғ аъзоларининг жамоавий сайди-ҳаракатлари билан амалга оширилиши мумкин эди.

Ҳозирги замон этнографлари ва археологлари неолит инқилобида милоддан аввалги IV-III асрларда Яқин Шарқ ва Қадимги Миср ерларида мисли кўрилмаган ҳосил олган дехқончиликнинг ривожланишига ҳам катта ўрин ажратишади. Кичик Осиё, Икки дарё оралиғи, Нил водийси, Ўрта денгиз, Европанинг бир қанча минтақалари аҳолисининг тез ўсиши мана шунга боғлиқ бўлган эди. Месоамерика аҳолисининг кўпайиши ва майя, ацтеклар, инклар, Мексика индейслари маданиятининг равнақ топиши милоддан аввалги I-II асрларда ва янги эранинг I минг йиллигига дехқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Айнан ҳайдаладиган дехқончилика ўтиш хўжаликнинг (шу жумладан чорвачиликнинг) тезликда ўсишига, ҳунармандчилик, санъатнинг ривожланишига, биринчи шаҳарлар, ёзув ҳамда бошқа моддий ва маънавий маданият ютуқлари пайдо бўлишига кўмаклашди. *Цивилизацияга ўтиш даврининг энг қадимги жамиятлари маданияти илк дехқончилик деган ном олди*⁷.

Бойликнинг кўпайиши неолит инқилобининг асосий оқибати бўлди: дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари (бирламчи маҳсулот) ортиқча бўлиши имконини берди. Ўзлаштириб олувчи хўжалик ортиқча маҳсулотни таъминлаши мумкин эмас эди. Мана шу асосда қабилалар ўртасида маҳсулотлар-

⁷ Қаранг: Першии А.И. Периодизация первобытной истории (состояние проблемы) //Вопросы истории. – 1980.-№3; Венгеров А.Б., Барабашева Н.С. Нормативная система и эффективность общественного производства. – М., 1985, С. 253-256.

ни мунтазам айирбошлаш пайдо бўлди. Натура хўжалигига янги бойликларни жамлаш мумкин эмас эди. Ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ортиқчаси, шунингдек молларга қаровчи ва далаларга ишлов бериш учун талаб қилинадиган қўшимча иш кучини жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратди. Бундай иш кучини урушлар етказиб берар эди: ҳарбий асиirlар қулларга айлантирила бошлади, бунинг оқибатида жамиятнинг биринчи марта икки йирик синфга - эзувчилар ва эзилувчилар синфига ажralиши юз берди.

Кулчилик илк дехқончилик (шу жумладан чорвачилик) жамиятлари хўжаликларининг асосига ҳамма жойда ҳам ва ҳамма вақт ҳам айланавермади. Қадимги Шумерда, Мисрда ва бошқа кўплаб жамиятларда эркин қул жамомалари меҳнати илк дехқончилик хўжалиги асоси бўлди, мулкий ва ижтимоий табақалашув эса дехқончилик ишларини (айниқса суғориладиган дехқончиликда) бошқариш ва мирзолар, ҳосилни сақловчилар ва ҳоказолар тимсолида ҳисобга олиш ва фармойиш бериш функциялари аппаратини ташкил этиш кўринишида маҳсулотларни тақсимлаш функциялари билан баб-баравар ривожланди. Юмушларни бажариш ҳарбийларни доҳийларга, дружина бошлиқлари ва оддий жангчиларга бўлишга олиб келган ҳарбий функцияларнинг табақалаштирилиши ҳам муҳим ўринга эга эди. Айни вақтда жамиятта катта маънавий ва маданий таъсир кўрсатган коҳинлар табақасининг шаклланиши юз берди. Ниҳоят, савдо ва ҳунармандчилликнинг ривожланиши натижасида савдогарлар, ҳунармандлар ва шаҳарсозлар табақалари (стратлар) пайдо бўлди.

Илк дехқончилик жамияти шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Шаҳар-давлатларда асосий дехқон аҳоли шаҳар марказларига қарам бўлиб қолар эди. Нафақат ҳунармандчиллик ва савдо, балки бошқарув,

ҳарбий ва маънавий зодагонлар шаҳар марказларида жамланган эди. Шу сабабли кулдорлар ва қулларга бўлиш эмас, балки жамиятнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган гуруҳлар ва қатламларга бўлиниши билан боғлиқ ижтимоий-функционал стратифакация жамият ижтимоий табақалашувининг энг қадимги тури бўлди. Тор табақаларга (варналар, тоифалар ва ҳоказоларга) бўлиш тарзидаги бундай стратификация энг қадимги даврдан бошлаб динлар томонидан муқаддас саналар ва Қадимги Шарқ, Месоамерика, Ҳиндистоннинг давлатларидагина эмас, балки илк деҳқончилик жамиятлари ижтимоий тузумида ҳам, шунингдек скифлар, форслар, бошқа Европа-Осиё қабилаларида ҳам мавжуд эди⁸. Ушбу жамиятларда қулчилик дастлаб саройга хос ёки оиласи тусда эди ва факат кейинроқ ундан ишлаб чиқариша фойдаланилди (масалан, шаҳарлар ва қасрлар қурилишида).

Паст табақани ташкил этувчи ва ўлпон тўловчи жамоанинг оддий аъзолари асосий меҳнаткаш аҳоли эди. Улар ўзларининг надел ерларида ишлаш ва чорва боқишидан ташқари ер суғоришга доир жамоат ишларини бажаришар, оддий жангчилар бўлиб хизмат қилишар эдилар.

Ўзлаштирувчи хўжалик ўсиши ва такомиллашуви давомида ижтимоий меҳнат тақсимотига, социал табақалашувга, шу жумладан синфий табақалашувга, аҳолининг бойлар ва камбағалларга, ҳукмдорлар ва қуллар ёки хизматкорларга, тенг ҳуқуқли бўлмаган табақаларга бўлинишдан иборат мулкий табақаланишга олиб келганлиги ҳақидаги умумий хулоса уруғчилик тузумидан биринчи цивилизацияларга ўтиш даври учун тўғридир. Аста-секин қадимги

⁸ Қаранг: Уайлд Р. Древний Восток в свете новых раскопок – М., 1956; Рыбаков Б.В. Язычество древних славян. – М., 1981; Массон В.М. Поселение Джейтун. – М., 1971; Этнос в доклассовом и раннеклассовом обществе. – М., 1982.

дунё халқларида (Қадимги Грекия, Қадимги Рим, Троя, Карфаген ва бошқа антик полисларда) эркин одамлар ва қулларга бўлиш асосий ўринга эга бўлди.

Уруғ жамоасидан алоҳида оилалар ва қўшничилик (дехқон) жамоасига ўтиш неолит инқилобининг бошқа муҳим ижтимоий оқибати бўлди. Она уруғининг жамоа мулки аста-секин алоҳида оилаларнинг хусусий мулки бўлиб ўта бошлади. Кўпчилик халқларда оилалар иккичу авлод вакилларидан иборат эди, шу сабабли ўз қорнини ўзи тўйдириши ва ўзини ўзи кийинтириши мумкин эди. Эндиликда асосий ишловчи ҳисобланган чўпон, қўшчи бўлган эркак киши оила бошлиғига ҳамда асосий воситалар ва ишлаб чиқариш маҳсулотларининг мулкдорига айланди. Катта оила жамоада уйдаги ҳукмронлик, аёллар ва болалар устидан ҳукмронлик қилишгача унинг патриархал бошлиғи – оиланинг каттаси бўлган эркакка ўтди. Мол-мulk ва ҳукмронлик отадан тўнғич ўғилга мерос қилиб қолдирилар эди. Бу билан оиланинг хусусий мулкчиликка ўтиши мустаҳкамланибгина қолмасдан, балки патриархал оила - жамоа аъзолари ўргасидаги нотенглик ҳам ўрнатилар эди.

Ҳар хил халқларда давлатнинг пайдо бўлиши бир қанча омиллар таъсири остида келиб чиққан. Бундай омиллар жумласига географик, иқтисодий, экологик, диний, ҳарбий, миллий ва бошқа омилларни киритиш мумкин.

Уруғ жамоаси шахсий қон-қардошлиқ алоқаларига асосланган ва ўз ҳудудига эга эди. Бу ҳудудда фақат уруғ аъзоларигина яшаш ҳуқуқига эга эдилар. «Бегоналар» фақат меҳмондорчиликдан фойдаланишлари ёки бўлмасам уруғ жамоасига қабул қилинишлари керак эди. Ишлаб чиқариш ҳўжалиги ривожланиши ҳамда уруғ ва қабила ҳудудида айирбошлишиш ривожланиши давомида савдо-

гарлар, дengiz сайёҳлари ва хўжалик айланмасида, қабилалараро алоқаларда қатнашувчи бошқа ўзга ерликлар тез-тез пайдо бўла бошлиди.

Натижада бир ҳудудда турли қабилаларга мансуб гуруҳлар жойлашдилар ва уларнинг ўзаро манфаатлари одатдаги уруғ тузуми билан тартибга солиниши мумкин эмас эди. Бошқа жойдан келган аҳоли билан уруғ аъзоларининг қарашлари мустаҳкам чатишиб қета бошлиди, чунки бунингсиз аҳоли манфаатдор бўлган савдо-сотик амалга ошиши мумкин эмас эди, низоларни ҳам ҳал этиш мумкин эмас эди. Янги шарт-шароитлар ҳам туб жой аҳолининг, ҳам бошқа жойдан келган аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қамраб олувчи янги ҳудудий ташкилотни ҳам талаб этар эди.

Илгариги уруғ жамоасининг қўшничилик (дехқон) жамоасига айланиши мана шу ҳудудий манфаат билан боғлиқдир. Уруғ сингари қўшничилик жамоаси ҳам бир неча оиласдан иборат бўлган, бироқ уруғдан фарқ қилган ҳолда оила ўз мол-мулкига (мол-ҳол, иморатга ва меҳнат маҳсулига (ҳосилга) эга бўлган. Қўшничилик (дехқон) жамоаси ижтимоий организм сифатида умумий ишларни (ердан биргаликда фойдаланиш, суғориш, дараҳт кесиш) ташкил этиш функциясини бажарган, бироқ унинг ўзи мол-мulk ва меҳнат маҳсулиниң мулкдори эмас эди. Қўшничилик жамоасида уруғ жамоасида мавжуд бўлган умумий мулчилик билан боғлиқ бўлмаган ўзаро ёрдам бериш, ҳадя этиш, хизматлар кўрсатиш каби хилма-хил муносабатлар ривожланди.

Илк дехқончилик ва ilk ўрта асрлар жамиятлари қарор топиш даврида урушлар ва қабилалар ҳарбий ташкилотининг аҳамияти ўсиши уруғчилик тузумидан давлатга, унинг ижтимоий ҳокимиятига ўтишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий бойлик ўсиши муносабатларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий бойлик ўсиши муносабатларидан бири ҳисобланади.

бати билан қабилалар ўргасидаги урушлар асосан босқин-чилик мақсадида олиб борилар ҳамда чорва моллари ва қулларни эгаллаб олиш ҳисобига доимий бойиш воситаси-га айланар эди. Бироқ ҳарбий ташкилот қабилаларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам хизмат қилган.

Кўриб чиқилаётган даврда энг яхши ҳудудларни излаш ва уларни қўлга киритиш учун кўчиш жараёнлари фаоллашади. Бу Европада, жумладан, Ўрта Европа текислигida, Осиёда (орийларнинг Ҳиндистонни босиб олиши), Тоғли Перуда (инкларнинг бошқа қабилаларни бўйсундириши) кузатилади. Бундай шароитларда нафақат босиб олиш, балки қабилалар ҳарбий ташкилотининг ўзи астасекин уларнинг ижтимоий ҳокимият органидан ҳарбий доҳийлар, дружиналар, қўшинлар кўринишида ҳарбий демократия органларига айланishiiga қўмаклашди. Параллел равища ҳарбий доҳийлар, базилевс, рекс, Одд Осиё ва скиф «шоҳлари» ҳокимиятининг кучайиши юз берди. Улар эгаллаб олингандардаги яхши улушларни олиш имтиёзигагина эмас, балки мерос бўйича берилишига даъво гарлик қилувчи юқори ҳокимиятта эгалик қилишда, бу вақтта келиб дружина, қўшинлар йиғилишига айланган халқ йиғилишида устунликка ҳам эга бўлдилар. Юқори коҳинлар (мисрликларда бобилликлар, шумерлар, скифлар), олий судья ҳокимияти астасекин улар қўлида тўпланди.

Ҳарбий турмуш қариндош қабилаларнинг ягона халқа бирлашишига қўмаклашди. Бу, ўз навбатида, энг кучли қабила ҳарбий бошлиқлари (шоҳлари) томонидан бошқа қабилалар бошлиқлари ҳокимиятининг зўрлик билан бўйсундирилишига олиб келди. Қадимги Римда, Мисрда, Аккадада, скифларда, Месоамерикада майялар ва инкларда давлатчилик мана шундай тарзда қарор топди. Шу сабабли урушлар ва ҳарбий ташкилотнинг мустаҳкамланиши ягона

халққа айланаётган қабилалар ҳокимияти хусусиятiga таъсир этганилиги, бир қанча ҳолларда синфларнинг шаклланишига ёки жамиятнинг стратификациялашишига кўмаклашибгина қолмай, балки ушбу жараёнларни кучайтирганлиги ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин. Дин, айниқса энг қадимги халқларда, давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнига, жиддий таъсир кўрсатди. Ибтидоий жамиятда ҳар бир уруғ ўз оташпаратлик динига сажда қиласар, ўз «тотем»ига эга эди. Қабилалар бирлашиши даврида диний нормалар олий ҳокимият мустаҳкамланишига кўмаклаши. Янги ҳукмдорлар сулолалари қабилаларни умумий диний ақидалар билан бирлаширишга уринди. Қадимги Ҳиндистонда Артхастстра, Қадимги Мисрда Куёш ва худо Осирисга сифиниш, грек полислари худоларига сифиниш ва бошқалар мана шундай аҳамиятга эга эди. Диний нормалар аста-секин ҳиндуларнинг ҳукмрон майя ва инк қабилалари, скифларнинг олий ҳокимияти мустаҳкамланишига мослаша бошлади. Ушбу ҳокимият худолар томонидан берилган деб тушунилган ва дастлаб сайлаб қўйиладиган муддат узайтирилган, сўнгра умрбод ва мерос қилиб қолдирилалиган бўлди (масалан, инкларда).

Давлатнинг пайдо бўлиши энг аввало аҳолининг умумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ бўлган. Бу ҳар хил даврларда турлича юз берди. Турли синфлар ёки тоифалар ўз эҳтиёжлари тенг қондирилишига эришмаган бўлса ҳам барибир айрим умумий манфаатлар (масалан, ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, умумий ишларни, санитария ишларини таъминлаш) давлат томонидан қондирилар эди.

Давлат пайдо бўлишига олиб келган омилларнинг ўзига хослиги давлатларнинг типологик хусусиятларига таъсир кўрсатди. Миср ва Кичик Осиёning қадимги шарқий

давлатлари, Месопотамия, Месоамерика ва Тоғли Перу-нинг бирламчи шаҳар-давлатлари ва Болқон ярим ороли, Эгай денгизи ва Аппенин оролларининг қадимги давлатлари ҳамда Фарбий ва Шарқий Европанинг ўрта асрлар давлатлари бунинг мисолидир.

Инсониятта маълум бўлган дастлабки давлатлар 5 минг йилдан 2 минг йилгача олдин дунёнинг турли географик миintaқаларида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда (одатда, йирик дарёларнинг водийларида) пайдо бўлди ва маданий цивилизация марказларига айланди. Қадимги Миср; Қадимий Месопотамия (Дажла ва Фрот дарёлари оралиғи) давлатлари Шумер ва Аккард, Оссирия, Бобил; Инд ва Ганг водийси давлатлари; Қадимги Хитой; қадими грек полислари; Қадимги Рим; Американинг туб жой аҳолиси халқлари (майя, инклар, ацтеклар) давлатлари; Марказий Осиё давлатлари, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи мана шундай давлатлар эди.

Давлатнинг шаклланиши – узоқ давом этадиган жараёндир. Бу жараён ҳар хил халқларда турли йўллар билан борди.

Биринчидан, давлатлар пайдо бўлишининг осиёча ишлаб чиқариш усулига асосланган «Шарқ йўли» бўлиб, унда иқтисолидётнинг асосини ирригация дехқончилиги ташкил этган;

ер ва ирригация иншоотлари давлатнинг мулки бўлган; дехқончилик жамоаси жамиятнинг бирламчи ячейкаси эди; аҳолининг катта қисмини сафарбар этиш зарурияти принципиал бошқаручилар табақасини тақозо этган.

Ишлаб чиқаришнинг осиёча усули милоддан аввалги 5 минг йилликдан милодий I асргача йирик дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда ёйилган.

Давлат тузилмасининг иккинчи «Европача йўли» Европа ҳудудида милоддан аввалги V асрдан бошлаб милодий

III асрғача қадимги юонон полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкий табақаланишуви жараёни (синфлар шаклланиши жараёни) асосий омил бўлди. Давлат пайдо бўлишининг ушбу йўли Фридрих Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши»⁹ асарида батафсил ёритилган.

Т.В.Кашанина давлат пайдо бўлишининг икки йўлини ажратиб кўрсатиб, «Шарқ йўли»ни «давлат-ҳокимият», «Европа йўли»ни эса «давлат-мулкчилик» йўли ¹⁰ деб атайди.

Пайдо бўлган давлатлар шакллари хилма-хил бўлишига қарамай, уларнинг барчаси учун ижтимоий ҳокимиятнинг ибтидоий ташкилотлардан жиддий равишда фарқланадиган айрим хусусиятлар хос эди.

Биринчидан, давлат ўз фуқаролари ёки табааларининг ҳудудий жиҳатдан умумийлигига асосланар эди.

⁹ Ф.Энгельс ўзининг асарига америкалик этнограф, қадимшунос ва ибтидоий жамият тарихчиси Л.-Г.Морган асарини асос қилиб олган. Энгельснинг хизмати Морган ва бошқа айрим этнографларнинг ибтидоий жамиятта қарашларини тизимлаштиришдан гина иборат эмас, балки хусусий мулк ва давлат келиб чиқиши масаласида материалистик, шу жумладан синфий ёндашувни қарор топтиришдан ҳам иборат эди.

Ушбу асарнинг бир қисми Л.-Морганнинг хатоларидан келиб чиқувчи камчикликларини билish зарур. Масалан, гарчи айрим тахминлар кейинчалик XIX асрда фаннинг ривожланиши натижасида тасдиқланган бўлса ҳам ибтидоий тарихни даврлаштиришнинг ўзи сунъий, схематик эди. Энгельс Морганга эргашиб инсоният тараққиёти тўғрисида ёввойиликни ўзлаштирма хўжалик, варварлигини – ишлаб чиқарувчи хўжалик, шивилизацийни сансаёт билан боғлаб шивилизацияга томон ёввойилик ва варварлик орқали келиш тўғрисида ёди. Ҳозирги замон даврлаштириши буни асло ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг развақ топиши – зиростчилик жамоалари, илк синфий давлатлар пайдо бўлиши билан боғламайди.

Ф.Энгельснинг асосий хатоси шундаки, юонлар ва римликларда давлатчилик пайдо бўлишининг ноёб жараёнига – уручилик тузумининг парчаланиши ва кулдорликнинг пайдо бўлишига – универсал аҳамият берилган эди ва кулдорлик давлати ялпи туста эта бўлган давлатнинг биринчи шакли деб эътироф этилган эди.

Унинг давлатнинг табиати - синфлардан ўюғи турувчи ва уларни яраштирувчи, эзилувчи синфи бостириш учун ҳуқмрон синф томонидан яратилган машина сифатидаги куч эканлиги ҳамда унинг тақдирни тўғрисидаги хуносалари ҳам хато эди. У модомики давлат ибтидоий коммунизмда бўлмаган экан, коммунистик жамият қарор топгандан кейин музейга юборилади деб ҳисоблар эди.

¹⁰ Кашанина Т.В. Кўрсатиб ўтилган асар, С. 46-50.

Худуд бир давлатни бошқасидан ажратиб турувчи макон чегараларини, давлат органлари шаклланиши тартиби ва унинг тузилмасини, унинг вазифа ва функцияларини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳудуд ўз-ўзича давлат белгиси ҳисобланмайди, балки аҳолининг яшаш жойи бўйича бўлиниши давлат белгиси ҳисобланади. Бундай бўлиш фуқароларнинг муайян давлатга тегишлилигини белгилаб беради.

Иккинчидан, давлат – бу оммавий ҳокимиятнинг ўзига хос ташкилотидир ва сиёсий хусусиятга эгадир.

Сиёсий ҳокимият ибтидоий тузумнинг ижтимоий ҳокимиятидан фарқ қилган ҳолда биринчи навбатда ибтидоий гуруҳлар, синфларнинг муайян қисми корпоратив манфатларини ифодалайди.

Сиёсий ҳокимият жамиятдан ажратилган давлат хизматчиларининг маҳсус аппарати орқали амалга оширилади. Бу аппарат ижтимоий ишлаб чиқаришда бевосита шуғулланмайди, бошқарув функцияларини профессионал равишда бажаради ва бунинг учун пул мукофоти олади.

Сиёсий ҳокимиятнинг қарори таъминланиши маҳсус ташкил этилган мажбурлаш аппарати: армия, полиция, разведка, турма ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

Учинчидан, сиёсий ҳокимиятни ифодаловчи давлат хизматчиларининг кўп сонли аппаратини сақлаш учун солиқлар, йиғимлар, ҳар хил ўлпонлар зарур.

Тўртингчидан, суверенитет, давлатта хос бўлган ўз худудидаги устунлик ва халқаро муносабатлардаги мустақиллик.

Бешинчидан, давлат ҳуқуқсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқ давлат ҳокимиятини юридик жиҳатдан расмийлаштиради ва бу билан уни қонунийлаштиради, давлат функцияларини амалга оширишнинг юридик доиралари ва шаклларини белгилайди.

Давлатчилик пайдо бўлишининг умумий схемаси мана шундан иборат.

Шундай қилиб, юқорида баён қилингандардан келиб чиқиб, айрим умумий хulosалар чиқариш мумкин.

1. Давлат ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлмаган (дастлабки давлат тузилмалари қарийб 5 минг йил олдин пайдо бўлган: бунгача бир ярим миллион йил мобайнида жамиятнинг ибтидоий ташкилоти мавжуд бўлган).

2. Давлат ижтимоий ривожланишнинг қонуний маҳсулни, биринчи навбатда моддий ва маънавий ҳаётнинг шартлари ва эҳтиёжларидан пайдо бўлди.

3. Давлат узоқ давом этган тарихий жараёнда муайян вақтда пайдо бўлди. Давлат ўзининг равнақи томон кураш ва қарама-қаршиликларнинг узоқ йўлидан борди.

4. Давлат бир қанча омилларнинг таъсири остида пайдо бўлди. Бу омилларнинг аҳамияти турли ҳалқларда ҳар хилдир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, уларнинг рўйхати мутлақо иқтисодий омиллар билан чекланиб қолмайди. Буларнинг барчаси давлатчилик пайдо бўлиши жараёнининг мураккаблигидан далолат беради.

5. Давлатнинг юзага келиши жараёни – бу бир пайтда юз берадиган жараён эмас. У аста-секин, унинг учун зарур шарт-шароитлар яратилгандан кейин пайдо бўлади. Турли ҳалқлар давлатчиликка турли даврларда келадилар: бир хиллари олдин, бошқалари кейинроқ келади, чунки давлат юзага келиши учун шарт-шароитлар ҳаммада бир вақтда яратилавермайди.

6. Давлат генезисининг асосий омиллари аниқ тарихий шароитларда ўзини турлича намоён қилди ва ҳар бир аниқ ҳолатда бир қанча ўзига хос хусусиятлар билан тўлдирилди.

7. Ижтимоий манфаатларнинг вакили, жамиятдан устун турувчи куч сифатида пайдо бўлади ва тузилади, у энг аввали бошданоқ бир хил одамларнинг бошқа одамлар

устидан ташкилий сиёсий ҳукмронлиги тизими сифатида намоён бўлади.

Демак, давлатнинг келиб чиқишига цивилизациявий ёндашув давлат ҳамда жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти нисбатининг уч муҳим принципини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

биричидан, давлатларнинг моҳияти кучларнинг реал мавжуд нисбати билан эмас, балки тарихий жараён давомида жамланган ва маданият доирасида дунё, қадриятлар, хулқ-автор намуналари, ўтмишнинг тарихий тажрибаси тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланади;

иккинчидан, давлат ҳокимияти сиёsat дунёсининг марказий ҳодисаси сифатида айни вақтда маданият оламининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин, бу бошқа жиҳатлар билан биргаликда давлат ҳокимияти билан нуфуз, ахлоқ, қадриятли йўналишлар алоқасини очиб бериш имконини беради;

учинчидан, вақт ва маконда маданиятларнинг хилма-хиллиги нима учун бир хил шароитларга мувофиқ келган давлатнинг айрим типлари бошқа шароитларда ўз ривожланишида тўхтаб қолганлигини тушуниш имконини беради. Бунда миллий маданиятларнинг ўзига хослиги ва миллий характер белгилари ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга бўлади¹¹.

Давлатлар типологиясига цивилизациявий ёндашув истиқболли ҳисобланди, бироқ ҳозирги вақтда у қарор топиш босқичида турибди ва адабиётларда ушбу мезон бўйича давлатларни типларга аниқ ажратиш келтирилмайди.

Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллилиги

Барча даврлар ва халқлар учун ягона бўлган давлатларнинг ҳосил бўлиши қонуниятлари тўғрисидаги ма-

¹¹. Венгеров А.Б. Теория государства и права.. - М., 1993. - С. 102.

салани давлатнинг пайдо бўлиши сабаблари тўғрисидаги масала билан аралаштириб юбормаслик керак. Ушбу масалада давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишининг қўплаб назариялари мавжуд¹². Илмий қарашларнинг бундай плюрализми жамият ривожланишининг тарихий хусусиятлари, дунёнинг у ёки бу минтақаларининг ўзига хослиги, улар ўз олдига қўйган вазифалар ва бошқа сабаблар билан белгиланади.

Жумладан, теология назарияси давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди ва «шоҳлик ҳам худодан»дир деган тезисни маҳкам ушлайди ва ҳимоя қиласи. Қадимги даврдаёқ (Иудияда) келиб чиқсан бундай нуқтаи назар муайян реаликни, айнан олганда бирламчи давлатларнинг теократик шаклларини (коҳинлар ҳокимияти, ибодатхонанинг аҳамияти, ҳокимиятнинг диний ва маъмурий марказлар ўргасида бўлинишини) акс эттирар эди.

Ушбу назарияга баҳо берганда қўплаб бирламчи шаҳар-давлатларга хос бўлган ҳокимиятнинг илоҳий сўз билан ёритилиши унга обрў-эътибор келтирадар ва сўзсиз мажбурият юклар эди. У ўрта асрларда жуда кенг ёйилганлиги тасодифий эмас (Ф.Аквінсий)¹³. XVI-XIII асрларда теология назариясидан монархнинг чексиз ҳокимиятини асослаш учун фойдаланишар эди. Францияда қирол абсолютими тарафдорлари эса, масалан Жозеф де Местр, уни XIX аср бошида қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

Мазкур назария айрим ҳозирги замон олимларининг¹⁴ асарларида ўзига хос ривожлантирилди. Улар неолит

¹² Кашанина Т.В. Кўрсатилган асар. – С. 51-52.

¹³ Қаранг: Аквінсий Ф. Ормузд правление правителей // Политические структуры эпохи феодализма в Западной Европе (XI-XVII асрлар).-Л.,1990.

¹⁴ Қаранг: Салғын Е.Н. Теократические тенденции современной государственности// Общественные науки и современность. – 1996.- №5.

инқилобининг чегараловчи аҳамиятини эътироф этган ҳолда ўзлаштирувчи иқтисодиётга ўтиш илоҳий асосга эгадир, деб чиқдилар. Теологларнинг фикрича, фан инсоният тарихидаги ушбу сифат бурилишининг аниқ табиий сабабларини аниқламаган, унинг диний асоси эса Библия ва Куръондаёқ мавжудлар.

Патриархал назария давлатнинг пайдо бўлишини бевосита оиласдан ўсиб чиқсан деб қарайди, монарх ҳокимиятини отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлиги белгилаб беради. Теология назарияси каби патриархал назария ҳам подшо, монарх ҳокимиятининг чекланмаганини асослашга йўналтирилган эди, бироқ ушбу ҳокимиятнинг манбанини нафақат унинг келиб чиқишининг илоҳийлигига, балки оиласда оила бошлиғи, патриархнинг чекланмаган ҳокимияти мавжуд бўлган шаклларида ҳам кўрди.

Ушбу назария Гречияда туғилди, дастлаб Аристотель¹⁵ асарларида асосланди, бироқ ўз ривожланишини XVII асрда инглиз Р.Фильмернинг «Сиёсат» асарида топди. Чекланмаган қироллик ҳокимияти тарафдори бўлган Р.Фильмер Библияга таянган ҳолда, унинг фикрича, Одам Ота худодан ҳокимиятни ўз қўлига олган, сўнгра бу ҳокимиятни ўзининг катта ўғли – патриархга, у эса ўз авлодларига – қиролларга берган.

Фильмернинг асари патриархал назария ғоясини ифодалаган энг ғалати иш эди. Фильмернинг замондашларининг ўзиёқ унинг қоидаларининг кўпчиллигининг ножидийлигига эътиборни қаратган эдилар. Масалан, Фильмернинг назариясидан келиб чиқилса, оиласларнинг отаси қанча бўлса монархлар ҳам шунча бўлиши ёки дунёда битта монархия бўлиши керак эди. Табиийки,

¹⁵ Аристотель. Политика//Сочинения.-М.,1988.

тарихан ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Кейинроқ кўпчилик ҳуқуқшунослар ва социологлар давлатнинг пайдо бўлишида оиланинг ва бошқа социал институтларнинг ролини теранроқ кўриб чиқдилар. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги замонавий илмий билимлар гарчи ушбу жараённи илк синфий жамиятлардаги иқтисодий, меҳнат фаолиятининг янги усулига, зироотчилик билан боғлиқ ташкилий-бошқарув функцияларига, шаҳар цивилизациясига, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқишига боғласалар ҳам шу билан бирга оиланинг бирламчи ролини камситмайдилар. Бир томондан, неолит инқилобининг якунловчи босқичида илк синфий жамиятнинг асосий бўғини жамоачи-зироотчиларнинг «катта оиласари» пайдо бўлиши, иккинчи томондан, илк синфий бирламчи шаҳар-давлатларда лавозимларнинг суполовий ўзлаштириб олиниши – булар барчаси патриархал назариянинг ҳам мазмундор, ҳам хато қоидаларига янгича назар ташлаш имконини берувчи жуда реал, илмий аниқланган жараёнлардир. Бир сўз билан айтганда ушбу назария ҳам инсониятнинг ибтидоий жамиятда ижтимоий-ташкилий ҳаётдан илк синфий жамиятдаги давлат шаклларига ўтишининг айрим реал, муҳим жиҳатларини «тутди» ва акс эттириди, бироқ мазкур назариянинг асосий камчилиги ҳам мана шундадир. Бу назария уларга ортиқча баҳо бериб, универсал ва белтиловчи аҳамият берди. Бу эса ҳам назарий, ҳам тарихий жиҳатдан нотўғри эди.

Патримониал назария вакиллари (А.Галлер, XIX асрда яшаган француз олими) давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан деб ҳисоблашади (патримонимум). Ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан ҳокимият бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади. Феодал сюзеренитет мана шу тарзда асосланади.

XVII-XVIII асрларда кенг ёйилган давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги шартномавий назарияга катта рол тегишилдири. Голландияда XVII асрда Г.Гроций, Англияда Ж.Локк ва Т.Гобс, Францияда XVIII асрда Ж.Ж.Руссо, Д.Лидро, Ш.Л.Монтескье¹⁶ ушбу назария тарафдори бўлдилар.

Россияда инқилобчи демократ А.Радищев (1749-1802) шартномавий назария вакили эди. У давлат ҳокимияти халққа тегишилдири, у томонидан монархга берилган ва халқнинг назорати остида бўлиши керак дер эди. Одамлар давлатга кирав экан ўзларининг табиий эркинлигини йўқотмайдилар, балки чеклайдилар холос. У мана шундан келиб чиқиб, агар монарх ҳокимиятни сунистъемол қиласа ва ўзбошимчаликка йўл қўйса, халқ қўзғолон кўтариши ва инқилобий йўл билан монархни ағдариб ташлашга ҳақли эканлигини келтириб чиқарди.

Шартномавий назарияга кўра давлат онгли ижоднинг маҳсули, шартнома натижаси сифатида пайдо бўлади, бунгача «табиий», ибтидоий ҳолатда бўлган одамлар шартномага киришадилар. Давлат бу - одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишилдири. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Давлатни ташкил этувчи ижтимоий шартнома бунгача бир-биридан ажралган одамларнинг бирлашишга, давлат тузишга розилиги, уюшмаган кўплаб одамларнинг ягона халққа уюшиши сифатида тушунилган. Бироқ бу бўлажак ҳокимиятни ташувчи билан тузилган шартнома-битишув эмас, балки конститутив (белгиловчи) тусга эга бўлган,

¹⁶ Қаранг: Гобс Т. Сочинения. В 2-х т.-М., 1991. – т. 2.: Гораций Г. Ормуз праве войны и мира. – М., 1955; Радищев А.Н. Избранные философские произведения. – М., 1949; Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре или принципы политического права. – М., 1969.

сиёсий ташкилот бўлган фуқаролик жамияти ва давлат тузилмасини - давлатни барпо этувчи шартномадир.

Шартномавий назарияда шу муносабат билан бирлашишнинг бирламчи шартномасини ва бўйсунишнинг иккиласмачи шартномасини, ҳалқнинг князъ ёки бошқа давлат органлари билан шартномасини фарқлайдилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, бунда ижтимоий шартнома ҳамма томонидан давлатнинг пайдо бўлишига асос бўлган қандайдир аниқ ҳужжатни имзолашнинг тарихий далили сифатида эмас, балки одамлар жамиятнинг давлат-ташклий шаклига бирлашиши ҳолати, давлат ҳокимияти қонунийлигини асословчи принцип сифатида фикр қилингандар.

Шартномавий назариядан турли мақсадларда фойдаланилган. Руссо, Радишчев ҳалқ ҳокимиятини, ҳалқ суверинитетини асослаган, чунки дастлаб ҳокимият давлатга бирлашган ҳалққа тегишли бўлган ва у вижлонсиз, ўз ишини яхши улалай олмайдиган ҳукмдордан уни тортиб олиши мумкин эди. Гобсс, аксинча, ҳокимият, модомики, ихтиёрий равища ҳукмдорга, масалан, князга берилган экан, эндилика князъ чекланмаган ваколатга эга эканлигини исбот қилмоқчи бўлади. Локк конституцион монархияни асослайди, чунки ижтимоий шартнома, унинг фикрича, ўзида ҳалқ билан ҳукмдор ўртасидаги муайян муросани, ҳам ҳалқнинг, ҳам монархнинг эркинлиги маълум даражада чекланишини англаштан.

Шубҳасиз, шартномавий назария давлатни англашда олға ташланган йирик қадам эди, чунки давлат ва давлат ҳокимиятининг келиб чиқиши тўғрисидаги диний тасаввурлар билан алоқани узар эди. У айрим давлат тузилмалари пайдо бўлишидаги айрим реалликларни пайқаб оларди. Масалан, ҳокимият барча жамоачиларга, уларнинг йиғилишига, улар томонидан сайланган кенгашга, ҳарбий бошлиқга, йўлбошчига тегишли бўлган ибтидоий

жамиятдан ҳокимият давлат органига, подшога, халқни бошқариш учун ажралиб чиққан одамларнинг алоҳида табақасига тегишли бўлган давлатга ўтиш шулар жумласига киради.

Ушбу назария князъ билан шаҳарни бошқариш, уни ҳимоя қилиш эвазига уни моддий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида шартнома тузган кўплаб ўрта асрлар шаҳарларининг шартнома амалиётини ҳам акс эттирас эди. У халқнинг ярамас монархни ҳатто инқилобий қўзғолон воситасида ағдариб ташлашга бўлган табиий ҳукуқини асослаган ҳолда чуқур демократик мазмунга эга эди.

Ҳатто XX асрда ҳам шартномавий назария ёйилган ва ўз ифодасини топған пайтлар бўлди. 80-йилларда танглик даврида польяқ халқи номидан иш кўрган «Бирдамлик» ҳаракати билан ҳокимият ўртасида шартнома тузилганилиги бунинг мисоли бўлиши мумкин.

Шартномавий назариянинг нуқсанлари, шу жумладан ибтидоий жамият, унинг ҳолати тўғрисидаги вақтдан ташқари, абстракт тасаввурлари ҳам йўқ эмас. Гоббснинг фикрига кўра, бу ибтидоий ҳолат ўзида барчанинг барчага қарши урушини, Локк, Руссо фикрича, ялпи тинчлик ва роҳат-фароғатнинг, эркинлик ва тенгликнинг олтин аспи эди. Ҳозирги пайтда фан ҳам у, ҳам бу тасаввурларнинг чекланганлиги, схематик эканлиги, ўйлаб чиқарилган назария эканлиги ҳақидаги маълумотларга эгадир.

Шартномавий назарияда асосий сиймо бу – абстракт, бошқалардан тўсиб қўйилган одам, бамисоли шартномага киришиб, давлатни ҳосил қиласидиган Рабинзондир. Бироқ давлат ташкил топиши тарихий жараёнининг субъекти сифатида бундай бошқалардан ажратиб қўйилган одам ҳеч қачон бўлмаган. Одам ҳар хил ижтимоий бирлашмаларга: жамоаларга, уруғларга, катта оиласаларга, синфлар-

га кирди ва улар ушбу жараённинг реал субъектлари эдилар.

Лекин барибир давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги шартномавий назариянинг ижобий мазмуни катта эдики, юқорида таъкидланганидек, ундан, гарчи янги, замонавий шаклларда бўлса-да кўплаб демократик, либерал ҳаракатларда фойдаланимоқда.

Куч ишлатиш назарияси (Е.Дюринг, Л.Гумплович, К.Каутский). Унинг тарафдорлари давлат кучсиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва улошган қабилар томонидан босиб олиниши йўли билан куч ишлатиш натижасида пайдо бўлган дейдилар. Л.Гумпловичнинг фикрича, айнан қабилаларда, уларнинг ўзаро қурашида «биз давлатнинг ҳақиқатда ўзагини, бош, асосий қисмини қабилаларда эътироф этишимиз мумкин. Қабилалар аста-секин синфларга ва табақаларга айланадилар. Ушбу қабилалардан давлат ташкил этилади. Улар ва фақат улар давлатнинг ўтмишдошларидир»¹⁷.

Ушбу назария вакилларининг фикрича, давлат кучли қабилалардан кўра кучсиз қабилаларга кўпроқ зарурдир. Давлат босқинчиларнинг ташкилоти ва бошқарув таъсири воситаси сифатида эгаллаб олинган ҳудудларни бошқа кучли қабилаларнинг эҳтимол тутилган тажавузларидан ҳимоя қилишнинг құдратли воситасига айланади.

К.Каутский жамиятнинг кейинчалик тараққиёти давомида давлат ялпи үйғунлик воситасига айланышини ва ҳам кучли, ҳам кучсизларнинг ялпи фаровонлигини таъминловчи ва ҳимоя қилувчи органга айланышини исбот қилишга уринди¹⁸. Назария нацистлар Германияси томонидан расмий мафкура сифатида қабул қилинди.

¹⁷ Гумплович Л. Общее учение о государстве. – Спб., 1910. – С. 47; 120-121.

¹⁸ Қаранг: Каутский К. Материалистическое понимание истории. – М., 1931. – т. 2; Дюринг Е. Ценность жизни. – Спб., 1894.

Бу назарияга қандай муносабатда бўлиш мумкин? У давлат ҳосил бўлишидаги муайян ҳодисаларни ажратиб кўрсатишини, уларга ортиқча баҳо беришини, уларга универсал тус беришини кўриш қийин эмас.

Чиндан ҳам, бир халқ бошқа халқ томонидан босиб олинган, бу янгидан пайдо бўлган жамиятнинг ижтимоий-этник тузилмасида акс этган. Бироқ бу илк синфий давлат шаҳар-давлат сифатида мавжуд бўлган, босиб олинган халқлар ўзларининг чекланган давлат тузилмалигига эга бўлган ёки ўз тараққиётида ижтимоий ҳаётнинг давлат-ташқилий шаклларини қабул қилиш даражасига етган иккиламчи жараён эди. Бундан ташқари, зўрлик назарияси вақтдан ташқари, абсолют тусга эга, XIX –XX аср бошидаги тасаввурлар ва билимлар даражасига муовфик келади.

Шу билан бирга давлатнинг ҳосил бўлишида «босқинчиллик» омилини бутунлай улоқтириб ташлаш маъқул эмас, бунда, бироқ, тарих мағлуб бўлган халқ томонидан босқинчиларнинг «ютиб юборилиши», қўшилиб кетишининг, мағлуб бўлган халқлар давлат шаклларининг босқинчилар томонидан сақлаб қолиниши ва ўзлаштирилишининг кўплаб мисолларини билишини ёддан чиқармаслик керак. Хуллас, зўрлик назарияси давлат келиб чиқишининг муҳим сабабларини айтиб бера олмайди, фақат унинг айрим шаклларини, асосан иккиламчи жиҳатларини кўрсатади (шаҳар-давлатларнинг ўзаро урушлари), ҳудудий жиҳатдан кенг кўламли давлатларнинг шаклланиши, инсоният тарихининг мавжуд давлатлар ҳали давлат ташкилотини билмаган халқларнинг ҳужумига дучор бўлиши натижасида емирилиши ёхуд ғолиблар томонидан фойдаланишининг айрим мисолларини айтиб ўтиш мумкин (масалан, герман қабиларининг Римга ҳужуми).

Ирригация назарияси немис олими К.Виттфогель номи билан боғлиқдир. Унинг «Шарқий деспотизм» асарида давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан ирригация иншоотлари курилиши билан боғланади. Ушбу зарурият жамиятни асоратга солувчи «менежериал-бюрократик синф» ҳосил бўлишига олиб келади. К.Виттфогель деспотизмни «гидравлик» ёки «агроменежериал» цивилизация деб атайди.

Ҳақиқатдан ҳам, қудратли ирригация тизимларини барпо этиш ва қўллаб-кувватлаш жараёни бирламчи шаҳар-давлатлар ҳосил бўлган минтақаларда – Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитойда, бошқа вилоятларда юз берган эди. Шунингдек ушбу жараёнларнинг бошқарувчи тўраларнинг кўпсонли синфи, каналларни лойқа босишидан ҳимоя қилувчи, уларда кемалар қатнавини таъминловчи хизматларнинг шаклланиши билан боғлиқдиги ҳам аёndir.

Осиёча ишлаб чиқариш усулидаги давлатнинг деспотик шаклларини улкан ирригация курилишлари билан боғлашга интилган К.Виттфогелнинг ғоялари ҳам ўзига хосдир. Ирригация ишларини қаттиқ марказлаштирилган бошқарув, тақсимот, ҳисоб, бўйсуниш зарурияти талаб этар эди.

Шу билан бирга ирригация назарияси давлат ҳосил бўлишининг айрим алоқаларини, баъзи жиҳатларини илғаб олади, холос, бироқ уларни гипербаллаштиради ва универсалаштиради.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, айрим минтақаларда давлат тузилмалари ҳосил бўлиши ва йирик ирригация иншоотлари курилиши бир-бирига таъсир кўрсатиб баб-баравар амалга оширилди. Аммо ушбу жараёнларда давлатнинг пайдо бўлиши бирламчи эди. Айнан унинг мавжуд бўлиши бундай йирик ва мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш

имконини берди. Бошқа минтақаларда шаҳар-давлатлар меҳнат, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа шаклларига: конларнинг қазиб олинишига, металтургияга, дengиз сайдиги ривожланишига ва мана шунинг асосида дengиз савдоси олиб борилишига таянган ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг қарор топиши жараёнида пайдо бўлди.

Психология назарияси (Л.Петражицкий¹⁹, З.Фрейд, Г.Тард) давлатнинг пайдо бўлишини инсоннинг психикаси, индивиднинг жамоада яшашга эҳтиёжи, кўрсатмаларига кундалик ҳаётда амал қилиш мумкин бўлган обрули кишиларни излаши, буйруқ бериш ва итоат этиш истаги билан изоҳлайди. Мазкур назария тарафдорлари ўз ғояларини асослаш учун инсон онгининг доҳийлар, диний ва сиёсий арбоблар, қироллар ва бошқа раҳномаларнинг обрў-эътиборига боғлиқлигининг тарихий мисолларига ҳавола қиласидилар.

Синфий назарияга мувофиқ (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов²⁰) давлат ижтимоий-иктисодий муносабатлар ўзгариши, ишлаб чиқариш усули натижасидир, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий курашнинг кескинлашиши якунидир. У одамларни эзиш, бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлигини қўллаб-куватлаш воситасидир. Бироқ синфлар йўқотилиши билан давлат ҳам ўлади.

Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги марксча назариянинг асосий қоидаларини низоли, хато ва ҳатто хаёлий қоидаларнинг муайян комбинацияси ташкил этади.

Давлатнинг ташкил топишида синфларнинг ролини ошириб юбориш, айниқса ҳукмрон синфларнинг ролини

¹⁹ Петражицкий Л.И. Теория права и государства в связи с теорией нравственности. – Спб., 1907. – т.1. С. 845; 164-188.

²⁰ Қаранг: Энгельс Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Тошкент; 1976 йил; Ленин В.И. Давлат ва революция// Тўла асарлар тўплами. – 33-том.

ошириб юбориш, бирламчи давлатларнинг мажбурлаш, зўрлаш шакллари тўғрисидаги қоидалар, қулдорлик давлатига бирламчи универсал, типик хусусият бағишлиаш хатодир.

Давлат ҳосил бўлишини ишлаб чиқарувчи иқтисодиётнинг қандайдир алоҳида жиҳатлари билан эмас, балки унинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик моҳиятининг бутун спектри билан боғлаш абстракт, назарий ва тарихий даражада методолоик жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Инсоният тараққиётининг муайян босқичида пайдо бўлган давлат қандайдир сунъий, механик, жамиятта ташқаридан тиқиширилган нарса эмас ёки айрим одамлар, синфлар хатти-ҳаракати натижаси ёки илоҳий кўринишларнинг намоён бўлиши эмас.

Давлат — бу иқтисодий, ижтимоий ва маънавий мухитда органик пайдо бўлувчи, жуда муҳим сиёсий роль йўновчи ва катта ижтимоий қимматта эга бўлган инсониятнинг мавжуд бўлиши ва тикланишининг холосона зарур, муҳим ташкилий шаклларидан биридир. Фақат битта назария ҳақиқийдек туолади. Лотин мақолида «*error multiplex, veritas und*» — ҳақиқат ҳамиша битта, ёлғон ҳукмлар жуда кўп бўлиши мумкин дейилиши ҳам бежиз эмас. Бироқ жуда мураккаб ижтимоий институт бўлган давлатга нисбатан бундай схематик ёндашиш тўғри бўлмаган бўлур эди. Бир қисми энг қадимги даврларда ва ўрта асрларда пайдо бўлган ва давлат пайдо бўлишининг у ёки бу жиҳатларинигина қамраб оловчи кўплиаб назарияларнинг умумий тавсифида унга танқидий муносабатда бўлиш билан бирга улардаги ижобий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш ҳам муҳимдир.

²¹ Т.В.Кашинина давлат келиб чиқиши ҳақиқати бугунги кунгача маълум бўлган барча назарияларни кўриб чиқади. Бу ҳақда қаранг: Кашинина Т.В. Кўрсатиб ўтилган асар. – С. 52-103.

Кўринадики, давлатнинг келиб чиқиши назариялари (биз уларнинг айримларигагина тўхталдик²¹) жуда кўп. Давлатнинг келиб чиқиши назариялари плюрализми гно-сеологик (назарий-билиш), ижтимоий, мафкуравий ва сиёсий сабабларга эгадир. Ушбу назарияларнинг ҳар бири нисбийдир, уларнинг ҳар бирининг муаллифларини мыйлум бир субъективизмда айблаш мумкин. Айни вақтда уларнинг ҳар бири давлат пайдо бўлишининг асосий омили сифатида ўз тарихий турмушида давлатчилик пайдо бўлишининг қирраларидан бирини танлаб олиб давлат пайдо бўлишининг, унинг типлари ва шаклларининг ранг-баранглигини яна бир марта таъкидлайдилар.



Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқалдам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда турди.

И.Каримов.

**Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.
—Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 375-б.**

**ИККИНЧИ ЛАВҲА
ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ АСОСИЙ
ИНСТИТУТЛАРИ
ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРНИНГ
ЭВОЛЮЦИЯСИ**



Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг қарор топиши ва ривожланиши

Тарихий-ҳукуқий ва археологик тадқиқотлар суғорма зироатчилик, металлургия, ҳунармандчилик, дастлаб ай-ирбошлаш, сўнгра пул, қўйма шаклидаги савдода ўз аксини топган етарлича ривожланган иқтисодиёт пайдо бўлганда, тегишли ижтимоий гуруҳлар ва синфлар ажратиб чиққан ҳолда мулкий табақалашув юзага келганда, монарх бошчилигига жамиятнинг мураккаб иерархияси, мерос қилиб қолдириш ҳукуки қарор топгач ва давлатни бошқариш учун ҳар хил ҳукуқий ҳужжатлар тузишга кўмаклашувчи ёзув пайдо бўлгачгина давлатчиликнинг бирламчи шакллари пайдо бўлиши тўғрисида сўз юритиш мумкинлигини кўрсатади.

Қуйи Месопотамия (Шумер ва Аккад), Миср ва Шарқий Ўрта денизнинг милоддан аввалги IV мингийиллик охири – милоддан аввалги III мингийиллик бошларида пайдо бўлган энг илк давлат тузилмаларини тавсифловчи унча тўлиқ бўлмаган асосий белгилар мана шулардан иборат.

Энг қадимги шаҳар давлат бирлашмаларининг бирлами чи намуналари ҳисобланади. Эгаллаб турган ҳудудига кўра жуда оз жойга жойлашган шаҳар-давлатлар хўжалик, сиёсий ва диний марказлар ҳисобланган. Масалан, Қуйи Месопотамияда атиги 1000 кв.км майдонда бир нечта шаҳар-давлатлар: Урук, Ларса, Лагаш, Ур жойлашган. Урук билан Лагаш ўртасидаги масофа атиги 24 километрни ташкил этган. Кейинчалик босқинчилик урушлари натижасида ушбу шаҳар-давлатларнинг деспотик ҳокимият тизими ўрнатилган, бир неча юз кв.километрга ёйилган ягона, нисбатан катта подшоҳликларга бирластирилиши юз берган. Ушбу илк подшоҳликлар сўнгра

кўпроқ қўшни подшоҳликларнинг зўрлик билан босиб олиши натижасида жуда катта ҳудудни эгаллаган монархияларга айланган.

Давлат тараққиёти мантиғи ва муайян шароитлар уларнинг баъзиларини бир неча қитъалар ҳудудига ёйилган улкан жаҳон империяларга айлантирган. Бунинг ёрқин мисоли Аҳамонийлар империясидир. Ушбу империя таркибига Осиё, Европа ва Африка мамлакатлари кирган. Яқин ва Ўрта Шарқда келиб чиққан давлат бирлашмалири эволюциясининг асосий йўли мана шундан иборат.

Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғидаги давлат бирлашмалари генезиси ва эволюцияси жараёни гарчи муайян тарихий сабабларга кўра юқорида айтиб ўтилган ҳудудлар айни бир давлатлар таркибига кирган бўлса ҳам (Аҳамонийлар империяси, Салавкийлар подшолиги) улардан фарқ қиласди.

Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи — алоҳила тарихий-географик ва тарихий-маданий ҳудудидир, унинг цивилизацияси икки буюк дарё: Амударё (қадимги Окс) ва Сирдарё (қадимги Яксарт) туфайли кўплаб минг йилиллар мобайнида мавжуд бўлди. Бу жойда юзага келган давлатлар қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам умумий белгилар бўлишига қарамай, Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларидаги давлатлардан кўплаб белгиларига кўра ажралиб турган Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи ҳудуди доирасининг ўзида шимолий вилоятлар (Хоразм) ва жанубий вилоятлар (Бақтрия) айниқса қадимги даврларда этник ва маданий, тил ва ёзув, давлат курилиши тизими жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Бу ҳар бир вилоятга хос бўлган маданий-генетик типлар, даражаси ҳар бир вилоятда турлича бўлган ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг рақобатлашуви билан белгиланган.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатлар ривожланишини даврларга бўлиш

Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғида қадимги даврда давлатчилик эволюциясининг милоддан аввалги II мингийилликнинг иккинчи ярми, милоддан аввалги III аср гачадан – янги эранинг IV асри оралағидаги вақтни қамраб олган бир неча даврларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Давлатчиликнинг ilk шакли қарор топиши Ўзбекистон жанубида тарқалган сўнти бронза даврининг ўтрок-дех-қончилик маданиятида юз берди. Унинг якунланиши Ўрта Осиё ҳудудида янги эранинг III асри биринчи ярмida мавжуд бўлган Кушон ва Парфия империялари ҳалокати билан деярли бир вақтга тўғри келади. Қанғ давлати тахминан ўша пайтда инқирозга учрайди¹.

Биринчи давр – милоддан аввалги II мингийилликнинг иккинчи ярми – Ўзбекистон жанубида эмбрионал шакла давлатга ўхшаш тузилманинг қарор топиши. Давлатнинг бундай намунаси Жарқутонда ўз аксини топган дейиш мумкин.

Иккинчи давр – милоддан олдинги I мингийилликнинг боши – милоддан аввалги 539 йил – Бақтрия, Сўғд, Хоразм тарихий-маданий вилоятларининг шаклланиши. Уларда сиёсий ҳокимият тизимининг шохобчали тизимиға эга бўлган давлатнинг ilk шаклларини кўриш мумкин. Жумладан, «Авесто»дан ўрин олган маълумотлар ҳам бундан далолат беради. «Авесто»да: нйман (уй-оила), вис (урӯф, уруғ манзилгоҳи), занту (қабила), даҳюю (вилоят, мамлакат), шунингдек ҳар хил олий ҳукмрон шахслар, мамлакат, вилоят эгалари (даҳюю-патлар), ҳукмдорлар, (састрлар) ва бошқалар² эслатилади.

¹ Ртвеладзе Э.В. Эволюция художественной культуры и развитие государственности в Узбекистане // Санъат.-1998.-№1,8-9 б.

² Лившиц В.А. Общество Авесты // ИТН.-т.-1.-М., 1963. С. 145-148.

Қадимги Бақтрия ва «Катта Хоразм» подшоликлариға ўхшаш йирик ҳудудий ёки сакларда бўлгани сингари (Зарина, Тўмарис) аёл подшо бошчилигидаги қабилалар конфедерацияси ҳам ҳудди шу пайтда келиб чиққанлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Учинчи давр - милоддан аввалги 539 йил – милоддан аввалги 330 йил – Аҳамонийлар босқини ва Ўрта Осиёning Аҳамонийлар давлати таркибига кириши туфайли келиб чиққан маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги танаффус.

Икки юз йил давомида Ўрта Осиё жануби Аҳамонийлар салтанати таркибига кирган. Унинг бутун ҳудуди сатрапларга бўлинган. Сатраплар Аҳамонийлар подшолари ғазнасига кумуш ҳисобидан талан тўлаб туришган. Ўрта Осиёдаги сатрапликдан учтаси – Бақтрия, Сўғд, Хоразм тўлиқ ёки қисман ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган эди.

Салтанатнинг ҳалокатга учраши Александр Македонский келиши билан юз берди. Александр Македонский милоддан аввалги 330 йилда Аҳамонийларнинг асосий кучларини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ҳудудига Аҳамонийлар таҳтига охирги талабгор – Бақтрия сатрапи Бесснинг изидан кувиб кирди. Александр Македонский Ўрта Осиёни босиб олишга уч йил (милоддан аввалги 330-327 йиллар) сарфлаган. Ўрта Осиё ҳалқлари, айниқса Спитамен бошчилигидаги сўғллар унинг қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган.

Тўртинчи давр – милоддан аввалги IV аср охири милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми боши – Александр Македонский босиб олгандан бошлаб эллинлар сиёсий хукмронлиги охиригача (Юнон-Бақтрия подшолигининг қулаши). Бир вақтнинг ўзида маҳаллий давлатчиликнинг тикланиши жараёни юз берган: милоддан

аввалги IV асрнинг охирги чорагида Хоразмда подшолик пайдо бўлади. Ариян асарларидан маълумки, милоддан аввалги 329 йилда Марокандда Александр Македонский иттифоқчилик муносабатлари ўрнатиш учун келган Хоразм шоҳи Фарасманни қабул қиласди.

Милоддан аввалги III аср охирида – милоддан аввалги II асрда Бухорода, Довон (Фарғона)да, Сўғдда алоҳида мулклар шаклланади. Эҳтимолки, айни шу даврда кейинчалик таркибига деярли бутун Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи кирган Қанғ давлати қарор топиши юз берган.

Александр вафотидан кейин диадохларнинг шиддатли урушларидан сўнг Ўрта Осиё жануби Салавкийлар салтанати (милоддан аввалги 310-250 йиллар) таркибига кирган. Бироқ милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида ёқ Салавкийларнинг Бақтриядаги сатрапи Диодот метрополияга қарши қўзғолон кўтаради ва фанда Юнон-Бақтрия деб ном олган мустақил давлат ташкил этади.

Юнон-Бақтрия подшолиги сак қабилалари (асийлар, пасинлар, сакаравллар), сўнгра хунларнинг зуғуми билан Бақтрияга келган юэчжи-тоҳарларнинг зарбалари остида қулайди. Юэчжи-тоҳарлар дастлаб Шимолий Бақтрияга (Ўзбекистоннинг ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Шимолий Тожикистон) жойлашадилар, сўнгра эса Бактрада (ҳозирги Шимолий Афғонистондаги Балх) пойтахтга асос солиб бутун Бақтрияни босиб оладилар. Улар алоҳида мустақил мулклардан иборат бўлган ўзига хос конфедератив типдаги давлат барпо этадилар.

Милоддан аввалги II асрда Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғида худди шунга ўхшаш Қанғ давлати шаклланади. Ушбу давлат, Хоуҳанъшунинг маълумотларига кўра, бешта мулкдан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз тангасини зарб этган. Бу уларнинг мустақиллигидан далолат берарди.

Бешинчи давр – милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми – янги эранинг I асли боши - маҳаллий давлатлар: Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Сўғд, Довон мустаҳкамланиши ва янада ривожланиши, Юэчжи давлатининг қарор топиши ва унинг ҳокимиятининг Гандхарига қадар ёйилиши. Ушбу мулкларнинг деярли ҳар бирида кумуш ёки мисдан ясалган танга зарб қилинган (Довон бундан мустасно). Маҳаллий сўғд, хоразм ёзувларининг пайдо бўлиши танга зарб қилиш билан биргаликда ривожланган давлатчиликнинг асосий белгиси ҳисобланар эди.

Олтинчи давр – янги эранинг I асли боши – янги эранинг III асли биринчи ярми – антик даврда маҳаллий давлатчиликнинг равнақ топиши. Ўзбекистон жанубининг конфедератив Юэчжи давлати асосида пайдо бўлган қудратли Кушон империяси таркибига кириши. Иккι дарё оралиғида давлат тузилмаларининг мустаҳкамланиши ва янада ривожланиши. Балким Чочда янги мулкчилик пайдо бўлиши ва ўз мис тангасининг зарб қилиши. Хоразмда Афригидлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши, бу ерда сулолавий бошқарувнинг аньанавийлиги. Бу, жумладан, давлат рамзи бўлган танганинг орқа томонида отлиқ суворий тасвири берилишида ифодаланган.

Ўрта Осиё давлатларида зарб қилинган давлат рамзи бўлган – тамға ва сулола белгиларининг кенг ёйилиши Фарбий ўлка, Шарқий Ўрта ер мамлакатлари ва Парфия билан дипломатик алоқаларнинг кенг авж олиши билан биргаликда давлат ҳокимиятининг барқарор ва аньаналарга эга бўлган хусусиятидан далолат беради.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Ханъ Хитойи Чжан-Цзяннинг ташрифи туфайли ўзи учун Фарбий ўлкани, яъни Ўрта Осиёни кашф этади, милоддан

аввалги II аср охиридан бошлаб эса Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида мунтазам дипломатик ва савдо муносабатлари амалга оширилали.³ Цивилизация тарихида биринчи марта Farb ва Шарқ мамлакатларини бирлаштирган қитъалараро Буюк Ипак йўлиниң қарор топиши ушбу муносабатларнинг буюк якуни бўлди.⁴

Маҳаллий антик даврда (милодий I асрда – милодий II асрнинг биринчи ярми) Шимолий Бақтрия милодий I асрнинг биринчи ярмида юэчжи уруғларидан бирининг доҳийиси Кудзула Кадфиз томонидан асос солинган курратли Кушон империяси таркибига кирди. Бу даврда ўзида мустақил давлатни ифодалаган Сўғд (Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари) эҳтимолки, у ҳам юэчжилардан келиб чиқсан Гиркод сулоласи томонидан бошқарилар эди.

Хоразмда Афригидлар ҳокимият тепасига келган ва 700-800 йил давомида ҳукмронлик қилган. Бухоро ва Довон (Фарфона), шунингдек, эҳтимолки, Чоч мустақил давлатлар эди. Чочда (У-шу типдаги хитой тангларидан фойдаланувчи Довондан ташқари) ўз танглари зарб қилинганилиги ҳам шундан далолат беради. Трансоксионнинг ушбу барча мулклари Қанғ таркибига кирганлиги ҳам истисно эмас.

Милодий III-IV асрлар Ўрта Осиё тарихида қадимги буюк империялар – Кушон ва Парфия империяларининг ҳалокатга учраши, кўплаб майда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, хионит ва кидарит кўчманчи қабилаларнинг бостириб кириши, қадимги ижтимоий формациянинг емирилиши, иқтисодиёт, моддий ва маънавий мада-

³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Дипломатия стран Центральной Азии в древности //Московский журнал международного права.-1999.-№1. С. 118-137.

⁴ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Ташкент, 1999.

ниятнинг муайян даражада тушкунликка юз тутиши билан тавсифланади.

Давлат тузилмалари типлари

Бутун қадимги давр мобайнида Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғида давлат бирлашмаларининг ҳар хил типлари мавжуд бўлган.

Генетик белгисига кўра улар орасида автохтон, яъни маҳаллий субстрат асосида пайдо бўлган ва изчил ривожланган давлат бирлашмалари (Қанғ, Хоразм) ва ёт, яъни Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғи тўғридан-тўғри ҳарбий босқин натижасида таркибига киритилган ва кейинчалик бўйсундирилган давлатлар (Аҳамонийлар империяси, Бақтрияning Юнон давлати) ажратиб туради.

Ушбу ўринда мустаҳкам ва узоқ вақт ўрнашиб қолган ва муайян даражада субстрат аҳоли билан аралашиб кетган келгинди босқинчилар симбиози натижасида пайдо бўлган давлат бирлашмаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўрта Осиёдан чиққан юэчжилар томонидан милодий II аср охирида – милодий I аср бошида Сўғд ва Шимолий Бақтрияда барпо этилган давлат бирлашмалари мана шундай аралаш типдаги давлатларга тегишлидир. «Шимолий қасрлар – Бейшилар тарихи (VII аср)»га мувоғиқ Бухоро ва Самарқанд Сўғди билан айнан деб қараладиган Ань ҳукмдорларининг Чжаову хонадони, яъни дастлаб Ўрта Осиёдаги ҳозирги Ганьсу музофоти ҳудудидаги Циланьшанъ қоясининг шимолий томонида истиқомат қилган юэчжилар билан умумий келиб чиқишига эга эдилар. Бироқ Сўғдга келиб чиқиши юэчжи бўлган барча суполаларнинг кўчиб келиши, бу ерда, шу жумладан Самарқанд ва Бухорода ўрнашиши билан улар «Чжа-

ову лақабини сақлаб қолдилар».⁵ Ушбу сулолалар бу ерда VII-VIII асрларгача ҳукмронлик қилган. Жумладан, бухоролик ҳукмдор Алинга 627 йилда танъ императори Тхашзунга ёзган хатида бундай деган: ««Унинг хонадони йигирма иккинчи тирсакда авлоддан-авлодга подшолик» қилган. Агар ҳар бир подшоликка ўртacha 20-30 йил ажратиладиган бўлса, Аминганинг юэчжи хонадони тахминан 400-600 йил, яъни милодий I аср бошидан бошлаб подшолик қилган».⁶

Келиб чиқиши Чжаоу хонадони билан боғланадиган Хоразм ҳукмдорлари сулоласи барқарор тусга эди.

Ушбу сулола, нумизматик маълумотларга кўра, Хоразмда милодий I асрдан бошлаб милодий VIII асрнинг ўзини ҳам ичига олган давргача ҳукмронлик қилган. Давлат рамзлари бундан далолат беради: қадимги ва ўрта асрлар Хоразм тангларининг барчасида улар зарб қилингандан бошлаб тугаллангунга қадар отлиқ суворий ва ўзгартирилган тамға тасвири бор.⁷ Бу нафақат Ўрта Осиёда, балки Шарқнинг бошқа давлатларида ҳукмронлик қилган барча сулолалар учун ўзига хос ҳодисадир.

Демак, мусулмончиликкача Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолаларнинг генетик табиатини типологик аниқлаш билан чегараландик холос. Энди бевосита давлат бирлашмалари типологияси ва шаклини кўриб чиқамиз.

⁵ Бичурин И. Создание сведений о народах, обитавших в Центральной Азии в древности.-М.-Л., 1950.-Т.II. С. 271. Вайнберг Б.Н. Некоторые вопросы истории Тохаристана в IV-V вв.//Буддийский культовой центр Кара-теле в старом Термезе.-М.,1972. С. 145-155.

⁶ Бичурин И. Кўрсатилган асар.-282-б; Ртвеладзе Э.В. Бухара в древности и раннем средневековые//Бухара-жемчужина Востока.-Ташкент,1997. С. 34.

⁷ Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма.-М.,1977.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлат типологияси

I. Давлат типи – подшолик. Бошқарув шакли – мутлақ монархия. Ўзбекистоннинг қадимги тарихида у бундай типдаги ва бошқарув шаклидаги давлат таркибиға кирган бир неча даврлар бўлган.

Милоддан аввалги 539 йилдан бошлиб милоддан аввалги 330 йилгача Икки дарё оралиғидаги деярли бутун ҳудуд, Фарғона ва Чоцдан ташқари, Аҳамонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳлари ҳумкронлигига бўйсунган. Хоразм, Сўғд, Бақтрия, шунингдек саклар муайян маъмурӣ бирликлар-сатрапликларни ташкил этган. Уларга Аҳамонийлар подшолари томонидан тайинланадиган сатраплар бошчилик қилган ва улар давлат ғазнасига маълум миқдорда ўлпон тўлаган.

Юон-Бақтрия подшолиги муайян мустақилликдан фойдаланувчи тизимли мутлақ монархия эди. У милоддан аввалги III аср ўртасида барпо этилган бўлиб, милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми бошигача мавжуд бўлган. Бутун ушбу давр мобайннида Шимолий Бақтрия ва муайян босқичларда – Сўғд унинг таркибиға кирган. Бироқ подшолар ҳокимияти ушбу давлатда ҳамма вақт ҳам мерос қилиб қолдирилмаган: унинг биринчи шоҳлари – Диодот I ва Диодот II ни ҳокимият зўрлик билан эгаллаб олиниши натижасида улар билан қариндошлиқ ришталари билан боғланмаган Евтид алмаштириди.

Шимолий Бақтрия ва Сўғд ҳам милоддан аввалги IV аср охиридан милоддан аввалги III аср ўртасигача бошқа юон эллинистик подшолиги – Салавкийлар таркибиға кирган. Ушбу сулоланинг иккинчи ҳумкдори Антикоҳ I (милоддан аввалги 280-261 йилилар) Салавка билан сўғдлар йўлбошчисининг қизи Апам ўртасидаги никоҳдан туғил-

ган ярим сўғдий эди. Бинобарин, милоддан аввалги I аср ўртасигача мавжуд бўлган ушбу сулоланинг барча вакиларида сўғд қони бор эди.

Милодий I асрдан бошлаб милодий III аср ўртасигача мавжуд бўлган Кушон подшолиги мутлақ, ёрқин ифодаланган теократик монархия эди.

Бутун шу давр мобайнида, биринчи шоҳ, Кудзула Кадфиз ҳукмронлиги давридан ташқари, Икки дарё оралиғининг жанубий вилоятлари ушбу давлат таркибига кирган. Ушбу давлат ҳам муайян сатрагиларга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари Кушон шоҳларига тўлиқ қарам эди. Бундан ташқари, Кушон подшолигида маркграфликка ўхшаш алоҳида чегара вилоятлари мавжуд эди. Уларнинг тепасида Бақтрияча карапраго деб аталадиган канаранглар – ҳарбий саркардалар турган. Ўзбекистоннинг ҳозирги Сурхондарё вилояти, эҳтимолки, мана шундай вилоят эди.

Эҳтимолки, давлатнинг бундай типига Аҳамонийлар империяси парчаланиб кеттандан кейин милоддан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган Хоразм подшолиги ҳам тегишилдири.

Милодий I асрдан бошлаб ушбу подшоликда марказлаштирилган тартибда танга зарб қилинадиган мерос қилиб қолдириладиган янги сулола қарор топган.

Шимолий Бақтрия милодий III аср ўртасидан бошлаб милодий IV аср охиригача Сосонийлар подшолиги юрисдикцияси остида бўлган. Унинг таркибига кирган Бақтрия маҳсус ҳукуқлардан фойдаланган. Унинг тепасида келиб чиқиши Сосонийлар сулоласининг ҳар хил шоҳобчаларига тегишли бўлган, кушонлар унвонига ҳамда олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилиш ҳукуқига эга бўлган сосоний шаҳзодалар турган. Уларнинг айримлари кейинчалик бутун давлатининг подшоси бўлган эдилар.⁸

⁸. Луканин В.Г. Культура Сасанинского Ирана. -М., 1969. С. 124-152.

2. Давлат типи — конфедератив подшолик. Бошқарув шакли — чекланган монархия. Давлатларнинг ушбу тилига Қанғ ва Юэчжи давлатларини ёки Катта юэчжи давлатининг кушонларгача мавжуд бўлган биринчи даврини киритиш мумкин.

Улар одатда қабила бошлиқлари ёки ўз тангасини зарб қитувчи уруғ бошлиқлари томонидан бошқариладиган бир нечта мустақил ўлкалардан иборат бўлган.

Мисол учун Қанғ давлати ҳудудида камида бешта мана шундай ўлка бўлган. Булар: Бухоро ва унинг атрофи. Унинг ҳукмдорлари Евтидем тангаларига тақлид қилиб ўз номлари ва унвонлари битилган тангалар чиқарган, Бухоронинг жануби-шарқи ва Самарқанд Сўғдининг шимоли-ғарби. Бу ерда Гиркод сулоласидан чиққан доҳийлар ҳукмдорлик қилган, ҳар хил шоҳларнинг номлари битилган ўз тангаларини чиқарган Самарқанд Сўғди ҳамда ўзи мустақил танга зарб этган Жанубий Сўғд ўлкалариdir.⁹

Хоразм мутлақо мустақил подшолик бўлган. Унинг ҳукмдорлари энг юқори уг'зонга — MR'Y MLK' (давлат-подшо)га эга бўлганлар.

Айни вақтда ушбу ўлкалар учун умумий бўлган Қанғнинг зарб қилинган тангаси мавжуд бўлмаган.

Юэчжилар томонидан барпо этилган, биринчи Кушонлар давригача мавжуд бўлган Юэчжилар давлати ҳам худди шундай типда бўлган.

Ушбу давлат Қанғ сингари бешта ўлқадан иборат бўлган. Уларга турли юэчжи уруғларининг вакиллари бошчилик қилган. Ушбу Хюми, Шуанми, Гўйшиан, Хиси, Хуанми ўлкалар Бақтриянинг турли қисмларида жойлашган бўлиб, номигагина юэчжиларнинг олий ҳукмдорларига бўйсунган.

⁹ Сўғдаги бу даврдаги тангалар тўғрисида қаранг: Зеймаль Е.В. Политическая история древней Трансоксианы по numismaticheskim dannym // Культура Востока. Древность, раннее средневековье.-Л., 1978. С. 192-214.

Ушбу давр учун танга зарб қилишнинг беш турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар: Сападбиз, Фсейгархарис, Кушон (Герая), Гелиокл ва Евкратид тангаларига тақлид қилишидир. Бу уларни зарб этган турли юэчжи уруғлари йўлбошчиларининг амалда мустақил бўлганлигидан далолат беради.

Улардан бири – Кушоннинг авлодлари бирмунча вақтдан кейин буюк Кушон подшолигини барпо этган. Моҳият эътибори билан бу Катта ёки Буюк юэчжилар давлатининг ўзи эди. Қадимги Хитой ёзма манбаларида улар мана шундай номланган.

3. Давлат типи – эгалик қилиш. Бошқарув шакли қабила доҳийлари ёки уруғ бошлиқларининг мерос қилиб қолдириладиган ҳокимияти.

Давлат бирлашмасининг ушбу типи кичикроқ ўлка бўлган. Юнон-Бақтрия подшолиги қулагач Бақтрияга келган Чжан-Цзян томонидан милоддан аввалги 128 йилда ёки милоддан аввалги 126 йилда қайд этилган. Унга мувофиқ Бақтрия кўплаб майда мустақил ўлкалардан иборат бўлган. «Бу ерда деярли ҳар бир шаҳар ўз хукмдорини етиштирган».

Хитой манбаларида Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ҳудудида 55 та ўлка мавжудлиги кўрсатилади. Улар муайян мустақилликдан фойдаланган ва ўз ташки сиёсатини юритишган, жумладан Хитой билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.¹⁰

Пул муносабатлари

«Товарларнинг товари ҳисобланган пулнинг пайдо бўлиши қадимги давр илғор цивилизациялари ижтимоий-иктисо-

¹⁰ Бичурин И. Кўрсатилган асар. 216-б; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Кўрсатилган асар. – 132-б.

дий ривожланишининг қонуний натижасидир. Товар айрибошлишнинг узоқ давом этган ва мураккаб жараёни ҳамда милоддан аввалги II-I мингийиллик бошида чакана ва халқаро савдонинг ривожланиши товар-пул ва муайян оғирлик андозаларидаги металл қўймалари муомаласи босқичи орқали ўтиб пировард натижада металл пуллар пайдо бўлишига олиб келган.

Илк тангалар бир томонида ёки ҳар иккала томонида тамға тасвир оғирлигига мослигини тасдиқловчи белгига эга бўлганилиги билан ёмбилардан фарқ қилган. Дастроб улар ўзида ҳар хил геометрик шаклларнинг чафиширилишини, ҳайвонлар, кушлар ва балиқлар-шерлар, тошбақа, тюлень, бойқуш, тунец тасвирини ифодалаган. Қадимги ҳинд тангалари – каршапанларда ҳам шунга ўхшаш тамға бўлган, бироқ уларда маҳаллий хусусиятлар, жумладан мистик рамзлар устунлик қилган. Фақат бирмунча вақт ўтгач тангаларда ёзувлар, шоҳлар тасвири пайдо бўлган, милоддан аввалги IV аср ўртасида эса, Александр Македонский даврида подшоларнинг суратлари тасвири пайдо бўлган.¹¹

Лидияда дастлабки тангалар электрдан (кумуш ва олтиннинг табиий қўймасидан) сўнгра эса кумушдан зарб қилинган. Фақат подшо Крез даврида (милоддан аввалги 561-546 йиллар) биметаллизмга (олтин ва кумушнинг бир пайтда ишлатилиши) асосланган, сўнгра Қадимги Эронда кенг ёйилган танга тизими тарқалган.

Қадимги танга тизимларида ёқ: милет, фокей, эгин, евбей тизимларида ҳар бир оғирлик стандарти учун ўзига хос зарб берилган ҳар хил қўйматдаги тангалар мавжуд бўлган. Уларни ягона нормага келтириш Македониянинг юксалиши ва Александр Македонский давлати барпо эти-

¹¹ Зограф А.Н. Античные мотеты. // МНА, 16.-1951. С. 40-41.

лиши даврида амалга оширилган. Александр Македонский-нинг кумуш тангалариға оғирлиги 17,44 г бўлган тетрадрахма, оғирлиги 4,36 г бўлган драхма, оғирлиги 1,6 г бўлган обол асос қилиб олинган.¹² Шу даврдан бошлаб бир неча юз йил мобайнида аттик тизим тангаларнинг асосий қийматлари оғирлиги бирмунча ўзгартирилган ҳолдаги эллинистик дунё таъсири остига тушиб қолган барча мамлакатларда, шу жумладан Ўрта Осиёнинг жанубий туманларида ҳукмронлик қилган. Ўрта Осиё metall пуллар дастлаб пайдо бўлган вилоятлар сирасига кирмаган. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси етарлича юқори эмаслиги бунинг асосий сабаби бўлган. Бу ерда тангалар пайдо бўлгунга қадар кўп асрлар давомида айирбошлиш савдосининг ҳар хил шакллари мавжуд бўлган, эҳтимолки ём билар муомаласи ҳам бўлган.

Ўрта Осиёда ўз танга зарб қилишининг пайдо бўлиши муаммоси яқин вақтларгача фақат хронологик ва худудий жиҳатдан, бу ерда муомала воситаси сифатида тангадан биринчи марта қаерда ва қачон фойдаланилганлиги муҳокама қилинарди.¹³ Унинг қарор топиши илк босқичларининг характеристири ва хусусиятлари кўламли нумизматик материал асосида Е.Зеймалнинг бир қанча тадқиқотларида назарий ва аниқ асосланган.¹⁴

Унинг фикрига кўра, Ўрта Осиё икки дарё оралиғида пул муомаласининг келиб чиқиши ва мустақил равишда танга зарб қилиниши куйидаги модел бўйича рўй берган: дастлаб

¹² Ўша жойда. С. 39-55.

¹³ Гафуров Б.Г. История таджикского народа в кратком изложении.-М., 1952.-т. 1. С. 87-92.; Массон В.М. Денежное хозяйство древней Средней Азии по нумизматическим данным // Вестник древней истории.-1955-3-ж. С. 46.

¹⁴ Зеймал Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы по нумизматическим данным//Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности.-М.,1983. С. 71-76., Ўша муаллиф. Древние монеты Таджикистана.-Душанбе.1983. С. 61-81..

бу ерга хазина сифатида ёт ўлкаларнинг тангалари келтирилган, сўнгра ёт ўлкалар тангаси намунаси бўйича у ёки бу вилоят учун энг «одатий» бўлган ушбу тангаларга тақлидан маҳаллий тангалар зарб қилина бошлаган. Бу тангалар танга зарб қилишнинг бошланғич шакли бўлибгина қолмай, ривожланган пул муомаласига эга бўлган давлатлар билан кўшни бўлган вилоятлар ва мамлакатларда пул муомаласининг бошланғич шакли ҳам бўлган. Ушбу жараённинг яқунловчи фазаси – Ўрта Осиё икки дарё оралигининг айрим вилоятларида мустақил танга эмиссиялар чиқарилишидир. Бироқ ушбу тахминга кўшилган тақдирда ҳам Салавкийларнинг айниқса Юнон-Бақтрияning тангалари Сўғд ва Шимолий Бақтрияга нисбатан ёт тангалар ҳисобланганми ёки ушбу тангалар ҳар иккала вилоят эллинистик давлатлар таркибида киргани учун ушбу жойда муомалада бўлганми деган масала ноаниқлигича қолади. Ушбу масала милоддан аввалги III-II асрлардаги Ўрта Осиё икки дарё оралигининг сиёсий тарихи билан боғлиқдир. Ушбу тарих, ўз навбатида, ёзма манбаларнинг ва нумизматиканинг жуда оз маълумотларига таянади.

Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия тангалари бу жойда муомала воситасини эмас, балки ҳамма вақт хазина функциясини бажарганлиги шубҳалидир. Бунинг устига топилмалар орасида жуда камдан-кам ҳолларда зарб қилинган давлат ташқарисига чиққан мис халқалар кўпилаб учрайди.

Кейинги йилларда жанубий Туркманистонда Аҳамонийларнинг кумуш дахмалари хазинаси топилди. Эҳтимолки, натурал айирбошлиш дунёсига муайян ўрнашиш ҳисобланган Аҳамонийлар тангалари Ўрта Осиё танга ишининг кейинги тарихида ҳеч бир из қолдирмаган. Улар бу жойда кейинчалик зарб қилиш пайдо бўлиши учун асос бўлмаган, айни вақтда Салавкийлар айниқса Юнон-Бақтрия тангалари Ўрта Осиёда пул муомаласи

пул зарб қилиш қарор топиши ривожланиши жараёнини бир неча асрларга белгилаб берган. Улар бу жойда дастлаб тақлид қилингандар эмиссиялар, сўнгра эса ўз тангалари пайдо бўлишига асос бўлган.

Е.Зеймаль томонидан таклиф этилган модель (буни нумизматика маълумотлари кўрсатади) универсал эмаслиги ҳам шак-шубҳасиздир; Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг ҳар хил тарихий-маданий вилоятларида ўз тангасини зарб қилиш бошқа йўл билан юз берган.¹⁵

Ҳозирги вақтга келиб жуда катта миқдорда танга материал тўплангандар. Бу биринчи марта Ўрта Осиё икки дарё оралиғида (фақат унинг географик доиралари билан чекланмаган ҳолда) милодий III-IV асрларгача пул муомаласи ривожланишининг бўлингандар мазмунли даврлаштирилишини амалга ошириш имконини беради. Афсуски, ёзма манбалар маълумотлари ва эпиграф маълумотларининг деярли тўлиқ мавжуд эмаслиги қиймат молия сиёсати ва ҳоказолар билан боғлиқ пул муомаласининг кўплаб масалаларини аниқлаштириш имконини бермайди.

Пул муносабатлари ривожланишини даврлаштириш. Биринчи давр (милоддан аввалги II мингийиликнинг иккинчи ярми – милоддан аввалги I мингийиликнинг биринчи ярми). Натурал айирбошлап ва айирбошлиш савдоси. Пул воситаси сифатида товар-пулдан эҳтимолки ём билардан фойдаланиш. Уларнинг аниқ обьектлари ҳозирча аниқланмаган, бироқ бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда булар дон, мол ҳар хил ҳунармандчилик буюмлари, чиғаноқлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Милоддан аввалги I мингийиликнинг биринчи ярми ёдгорликларида шаклига кўра тангаларга

¹⁵ Ртвеладзе Э.В. Модели генезиса монетной чеканки в Средне-азиатском Междуречье // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути.-Ташкент.1999. С. 170.

ўхшаш бўлган думалоқ керамика буюмлари мавжудлиги эътиборни ўзига жалб этади. Айрим тадқиқотчилар уларни ўйин учун фишкалар деб ҳисоблайдилар¹⁶, бироқ улар тангаларнинг эквиваленти сифатида фойдаланилган бўлиши ёки саноқ бирликлари ролини бажарган бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи давр (милоддан аввалги V-IV аср охири). Ўрта Осиё жануби танга билан танишиши, ёмбилар ва Аҳамонийлар биринчи тангаларининг муомалага кириши. Аҳамонийлар тангаларига маҳаллий зарб беришларнинг пайдо бўлиши.

Ушбу давр тангалари топилмалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд, бироқ барча ҳолларда улар тахминийдир: ҳозирча археология қазилмаларйда ушбу даврнинг бирорта ҳам тангаси топилмаган.

Айрим маълумотларга кўра Аҳамонийлар дариклари гўёки Афросиёбда, Эски Термизда ва Киркида топилган. Жанубий Туркманистонда ёки Хоразмда тиара (бош кийими) кийиб олган камончи тасвирланган Аҳамонийларнинг кумуш склейлари хазинаси топилган.

Ушбу хазинадан иккита танга Д.Бирюков томонидан эълон қилинган. У Ўрта Осиё жануби эҳтимолки Аҳамонийлар империясининг пул муомаласи доирасига кирганини тўғрисида хulosага келади.¹⁷ Шу билан бирга ушбу тангаларда зарблар борлиги улар тўғрисида Ўрта Осиё металли пуллари муомаласининг бошланғич шакли тўғрисида гапириш имконини беради. Аҳамонийлар дариклари ва драхмалари Амударё хазинаси таркибига кирган деб ҳисобланади, бироқ уларнинг топилиши ҳамда кейинчалик унинг таркиби тўлдирилиши билан боғлиқ ҳолатлар шубҳалидир.

¹⁶ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в северный Бактрии // СА-1954.-№19. С. 121-140.

¹⁷ Бирюков. Кўрсатилган асар. 5-18-6.

Шу билан бирга хазина таркибига милоддан аввалги VI-V асрларнинг бошқа тангалари ҳам кирган. Булар юонон шаҳарлари ва Кичик Осиёнинг Аҳамонийлар сатрапиларининг тетрордаҳмаси ва драхмаси, Афина тангаларига тақлид қилиш ва Македония тангаларига тақлид қилиш.¹⁸ Бироқ ушбу тангалар Амударё хазинасидан келиб чиққан тақдирда ҳам улар муомала воситаси сифатида эмас, балки бойлик сифатида фойдаланилган. Эҳтимолки, бу жойда қуймалар муомалада бўлган. Маълумки, Ўрта Осиёнинг уч сатрапга бўлинган вилоятлари Аҳамонийлар подшолари ғазнасига кумуш билан солиқ тўлашган. Бу 25, 92 килограммга тенг бўлган оғирлик бирлиги талан бўлган. Жумладан, мисол учун Бақтрия 360 талан тўлаган. Бу қарийб 900 тоннани ташкил этади. (Геродот, III, 117).

Бу шунчаки кумушнинг аморф массасигина бўлиб қолмасдан, балки тамғаланган тоштарози қуймалар бўлиши ҳам истисно эмас. Шундай қилиб, Аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрнинг ўртаси – милоддан аввалги IV аср охири) Ўрта Осиёнинг энг ривожланган вилоятларида пул муомаласининг бошланғич шакллари мавжуд бўлган. Олтин ва кумуш тангалар кўринишидаги қуймалар ва тангалардан фойдаланилган.

Ўрта Осиё халқларининг танга билан танишиши ва унинг Ўрта Осиёга эрта кириб келиши йўллари билан боғлиқ яна бир ҳолатни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бунда Бақтрияликлар, Сўғдлар ва хоразмликларнинг Аҳамонийлар Эрони, Юнонистон ва Мисрнинг турли қисмларида армияда хизмат қилганлиги назарда тутилади. Улар Аҳамонийлар тангаларини ўzlари олиб келган бўлишлари ёки тегишли банкирлик уйлари орқали

¹⁸ Зеймаль Е.В. Амударъинский клад. Каталог выставки. Л., 1979. С. 72-84.

(Бобилдаги Мураша уйи сингари) уларни ўз ватанига, Ўрта Осиёга юборган бўлишлари мумкин.¹⁹

Шу билан бирга ушбу давр тангаларининг Ўрта Осиёдаги амалдаги топилмалари тўғрисидаги кам учрайдиган далиллар уни ушбу минтақа аҳолисининг танга билан дастлабки танишиши ва эҳтимолки улардан айниқса зарб берилган дахмалардан муайян савдо операцияларида фойдаланган давр сифатида тавсифлаш имконини беради. Савдода натура билан айирбошлиш, солиқлар тўлашда эса муайян оғирлик андозасидаги қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металлар қўймалари фаол роль ўйнаган.

III давр (милоддан аввалги IV аср охири – милоддан аввалги II аср ўртаси). Умуман олганда ушбу давр Ўрта Осиёning бир қанча вилоятлари (Бақтрия, Сүфд, Парфия) танга ишининг эллинистик тизимиға кириши; бу ерда ҳақиқий товар-пул муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши; пул муносабатларининг майда бозор савдосига кириб келиши билан тавсифланади. Бу кўплаб шаҳарчаларда топилган мис (бронза) тангалар топилмалари; тангалардан ҳар хил функцияларда – пул сифатида, хазина сифатида фойдаланилганлиги; Салавка I, Юнон-Бақтрия даврида Бақтрияда, эҳтимолки, Сүфдда танга зарб қилишнинг пайдо бўлганлиги, маҳаллий хукмдор номидан зарб қилинган дастлабки тангалар (Бақтриядада милоддан аввалги IV аср охирида Вахшувар тангалари), Антиох I нинг Салавкийлар тангаларига илк маҳаллий тақдид қилишларда (милоддан аввалги III аср бошида Сүфдда) ва Александр Македонский тангаларига тақдид қилиш билан белгиланади.

Бутун учинчи даврни икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич: милоддан аввалги IV аср охири –

¹⁹ Дандамаев М.А., Луқанин Г. Кўрсатилган асар. – 40-6.

милоддан аввалги III асрнинг ўртаси. Иккинчи босқич: милоддан аввалги III аср ўртаси – милоддан аввалги II аср иккинчи ярми бошланиши).

Биринчи босқич учун пул муомаласи қарор топиши характерлидир. Бу Шимолий Бақтрия ва Сүғдда гарчи кам бўлса-да Александр Македонский (милоддан аввалги 336-323 йиллар), Салавка I (милоддан аввалги 311-381 йиллар) ва Антиох (милоддан аввалги 281-261 йиллар) тангалари топилмалари билан тасдиқланади. Жумладан, Александр Македонский ёки Салавка I драхмаси (ушбу тангаларниң илк чиқарилиши бир-биридан фарқ қилмайди) Дарбандда, Эски Термиз (Шимолий Бақтрия) яқинида, Кўхна Фазлида (Жанубий Сүғд) топилган. Салавка I драхмасининг нодир тури Шахри Мунқда (Шимолий Бақтрия) аниқланган. Салавка I дихалки Афросиёбдан келиб чиқкан.²⁰ Амударё хазинаси таркибида кўп миқдорда танга бўлган (47 та Салавкий I нинг тетрадрахми ва драхмаси)²¹.

Товар-пул муносабатлари доирасининг кенгайиши ва уларниң Шимолий Бақтрия ва Сүғдда жадалроқ ривожланиши Антиох I даврида юз беради. Ушбу подшонинг тангалари Тахти Сангинда – 6 халқа (огирлиги 0,72 граммдан 3,12 граммгача), Эски Термизда 3 драхма ва 1 халқа, Кампиртепада – 2 халқа, Денов тумани худудида – 1 халқа (Шимолий Бақтрия), Самарқандда – 2 халқа, Кўрғонтепада – обол (Сүғд) топилган.²²

²⁰ Ушбу топилма ҳақида қаранг: Зеймаль Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксиины по нумизматическим данным // Средняя Азия, Кавказ. Монеты Таджикистана. Душанбе., 1983 С. 65. Ртвеладзе Э.В. Новые открытия Узбекистанской искусствоведческие экспедиции // ВДИ.-1990.-№4; Давертов Д. Драхма Селевка с городища Шахри-Мунк//Нумизматика Центральной Азии. //Ташкент., 1997. С. 5-9.

²¹ Зеймаль Е.В. Амударъинский клад. С. 75-78.

²² Зеймаль Е.В. Начальный этап. С. 66-68.; Ртвеладзе Э.В. Селевкидские монеты из Кампиртепе//ОНУ.-1989.-№3 С. 2-48-57-6; Zeimal E.V. Coins from the excavations of Tokht-Sangin (1976-1991)//Studies in Silk Road Coins and Culture Ramakura, 1997-1991.

Ушбу топилмалар орасида халқалар кўпилиги етарлича ривожланган пул хўжалиги, жумладан майда чакана савдо мавжуд бўлғанлигини кўрсатади. Шунингдек, Салавка I дан тортиб Антиох II гача Салавкийлар танглари бевосита Ўрта Осиёнинг икки дарё оралигига туташиб кетган ҳудудда, Ойхонимда (67 та) аниқданганлигини қайд этиш зарур. Улар орасида Антиох I нинг танглари 62 та, Салавка I нинг танглари битта ва Салавка I ва Антиох I бирга зарб қилган танглар 3 та, Антиох II (милоддан аввалги 261-246 йиллар) танглари битта бўлган.²³

Салавка I ва Антиох I даврида Салавкийларнинг ўз Бақтрия тангларини зарб қилиш пайдо бўлғанлиги ушбу даврнинг муҳим воқеаси бўлган.

Салавка I даврида Бақтрияда йирик қийматли (тетрадрахма, драхма, хемидрах) ва аверсда Зевснинг боши ва ресурсда иккита фил ёки тўртта от қўшилган аравача ўтирган Афина тасвирланган, аттик оғирлик стандартидаги (драхма оғирлиги – 4,27 г) кумуш танглар зарб қилишган.²⁴

Қадимги ҳинд оғирлик стандарти-каршапанга мувофиқ зарб қилинган теп-текис 3 граммли Славка ва Антиохнинг номлари битилган битта туркум бундан мустаснодир.

Антиох I даврида Бақтрияда танга зарб қилиш янада хилма-хиллашган: олтин (статорлар) ва кумуш (тетрадрахма, драхма) танглар чиқарилган, уларга ҳам аттик андоза бўйича зарб берилган. Юза томонида Антиохнинг бүсти, орқа томонида шоҳли отнинг боши тасвирланган.

Эҳтимолки, чакана савдода кўпланилган мис халқалар чиқарилган.

²³ P.Bennard Les monnaies hors trésors questions d'histoire Graco-Bactriene//Folles d'Ai Khanoom. IV. MDAFA,t. XXVIII, Paris, 1985, p.35-55.

²⁴ Newell E.T. The coinage of the Eastern Seleucid Mints from Seleucus I to Antiochus III. New York, 1941.

Антиох I чинг драхмалари Сүғдда ҳам зарб қилинган бўлиши мумкин.²⁵ Жумладан, милоддан аввалги III-II асрларда Антиох I нинг шоҳли отнинг боши тасвиirlанган драхмасига бу ерда тақлид қилинганилиги буни исботлайди.²⁶

Қараб чиқилаётган даврда шунингдек Бақтрияниң юон подшонинг номидан эмас, балки маҳаллий Бақтрия хукмдори номидан зарб қилинган дастлабки тангалар ҳам чиқарилган. Тангаларниң юза томонида жойлаштирилган афсонадан билса бўладиган хукмдор Вахшувар тангалари бунга мисол бўлади. Олтин статерлар (кирбам кийган эркаклар ўнгда квадригада эркаклар ва қўшалоқ статерлар (Александрниң фил дубулғали боши/сўлда тик турган Ника) ҳам маълумдир.

Вахшувар тангалари чиқарилган жой ва давр тўғрисида яклил фикр йўқ. Бироқ Е.Зеймаль ва И.Дъяконов уларни (Андрогор тангалари билан биргаликда) милоддан аввалги III аср ўртасида илк Парфия (Аршакид) танга зарб қилишига тегишли деб ҳисоблайди.²⁷ Шу билан бирга И.Пичикян Вахшувар тангаларининг келиб чиқишини Оксиарт номи билан боғлаб келиб чиқиши Бақтриядир, деб ҳисоблайди.²⁸ Оксиарт Александр Македонскийниң қайнатаси ва Роксананинг отаси бўлиб, Александрниң вафотидан кейин, Аррионниң маълумотларига кўра Парапамисад сатрапи бўлган. Бироқ Парапамисаддан ташқари у назорат қиласидан ҳудуд таркибига унинг мулки бўлган туб вилоят —Шимолий Бақтрия ҳам кирган бўлиши мумкин. Ушбу вилоятда Бойсун тоғларида, бироқ Денов шаҳри-

²⁵ Массон В.М., Ромодин Р.А. История Афганистана. Т.1.-М.,1964. С. 100.

²⁶ Зеймаль Е.В. Начальный этап., С. 68-78.

²⁷ Дъяконов И.М., Зеймаль Е.М. Правитель Парфии Андрогор и его монеты / /ВДИ-1988-№1. С. 15-19.

²⁸ Пичикян И.Р. Культура Бактрии. Ахеменидский и эллинистический периоды.- М.,1991. С. 308-309.

нинг шимоли-ғарбига Вахшувар қишлоғи бор. Унинг номи юқорида айтиб ўтилган тангаларнинг номига тўлиқ мувоғиқ келади. Биз томонимиздан Чагамга олиб борадиган Боботоғда ҳам шу номдаги жой аниқланган.²⁹

Грекча Оксиартнинг калькалангани бўлган Вахшувар сўзи эса, В.Лившицнинг фикрига кўра, «худо томонидан танланган Вахш (ёки худога ишонувчи Вахш, худо томонидан қўриқланадиган Вахш» деган маънони англатади.³⁰ Мен (Э.Р.) томонимдан Вахшувар қишлоғида ўтказилган разведка Сартепа шаҳарчасини аниқлади. Унинг куйи қатлами милоддан аввалги I мингйилликнинг биринчи ярми – ўртасига тегишилди. Ўзининг қадимий номини сақлаб қолган, икки минг йилдан ортиқ вақт давомида Бақтриялик зодагон Вахшувар-Оксиартнинг бош қароргоҳи бўлганлиги, айнан шу ерда Оксиарт қояси бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Амударё дафинаси милоддан аввалги IV аср охиридаги Шимолий Бақтриянинг таниқли вакили Вахшувар-Оксиарт уруғига тегишли деб ҳисоблаймиз.

Учинчи босқичнинг иккинчи даври Ўрта Осиё икки дарё оралиғида пул муносабатларининг янада ривожланиши, тарқалиш доирасининг кенгайиши ва янги туманларни, жумладан пул жиҳатидан Бухорони қамраб олиши, тангалар қўлланилиши соҳасининг кенгайиши, айрим кишиларда катта пул маблағлари борлигидан даролат берувчи биринчи танга хазиналар пайдо бўлиши, Ўрта Осиё икки дарё оралиғида мустақил танга зарб қилишнинг биринчи босқичи сифатида Салавкийлар ва

²⁹ Вахшувар қишлоғи ҳақида қаранг: Кармышева Б.Х. Этнический состав населения Южного Узбекистана.-М.,1985. Вахшувар қишлоғида биз томонимиздан ёзилтан ва илонга сизиниш билан боғлиқ афсона илонларнинг Боботоғ орқали Заҳартепага ўтиши ҳақида ҳикоя қиласи (Будрач шаҳарчаси).

³⁰ Пичикян И.Р. Кўрсатилган асар.-308-б.

Юнон-Бақтрияга тақлид қилинган биринчи Сўғд ва Бақтрия тақлидлари пайдо бўлганилиги билан тавсифланади.

Бу ерда жамланган кумуш, мис тангалаар (тетродрахма, драхма, оболлар, халқалар, дихалқлар) оғирлик андозаларининг хилма-хиллиги товар-пул муносабатларидаги аён кўриниб турган тараққиётни, тангадан ҳам тўлов, муомала воситаси, ҳам балким, эҳтимолки, бойлик сифатида фойдаланилганлигини кўрсатади. Катта ҳажмдаги савдо операциялари, шу жумладан халқаро, вилоятлараро операциялар учун йирик қийматли кумуш танга билан ҳақ тўланган. Шимолий Бақтрияда ва қисман Сўғдда пул муносабатлари шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги чакана савдога ҳам кириб келади.

Ушбу тавсифни Ўрта Осиё икки дарё оралигининг жанубий ва марказий вилоятларининг манзилгоҳларидаги топилмалар исбот қиласди.³¹

Шимолий Бақтрия. Бу ерда турлича қийматга эга бўлган 100 га яқин кумуш ва мис Юнон-Бақтрия тангалари қайд этилган. Улар орасида Диодот, Евтидем, Антимах, Агафокл, Евкратид, Деметрий, Гелиокл, яъни барча буюк Юнон-Бақтрия подшоларининг тангалари бор. Юнон-Бақтрия тангалаарининг кўпчилиги (70 тадан ортиқ) Амударё зонасида (Гахти-Сангин-27 та), Эски Термиз (30 дан ортиқ), Кампиртепада (15 дан ортиқ) жамланган. Ушбу тангалаар кўп ёйилган иккинчи бир туман бу – Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари (Далварзингтепа, Денов, Регар, Ҳайитобод, Шаҳринов). Бошқа шаҳарчалар ва аҳоли яшайдиган жойларда ҳам айрим топилмалар топилган.³²

^{31.} Ртвеладзе Э.В. Бронзовый кинжал из Вахшувара//СА.-1981. №1.

^{32.} Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана... С. 43-58. Rtveladze ETV7 La circulation monetaire au nord de l'Oxus a l'epoque Grecobactrienne//Revue numismatique. 6 serie n. XXVII, 1984, p.61-76; Zeimal E.V. Coins from the...p. 90-91.

Сўғд. Бу ерда Шахрисабзда Антимахнинг учта оболи ва Сангиртепада Диодот халқаси, шунингдек Евкратиднинг оболи, драхмаси ва тетродрахмасини ўз ичига олувчи хазина топилган.³³

Самарқанд Сўғди. Афросиёбда, Самарқанд атрофига ва Панжикентда 10 га яқин танга, шу жумладан Евтидем драхмаси, Деметрий ва Антимах, Гелиокл тетрадрахмаси ҳамда Евкратид оболи топилган.³⁴

Бухоро. Бухоронинг шарқий қисмида, Тахмачтепада Диодот, Евтидем (50 га яқин) ва Агафоклнинг 53 тетрадрахмасидан иборат хазина топилган. Бундан ташқари, Бухоронинг атрофида (Хўжа Обон) Деметрий ва Евтидемнинг тетрадрахмалари топилган.³⁵

Хоразм. Ушбу даврда бу вилоятда пул муомаласи мавжуд бўлганлигининг исботи ҳозирча йўқ. Фақат Юонон-Бақтрияниң учта тангаси топилган. Улар бу ерга ўзга ўлкаларниң тангаси сифатида келтирилган бўлса керак, чунки Хоразм Юонон-Бақтрия таркибига кирмаган. Бу тангалар Евкратиднинг Ёнбошқалъада, Евтидемнинг Хивада топилган тетрадрахмалари ва Якка Парсонда топилган халқадир.³⁶

Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг бошқа вилоятларида Юонон-Бақтрия тангалари ҳозирча топилгани йўқ. Шундай қилиб, ушбу минтақаниң энг ривожланган, Юонон-Бақтрия подшолари юрисдикцияси остида бўлган фақат икки вилоятида – Шимолий Бақтрия ва Сўғдда пул муносабатлари мавжуд бўлган. Пул муносабатлари Сўғдда, балким йирик шаҳарлар – Мароканд, Еркўрғон, Бухорода мавжуд бўлган. Шу билан бирга айрим вилоятларда натурада айирбошлиш устунлик қилган.

³³ Ртвеладзе Э.В. Модели... С. 178.

³⁴ Ўша жойда.-179-180-б.

³⁵ Rtveladze E.V. La circulation...,p. 63-69; Ртвеладзе Э.В. Модели... С. 180-181.

³⁶ Ртвеладзе Э.В. Модели... С. 182.

Тўртингчى давр (милоддан аввалги II аср иккинчи ярми - милодий I аср боши). Милоддан аввалги II аср бошида Юнон-Бақтрия подшолиги қулагандан кейин саклар ва юэчжилар босими остида Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги сиёсий вазият тўлиқ ўзгарган. Бақтрияда конфедератив Юэчжи давлати пайдо бўлган, Сүғд номигагина бир нечта мустақил мулкдан иборат бўлган, юэчжилар сулоласи томонидан бошқарилган конфедератив Канғ давлатининг ҳокимияти остида қолган. Хоразмда эҳтимолки, қадимий сулола сақланиб қолган.

Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғи деярли барча вилоятларида, Фарғона ва Чочдан ташқари, Юнон-Бақтрия тангаларига тақлид қилинган тангалар зарб қилинганлиги ушбу даврнинг муҳим хусусиятидир.

Ушбу тақлид илк босқичида ўз прототипини деярли тўлиқ қайтаради, сўнгра уларда юнон афсоналари астасекин бузила бошлайди ва янги илохий рамзлар пайдо бўлади. Якуний босқичда юнон ва ўз оромей афсонаси аралашган, маҳаллий ҳукмдорлар тасвирланган ўтиш типига тақлид қилинган. Ушбу босқични Е.Зеймаль Ўрта Осиё икки дарё оралиғида мустақил танга зарб қилининг қарор топиши деб адолатли баҳолайди.³⁷ Минтақанинг ҳар бир вилоятида ўзига хос тақлидий тангалар зарб қилинган. Масалан, Шимолий Бақтрияде Юнон-Бақтриянинг уч подшоси Деметрий, Евтидем ва Гелиокл тангаларига тақлид қилинган юэчжиси тангалари чиқарилган.

Гелиокл тангаларига тақлидан чиқарилган кенг ёйилган турлари хилма-хил бронза тангалар бир неча оғирлик стандартларида: 23-26 г, 10-16 г, 3-5 г ва икки гурӯҳ

³⁷ Зеймаль Е.В. «Варварские подражания» как исторический источник//СГЭ.-1975.- вып.XL. С. 56-61.

бўлган. Биринчи гуруҳ унча кўп ўзгаришларга дучор бўлмаган Гелиокл тангалари нусхаси, иккинчи гуруҳ – маҳаллий ҳукмдорлар ва отлар тасвирланган тангалардан иборат бўлган.³⁸

Шимолий Бақтрияниң жануби-шарқида 0,3-0,6 г оғирликдаги Евкратид оболларига (моҳият эътибори билан хемиоболлар) тақлид қилинган кумуш тангалар муомалада бўлган. Уларда ривожланишнинг муайян босқичида маҳаллий ҳукмдорнинг «портрети» пайдо бўлган³⁹. Ушбу вилоятнинг пул хўжалигида Деметрийнинг тангаларига тақлидан чиқарилган майда бронза ва кумуш тангалар муайян ўрин эгаллаган⁴⁰.

Шимолий Бақтрияниң юэчки ҳукмдорлари йирик қийматли кумуш тангалар зарб қилмаган, бироқ Е.Зеймаль кўрсатганидек, унинг нуқсони, эҳтимолки, милодий I аср бошигача ҳамон муомалада бўлган Юнон-Бақтрия кумуш тангаси билан тўлдирилган.

Сўғднинг ҳар хил вилоятларида муомалада бўлган тангалар таркиби янада хилма-хил бўлган. Масалан, Самарқанд вилоятида милоддан аввалги III аср охирида милодий I асрнинг охиригача зарб қилинган бўлиши мумкин бўлган 0,3 граммдан 3,2 граммгача оғирликдаги Антиох I тангаларига тақлид қилинган майда кумуш тангалар (оболлар, хемидрахмалар, драхмалар) кенг тарқалган.⁴¹ Ж.Пернер ушбу тақлилларни Евтидем Юноно-Бақтрия таҳтини зўрлик билан эгаллаб олгунига қадар унинг тангаларининг сўғдча зарб қилинишига тегишли деб ҳисоблайди.⁴² Еркўрғон

³⁸ Массон В.М. Древнебактрийские монеты, чеканенные по типу тетрадрахм Гелиокла// ЭВ.-1956.- Вып. X1 - 63-75-б; Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана.-Т., 1981.; Зеймаль Е.В. Древние монеты... С. 110-129.

³⁹ Зеймаль Е.В. Подражания оболам Евкратида// Литвинский Б.А., Седов А.А. Культы и ритуалы Кушанской Бактрии.-М., 1984. С. 177-192.

⁴⁰ Rtveladze E.V. Desouvertes en Numizmatique et Epigraphie Greco-Bactriennes a Kampyrtepe//RN, 150 volume, Paris, 1996.

шаҳарчасида топилган бундай тангаларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, улар Деметрий тангаларига тақлидан чиқарилган тангалар билан биргаликда Жанубий Сўрднинг ғарбий қисмларида муомалада бўлган.

Бухоро томонда Евтидемнинг 13-16 грамм оғирликтаги тетрадрахмаларига тақлидан чиқарилган йирик кумуш тангалар эмиссияси амалга оширилган.⁴³

Бухоро ва Самарқанд Сўғди ўртасида милоддан аввали Ⅱ асрнинг иккинчи ярмида, эҳтимолки, 2-3 грамм оғирликтаги майдо кумуш тангалар зарб қилина бошланган. Улар Гиркод ёки Уркод юэчжи суюаларига тегишли бўлган. Уларнинг юза томонида ҳумкдорнинг боши ва орқа томонида тик турган илоҳнинг тасвири юонон афсонаси усулида ўрин олган.⁴⁴

Хоразмда биринчи марта ўз тангаси оғирлиги 13-16 грамм бўлган Евкратиднинг тетрадрахмаларига тақлидан чиқарилган йирик кумуш тангалар пайдо бўлади.⁴⁵

Тавсифлаб ўтилган тангаларнинг ҳар бир гуруҳи торроқ доирада муомалада бўлган, топография топилмаларига кўра бундай тангалар чиқарилган вилоятлар доирасида қўлланилган.

Шундай қилиб, маҷаллий пул бозорлари шаклланиши юз берган. Бу бозорларнинг пулга бўлган эҳтиёжи ўзида танга зарб қилиш билан таъминланган. Ҳатто, битта йирик вилоят, масалан, Сўғд доирасида энг камида мана шундай тўртта бозор шаклланган.

⁴¹ Зеймаль Е.В. Начальный этап... С. 68-75.

⁴² Lemer J.P. A Graeco-Sogdian Mint of Euthydemus//Revue munismatique. 1996. p.77.

⁴³ Зеймаль Е.В. Политическая история древней Трансоксианы по нумизматическим данным//Культура Востока. Древность и раннее средневековье.-1.,1978. С. 201-208-210.

⁴⁴ Ўша жойда-209-6

⁴⁵ Вайнберг Б.И. Монеты Древнего Хорезма.- М., 1977. С. 106.

Ўрта Осиё икки дарё оралигининг турли вилоятларида танга тизимлари ҳар ҳар хил бўлган. Шимолий Бақтрияда кумуш ва бронзадан ясалган турлича қийматга эга бўлган тангалар зарб қилинган. Сўғд ва Хоразмда фақат кумуш тангалар муомалада бўлган, Хоразмда уларниң фақат йириклари, Сўғдла йириклари ҳам, майдалари ҳам муомалада бўлган. Бу ерда «тетрадрахма» ролини, балким, Евтидем тангаларига тақлид қилиш ўйнаган бўлса керак. Улар Сўғднинг барча вилоятларида муомалада бўлган.

Афтидан, Сўғд ва Хоразмдаги пул тизими Бақтрияда бошқарув шакли ўзгарган бўлса ҳам сақланиб қолган драхмага асосланган аттик танга тизимидан чекинган кўринади. Сўғдда обол ва тетрадрахма, Хоразмда – тетрадрахма асосий пул бирлигига айланади. Сўғддаги чақа танга етишмаслиги, балким, майда кумуш тангалар – оболлар ва ундан икки карра катта тангалар эмиссияси билан тўлдирилган. Хоразмда савдонинг ушбу турида ҳамон натура билан айирбошлиш устунлик қилган.

Тангаларнинг оғирлик стандартлари ҳам ўзгарган. Бу андозалар аттик нормалардан чекинган. Масалан, Евтидем ва Евкраднинг тетдрахмаларига тақлид қилиб чиқарилган тангалар оғирлиги 13-16 грамм доирасида бўлган. Аттик тетрадрахмалар эса 17,36 грамм оғирликда бўлган.

Бешинчи давр (милодий I аср - милодий III асрнинг биринчи ярми). Ушбу даврда Ўрта Осиё икки дарё оралигининг турли қисмларида пул хўжалиги бошқача сиёсий вазият муносабати билан тубдан ўзгарган. Жумладан, тангаларнинг оғирлик стандартлари ва улар учун ишлатиладиган металлар ҳамда иконография ва рамзлар жиҳатидан эллинистик анъаналардан янада чекиниш кузатилади. Иконография ва рамзлар ўрнини маҳалий Осиё нормалари ва анъаналари эгаллаган.

Ўрта Осиё икки дарё оралигининг жанубий қисми Куджула Кадфузнинг ўғли Вим I Ток [то] ҳукмдорлигидан бошлаб, балким, милодий I асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қудратли Кушон подшоси давлати таркибига кирган. Кўриб чиқилаётган даврда – Вим I Ток [то]дан бошлаб Кашишка II ҳумкронлигини ҳам ўз ичига олган даврда ушбу вилоятнинг пул хўжалиги, танга массаси таркиби Кушон подшоларнинг давлат танга сиёсатига амал қилган.

Шаҳарлар ва қишлоқларнинг шиддат билан ўсишига, хунарманлчилик, қишлоқ хўжалиги, савдонинг равнақ топишига кўмаклашган сиёсий барқарорлик товар-пул муносабатлари жадал ривожланнишини белгилаб берган. Жумладан, Шимолий Бақтрия ҳудудида алоҳида топилмалардан ва дафиналардан бир неча минг Кушон тангалари топилди. Айрим дафиналардаги тангалар сони юзлабдир, бу айрим шахсларда кўп миқдорда пул маблағи тўпланиб қолганлигини кўрсатади. Товар-пул муносабатлари қишлоқ жойларда ҳам жадал ривожланган ва узоқ тоғ туманларига ҳам кириб борган. Натура билан айирбошлиш сақланиб қолган бўлса ҳам ўзининг олдинги аҳамиятини анча йўқотган.

Шимолий Бақтрияда бешинчи давр пул муомаласидаги уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқичда Вим I Ток [то] (Сотер Мечас) даврида иккита ҳар хил номиналдаги бронза танга муомалада бўлган. Йиригининг оғирлиги 8-9 грамм, кичигиники – 2-3 грамм бўлган. Улар амалда Шимолий Бақтриянинг барча Кушон шаҳарчаларида кўп миқдорда топилган.⁴⁶

Иконография ва рамзларда бўлгани каби Вим I тангаларининг оғирлик стандартлари унинг ўтмишдоши Куджула Калғаз тангаларининг оғирлик стандартларидан фарқ қилган. Бу Вим I ўзи ҳукмронлик қилган даврда унча катта

⁴⁶ Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Кўрсатилган асар.- 37-39, 56-63-б; Зеймаль Е.В. Древние монеты.. С. 160-178.

бўлмаган пул ислоҳотини ўтказганилигидан далолат беради. Ушбу ҳукмдор томонидан зарб қилинган бирор-бир олтин ва кумуш тангалар ҳақида маълумотлар йўқ, йирик савдо операцияларида ҳисоб-китоб қилишда қандай тангалар кўлланилганини ҳам ноаниқ. Бундай битишувларда Юнон-Бақтрия кумуш тангасидан, шунингдек Кушон тангаларидан фойдаланилган бўлиши мумкин. Уларнинг тетрадрахмалари ва оболлари етарлича миқдорда маълумдир.

Иккинчи босқич бу ерда эллинистик даврдан бошлаб мавжуд бўлган ҳамда кумуш ва мисдан фойдаланишга асосланган эллинистик даврдан бери мавжуд бўлган Бақтрия танга тизимини тўлиқ ўзgartириб юборган туб пул ислоҳоти билан боғлиқдир. У Вим I Ток [то]нинг вориси Кадфуз II томонидан ўтказилган.

Кадфуз II томонидан жорий этилган янги танга тизими Рим таъсирига эга бўлган ҳамда олтин ва бронзага асосланган.

Шартли равища «статер» деб аталган, оғирлиги 8,3 грамм бўлган, Рим ауреуси оғирлиги – 7,6-8,1 граммга деярли тўлиқ мувофиқ бўлган, бироқ кичикроқ ҳажмдаги, аммо аттик статер (оғирлиги 8,6 грамм яқин ёки ундан сал кўп) оғирлигидан кам бўлган олтин танга асосий пул бирлиги бўлиб қолган⁴⁷.

Пул муомаласига шунингдек оғирлиги 16,07 грамм бўлган икки карра статер ва оғирлиги 2,01 грамм бўлган чоракталик статер ҳам жорий этилган.

Ушбу тангалар учун «статер» номи фанга шартли равища киритилган, бироқ Далварзинтепа дафина материаллари аслида ҳам шундай эканлигини кўрсатди. Дафинада қхароштхи ёзувлари ёзилган тўртта қайроқтош бўлган. Уларда статер, драхма, дхане оғирлик стандарт-

⁴⁷ Массон В.М., Ромодин. Кўрсатилган асар.

лари белгилари бўлган. Қайроқтошларнинг оғирлигини ёзувлардаги миқдорий белгилар билан таққослаш статернинг оғирлиги ҳисоблаб чиқилган ўртача оғирлик 17,08 грамм бўлгани ҳолда 17,08 граммдан 18,04 граммгacha эканлигини кўрсатди.⁴⁸

Шу муносабат билан Г.Пугаченкова ёзувларда «статер» ишлатилганлигига қарамай, аслида гап икки карра статер ҳақида бормоқда деб ҳисблайди. Статернинг оғирлиги 8,03 грамм.⁴⁹ Бироқ уларда одатдаги статернинг ҳақиқий оғирлиги берилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки акс ҳолда ёзувларда драхма ва маҳаллий оғирлик бирлиги – дханга нисбатан айнан иккита статер белгиланган бўлур эди. Ёзувларнинг мазмунига кўра бир статер ўртача оғирлиги 4,4 грамм бўлган тўртта драхмага tenglashтирилган. Бир драхма эса ўртача оғирлиги 0,77 грамм бўлган 5 ёки 6 дханега tenglashтирилган.

Ёзувларда «статер» ва «драхма» номлари ишлатилганлиги Кушон даврида бу ерда эллинистик даврда қабул қилинган асосий оғирлик белгиларини ҳамон юононча белгилаш расм бўлганлигини кўрсатади. Улар Нии ва Крорайнда топилган приакрит хўжалик ҳужжатлари каби қиймат бирликларини белгилаш учун кўпланилгандир балким⁵⁰.

Бронза тангаларнинг иконографияси ва оғирлик стандартлари ўзгарган. Муомалага оғирлиги 16-17 грамм бўлган йирик халқалар жорий этилган. Улар Шимолий Бақтрия шаҳарчаларида кўплаб топилган.

Учинчи босқич Шимолий Бақтрия тегишли бўлган сўнгти Кушон подшолари Васудев I ва Канишка III бошқаруви даврига тўғри келади.

⁴⁸ Воробьева-Десятовская М.И. Надписи письмом қхарошти на золотых предметах из Дальверзин-тепе//ВДИ.-1976.-№1.-72-79-6.

⁴⁹ Пугаченкова Г.А. К открытию надписей қхарошти на золотых предметах Дальверзинского клада//ВДИ.-1976.-№1.-64-71-6.

⁵⁰ Воробьева-Десятовская М.И. Кўрсатилган асар.

Тангаларнинг метрологик маълумотларини таққослаш диаметри ва оғирлиги камайган ҳолда сўнгти Кушон даврига нисбатан сезиларли даражада ўзгарганлигини кўрсатади. Хувишка давридаёқ бронза тангалар астасекин енгил бўлиб қолади, Васудев I ва Канишка III даврида эса асосий бронза номиналнинг янада редукцияга учраши юз берган.

Васудев I ҳукмронлиги даврида икки номиналдаги 6-8 грамм ва 9-11 граммли бронза тангалар зарб қилинган. Канишка III даврида оғирлиги 6-8 грамм бўлган битта бронза танга чиқарилган⁵¹. Тегишлича, эҳтимолки, ҳам олтин ва бронза тангалар нисбати, ҳам бронза тангалар металли таркиби ўзгарган. Бронза тангалар илк Кушон ҳумкдорлари тангасидан фарқ қилган ҳолда икки ёки уч қисмли бронзалардан зарб қилинган.⁵²

Келтирилган маъулумотлар сўнгти Кушон даврида ҳам пул ислоҳоти ўтказилган деб тахмин қилиш имконини беради. Пул ислоҳоти биринчи навбатда бронза номиналлар соҳасига дахл қилган: ички бозорда анча оғир салмоқли тангани оғирлиги ва диаметри кичикроқ, фойдаланишга қулайроқ танга билан алмаштириш унинг асосий хусусияти бўлган. Мавжуд маъулумотлар (тангалар топилмаларининг миқдор нисбати) сўнгти Кушон даврида товар-пул муносабатлари ҳажми Шимолий Бақтрияning шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам юксак даражада сақланиб қолганлигини кўрсатади.

Топилган тангаларни ўрганиб чиқиш ҳам худди шундай манзарани кўрсатади.

Биринчи босқич дафналарда фақат Сотер Мегас тангалари бор, олдинги давр тангаларидан ҳеч бири, жумла-

⁵¹ Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Кўрсатилган асар. С. 40-41; Зеймаль Е.М.

⁵² Левушкина С.В. Химический состав металла монет из Северной Бактрии // Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Кўрсатилган асар. С. 94-95, 114-115.

дан «Варвар Гелиокти» тангалари йўқ. Улар эҳтимолки, илк Кушон даврининг бошланғич босқичида кўмилган.

Иккинчи босқичга еттига дафина тегишилидир, улардан олтитасида Кадфиз II ва Канишка тангалари ва фақат биттасида Сотер Мегас (Окс қасридаги дафинада) тангалари бор. Амалда бу олдинги даврнинг тангалари Кадфиз II Канишка ҳукмронлиги даврида муҳим роль ўйнамаганлигини ёки пул муомаласидан умуман чиққанлигини англатади.

Учинчи сўнгти Кушон босқичи дафиналари ҳам эски тангаларнинг янгилари билан тўлиқ алмашиши тенденциясини кўрсатади. Бу вақтга беш дафина тегишилидир. Уларнинг тўрттасида фақат Васудев ва Канишка III тангалари ва биттасида Хувишха тангалари (Қизилкетмондаги дафина) мавжуд. Дафиналар таркибини таҳдил қилиш Хувишха даврини, эҳтимолки, пул муомаласи ривожланган даврдан сўнгти Кушон босқичига ўтиш босқичи сифатида тавсифлаш мумкин. Чунки бундай тангаларнинг озчилик улуши олдинги дафиналарда ҳам, кейинги дафиналарда ҳам учрайди (Окс ибодатхонасидан Хувишха ва Канишка тангалари дафинаси ҳамда Қизилкетмондаги дафиналар). Сўнгти Кушон подшолари дафиналари таркибида илк Кушон ҳукмдорлари Сетер Мегас, Кадфиз II, Канишка I тангалари мавжуд эмас. Таркибдан кўриниб турадики, барча дафиналар қисқа муддатли ғамлаш натижаси ҳисобланади, улар у ёки бу босқичда пул муомаласининг бевосита манзарасини акс эттиради. Бундан Кушон Бақтриясида эски тангаларни янгилари билан алмаштириш илгари тахмин қилинганидан тезроқ кечганлиги ва эски тангаларнинг муомаласи вақт жиҳатдан чекланганлиги ҳақидаги холоса келиб чиқади. Бошқача сўзлар билан айтганда эски тангаларни муомаладан олиб қўйиш ва аста-секин уларни янгилари билан алмаштириш тўғрисида галириш учун асос бор.

Сўғдда тангалар қиймати хусусияти ва металл таркиби ушбу даврда сақлаб қолинган (тетрадрахма ва оболлар), бироқ танга зарб қилинадиган жойлар ва зарбхона марказлари пайдо бўлган. Жумладан, Жанубий Сўғдда оғирлиги 0,4-0,9 грамм бўлган (хемиоболлар), Геракл ва Зевс тасвирланган, бироқ ҳали етарлича тушунарли бўлмаган сўғд афоналари руҳидаги майда кумуш тангалар зарб қилинган. Улардаги иккита сўздан фақат бир сўз – MR'V - ҳукмдор яхши ўқилади. Ушбу тангалар вилоятнинг бутун ҳудудида милоддан аввалги I аср ўртасидан милодий IV аср охиригача муомалада бўлган.⁵³ Бу пайтта келиб якка кураш саҳнаси тасвирланган бронза тангалар уларнинг ўрнини олган. Агар илгари фақат якка-ёлғиз нусхалар мавжуд бўлган бўлса (уларнинг ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ нусхаси қайд этилган), ҳозирги вақтга келиб ушбу тангаларнинг Талимарондаги топилмаси ҳам қайд этилган.

Марказий Сўғдда, жумладан Самарқандда, Панжикентда ва уларнинг атрофида камончи ва сўғд афсонаси тасвирланган, ҳар хил ҳукмдорлар номлари ёзилган майда кумуш тангалар муомалада бўлган⁵⁴.

Зарафшоннинг қуий оқимларида, Бухорода ва қисман Самарқанд Сўғдида Гиркод гуруҳининг майда кумуш тангалари ҳамон муомалада бўлган. Уларда юза томонида ҳукмдор ва от протоми ҳамда орқа томонида юонон ва сўғд афоналари тасвирланган. Ушбу тангаларнинг оғирлиги 0,6-3 грамм оралиғида бўлган. Бу қийматлардаги фарқ билан боғлиқ бўлган (хемиоболлар ва оболлар).⁵⁵

Бухоронинг ўзида ва унга туташиб кетган туманиларда йирик кумуш тангалар – 9-11 грамм оғирликдаги тет-

⁵³ Зеймаль Е.В. Раннесогдийские монеты с изображением Геракла и Зевса // СГЭ. Вып. XXVII.-1973.- С. 68-73.

⁵⁴ Зеймаль Е.В. Древние монеты... - С. 269-277.

⁵⁵ Зеймаль Е.В. Политическая история... - С. 207.

радрахмалар зарб қилингандар. Бу тангалар ҳам оғирлик стандартлари, ҳам иконография бўйича худди шундай протипларидан анча фарқ қилган. Евтидем «портрети» маҳаллий ҳукмдорнинг тасвири билан, юнон афсонаси эса сўғд афсонаси билан алмаштирилган⁵⁶.

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган бутун давр мобайнида Сўғд бозорлари турлича қийматдаги майда кумуш танглар ва йирик тангалар билан тўлиқ таъминланган. 0,3-0,6 грамм оғирликдаги энг майда кумуш тангалар бу ерда бўлмаган бронза тангалар ўрнини босган ва чақа танга ролини бажарган. Сўғддаги катта савдо битишувларидан Евтидем тангаларига тақлид қилиб чиқарилган «тетрадрахмалар» қўлланилган. Сўғдда бу даврда, бундан олдинги даврларда бронза тангалар зарб қилинмаганинг сабаби ноаниқлигича қолмоқда.

Ушбу босқичда Сўғдда ва Бақтрияда танга массаси таркиби барча параметрлар бўйича хилма-хил эди. Бу туб сулолавий ва давлат фарқларидан далолат беради. Бақтрия Кушон подшолиги таркибига кирар эди, Сўғдда бу даврда бир-бирига қарам бўлмаган тўртта сулола ҳукмронлик қилган. Бу танга зарб қилинишидаги фарқларда ҳам ўз аксини топган (тетрадрахмаларга тақлид қилиш – Пиркад – камончи тасвирланган тангалар – Геракл ва Зевс тасвирланган тангалар).

Хоразмда ҳам зарбхона ишида муҳим ўзгаришлар юз берган: тақлидий эмиссиялардан мутлақо мустақил танга зарб қилишга тўлиқ ўтиш амалга оширилган. Унинг энг илк босқичи А гуруҳида ифодаланган. Ушбу гуруҳ тангаларида янги элементлар киритилганлиги аён кўриниб

⁵⁶ Ртвеладзе Э.В., Мусақаева А.А. К истории денежного обращения в Западном Согде (Клад подражаний тетрадрахмам Евтидема Бухары) //ОНУ.-1986.-№6. С. 35-38

туради. Танганинг орқа томонида диоскурлар ва юзасида подшо ўрнига Хоразм подшоси тамғаси ва отлиқ тасвирланган. Унда ҳаммаси бўлиб Хоразм танга зарб қилишининг қарор топишини акс эттирувчи уч изчил босқич ажралиб туради. Биринчи марта В.Массон томонидан эълон қилинган, Евкратиднинг тетрадрахмаларидан юза томонида шахс тасвирланганлиги ва орқа томонида Хоразм подшоси тамғаси – А I тасвири мавжудлиги билан фарқ қитувчи танга энг илк танга деб этироф этилган.⁵⁷

Навбатдаги босқични Самарқанд музейининг А II тангалари исфодалайди. Бундай тангалар зарб қилинишига Б.Вайнберг фикрича, А I типидаги тангалар намуна бўлган.⁵⁸ Ниҳоят, А III типидаги тангалар олдинги типлардаги айrim белгилар сақланиб қолган ҳолда принципиал жиҳатдан янги ўзгаришларни намойиш қиласди: юза томонда соқолсиз подшонинг бюсти, орқароқда подшога тож кийдираётган илоҳ Никанинг схемалаштирилган тасвири, орқа томонда отда бораётган чавандоз тасвирланган. А гурӯҳидаги тангалар кумушдан ясалган бўлиб, оғирлиги тетродрахмалар оғирлигига яқин бўлган. Уларга милоддан аввалиг I асрнинг иккинчи ярми – милодий I аср боши санаси қўйилган⁵⁹.

Бироқ, А I босқичи тангаларини зарб қилиш жойи тўғрисидаги масала ҳал этилмаган. В. Массоннинг фикрига кўра, бу туман Сирдарё бўлган, С.Толстов эса уни Хоразмдан келиб чиққан деб ҳисоблайди. В.Вайнберг унинг келиб чиқиши жойини аниқлашда иккиланади: Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида ва Юнон-Бақтрия тормор қилинишида қатнашган кўчманчи қабилалар босиб олгандан кейин Хоразм ҳам истисно этилмайди. Айни

⁵⁷ Массон М.Е. Редкая среднеазиатская монета из собрания Государственного Эрмитажа //ВДИ.-1953.-№3.- С. 164.

⁵⁸ Вайнберг Б.И. Кўрсатилган асар. - С. 50.

⁵⁹ Ўша жойда.- С. 49-51.

вақтда А II ва А III тангалари зарб этилган вақтни у ишонч билан Хоразмга тегишли деб ҳисоблайди.⁶⁰

Б ғурӯҳ тангалар кўпилаб типлар билан ифодаланган. Уларнинг олд томонида подшонинг бюсти, орқа томонида эса бузилган юонон афсоналари қолдиқлари тасвири билан биргаликда отлиқ чавандоз тасвирланган, ҳамда подшонинг номини ва унинг унвонини ифодалаган Хоразм ёзувлари келтирилган. Ушбу даврда Вазамар ҳукмронлиги даврида (Б V типи) Хоразмда мис танга зарб қилиш пайдо бўлади, унинг ҳукмронлиги даврида эса мис тангаларнинг барқарор тури ўрнатилади.

Б.Вайнберг Б I тангаларига милоддан аввалги биринчи асрнинг тахминан ўртаси ёки учинчи чораги санасини қўяди. Улар Хоразмдаги зарбхона ишининг янги ва принципиал муҳим босқичидан далолат беради. Уларда Хоразмда танга зарб қилишда VIII аср охиригача анъанавий бўлиб қолган тамға пайдо бўлади.⁶¹ Б I тангалар эллинистик анъаналар билан алоқа тўлиқ узилганлигидан далолат беради, уларда олдинги ғурӯҳ тангаларга хос бўлган бузилган юонон афсонаси мутлақо йўқ.

Кўриб чиқилаётган бутун даврда Хоразмда йирик ва майда бозор савдоси соҳасини таъминлаган ҳамда кумуш ва бронзага асосланган ривожланган тул муносабатлари мавжуд бўлган. Бироқ Сўёддан фарқ қилган ҳолда бу ерда майда кумуш тангалар чиқарилмаган.

Шундай қилиб, милодий биринчи аср — милодий учинчи асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида учта катта нумизматик музофот — бир-биридан оғирлик стандартлари ва тангалар металли билан фарқ қилувчи тул муносабатларининг учта маҳаллий вилояти мавжуд бўлган:

⁶⁰ Ўша жойда. - С. 50; Ртвеладзе Э.В. ... - С. 182-183.

⁶¹ Ўша жойда. - С. 52;

1. Ҳар хил қийматдаги фақат йирик кумуш ва бронза тангалар зарб қилинган Хоразм.
2. Бир хил қийматдаги йирик кумуш танглар ва ҳар хил қийматдаги майда тангалар чиқарилган Сўғд.
3. Фақат олтин ва бронза тангалар чиқаришга асосланган Кушон пул тизими соҳасига кирган Шимолий Бақтрия.

Эҳтимолки, пул ролини Хитойнинг бронза тангалари у-шу ўйнаган Фарғона мисолида тўртинчи вилоятни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу даврда пул муносабатлари ва ўз тангасини зарб қилиш соҳасига Чоч ҳам кирган бўлиши мумкин, бироқ бундай хуносага келиш учун маълумотлар етарли эмас.⁶²

Маълумотлар таҳлили Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғидаги барча танга зарб қилишлар муомаланинг тор соҳасига, ушбу тангаларни чиқарган вилоятлар доирасига тўғри келишини кўрсатади. Улар қўшни вилоятлар ва мулкларга, Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғи ташқарисига чиқмаган, маҳаллий бозор муносабатлари соҳасига хизмат қилган. Ушбу минтақа орқали ўтувчи Буюк Ипак йўлида ҳалқаро валюта ролини, эҳтимолки, Кушон, Парфия ва Рим тангалари бажарган. Уларнинг топилмалари ушбу тангаларни зарб қилган давлатлардан анча йироқда – Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Хитойда қайд этилган.

Милодий III асрнинг иккинчи ярми – IV асрда пул муносабатлари хусусияти қадимги даврдан илк ўрта асрлар даврига ўтиш босқичи сифатида олдинги даврдан анча фарқ қиласи ҳамда мустақил кўриб чиқишини тақозо этади.

Қадимги замоннинг буюк подшоликлари – Кушон ва Парфия давлатларининг емирилиши умумий сиёсий вазият-

⁶² Rteladze E.V. Pre-Muslim Coins of Chach I | Silk Road art and archaeology. V, Kamakura, 1997/98, p. 307-388.

га таъсир кўрсатди ҳамда янги ижтимоий тизимга ўтиш учун негиз тайёрлади. Кўчманчи халқлар – кидаритлар, хионитлар ва эфталитларнинг оммавий ҳаракати, янги майдароқ мулкларнинг пайдо бўлиши, олдинги мулкларда суполаларнинг алмасиши, Ўрта Осиёning икки дарё оравлиғида Сосонийлар Эронининг сиёсий ҳукмронлиги ушбу даврнинг муҳим омиллари бўлди. Буларнинг барчаси танга массаси таркиби ва пул муносабатлари хусусияти ўзгаришига, танга зарб қилишнинг янги марказлари пайдо бўлишига, ҳам иконографияда, ҳам метрология ва эпиграфикада эллинистик анъаналарнинг тўлиқ йўқолишига олиб келди.

Солиқ (фиксал) хизмати

Давлатнинг давлат сифатида мавжуд бўлиши ҳар хил муассасаларнинг, шу жумладан солиқлар йиғиш билан шуғулланадиган муассасаларнинг мавжуд бўлиши билан белгиланади. Ўрта Осиё, шу жумладан қадимги Ўзбекистон ҳудудида фиксал хизматларнинг мавжудлиги ҳақида фақат унинг Аҳамонийлар империяси таркибига кирган вақтдан бошлаб маълумдир. Милоддан олдинги 518 йилга яқин подшо Доро I (522-486 йй.) давлатнинг маъмурӣ тизими ва солиқ хизматларини қайта ташкил этиш ислоҳотларини бошлайди. Геродотнинг маълумот берисича, Аҳамонийлар подшолигининг бутун ҳудуди 20 сатраплика бўлинади. Улардан Бақтрия, Сак, Хоразм, Парфия, Сүфд ва Ҳарайва Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган эди.

Уларнинг ҳар бири подшо ғазнасига муайян миқдорда солиқ тўлаши керак бўлган. Ушбу солиқ оғирлик ўлчови – талантда ифодаланган ва у 25,92 килограммга тенг бўлган. Жумладан, Бақтриядан кумуш билан 360 талант ундирилган (8972 кг); саклардан – 250 талант (6230 кг);

Хоразм, Парфия, Сүғд ва Харайвадан жами бўлиб 360 талант (7476 кг) ундирилган (Her. III).

Шундай қилиб, Аҳамонийлар ҳукмронлиги остида бўлган Ўрта Осиёning бутун ҳудудидан ҳар йили 970 талант ёки қарийб 23000 кг кумуш ундирилган. Афтидан, йиғилган солиқнинг умумий миқдори бўйича Ўрта Осиё вилоятлари Аҳамонийлар подшолигида етакчи ўринлардан бирида турган. Месопотамия сатраплари 1000 талант ва Кичик Осиё сатраплари – 1000 талантдан кўпроқ тўлашган.

Геродотнинг Тежен дарёсига менгазилган Акес дарёси тўғрисидаги машҳур ҳикояси⁶³ сувдан фойдаланганлик учун Аҳамонийлар ғазнасига тўланадиган солиқлар ҳам пул шаклида ундирилганлигини кўрсатади. «Мен,-деб ёзади Геродот,- подшо тўғонларнинг сув дарвозаси очилганлиги учун одатдаги ўлпондан ташқари катта миқдорда пул ундиришини биламан» (Yer., III, 117)

Аҳамонийлар пошологи сатраплари, шу жумладан Ўрта Осиё сатраплари пул солиқларидан ташқари натура шаклида ҳам ўлпон тўлашлари керак бўлган. Жумладан, Доро I нинг Суздаги саройи қурилиши учун Бақтриядан олтин, Сўғдиёнадан ложувард кумуш титрат, Хоразмдан ярқирама рангдор тошлар келтирилган.⁶⁴

Персеполь саройидаги машҳур бўртма расмларда Аҳамонийлар подшосига ўлпон олиб келаётган турли сатрапликларнинг вакиллари тасвирланган. Жумладан, бақтрияликлар идишлар ва икки ўркачли туялар билан тасвирланган, саклар отлар ва қандайдир буюмлар олиб келишмоқда, сўғдиёналиклар иккита икки ўркачли тuya етак-

⁶³ Массон В.М. Ещё раз о геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. -М., 1967.-С. 172-176.

⁶⁴ Абаев В.И. Надпись Дария I о сооружении дворца в Сузе // Иранские языки.-М.-Л., 1945.

лаб қўлларида жом кўтариб олишган, хоразмликлар эса қиличлар, билагузуклар ва отлар билан келишмоқда.⁶⁵

Персеполь саройи деворида тасвирланган ушбу буюмлар ва ҳайвонлар Аҳамонийлар империясига ўлпон тўловчи ҳар бир вилоятнинг ўзига хослигини акс эттиради.

Солиқ йиғилиши учун жавобгарлик сатраплар, номархалар, шаҳар бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари ва қабила бошлиқлари зиммасига тушган. Подшоларнинг маҳсус солиқ йиғувчилари ва солиқ йўриқчилари ҳам бўлган. Бир қанча олимларнинг фикрига кўра, Аҳамонийлар империясининг айrim сатрапликларида аҳолидан солиқ бевосита унинг ўзидан эмас, балки ижарадорлар ёрдамида олинган. Кимdir подшо ғазнасига ўлпонни олдиндан тўлаган ва бу билан откупни монополия қилиш ҳукуқини давлатдан олган, сўнгра эса ўлпонни аҳолидан йиғиб олган. Бунда, албатта, йиғидалигидан солиқ миқдори оширилган. Ўрта Осиё ҳудудида солиқ тўловчилардан солиқ йиғиш техникаси тўғрисидаги бевосита маълумотлар мавжуд эмас, бироқ, бу ерда Аҳамонийлар империясининг бошқа қисмларида қўлланилган фиксал тизимлардан биридан фойдаланилганга ўхшайди.⁶⁶

Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари Александр Македонский томонидан босиб олингандан ва кейинчалик улар Салаквийлар ва Юнон-Бақтрия подшологи таркиби га киргандан кейин бу ерда эллинистик дунёга хос бўлган, бироқ маҳаллий хусусиятлар ҳисобга олинган фиксал тизим ўрнатилган.

Бироқ яқин вақтларгача ушбу ҳудуддаги солиқ хизмати ва аҳолидан ундириладиган солиқлар тизими хусусиятлари тўғрисида бирор-бир маълумот йўқ эди. Ойхоним (Шимолий Афғонистон) ва Кампиртепадаги шаҳарчада (Жанубий

⁶⁵ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана.-М., 1980.-С. 144-145.

⁶⁶ Ҳаш жойда.- С. 196-202.

Ўзбекистон) кейинги ўн йилликда топилган юонон ёзувлари билан битилган остраклар ушбу муаммони қандайдир даражада ёритиш имконини беради. Масалан, Термиздан ғарб томонда 30 км масофада Окс қирғозида жойлашган Кампиртепада юонон граффитлари билан битилган иккита острак топилди. Улардан бирида пул бирлиги ёки оғирлик ўлчови белгиси - 15 драхма, бошқасида эса - суюқлик ўлчови - 7 хой (хой - қадимги грек суюқлик ўлчови бўлиб 3,28 литрга тенг) белгиси кўйилган.⁶⁷

Ушбу унча катта бўлмаган юонон граффити эллинистик даврда Шимолий Бақтрияда солиқ муносабатларининг муайян жиҳатларини тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир, чунки ҳозиргача, бу ерда, шунингдек бутун Ўрта Осиёда ушбу даврнинг пул бирликлари ва оғирлик ўлчовлари белгилари кўйилган ёзувлар илгари маълум бўлмаган.

Ойхоним саройи хазинасида, маълумки, бир неча идиш топилган. Улардаги ёрлиқларда қадимги ҳинд тангаси - каршпан билан биргаликда драхма эслатиб ўтилади. К.Рапэннинг фикрига кўра, ушбу идишлар маҳсус солиқ амалдорлари томонидан солиқ тўловчилардан олинадиган пул тушумларини сақлашга мўлжалланган. Ушбу тушумлар кейинчалик подшо ғазнасига берилган ва ўша ерда сақланган. Ёзувларда ҳатто ушбу хазинани сақловчи тўраларнинг номлари келтирилади: Зенон, Тимодем, Страбон, Филикс, Никерат.⁶⁸

Эллинистик дунёда қабул қилинган молиявий солиқ ҳужжатларининг бошқа тури бу - Мисрдан келиб чиққан птолемеев даври остракларидир. Улар ўзида фиксал йиғим

⁶⁷ Riveladze E.V. Découvertes en numismatique et épigraphie Greco-Bactriennes à Kampyrtepe (Bactriane du Nord) // Revue Numismatique. 1995 (150e volume). p.21-23.

⁶⁸ Рапэн Кл. Эллинистические сокровища Ай-Ханум //Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987.- С. 108-120; Rapin Cl. Les inscriptions économiques de la tresorerie hellénistique d'Ai-Khanoum (Afghanistan) //BCH, 107, 1983. P. 315-372.

олишида банкирлар ва ситологлар томонидан бериладиган ўзига хос квитанцияни ифодалаган.⁶⁹

Мазмунининг қисқалиги ва ноёблиги туфайли Кампиртепада топилган драхма белгиси қўйилган юнон граффити ўзида қандай молиявий ҳужжатни ифодалаганligини аниқлаш жуда қийин. Афтидан, бироқ, у Ойхоним ёзувларидан бошқа хил ёзув бўлса керак, чунки Ойхоним ёзувида бир нечта мансабдор шахсларнинг номлари эслатилади, Кампиртепа граффитлари эса анонимдир. Бунинг устига ёзув бугун идишга эмас, балки унинг парчасига ёзилган бўлиб, ушбу парчадан пул тушумларини сақлаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Мазкур граффитлар Птолемеев Мисрининг юқорида эслатилган острак-квитанциялари бўлган бўлса керак.

Хой белгиси қўйилган иккинчи граффит ҳам мана шундай нодир ҳужжатлар жумласига киради. Сети хай – 22,96 л, у ҳолда мазкур ёзув бугун ҳолида зўрға бир литр сифимили идишга ёзилган бўлади. Бундан кўрсатиб ўтилган ёзувли острак, эҳтимолки, қандайдир суюқлик, аниқроғи вино тушумини ҳисобга олиш учун бериладиган ўзига хос квитанция эканлиги келиб чиқади. Бу хилдаги ҳисобга олиш ҳужжатлари Парфия Нисаси учун хосдир.⁷⁰

Ойхунимдаги, қайсиdir даражада Кампиртепадаги топилмалар Юнон-Бақтрия даврида Ўрта Осиё жанубида солиқлар йиғиш ва ҳисобга олишнинг ривожланган тизими, бинобарин фиск институти мавжуд бўлганлиги ҳақида холосага келиш имконини беради.

Буни Шимолий Афғонистонда топилган, сўнгра Оксфорддаги Ашмолеан Музеумга олиб кетилган милоддан аввалги II аср бошида прегаментта ёзилган солиқ ҳужжа-

⁶⁹ Рагэн Кл. Кўрсатилган асар.- С. 115; Rapin Cl. Op. sit. P. 352-353.

⁷⁰ Дъяконов И.М., Дъяконов М.М., Лившиц В.А., Массон М.Е. Налоговые парфянские документы II в. до н.э. из Нисы //Материалы ЮТАКЭ.- Вып. 2. -М.-Л., 1951.

ти ҳам тасдиқлайди. У инглиз ва француз тилларида эълон қилинган.⁷¹ Подшо Антимах Теосе даврида Бақтрияда тузилган ушбу ҳужжатда солиқ йиғувчи қандайдир Менодот, шунингдек давлат даромадлари назоратчиси Диодор, солиқлар йиғилиши устидан назорат қилувчи шахс эслатилади.⁷²

К.Рапэннинг фикрига кўра, ҳужжатда эслатилган Асангорн топоними ўрта асрлар Сангаранига ва анча кейинги Сангарака – Фарбий Бақтрияда Балбах дарёсининг юқори оқимида жойлашган кичик шаҳарга ёки туманга мувофиқ келади.⁷³

Янги Ниса шаҳарчасида топилган Парфия ёзувлари остраклари Ўрта Осиёнинг бошқа давлати – Парфия подшолигида солиқ тизими мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Ниса остракларидаги ёзувлар, уларни тадқиқ этиш, милоддан аввалги II асрларда Аршакилларнинг биринчи пойтахтидаги округда жойлашган узумзорларга солиқ солиш тизимини акс эттиришини кўрсатади.⁷⁴ Уларда ўлпон тўланадиган Накбакан, Натпак, Кашаши каби узумзорларнинг номлари, вино сақланадиган катта идиш – хумнинг номи, ўлпон миқдори, бадал тўланадиган йил, шунингдек, бу жуда муҳим, ҳужжатни тузган амалдорнинг номи келтирилади. Амалдор «марубор» унвонига эга бўлган, яъни ҳисобчи бўлган.

Мисол учун: 1. «Ушбу тилхат бўйича (?), ўлпон тўланадиган узумзордан, 10 (10?) хум келтиришди. Вхуман ҳисобчи. 141 ?ёки 140) йилга бадал».

⁷¹ Rea J.R., Senior R.C., Hollis A.S. A tax receipt from hellenistic Bactria //Zeitschrift für papyrologic und epigraphik. Band 104. Bonn, 1994. S. 261-280; P.Bernard, Cl.Rapin. Un parchemin Gréco-Bactrien d'une collection privée //Academic des Rendus, Janvier-Mars 1994. Paris, 1994. P. 262-292.

⁷² Ўша жойда.

⁷³ Bernard P., Rapin Cl. Op. sit. P. 289-290.

⁷⁴ Дъяконов М.М., Дъяконов И.М., Лившиц В.А., Массон М.Е. Указ. соч.- С. 16-17.

2. Ушбу тилхат бўйича (?) ўлпон тўланадиган узумзордан Ntpk (деган жойдан) 8 (ёки 7) идиш, 133-йилга бадални ҳисобчи Михредат келтирди(?).⁷⁵

М.Массон, И.Дъяконов, М.Дъяконов, В.Лившиц томонидан амалга оширилган Ниса остраклари ёзувлари мазмунини бундай тадқиқ этиш уларга қуйидагича холосага келиш имконини берган:

1. Ўлпонни қабул қилиш маҳсус ҳужжат билан ўзига хос солиқ квитанцияси билан белгиланган.

2. Ернинг икки тоифаси - солиқ солинадиган ер ва солиқ солинмайдиган ер мавжуд бўлган. Ёзувларда фойдаланилган атамалар (a) в a z (таққосланг в a z) ер солиғини белгилаш учун қўлланилган.

3. Тўланадиган солиқ миқдори катта идишларда – хумларда ўлчанганд. Хумлар стандарт ҳажмда бўлиб, сим ўлчови ролини бажарган.

4. Солиқ бирор-бир аниқ шахсдан эмас, балки жамоадан ундирилган. «Етказилди» деган жумлалар бундан далолат беради.

5. Солиқ ундиришда қатъий давлат ҳисоби юритилган, солиқ ҳар йили тўланган.

6. Ҳисобчи тўра марубар ёки мадубар (?) бевосита солиқ йиғувчи ёки уни қабул қилиб оловчи бўлган.

7. Солиқлар округдан Михрдаткерт маъмурий марказига етказиб берилган.

8. Остраклар саноқ концепциясида сақланган тилхатларнинг нусхалари бўлган, асл нусха такрорий йиғимни истисно этиш учун натура эгаларига берилган.⁷⁶

Турли давлатлардаги – Юнон-Бақтрия ва Ўрга Осиёning жанубий вилоятлари таркибига кирган Парфиядаги вақтига

⁷⁵ Ўша жойда.- С. 42.

⁷⁶ Ўша жойда.- С. 62-63.

кўра яқин солиқ хужжатларини таққослаш солиқларнинг камидаги иккита тури бўлганилиги ҳақида холоса чиқариш имконини беради. Солиқлар пул ва натура шаклида тўланган. Уни йиғиш учун ривожланган маъмурӣ девон бўлган, унда фиксал йиғимни, ҳисоб ва даромад назоратини таъминловчи ҳар хил даражалардаги амалдорлар хизмат қўилган.

Бошқарувнинг худди ўша тизими, фиксал хизматлар хусусияти ва солиқлар шаклланиши манбалари Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарларида эрамизнинг биринчи асрларидаги балким мавжуд бўлган. Бироқ бу ҳақда аниқ маълумотлар ҳозирча йўқ.

Милоддан аввалги ІІ аср санаси қўйилган Тўпроққальлаги Хоразмшоҳлар саройининг хўжалик хужжатлари ўзида алоҳида шахслардан олинган солиқ тушумлари рўйхатини ифодалаган. Солиқ ун, вино, мол билан тўланган ва подшо «хазинаси»га берилган.⁷⁷

Милодий ІІ асрнинг биринчи ярми қатламида аниқланган Кампиртепа шаҳарчасидаги катта оиласига тегишли бинонинг хоналаридан бирида ҳам мана шу хилдаги хужжатлар топилган. Бироқ улар жуда ёмон сақланган.

Далварзинтепадан қазиб олинган олтин буюмлар дафинаси бизнинг муаммолизни тадқиқ этиш учун муҳим материал бериши мумкин. Улар, гарчи улардаги баъзи буюмлар (безаклар), шубҳасиз, анча олдинги даврга тегишли бўлса ҳам, милодий ІІ аср бошида кўмилган бўлса керак. Дафина таркибида икки гурӯҳда чорқирра қайроқтош мавжуд: 1. ҳажми 85x24-24x20 мм, оғирлиги 876,2 граммдан 877,8 граммгача; 2. ҳажми 68x16-17 мм, оғирлиги 358,1 граммдан 449,7 граммгача.⁷⁸

⁷⁷ Топрак-Кала. Дворец//Труды ХАЭЗ. -Вып. XIV.- М., 1984.- С. 251-286. (раздел написан В.А. Лившицем).

⁷⁸ Воробьёва-Десятовская М.ИТ. Надписи письмом юварошхи на золотых предметах из Дальверзин-тепе//ВДИ.- 1976. - №1.- С. 72-80; Пугаченкова Г.А. К открытию надписей юварошти на золотых предметах Дальверзинского клада//ВДИ.- 1976. - №1.- С. 64-72

Улардан ўнгаси кхароштхида битилган, уларда М.Воробьев-Десятовскийнинг ўқишига кўра қайроқтошларнинг ҳар бирининг оғирлиги статерлар, драхмалар ва дханеда келтирилади, шунингдек киши исмлари, эҳтимолки, лавозимлар ҳамда будда монахини билдирувчи «шрамана» сўзи берилади. Энг кўргазмали уч мисолнинг таржимасини келтирамиз:

1. 51 статер, 1 драхма, 2 дхане. Митро томонидан берилган.

2. 2. 25 статер, драманинг ярми. Бошлиқники. Митро томонидан берилган.

3. 3. 50 статер. Кальянлар. Шраманлар (берди).

Ёзувлар мазмунини талқин этиш ва қайроқтошларнинг аҳамияти юзасидан бир неча тахминлар билдирилган. М.Воробьев-Десятовскаянинг фикрича, Далварзин ёзувларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда Митра деганда Кушон хазиначиларидан бирининг номи назарда тутилган. Айни вақтда Е.Зеймаль формула ёзувида кўлланилган «*Mitrena dite*» муқаллас аҳамиятга эга деб ҳисоблайди, ёзилганинг тўғрилиги худо Митранинг номи билан тасдиқланади, у ушбу илоҳнинг асосий функцияси – шартнома ва мажбуриятга кафиллиги билан боғлиқдир. Бироқ М.Воробьев-Десятовская ушбу тахминни рад этади.⁷⁹ У тўртта қайроқтошлари ёзувларда «шрамана» сўзи кўлланилганлигига тўхталиб, Далварзин қайроқтошлари ушбу шаҳарнинг будда жамоаси мулкининг бир қисми бўлган ва будда ҳовончалири қурилиши ҳамда Будданинг олтин ҳайкалчасини тайёрлаш ва ибодатхона ҳайкалчаларини безаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга мўлжалланган бўлиши мумкин деб тахмин қиласи. Бу «Винди» қоидаларида назарда тутилган.⁸⁰

⁷⁹ Воробьёва-Десятовская М.И. Курсатилган асар.- С. 76.

⁸⁰ Уша жойда.- С. 78.

Г.Пугаченкова Далварзинтепа дафинасини Шимолий-Фарбий Ҳиндистонда улкан уй - ДГ-5нинг эгаси томонидан қўлга киритилган ҳарбий ўлжа деб қарайди. Унинг фикрича ушбу ўлжа Кушон-Бақтрия ҳарбий зодагонларига тегишили бўлган.⁸¹

Бироқ бошқа тахмин ҳам реал бўлиши мумкин. Ушбу қайроқтошлар ёзувлар билан бирга ва ёзувларсиз муайян оғирликдаги олтин қайроқтошлар билан амалга ошириладиган солиқ тушумлари ҳисобланган. Ушбу ҳолатларда улар икки оғирлик гуруҳида бўлган: биринчиси – 358,1-449,7 г, иккинчиси – 876,2-877,8 г. Биз юқорида қайд этганимиздек бунга ўхшаш солиқ Ўрта Осиёда милоддан аввалги бир мингийиллик ўргасидан бошлаб мавжуд бўлган. Ушбу солиқ Аҳамонийлар подшоси хазинасига тушган.

Бундан қайроқтошлардаги «Митра берди, Митра томонидан берилган, шраманлар (берди)» ёзувларини солиқ тўловчи муайян шахслар деб билиш лозим: биринчи ва иккинчи ҳолларда бой ер эгаси ёки савдогар Митра, учинчи ҳолда иккита қасрга эга бўлган шаҳарнинг (Далварзинтепанинг) бой будда жамоаси вакилларини тушуниш мумкин.

Ёзувлар Парфия Михридаткертедаги мадубар-ҳисобчи ёки Юнон-Бақтрия Ойхонумидаги солиқ тушумлари ҳисобчиси сингари тушаётган солиқ ҳисобини юритувчи маҳсус солиқ амалдори томонидан пунсон билан битилган.

Ойхонимда пул тушумлари шаҳар ҳукмдори саройи хазинасида маҳсус идишларда сақланган, у ердан сўнгра подшо хазинасига ўtkазилган. Далварзинтепадаги ДГ-5 обьекти сатрап Чаганиённинг саройи бўлганилиги, кейинчалик подшо хазинасига бериш учун бу ерга бутун вилоятдан солиқ тушумлари келтирилган бўлиши ҳам

⁸¹ Пугаченкова Г.А. Кўрсатилган асар.- С. 66.

мумкин. Г.Пугаченкова ва В.Массон ҳам ушбу бинони оқсусяклар уйи эмас, балки сарой деб талқин қилиш мумкинлигини таъкидлашади.

Далварзинтепада яна бир муҳим ҳужжат – паҳлавий ёзуви битилган – острак топилган. Үнга милодий III аср ўртаси – IV аср ўртаси санаси қўйилади. В.Лившиц ва А.Никитин талқинига мувоғиқ ёзув қўйилагича таржима қилинади: «12-йил. Навбун (?) 100 (?) динор тўласин...» Тадқиқотчилар бунда Эрондан Далварзинтепага келган форс савдогарлари олиб борган пул операциялари билан боғлиқ анча йирик суммада, 100 ёки ҳатто 1000 (бундай ҳам ўқиш мумкин) олтин тангадаги тўлов тўғрисида сўз боради деб ҳисоблайдилар.⁸² Бу фақат ҳужжатнинг қораламасидир, чунки молијавий ҳужжатлар узил-кесил вариантида терига ёзилган.

Бироқ ушбу ҳолда мазкур острак солиқ ҳужжати – қандайдир шахсга (Навбунга?) қарзни тўлаш зарурлиги тўғрисидаги эслатма ёки маҳсус амалдор юритган солиқларни ҳисобга олувчи эсадалик ёзув ҳам бўлиши мумкин.

Бутун Шимолий Бақтрия сингари Далварзинтепа ҳам, эҳтимолки, милодий III аср ўртасида Сосонийлар томонидан босиб олинган, ва бу ерда нафақат Эрондан келган савдогарларнинг, балки Сосоний маъмурлар бўлишининг ҳеч бир ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Келтириб ўтилган далиллар ҳозирча кўп эмас, бироқ улар илк ва ривожланган ўрта асрларда янада ривожланган қадимги Ўрта Осиёда қарор топган фискал тизим мавжуд бўлганлитини акс эттиради.

Ёзма ёлгорниклар

У ёки бу халқ маданиятининг аҳамияти кўп жиҳатдан цивилизациянинг ютуқларидан бири сифатида ёзувнинг

⁸² Лившиц В.А., Никитин А.Б. Ранний пехлевийский острак из буддийского храма в Дальверзин-тепе//ВДИ.- 1990.- №4.- С, 66-72.

мавжудлиги билан белгиланади. Кишиларнинг янги авлодлари хотирасида аждодларнинг ютуқлари ва ишларини сақлаш қобилияти ёзувнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ёзув давлат шаклланиши билан пайдо бўлади. Давлат ҳар хил давлат-хуқуқ муассасаларининг мавжуд бўйишини таъминловчи ёзувсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Масалан, қадимги Мисрда ёзув – Миср иероглификаси – бу ерда ягона подшолик пайдо бўлган даврдан бошлаб милоддан аввалги III асрнинг бошида майдонга келади. Бундан аввалроқ милоддан аввалги IV-III аср чегарасида ёзув дастлаб расм, сўнгра миххат кўринишида Месопотамияда, Шумернинг қадимги давлатларида пайдо бўлган.

Дастлабки ёзувнинг бу ҳар иккала тизими ўзида сўз белгиларини, сўнгра бўғин белгилари ва детерминативларни акс эттирган.

Кейинчалик милоддан аввалга II аср охирида таҳминлардан энг аниқроғи Финикияда сўзларнинг маъносини эмас, балки ишлатиладиган сўзларнинг жаранглашини берувчи семит ҳарф ёзуви пайдо бўлган. Ҳарф ёзувининг яратилиши инсоният тарихида ҳақиқий инқиlobга олиб келди, чунки у график жиҳатдан юзлаб мураккаб белгилардан иборат бесўнақай иероглифика ва миххатни йигирмага яқин ва ундан кўпроқ ёзув белгилари бўлган тизим билан алмаштириди. Семит ёзувлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дастлабки ҳарфли ёзув фақат унли товушларни (кейинчалик айрим ундош товушларни ҳам) ифодалаган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, милоддан аввалги 1000 йилга яқин подшо Библа Ахирамнинг саркофагига унинг ўғлининг буйруғи билан ёзилган ва ушбу саркофагни очишга уринганга лаънатлар айтилган финикия ёзуви ҳарфли ёзувда бажарилган энг қадимги ёзув ҳисобланади. Унинг якуний қисмида бундай дейилади: «... Агар подшолари орасидан подшо, ҳукмдорлар орасидан ҳукм-

дор ва ҳарбий лашкарбоши Библага кўтарилиб, ушбу саркофагни очса, майлига унинг ҳакамлиги асоси синсин, майлига унинг подшолик тахти ағдарилсин, майлига тинчлик Библани тарк этсин, у эса йўқ қилинсин». ⁸³

Кейинчалик, эҳтимолки, милоддан аввалги I минг йиллик бошида семит ҳарфли ёзуви юононлар томонидан қабул қилинган. Юононлар уни анча такомиллаштирган, ундош товушлар қўшишган. Бу сўзларнинг жаранглаши ҳам, ёзилиши ҳам аниқ берилишини таъминлаган.

Ёзувнинг айнан ушбу икки тизими — оромей ёзуви орқали семит ёзуви ва юонон ёзуви Ўрта Осиёда ёзувнинг араблар келишигача маҳаллий қадимий тизимларига асос бўлган. Шу билан бирга, муайян даврда, эҳтимолки, милодий I асрнинг бошидан VIII асргача Ўрта Осиёда Узок Шарқнинг буюк цивилизацияси ҳужумкор эволюцияси давомида мустақил равишда пайдо бўлган хитой иероглиф ёзуви ёйилганигини қайд этмоқ лозим. Маълумки, милодий VIII асрнинг биринчи ярмида Сўғдда ҳатто Сўғд ва Хитой афсоналари ифодаланган тангалар зарб қилинган. ⁸⁴

Биз юқорида қайд этганимиздек, Ўрта Осиё ёзув келиб чиқишининг дастлабки ўчоқлари минтақасига кирмаган. Унинг худудида ҳозирча ёзувнинг ашёли ва суратли хат (пиктография ва идеография) деб аталадиган ибтидоий шаклларидан сўзли-бўғинли, бўғинли ва, ниҳоят, ҳарфли турларигача ривожланишини ўз ичига олган илк босқичларнинг изларини аниқлаш имкони бўлмади.

Милоддан аввалги II минг йилликда Жанубий Туркманистонда керамикага солинган айрим тасвирлар орасида тасвирнинг тизимлилиги ва барқарорлиги ва расм-белгилар чафиштирилишининг муайян тартиби билан ажралиб

⁸³ Фридрих И. История письма.- М., 1979.- С. 97,282.

⁸⁴ Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент.- М., 1963.- С. 66.

турувчи белгиларнинг алоҳида гуруҳлари мавжуд. Уларда балким пиктографик ёзув куртакларини кўриш мумкин.⁸⁵

Миср иероглиф ёзуви, шунингдек Аҳамонийлар давлати, бинобарин Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб давлатлар ёзувининг асосий тури – миххат ёдгорликлари топилмалари ҳанузгача Ўрта Осиёда топилмаган.

XIX аср охири – XX аср бошида айрим сайёҳлар ва ўлкашуносларнинг гүёки улар Ўрта Осиёнинг энг жанубида миххат ёзувларини кўрганиклари ҳақидаги хабарлари пайдо бўлди. Ушбу хабарлар ҳозирча замонавий илмий маълумотлар билан тасдиқланмади,⁸⁶ бироқ Ўрта Осиёда бундай ёзувлар бўлганligини ва ушбу мингақа аҳолисининг миххат билан таниш эканлигини тўлиқ инкор этиб бўлмайди, чунки Ўрта Осиё деярли 200 йил (милоддан аввалги VI аср ўртасидан милоддан аввалги 330 йилгача) Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Тўғри, бу даврда Аҳамонийлар подшолари миххатдан алоҳида тантанали ҳолларда, жумладан ғалабани қоялардаги ёзувларда акс эттиришда фойдаланган. Аккал миххати билан ўйиб битилган ва ушбу подшонинг Ўрта Осиёдаги ишларидан ҳикоя қиливчи подшо Доро I нинг беҳистун ёзуви бунга мисол бўла олади. Қояда битилган ёзувлар билан бирга ушбу подшонинг хирож тўловчилари – саклар, бақтрияликлар, магианлар ва бошқа халқлар тасвирланган расмлари ифодаланган.

Афтидан, шундай қилиб, ушбу тасвирлар ва ёзувлар Ўрта Осиёда яшовчиларнинг миххат билан таниш эканлигидан далолат беради. Бу ерда яшовчиларнинг айримлари ёзувнинг бошқа тури – Аҳамонийлар давлатида кенг тарқалган оромей ёзувини эгаллаб олган бўлиши керак.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда ўрганиб олиш осон бўлган оромей ёзуви (унда ҳаммаси бўлиб 20 га яқин

⁸⁵ Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. г. Ташкент, 1985. - С. 7.

⁸⁶ Уша жойда.

ҳарф бўлган) илгари Олд Осиёда ҳукмронлик қилган миҳхатнинг бесўнақай тизимини аккад, эlam, урарту ёзуви билан сикиб чиқарган. Улкан ҳудудли ва ҳар хил қабилали Аҳамонийлар империясининг деярли барча сатрапликларида – Кичик Осиёдан Шимоли-Фарбий Хинди-стонгача, шу жумладан Ўрта Осиёда оромей тили муомаланинг асосий воситаси, маъмурий бошқарув ва идора ишлари юритиладиган тилга айланган.

Геродотга биноан, Аҳамонийлар империясининг ҳар бир сатраплигига подшо томонидан йўлланадиган ёрлиқларни ўқийдиган подшоларнинг мирзолари бўлган. Бундан ташқари, подшонинг яқинлари ҳам ўз ёрлиқларига эга бўлган. Подшо Доро Лидия сатраги Оретга зодагон форс Багеяни юборишга қарор қилгандা, Багея подшонинг топшириғи билан бир нечта ёрлиқ ёзган ва Лидиянинг пойтахти Сардга келгач, уни ўқиши учун подшонинг мирзосига берган (Геродот III, 128). Оромей мирзолар хужжатларни кўпинча мияларида оромей тилига таржима қилишиб маҳаллий амалдорлар – форслар, мидияниклар, парфияниклар, бақтрияниклар, сўғулар айтиб турган пайтда ёзиб олганлар. Маълум бир сатрапликнинг иш юритиладиган бўлимидан ахборот олинганда ҳам мана шундай тартибга риоя қилинган: ахборот оромей тилидан маҳаллий тилга оғзаки таржима қилинган. Бундай амалиёт натижасида аста-секин оромей-маҳаллий лексик ва грамматик мувофиқлик тизими шаклланган. Айни вақтда оромейларнинг хужжатлар тилига маҳаллий тиллар кучли таъсир кўрсата бошлаган. Оромей тилида ўзлаштириб олинган сўзлар (acosan маъмурий атамалар) ва маҳаллий тиллардан бутун-бутун иборалар пайдо бўлган, оромей сўз тартиби ўзгарган.⁸⁷

Эҳтимолки, ушбу даврдаёқ Ўрта Осиё аҳолиси оромей ёзувини ўзлаштириб олган. Нил дарёсининг қуйи оқим-

⁸⁷ Ртвеладзе Э.В., Лившиш В.А. Кўрсатилган асар. – С. 7-8.

ларида Элефантин оролида бошқа папируслар билан биргаликда топилган оромей папируси бундан далолат беради. Милоддан аввалги 464 йил санаси қўйилган ушбу ҳужжатда ер участкасига эгалик қилиш юзасидан Элефантин оролидаги Артабан отрядидаги ҳарбий гарнизонда хизмат қўйувчи Даргамон билан ушбу гарнизондаги бошқа отрядда хизмат қўйувчи яхудий Махсей ўртасидаги мулкий низо тўғрисида сўз боради. «Элефантин қатъасидаги Артабан отрядидан хоразмлик Харшиннинг ўғли Даргамон Махсейга деди ...» сўзлари билан бошланадиган ушбу ҳужжат Элефантин оролида оиласи билан бирга яшовчи асли хоразмлик бўлган Даргамон оромей тили ва ёзувини билганинги кўрсатади.⁸⁸

Қадимшунос М.Мамбетуллаев томонидан Катта Ойбуйирқатъя шаҳарчасини (Шимолий Хоразм) қазиш чогида топилган ҳумда сақланиб қолган қисқа ёзув оромей ёзувининг Ўрта Осиёдаги қадимиий ёдгорлиги ҳисобланади.⁸⁹ Ҳарфларнинг ёзилишига ва археологик саналарга кўра у милоддан аввалги V ёки 1У асрларга тегишли бўлиши мумкин. У қадимги Хоразм тилида эмас, балки ҳамон оромей тилида битилган бўлса керак.

Хоразм шаҳарчаларида керамикага ёзилган яна бир неча ёзувлар топилган, бироқ уларнинг қисқалиги (одатда, уларда факат хоразмча номлар битилади) улар оромей тилида ёки амалда ўша ёзув билан Хоразм тилида ёзилганини масаласини ҳал этиш имконини бермайди. Археологларнинг фикрича, милоддан аввалги IV-III асрлардан бошлаб милодий I асргача бўлган давъга тегишли бўлган ёдгорлик – Кўйқирилганқатъадаги айрим ёзувлар ҳам мана шунга ўхшашдир.

⁸⁸ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М., 1980. – С. 300-3001.

⁸⁹ Мамбетуллаев М. Ҳум с городище Айбуйир-қала с древнейшей надписью с Средней Азии// Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. – 1979. - №1. – С. 46-48.

Милоддан аввалги III-IV асрлар санааси қўйилган яна иккита ёзув ҳам энг илк оромей ёзувларига тегишилидир. Улардан бири Амударё доирасида топилган узук-муҳрдаги ёзувдир. У тўрт белгидан иборат бўлиб, одам-буқа Гопатшоҳ тасвири юзасига ёзилган ҳамда илоҳ Амударё WHSW-Вахш номини билдиради.⁹⁰

Яна бир ёдгорлик – бу олтин тангаларга битилган оромей матнидир. Унда Вахшувар (грек транскрипциясида Оскиарт) номи берилади.⁹¹

Ўрта Осиёга қўшни бўлган ҳозирги Афғонистон худудида қадимги Арахозий вилоятида зангори-қўқ тошлардан ясалган буюмларга – ҳовонча, ўғир дастаси, лаганчаларга бир туркум оромей ёзувлар битилган. Ушбу ашёлар барча зардуштийларда муқаддас ичимлик ҳисобланган хаом тайёрлаш маросимида муҳим роль ўйнаган. Ушбу ёзувларда, жумладан, Бақтрия, Сўғд ва бошқа Қадимги Шарқий Эрон ҳунармандларига яқин бўлган Арахозий ҳунармандларининг номлари – бутун Шарқий Эрон ва Ўзбекистон Республикаси учун эски номлар тўплами битилган.⁹²

Аҳамонийлар давлати Александр Македонский армиясининг зарбалари остида қулагандан кейин гарчи иш юритишида юнон тили ва ёзуви қўлланилса ҳам Ўрта Осиёда оромей канцелярияси сақланиб қолаверган.

Парфия подшолигида бирмунча вақт юнон тили билан биргаликда оромей тили сақланиб қолди, Юнон-Бақтрия подшолигида юнон тили асосий бошқарув тили бўлган.

Ойхоним шаҳарчасида топилган келиб чиқишига кўра оромей ёзувида битилган острак милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмига тегишилидир.

⁹⁰ Зеймаль Е.В.Амударъинский клад. Каталог выставки. – Л., 1979.

⁹¹ Ўша жойда.

⁹² Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Кўрсатилган асар. – С. 9.

Мазмунан хўжалик ишлари ҳақида сўз борган ушбу қисқа матннинг – атиги тўлиқ бўлмаган уч сатрнинг ва унга бошқа кўл билан битилган қўшимчанинг (ёки олдин битилган, бироқ ўчирилмаган) тили П.Бернар ва В.А.-Лившицнинг фикрича, оромей тилидан кўра кўпроқ Бақтрия тилидир.

Ойхонимдаги топилма Юнон-Бақтрия подшолигида, афтидан, унинг бутун тарихи давомида юнон иш юритиши билан биргаликда, эҳтимолки, энг аввало маҳаллий аҳолига хизмат қилган оромей-бақтрия иш юритиши амал қилганлигини кўрсатади.

Ҳар қандай ёзув, одатда, жуда консерватив ва анъанавий бўлади. Ушбу хусусият маданий меросни кўпилаб авлодлар хотирасида сақлашдек унинг муҳим функцияларидан бири билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳатто эллинлар ҳукмронлиги даврида ҳам оромей ёзувининг Ўрта Осиё ва Шарқий Эронда, шу жумладан Бақтрияда турғунилигига ҳайрон бўлмаслик керак.

Бақтрия-оромей ёз уни эрамизнинг биринчи юз йиллигидан, Кушонлар ҳукмронлиги даврида Термизда ҳам мавжуд бўлган. В.Лившицнинг аниқлашича, Фаёзтепадаги будда комплексини қазиша П.Альбаум томонидан топилган сопол парчасига битилган биттагина сўз бундан далолат беради.

Эҳтимолки, Бухоронинг Сўғдида муомалада бўлган Евтилемнинг тетрадрахмаларига тақлид қилинган матнлар Сўғд ёзувида эмас, балки оромей ёзувида битилган. Унинг энг илк нусхалари милоддан аввалги II асрга тегишлидир.⁹³ Антиох тангларига тақлидан чиқарилган танглардаги матнлар юнон ёз уни билан биргаликда оромей ёзувида битилган. Бундай тангларни зарб қилиш Самарқанд Сўғдида

⁹³ Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // ВДИ. - 1964. - №3. - С.167

милоддан аввалги III аср охири – II аср бошига тўғри келади.⁹⁴ Айрим тадқиқотчилар эслатиб ўтилган матнлар сўғд тилида сўғд ёзувидаги битилган деб ҳисоблашади, бироқ улар қисқа эканлиги туфайли буни аниқлаш мумкин эмас.

Матнларда одатда подшонинг номи ва унвони сўғд сўзи билан эмас, балки оромей MRY сўзи билан ёзилган. Тангалардаги матнларда учрайдиган иккинчи унвон ҳам MLK оромей тилида ёзилган. Шу сабабли милоддан аввалги биринчи асрларда оромей ёзувининг маҳаллий сўғд ва хоразмий ёзувларига алмашиши ҳақида сўз юритиш эрта. Гарчи милоддан аввалги III–II асрлар чегарасида олдин ягона бўлган оромей ёзуви бир қанча турларга – квадрат яхудий, пальмир, набатей ёзувларига бўлиниб кетганини яхши маълумдир.⁹⁵ Ўрта Осиёда оромей ёзуви асосида маҳаллий ёзувларнинг пайдо бўлиши ҳамда оромей ва юнон ёзувларининг сиқиб чиқарилиши кейинроқ юз берган.

Ўрта Осиё икки дарё оралигининг қадимги вилоятларида чиқарилган тангалар матнлари ёзувлари эволюциясини тадқиқ этиш орқали ушбу жараённи кузатиш мумкин.

Олинган маълумотлар милоддан аввалги асрларда Бактрияда ва қисман Сўғдда юнон ёзуви ҳукмронлик қилганини кўрсатади. Милоддан аввалги IV аср охиридан бошлаб милоддан аввалги II аср бошигача ёки милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми бошланишигача Сўғдда сиёсий ва ҳарбий ҳукмронлик эллинларга тегишли бўлганини ҳайрон қоларли эмас.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ибтидоий давр оралифи ҳудудида юнон ёзувлари топилмалари ҳозирча

⁹⁴ Зеймаль Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы // Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности. – М., 1983. – С. 68-76

⁹⁵ Литвинский Б.А., Виноградов Ю.Р., Пичикян И.Р. Вотив Атросока из храма Оска в Северной Бактрии // ВДИ. – 1985. - №4

унча кўп эмас. Шимолий Бактриядаги олтита ёзув юонон ёзувига тегишилидир. Булар: милоддан аввалги III-II асрлардаги меҳробдаги «Атросак Оксга назр-ниёз атадим» деган ёзув; милоддан аввалги II асрдаги оғирлик ва суюқликни ўлчовчи – 15 драхма ва 7 хойни ўлчовчи идишларнинг парчаларидағи ёзувлар, шунингдек грек номи – КЛЕ ...⁹⁷; Гаровқалъани қазишида топилган Кушон даври хуми парчасидаги юононча ёзув – ном «Soecpos»⁹⁸. Эҳтимолки, Қора камардаги митра ибодатхонаси деворларига ўйиб ёзилган юононча бағишлиов милодий биринчи асрларга тегишилидир.⁹⁹

Ойхоним шаҳарчасида аниқланган ҳар хил материалларда (сопол парчаларida, папируслар, тошларда) милоддан аввалги III-II асрларга оид кўп миқдорда юонон ёзувлари аниқланган.

Улар орасида шаҳар ҳукмдори ёки алоҳида эътиборли шахснинг мақбарасида топилган икки ёзув ажойибдир. Улардан бирида қандайдир клеарх – Аристотелнинг кичик шогирди бунда нусхаси Аполлон ибодатхонасидан кучирилган ҳикматли сўзни ёзгандиги айтилади, иккинчисида эса ҳақиқатдан ҳам ушбу фалсафий иборадан парча келтирилади.

Ушбу шаҳарчадаги бошқа бир обьектни-саройни қазишида кейинроқ милоддан аввалги III-II асрларда папирусга юонон тилида ёзилган (дарвоҷе Ўрта Осиёдаги энг қадимги ёзувлар) ва ўзида уларни ўрганиб чиққан Клод Рапэннинг фикрича, Аристотель таълимоти билан боғлиқ фалсафий матнни ифодаловчи ёзувлар битилганилиги қизиқарлидир.

Сўғдда, Афросиёбда иккита қисқа юонон ёзуви аниқланган. Улардан бири, милоддан аввалги IV аср охири –

⁹⁷ Rteladze E.V. Découvertes en numismatique et épigraphie Greco-Bactriennes à Kamprug-tepe (Bactriane du Nord)/ Revue Numismatique. 1995, 150-e volume. P. 22-25.

⁹⁸ Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М., 1977.- С.246

⁹⁹ Устинова Ю.Б. Наскальные латинская и греческая надписи из Кара-Камара// ВДИ. - 1985. - №4. - С. 145-147.

III аср бошига тегишли қатламда тўрт ҳарф – КТНС ўйиб ёзилган. X.Охунбобоевнинг фикрича, ушбу ёзув уй осто насиға осиб қўйиладиган сүжнинг боз ҳарфлари КТНС [ЛОΣ] бўлса керак.¹⁰¹

Бақтрияда юон тили ва ёзуви Юон-Бақтрия подшолиги кулагандан кейин ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Гелиакл, Евкратид, Деметрий тангаларига тақлид қилиб юэчжи тангаларидаги матнлар Фсейгахарис, Сападбиз тангалари, кушонлар уруғининг асосчиси Кушон (Герай) тетрадрахмалари ва оболлар бундан далолат беради. Ушбу матнларда ҳамон соф юон унвонлари (базилеве, тирон) қайд этилган. Бироқ уларда ҳарфларнинг ёзилиши анча бузилган, иккинчи томондан – ушбу матнлардаги ҳарфларнинг шакллари матнларни ёзувчилар юон палеографиясининг кейинги ривожланишидан хабардор бўлганликларидан далолат беради. Масалан, «сигма» кейинги тақлидларда ўз кўринишининг умумий ўзгаришига мувофиқ эгилган эски шакл ўрнига янги – квадрат ёки ойсимон шакл қасб этади.

Илк Кушон подшолари – Вим Ток (то), Вим Кадфиз, Канишка I тангаларида юон тили ва ёзуви, жумладан «Басилевс, Басилевс Басилеон» каби унвонлар ва сифатлар, юон худоларининг номлари ҳали сақланиб қолади, (подшоларнинг подшоси), «Сотер Мегас» (буюк ха-лоскор) бироқ милодий II аср биринчи ярмига тўғри келган энг буюк Кушон подшоси Канишка I ҳукмронлигига ёки туб ўзгаришлар давлат сиёсатида Бақтрия тили ва ёзувига ўтиш юз беради. Подшо Канишка I нинг олий фармонини ифодаловчи Рабатадан олинган ёзувнинг учинчи сатри бундан далолат беради: «...Ва у

¹⁰¹ Ахунбабаев Х.Г. Астрагал с греческой надписью из раскопок на Афрасиабе /ИМКУ.-25.-1991.-72-77-б.

(яъни подшо Канишка) юонон тилида олий фармон чиқарди, сўнгра уни орий тилига афдаради».¹⁰² Унинг тангаларидаги афсоналар ҳам бундан тўлиқ далолат беради, унда «Басилевс Басилеон» юонон унвони тенг аҳамиятли бақтрияча «Шаонано Шао» (подшоларнинг подшоси) унвони билан алмаштирилади».

Сўғд ва Хоразм ҳумкдорлари тангаларида юонон матнларини маҳаллий сўғд ва Хоразм матнларига алмаштириш бир вақтнинг ўзида, бироқ, эҳтимолки, янада жадалроқ амалга оширилган.

Сўғднинг юэчжи ҳукмдорлари Гиркод ёки Уркоднинг тангалари ушбу «жараённи айниқса ёрқин намоён қиласи. Биринчи икки типдаги ушбу гурухнинг энг илк тангаларида (чамаси, милоддан аввалги I асрда) найза ушлаб тик турган одам, сакраётган от тасвири билан бирга олд ва орқа томондаги матнлар тўлиқ юонча, бироқ маҳаллий исмлар ва номлар ёзилган: ΥΡΚΩΔΟΥ вА ОРΔΗΘ POY M*AKAPOY¹⁰³.

Ушбу гурухга кирувчи, бироқ анча кечроқ даврга тегишли бўлган тангаларда (милодий I-III асрлар) матнлар фақат сўғд тилида бажарилган. Бу зарб қилиниши милодий I асрга тегишли бўлган камончи, Геракл ва Зевс тасвирланган Жанубий ва Самарқанд Сўғди тангаларидаги матнларга ҳам тегишилидир¹⁰⁴.

Давр ва мазмун жиҳатидан юонон матнларини алмаштиришнинг ана шундай жараёни Хоразмда ҳам юз берди. Ушбу вилоятдаги энг илк тангалар Евкратиднинг тетрад-

¹⁰² Sims Williams N., Cribb J. New. Bactrian inscription of Kanishka//Silk Road Art and Archaeology IV, Kamakura, 1994/95P.73-145; Ртвеладзе Э.В. Новые данные к истории государства Кушан //ОНУ. - 1997. - №5.- С. 68.

¹⁰³ Зеймаль Е.В. Политическая история Трансоксианы по нумизматическим данным //Культура Востока. Древность и раннее средневековье.-Л., 1978.-192-214-6.

¹⁰⁴ Зеймаль Е.В. Раннесогдийские монеты с изображением Геракла и Зевса // Сообщения Гос.Эрмитажа. Вып. XXXVII.-Л.,1973.-68-73-6.

рахмаларига тақлид бўлиб, қисман бузилган А гуруҳидаги юонон матнида сўзлар битилган милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми милодий I аср санаси қўйилган. Қисқача Хоразм ёки ҳамон оромей матни фақат Б гуруҳ тангаларда пайдо бўлган. Уларни зарб қилиш милодий I аср ўртаси милодий I аср иккинчи ярми бошланишига тегишилидир.¹⁰⁵ Тангалардаги матнлар ҳарфларнинг ёзилиши ҳақиқий оромей ҳарфларидан ҳали жуда кам фарқ қилган. Бунинг устига ушбу тангалардаги ёзувлардаги фақат оромей унвонларидир: Мрай-хукмрдор ва Млка-подшо.

Демак, милодий I асрда тангалардаги матнларга кўра Сўғд ва Хоразмда юонон ва оромей хати ёзувнинг маҳаллий тизими билан алмаштирилди (оромей ёзуви асосида). Бундай ҳол Парфияда ҳам кузатилди. Бу ерда милодий I аср ўртасида кичик Аршакилларнинг ҳокимиятта келиши билан тангалардаги юонон матнлари Парфия матнларига алмаштирилган. Ушбу жараён бирмунча кейинроқ Бақтрияга ҳам кириб борган. Бу ерда милодий II асрнинг фақат биринчи ярмида тангалардаги юонон ёзувлари мазмуни ва бажарилишига кўра Бақтрия ёзувлари билан алмаштирилган.

Шу билан бирга оромей ёзуви ва тилини маҳаллий тизимлар билан алмаштириш жараёни жуда узоқ давом этган ва эҳтимолки, милодий биринчи асрда бошланган деб ҳисоблаш мумкин. Ушбуни аниқлаш биринчи навбатда фан ушбу тилларда сўғд ёки Хоразм ёзувида бажарилган батафсил матнлар топилмаларига эга эмаслиги туфайли қийинлашади. Аслида уларнинг энг илк намуналари милодий II-III асрларга (Тўпроққалъадан топилган Хоразм матнлари) ёки милодий IV аср бошига (эски сўғд ёзувлари) тегишилидир. Фаннинг ихтиёридаги тангалардаги қисқа матнлар

¹⁰⁵ Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма.-М.,1977.

уларда ҳарфларнинг ёзилиш шакли ҳали оромей ёзувига жуда яқин эканлигини, милоддан аввалги II-I асрлардаги ёзувлар орасида эса, мисол учун Парфия ёзувини Хоразм ёки сўғд ёзувидан ажратиш қийин эканлигини кўрсатади.

Энди араблар кириб келгунга қадар Ўрта Осиё икки дарё оралиғида мавжуд бўлган ёзувни аниқ кўриб чиқамиз.

Тахминан милоддан аввалги I асрда — милодий I асрда пайдо бўлган, кенг ёйилган ёзувлардан бири сўғд ёзуви эди. Қадимда, айниқса илк ўрта сўғд ёзуви Евросиёнинг Эски Марвдан бошлаб Олтой, Мўғулистон, Хитой ва Тибетгача бўлган улкан ҳудудида қўлланилган, сўғд тили эса муомаланинг, айниқса турли ҳалқлар ўртасидаги савдо-сотиқда бир-бирини тушунишнинг асосий воситаси бўлган.¹⁰⁶ Ўрта Осиёда сўғд ёзуви ёдгорликлари Сўғдан ташқари Чоч, Фарғона водийси, Еттисувда топилган. Сўғд ёзувининг бундай кенг тарқалиши Сўғд савдогарлари Буюк Ипак йўлида олиб борган фаол савдо-сотиқ ҳамда минтақадан анча ташқаридан сўғдлар яшайдиган жойлар пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда Шарқий Туркистонда маълум бўлган сўғд матнлари ва қўлёзма матнларнинг кўпилаб топилмаси мана шу билан изоҳданади. Сўғд мустамлакаларида будда, манихит ва насроний матнлар таржималари, шунингдек сўғд дунёвий адабиётининг асл нусха асарлари қайта кўчирилган. Асл нусха асарларнинг бизгача бир нечта парчаларигина етиб келган холос. Шарқий Туркистонда ва сўғдларнинг турклар билан алоқаси қалин бўлган Мўғулистонда сўғд ёзуви қадимги уйғур ёзувига мослаштирилган. Қадимги уйғур ёзуви Ўрта Осиё ёзувининг буюк эстафетасини сўғдлардан уйғурларга ва ундан кейин манчужурларга олиб ўтган.

¹⁰⁶ Лившиц В.А., Хромов А.Д. Согдийский язык//Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки.-М.,1981.- С. 347-515.

Сўғд ёзуви қачон ва қаерда биринчи марта пайдо бўлганлиги аниқланмаган. Милоддан аввалги I асрда – милодий I асрда Бухоро вилоятида чиқарилган Юон-Бақтрия подшоси Евтилем тетрадрахмаларига тақлид қилиб зарб берилган кумуш тангалардаги қисқа ёзувлар унинг энг қадимги намуналари ҳисобланади. Ушбу даврда ва бирмунча кейинроқ Сўғднинг турли туманларида зарб қилинган бошқа тангаларда сўғд ёзуви юон ёзуви билан алмаштирилган (Антиох тангаларига тақлидлар, Гиркод гурӯҳи тангалари ва бошқалар). Шунингдек геммлар – қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошлардаги бирмунча илк сўғд ёзувларини айтиб ўтиш мумкин.

Бироқ фанда «Эски сўғд ёзувлари» деб аталадиган, мазмунига кўра сўғд ҳужжатлари бўлган ажойиб гурӯҳ маълумдир. Айрим олимлар уларга милодий IV аср бошланиши санасини қўядилар, бошқалари уларни ҳатто милодий II асрга тегишли деб ҳисоблайдилар.¹⁰⁷

Шарқий Туркистонда яна кўплаб сўғд қўлёзмалари топилган. Булар қора туш билан терига, қайин пўстлоғига ва бошқа материалларга ёзилган будда, манихей ва насроний диний матнларнинг сўғд тилига таржималаридир. Сўғд тилидаги адабий асарлар жуда оз бўлса ҳам жуда қизиқарлидир. Улар орасида бир қўлёзманинг 16 тўлиқ бўлмаган қатордан иборат парчасини айтиб ўтиш мумкин. Унда эпик қаҳрамон Рустамнинг девлар билан олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Яна бошқа бир қўлёзманинг парчасида савдогар, марварид пармаловчи ва уч балиқ ҳақидаги эртаклар сўғд тилига таржима қилинган.¹⁰⁸

Сўғд зиёратчилари муқаддас жойларда, савдогарлар, чоларлар қояларга қолдириган ёзувлар сўғд ёзувининг

¹⁰⁷ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Кўрсатилган асар.- С. 351; Henning W.R. The date of the Sogdian Ancient Letters//BSOAS 1948, v.12, pt. 3-4.

¹⁰⁸ Лившиц В.А. Хромов А.Л. Кўрсатилган асар.- С. 351-364.

ўзигта хос ёдгорлиги ҳисобланади. Улар осилиб турган қояларга кўпинча ўз номларини ёзишган, ушбу жойларда бўлғанликларининг далили сифатида сана қўйишган. Бундай ёзувлар Мўфулистонда, Еттисувда, Тибетда ва Ҳиндистонда аниқланган. Масалан, насроний динига эътиқод қилувчи самарқандлик сўғд Нашфарн Тибет ва Кашмир чегарасида Ладакдаги қояга ёзув қолдирган.¹⁰⁹

Немис археологи К.Йеттимар томонидан Инд дарёсининг юқори оқимида ажойиб кашифиёт қилинган. Бу ерда Қорақарум шоҳ йўли бўйлаб ўтган кўприк устида осилиб турган қоялар бор. Бу қояларда сўғд тилидаги кўплаб «ташриф» ёзувлари мавжуд. Х.Хумбах ва Н.Симс-Вильямс тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ушбу ёзувлар Ҳиндистоннинг буддага оид муқаддас жойларига сифинишга бораётган сўғд зиёратчилари томонидан ёки бўлмасам Ўрта Осиёнинг ҳар хил вилоятларидан бўлган сўғд савдогарлари томонидан қолдирилган. Айрим ёзувларга ҳарфларнинг ёзилиши хусусиятларидан келиб чиқиб олимлар томонидан милодий III ва ҳатто II аср санаси қўйилади ва улар энг қадимги сўғд ёзувларидан бири бўлибгина қолмай, балки умуман олганда қояларга ёзилган энг илк сўғд ёзувлари ҳисобланади. Насабига кўра олимлар Шатнал кўпригига қояларга ўз ёзувларини қолдириган сўғдликлар орасида Маймург (Самарқанд яқинида) ва Чочдан (замонавий Тошкент воҳаси) чиққанлар бўлғанликларини аниқлашга муваффақ бўлишган.¹¹⁰

Вақтга эътибори билан қояларга ёзилган энг сўнгти сўғд ёзувлари (IX-X асрлар) Қирғизистонда топилган.¹¹¹

¹⁰⁹ Симс-Вильямс Н. Путешественники в Тибет: согдийские надписи Ладака// ВДИ.-1995.-№2.- С. 61-68.

¹¹⁰ Литвинский Б.А. Гильгитский эпиграфическо-петроглифический комплекс и его значение//МАИКЦА.-Вып.15.-М.,1988.

¹¹¹ Лившиц В.А. Согдийские в Семиречье; лингвистические эпиграфические свидетельства//Красная речка и Бурана.-Фрунзе,1989.- С. 78-85.

Сўғдларнинг ҳақиқий ватанидан анча узоқда аниқланган қоялардаги ёзувлар сўғд ёзувининг бошқа ёдгорликлари билан биргаликда сўғд тили ва ёзувининг буюк ролидан, сўғд мустамлакачиларининг Ўрта Осиёning энг чекка жойларига ҳам кириб борганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудининг ўзида ҳам жуда хилма-хил сўғд ёзувлари аниқланган. Бироқ улардан энг аҳамиятлиси 1965 йилда Афросиёбни қазиш пайтида очилган туш билан деворга ёзилган 16 қаторли вертикал битикдир. Милодий VII асрнинг иккинчи ярмига тегишли В.Лившиц томонидан ўқилган ёзувда Самарқанд подшоси Авархуманга Чаганёндан (Сурхондарё ҳавзаси) ўша ердаги подшо Туронтош номидан канцелярия бошлиғи (дапирпат) Пукарзот бошчилик қилган ҳадя ва канизак билан келган элчилар ҳақида ҳикоя қилинади.¹¹²

Кейинги вақтларда Чочдаги сўғд ёзувини ўрганиш жараёнида жуда қизиқарли натижалар қўлга киритилди. Булар (ҳукмдорнинг унвони, исми, баъзан эса вилоятнинг номи ёзилган) тангалардаги қисқа ёзувлардир. Чоч тангалари орасида илк – милодий III-IV асрларга тегишли тангалар бор. Бу сўғд ёзуви ва эҳтимолки тили бу ерда ҳам қўлланилганидан далолат беради. Тангаларнинг иккинчи гуруҳи VII-VIII асрнинг биринчи ярмига тегишли бўлиб, улар иконография сюжетлари бўйича жуда хилма-хилдир. Ушбу тангаларда тож кийган ҳукмдорлар, қуёш ва ой рамзлари, ҳайвонлардан от, тuya, тасвирлари берилган ҳамда алоҳида белгилар - тамға қўйилган.

Ҳар бир тангага матн ёзилган. Кўпинча ҳукмдорларнинг номлари битилган: Арганча, Вийартфарнук, Сочак, Тарнавч, Йазатпир (В.Лившиц ўқиган). Чоч тангаларидаги ёзувлар-

¹¹² Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба.-Ташкент, 1975.- С. 52-56.

ни ўқиши ҳозир ушбу вилоятнинг илк ўрта асрлардаги тарихига мутлақо бошқача қарааш имконини беради.¹¹³

Кумуш идишларга битилган бир қанча сўғд ёзувлари маътум. Уларнинг кўпчилиги VI-IX асрларда сўғд матнлари учун хос бўлган одатдаги курсивда битилган. Ушбу гурухга киравчи ҳарфларнинг шаклига кўра IV асрга тегишли бўлган ёзувлардан бирининг эътиборли жиҳати шундаки, унда Чоч (Тошкент воҳаси) ҳукмдорининг унвони ва номи битилган, ёзувнинг ёнига тамға босилган. Ушбу тамға шаклига кўра Тошкент вилоятида топилган кўплаб бошқа тангалардаги тамғага жуда ўхшайди. Бу Чочда сўғд ёзуви ва тили қўлланилганинг энг илк далилидир.¹¹⁴

Чочнинг ҳукмдорлари ва музофотларнинг бошлиқлари томонидан VI-VIII аср бошида чиқарилган тангаларда сўғд ёзувлари мавжуд (ҳукмдорларнинг номлари орасида қадимий туркий номлар ҳам учрайди).

Бошқа уч ёзув сўғд ёзувининг Бухоро турида бажарилган. Эҳтимолки, Бухоро ёки Фарбий Сўғд, Самарқанд Сўғди, Шарқий Сўғд ёзувидан фақат сиёсий тузилмаси билан эмас, балки диалекти билан ҳам фарқ қилган. Ёзувларнинг Бухоро варианти кумуш идишлардаги ёзувлардан ташқари Бухоро воҳаси ҳукмдорларининг тангаларида ҳам ифодаланган. Умумсўғдий Самарқанд хатидан фақат бир нечта ҳарфнинг ёзилиши билан фарқ қилган Бухоро ёзуви, афтидан, фақат расмий ёзувларда қўлланилган.

Самарқанддан 120 км шарқда *Муғ тогилаги* қасрда олиб борилган қазилма пайтида топилган милодий VIII аср бошига тегишли бўлган сўғд ҳужжатлари архиви Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи ва маданиятида сўғд тили ва ёзувининг улкан аҳамиятини кўрсатади. Бу ерда сўғд,

¹¹³ Riveladze E.V. Pre-Muslim Coins of Chach // Silk Road Art and Archeology. 1997-1998.- С. 307-329.

¹¹⁴ Лившиц В.А., Луконин В.Г. Кўрсатилган асар.- С. 165-170.

Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчиллик ва ҳукуқ тарихидан лавҳалар араб, хитой тилларидағи 89 ҳужжат топилган. Қўлёзмаларнинг аксарият кўпчилиги (74) сўғд тилида сўғд ёзувида ёзилган. Булар хусусий ва дипломатик хатлар, контрактлар, календарь, хўжалик ҳисоб ёзувидир. Уларнинг таржимаси бир гурӯҳ олимлар: А.Фрейман, В.Лившиц, М.Боголюбов, О.Смирновалар томонидан бажарилган. Кўпчилик ҳужжатлар Панжикент ва унинг атрофидан, Зарафшоннинг юқори оқимидан келиб чиққан. Улар ҳукмдор (Панжикент) Деваштич номи билан боғлиқдир. У бир қанча ҳужжатларда сўғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори сифатида тилга олинади.

Арабларга қарши биргаликда курашиш учун Чоч, Фарғона ҳукмдорлари ва тирс ҳоқони билан шартнома тузиш учун Чочга юборилган Деваштчнинг маҳсус топшириқ берилган вакили Фатуфарнинг Деваштичга юборган билдиришномаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Сўғд ҳужжатларининг А.Фрейман таржимасидаги намунларидан бирини келтирамиз: «Сўғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштич уделлар бошлиқларига саломатлик тилайди ва ўз эҳтиромини билдиради, энди эса менинг мақтубимни олганингдан кейин маънавий bemорга битта шифобахш мусаллас бермоқ даркор, уни дарҳол бериш лозимдир ва у бундан шифо топади ва уни шу тарзда саклаш зарур...».¹¹⁵

Муғ тоғида аниқланган ҳужжатларда Сўғднинг ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва маданий тарихига оид қимматли маълумотлар бор. Жумладан минтақада кулларнинг тўрт тури борлиги, сўғд оила ҳуқуқининг асосий кўрсатмалари, туркларнинг сўғд шаҳар ҳаётида ва унинг маъмуриятида иштироки ҳақида биринчи марта улардан маълум бўлди.

Илк ўрта асрларда Ҳиндистондан Шарқий Туркистонгача улкан ҳудудга ёйилган Бақтрия ёзуви Ўрта Осиёдаги

¹¹⁵ Согдийские документа с горы Муг. I-III.-М., 1962-1963.

ёйилиши ва қўлланилиши вақтига кўра иккинчи ёзув бўлган. Икки буюк давлат — Кушон ва Эфталий давлатларида, шунингдек Тохаристондаги майдароқ илк ўрта асрлар князликларида расмий ёзув бўлганлиги унинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Ушбу ёзувлар тили ва хатининг «Бақтрия ёзуви» эканлиги ҳақидаги таклиф В.Хенниг томонидан киритилган. Кейинчалик ушбу ном умум томонидан кўп ишлатила бошланди ва илгари қўлланиб келинган «этео-тохар», «кушон», «Кушон-Бақтрия», «Юон-Бақтрия» номларини сиқиб чиқарди.¹¹⁶ Бироқ Кушон подшоларининг ўзи ушбу тилни орий тили деб аташни маъкул кўрган. Бақтрия ёзуви, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эллинистик давлатларда кенг ёйилган юонон ишбилармонлик курсивидан келиб чиқкан. Авроман ва Эрон Курдистонидан топилган пергаментлардаги ёзувларда унинг намуналари учрайди. Бақтрия ёзуви Бақтрияда вужудга келган, бу тасодифий эмас ва бу ерда эллинистик анъаналар, юонон алифбоси ва тили мустаҳкам бўлганлиги билан изоҳланади. Кушон империясининг дастлабки даврларида юонон ёзуви унинг расмий ёзуви бўлган. Биринчи Кушон подшолари Сетер Мегас ва Кадфиз II тангларидаги юононча матнлар бундан далолат беради. Кушон подшоси Канишка даврида (таксминан ми-лодий II асрнинг биринчи ярми) тангларда юонон тилидаги унвон ўрнига Шаонано Шао Канишка Кушон – «Кушон (уруғидан) подшоларнинг подшоси Кушон» Бақтрия унвони билан Бақтрия ёзуви пайдо бўлади.

Мана шунинг асосида Бақтрия ёзуви ҳам мана шу подшо даврида кашф этилган деб ҳисобланган. Бироқ ҳозирги пайтда ёзувларнинг бир қанча топилмалари мавжудки, улар Бақтрия ёзуви Канишкагача қўлланилган деб тахмин қилиш

¹¹⁶ Стеблин-Каменский И.М. Бактрийский язык //Основы иранского языкоznания. Среднеазиатские языки.-М., 1981.-314-347-б.

имконини берали. Жумладан, Даشت Навурга тегишли бир нечта ёзувларда Ж.Фусманнинг фикрича, кхароштхи ёзувлари ва номаълум ёзув билан биргаликда Бақтрия хати ҳам мавжуддир. Унда подшо Канишқадан олдинги подшо Вим Кадфиз II нинг номи сақланиб қолган.¹¹⁷ Ушбу фикрни ҳозирги пайтда Ж.Криб шубҳа остига олади. У ёзувларда Вим То [то]нинг, яна ҳам аввалроқ ўтган Кушон подшосининг номи берилган деб ҳисоблайди.¹¹⁸

Бақтрия ёзуви ва тили бизнинг фикримизча, милоддан аввалги I аср охири – милодий I аср санасига тўғри келувчи Танлисмайдат тангларидәёқ қўлланилган. Ушбу танглардаги матнларда Рагтодем номли аёлнинг номи ифодаланади. Унинг биринчи қисми форсча «ранк» – ранг, «нк» кўшимчаси «г» ундошини типик бақтрияча иккилантириш билан берилган.¹¹⁹ Яна Кушон (герай) ҳукмдори тангларида юонон ёзуvida бўлмаган «ш» товушини ҳарфларнинг ҳар хил бирикуви орқали беришга бўлган интилишни ҳам эслатиб ўтиш лозим. Бақтрия ёзувлари бўлган остраклар ҳам мавжуд. Уларга Канишка бошқарувидан олдинги – милодий II асрнинг биринчи ярми санаси қўйилиши мумкин. Балким, бу Бақтрия ёзуви Ўрта Осиё икки дарё оралиғи — Хоразм ва Сўғд ёзувининг бошқа турлари пайдо бўлган милодий I асрдаёқ муомалага кирганилигидан далолат беради. Канишка даврида ушбу ёзув ва тил давлат тили ва ёзувига айланди. Бу ҳақда подшонинг фармонида зълон қилинган ва танглардаги матнлар билан тасдиқланган.

Бақтрия алифбосида тахминан 25 ҳарф бўлган. Ҳар ҳолда Тохаристон ёзуви учун шунча миқдор кўрсатилади.

¹¹⁷ Fussmat G. Documents epigraphiques Kouchats //Bulletin de L'Ecole Francaise de Extreme Orient, Paris 1974, C. 1-66.

¹¹⁸ Sims-Williams, Cribb J. Op. sit.

¹¹⁹ Ртвеладзе Э.В. Монеты Талисмайдата //Нумизматика Центральной Азии. I. - Ташкент, 1995. С. 51-60.

Барча олимларнинг фикрича, Тохаристон ёзуви келиб чиқишига кўра Бақтрия ёзувига бориб тақалади. Милодий VII аср бошида Бақтрия-Тохаристонга келган будда монахи Сюань-Цзянъ бундай деб ёзган: «...тил таркибиға кўра (Тохаристон) бошқа подшоликлардан кам фарқ қиласди. Ёзувдаги ҳарфлар сони 25 та. Улар биринчиди ва комбинация ҳосил қиласди. Улар ёрдамида барча нарса тасвирланади. Ёзув горизонтал бўйича чагдан ўнгта қараб ўқиласди. Кўп миқдордаги адабий асарлар яратилади ва улар ҳажмига кўра сўғд асарларидан кўпдир». ¹²⁰

Бироқ Бақтрияниң барча маълум бўлган ёдгорликлар ҳанузгача «пси» ва «кси» ҳарфлари қўлланилганлигининг мисоллари йўқ. График жиҳатдан «ро» ҳарфини тасвирлайдиганга ўхшаш сирғалувчи товушни ифодалаш учун маҳсус «сан» белгиси жорий этилиши Бақтрия ёзувининг фарқ қилувчи хусусияти ҳисобланади.

Бақтрия ёзувининг икки тури монументал ёки лўнда ва қия босма ҳарф турлари билан фарқланади. Улардан биринчиси учун ҳарфларнинг алоҳида ёзилиши, белгиларнинг кескин бурчакли ва умуман шакллари биргаликла келиши, бош ҳарфларнинг йўқлиги, сўзларнинг бирга қўшилиб ёзилиши хосдир. Қия босма ҳарфлар билан ёзиладиган хат хуснihatнинг хилма-хиллиги ҳамда ҳарфлар ёзилиши шаклининг жуда мураккаблиги билан ажralиб туради. Монументал ёзувдан фарқ қилган ҳолда сўзлардаги ҳарфлар кўпинча бир-бирига улаб юборилади.

Хронологик жиҳатдан Бақтрия ёзувининг қўлланилиши таҳминан 80 йиллик даврни (милодий I-II асрлардан милодий VII-IX асрларгача) қамраб олади. Ҳозирги даврда маълум бўлган Бақтрия ёзувларини шартли равишда уч гурухга

¹²⁰ Pelliot P. Tokharien et Kouchen // Journal Asiatique t. 214, Paris, 1934, 56-6.

бўлиш мумкин: эпиграфик гурӯҳ – қояларда ва тошлардаги, сопол идишлар ва чинни идишлардаги, геммалардаги ва бошқа буюмлардаги ёзувлар; нумизматик гурӯҳ (тангалардаги ёзувлар); қўллэзма ҳужжатлар (папирус, пальма барглари, қофоз ва қайнин пўстлоғидаги ёзувлар). Ижро этиш техника-сига кўра улар орасидан қояларга, тош плиталарга ўйиб ёзилган ёки куйдиришдан олдин чиннига ва сопол идишларга ёзилган, шунингдек қора тушда нозик чўтка билан чинниларда папирусда ёки бошқа материалларда бажарилган граффитларни ажратиб кўрсатиш мумкин.¹²¹

ХХ аср 50-йиллари ўртасигача Бақтрия ёзувининг, айниқса Кушонлар даврининг аниқланган ёдгорликлари жуда оз эди. Булар асосан тангалар, муҳрлар ва геммалардаги ёзувлардан иборат бўлган. Фақат 1954-1959 йилларда француз археологлари томонидан Бағлан туманидаги Сурх-Котал тепалиги ибодатхона комплексида (Шимолий Афғонистон) оҳактош плиталарида Бақтрия ёзувларининг кашф этилиши Бақтрия тили ва ёзуви чинакам ўрганилишини бошлаб берди.¹²² 60-80-йилларда Бақтриянинг турли туманларида олиб борилган қазилмалар чоғида Бақтрия ёзувлари аниқланди, бироқ улар Сурх-Коталдаги ёзувларга қараганда анча қисқадир.

Кушон даври учун Бақтрия ёзувлари топилмаси асосан фақат Бақтрия ҳудудида қайд этилган. Топилмаларнинг икки жойи унинг ташқарисидадир. Булар Бақтрия, иккаки ёзуви битилган тоштахта ва Даشت-Навурдан топилган номаълум ёзув ҳамда Вахандан топилган қояларга битилган ёзувлардир.

¹²¹ Лившиц В.А. Кушаны: письменность и языки//Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. I-М., 1974; Он же. Новые находки на Каратепе в Старом Термезе//Каратепе. IV-М., 1975; Стеблин-Каменский И. Кўрсатилган асар.- С. 317-352.

¹²² Henniing W.B. The Bactrian inscription//BSOAS. 1960. v.23, p. I.

Шимолий Бақтрияда ғарбдан шарққа қараб Бақтрия-нинг куйидаги ёзувлари қайд этилган¹²³: қоя юзасидаги «граффити» ёзувлари Қоракамар ғор комплекси; Кампиртепа шаҳарчаси: сопол идишга туш билан ёзилган ёзув, ўша техникада чиннига ёзилган ёзув, папиусдаги қўллэзма хат; эски Термиз: Қоратепа будда монастыри – ғор деворлардаги графити ёзувлари, чинни ва сопол идишлардаги ёзувлар; Фаёзтепадаги ер устидаги будда монастыридаги чинни ва сопол идишларга туш билан ёзилган граффити ёзувлари, уюмдаги – қора тушда ёзув битилган чинни идиш; Мирзакултепа – сачратма ёзувли чинни идиш; Ялангтуштепа – хумдаги сачратма ёзув, идиш парчаларидағи қора тушда битилган ёзув; Айритом - пойдеворига олти қаторли Бақтрия ёзуви битилган тош ҳайкаллар туркуми; Шоҳтепа - сачратма ёзувли идиш гулкосаси парчаси; Душанба - хум гулкосасидаги ёзув.

Шимолий Бақтрияда шимолдан жанубга қараб Бақтрия ёзувлари топилган куйидаги жойлар қайд этилган; Дилбержин - тоштахталарга ёзилган монументал ёзувлар, қора тушда ёзув битилган остраклар, граффити ёзувлари; Балх - қия босма ҳарфлар сачратиб ёзилган сопол идиш парчаси; Сурх - Котал - 25 қатордан иборат ҳозиргача маълум бўлган Бақтрия ёзувларининг энг каттаси. Улар оҳактошга ўйиб ёзилган. Ўша жойда ушбу ёзувнинг иккита қисқароқ нусхалари топилган. Улар ҳам оҳактошга ўйиб ёзилган; Рабатак – тоштахтага битилган монументал хат.

Йлк ўрта асрларга Бақтрия-Тоҳаристон ҳудудида Бақтрия ёзувларининг жуда оз топилмалари тўғри келади.

¹²³ Стеблин-Каменский И. Күрсатилган асар.-317-335-б; Ставиский Б.Я. Кушанская проблема и археология Средней Азии (1968-1993 гг.)// Археологические вести.-№5.- СПб., 1998.- С. 273-275.

Булар шимолда Ҳисор чўққисидан жанубда Ҳиндиқушгача кенг тарқалган тангалардаги матнлардир: Бақтрия ёзувлари битилган зарб этилган тангалар Шимолий Тохаристонда, асосан Чаганиён вилоятида, баъзан Гуфтонда ва эҳтимолки, бошқа вилоятларда чиқарилган. Бундан ташқари, балким, Кўбадиёнда квадрат ўйилган ва Бақтрия қия босма ҳарфлари матнидан иборат мис тангалар чиқарилган.

Бақтрия ёзувларининг бошқа ёдгорликларидан Зангтепадаги қора тушда ёзув битилган чинни идишни ва Коғирниҳон қальасидаги топилмани қайд этамиз. Бақтрия матнлари битилган тангалар Жанубий Тохаристоннинг кўпчиллик вилоятларида, шунингдек унинг ташқарисида: Кабустон, Забулистон, Гандхар ва ҳатто Шимолий Ҳиндистанда чиқарилган.

Кушон давридан фарқ қўлган ҳолда илк ўрта асрлар Бақтрия ёзувлари Бақтрия-Тохаристондан анча йироқда топилган. Масалан, қояларга ёзилган Бақтрия ёзувлари Ҳиндиқушдан жанубда Жагатуда, Фазнадан ғарбда ва Урузганда (Афғонистон), шунингдек, Точи дарёси водийсида ва Шотиалда (Покистон) аниқланган.¹²⁴ Келиб чиқиши чағаниёнлик бўлғанлар томонидан қора тушда деворга битилган Бақтрия ёзуви Афросиёб шаҳарчасида сарой биносида топилган.¹²⁵ Топилган Бақтрия ёзуви ёдгорликларининг кўпчиллиги мазмунига кўра қисқадир. Тангаларда подшоларнинг номлари ва унвонлари, илоҳдарнинг номлари, геммаларда уларнинг эгаларининг номлари, ижтимоий мавқеи бергтан, масалан – «Вараҳран сатрап», баъзан диний формула берилади. Ўқилиши жуда қийин бўлган Ашмолеан Музеумдаги буллага битилган ёзув қизиқарли-

¹²⁴ Стеблин-Каменский И. Кўрсатилган асар.- С. 329-330.

¹²⁵ Лившиц В.А. Надписи из Дильберджина//Древняя Бактрия.-М., 1976.- С. 163-164.

дир. В.Лившиц таржимасида у қуидаги маънони англата-ди: «Ой-Канишқа» ябғу, Ҳиндистон подшоси фарзанди. В.Хенднинг Ой-Канишқа буюк Күшон подшосининг тўлиқ номи деб ҳисоблайди. У бу номда таҳтга чиққунга қадар, Тоҳаристон князи бўлган даврда эга бўлган.¹²⁶ Сопол ва чинни идишлардаги ёзувлар парчалардан иборат бўлганли-ги учун ёмон ўқилади. Уларда идишнинг ичидаги суюқлик-ларнинг номлари, одамларнинг, исмлари, баъзан диний формулалар битилган. Бу жиҳатдан эски Термиздаги будда монастрини қазиш чоғида топилган идишдаги икки тили - Бақтрия ва қхароштхи тилларида битилган ёзув характерлидир. Унда бундай дейилади: «дхарма воизи Буддашира ҳадяси» (Г.Грек ва В.Лившиц таржимаси).

Ушбу ёзув драхмани, яъни хайрли ишни тарғиб қилув-чи Буддашира ушбу идишни будда ибодатхонасига ҳадя сифатида келтирганлигини англатади. Ҳумнинг гулкосаси-га сачратиб ёзилган Зартепа шаҳарчасида топилган битик қизиқарлидир. У «...худо Шива-Виша деб таржима қили-нади». ¹²⁷ Далварзинтепадаги будда ибодатхонасини қазиш-да топилган катта хумдаги ёзув бошқача тусладир. Унда-ги иборанинг бошланиши сақланиб қолган: «...Бу мен томонимдан битилди...».

Эски Термиздаги Қоратепа ғоридаги будда монастри деворларига битилган граффити ёзувлари кенг маълумдир. Ушбу ёзувларни ўрганиш билан В.Лившиц, Ҳ.Хумбах ва Я.Харматта шуғулланган. Ёзувлар Ўрта Осиёдаги будда маданиятининг ушбу ёдгорлигини чуқур тадқиқ этиш иш-ларини 1960 йилдан бери олиб бораётган Б.Ставский экспедицияси томонидан кашф этилган. Ундаги ёзувлар асосан будданинг муқаддас жойлари: Борзомиро, Оромаз-

¹²⁶ Лившиц В.А. К открытию... - С. 63.

¹²⁷ Культура и искусство древнего Узбекистана Каталог выставки I. -М.

дога сифиниш учун келган Бақтрияликларнинг номларидан иборат. Айрим ҳолларда ёзувлар қўйидаги сўзлар билан бошланган: «...каaldo мало/a/га/do... Бу ерга келганида...¹²⁸ Я.Харматта гўёки ёзувлардан бирида ушбу будда монастрининг номини «oadoga/b/o», яъни «минг ғор» деб ўқиган.¹²⁹ Бундай маънода ўқиш Қоратепадаги Бақтрия ёзувларининг бошқа тадқиқотчилари томони қўллаб-кувватланмади.

Айритомни қазиш чоғида Б.Турғунов томонидан муҳим Бақтрия ёзуви кашф этилди. Бу ерда хоналардан бирида ҳайкаллар туркуми топилди. Уларда ўтирган аёл ва тик турган эркак тасвирланган. Пойдеворга монументал хат билан олти қаторли Бақтрия ёзуви ўйиб ёзилган.¹³⁰

Афсуски, ёзув пойдевор юзаси емирилганлиги туфайли қисман сақланиб қолган. Дастрраб унда тахминан 350-360 ҳарф бўлган, биринчи беш қаторнинг ҳар бирида 60-65 ҳарф бўлган, олтинчи қаторда 51 ҳарф бўлган (улардан 260 ҳарф тўлиқ ёки қисман сақланиб қолган).

Кўп қисми ерга кўмилган, олтинчи, охирги қатор ҳаммасидан яхши сақланган. Биз дастрраб кўздан кечирганимиздаёқ ушбу қатордаги якуний формуласи ўқишга, ундаги алоҳида сўзларни акратишга муваффақ бўлдик: «... ва буни Шодиянинг буйруғи билан Мирозода ёзди». Кейинчалик, ёмон сақланганлигига қарамай ёзувнинг мазмунини асосан тиклашга, илгари маълум бўлмаган бир қанча Бақтрия сўзларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ёзуда Кушон подшоси Хувишка ҳулмонлигининг тўртинчи иилида яроқсиз ҳолга ке-

¹²⁸ Лившиц В.А. К открытию бактрийских надписей на Кара-тепе //Будийские пишеры Кара-тепе в Старом Термезе.-М., 1969; Он же. К интерпретации бактрийских надписей из Кара-тепе//Новые находки из Кара-тепе в Старом Термезе.-М., 1975; Грек Т.В., Лившиц В.А. Двуязычная надпись из Кара-тепе//Будийские культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе.-М., 1972-118-122-6.

¹²⁹ Harmatta J. The Bactrian Wall. Inscription from Kara-tepe//Будийские пишеры...-82-126-6.

¹³⁰ Турғунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе ЭЖ.В. Открытие будийской монументальной надписи в Айтраме//ОНУ.-1981.-№6. С. 38-48.

либ қолган будда монастрини тиклаш учун қандайдир Шодия Айритомга юбориганлиги ҳақида маълумот берилади.

Ёзувни В.Лившиш ва Э.Ртвеладзе ўқиган; унинг охирги вариантидаги таржимаси қуйидагича:

1. «Подшо Хувишкilar бўлдилар ҳукмронликнинг тўртинчи йили, ...» шаҳарлар ёки мамлакатлар... подшо инъом этди/?/ ёки совға қилди?/, ҳадя этди/?/ ушбу сангхуни ва/?/ шаҳар...

2. ... ушбу/яни сангхуми/ШОДИЯ/ асос солди /ўрнатди/ ва ибодатхонани тартибга келтирувчи /ёки безади/.

3. ... /ибодатхона, подшо тайинлади /бажарди/ Ка-нишка номи билан /?/ ва бундан ташқари /ШОДИЯ?/ қаерда худолар учун катта дарвоза барпо этди /?/.

4. ... оқаётган сувлар сувсиз эди, /?/ шу сабабли /ШОДИЯ/ қазиди /??/.

5. ... Шодия ҳар икки томонга қазиди /?/ унга илоҳийлик /ҳа/? келтирилди /ёки келдилар/»лар.

6. ... ва буни Шодиянинг буйруғи билан Мирозада ёзди.

Бу Ўрта Осиё ҳудудидаги биринчи ва энг узун монументал Бақтрия ёзуви ҳамда ҳайкалларга битилган биринчи Бақтрия ёзувидир. У Айритом маданият комплекси барпо этилишини тушунишда ва унга сана қуишида катта роль ўйнайди ҳамда Бақтрия тили лексикаси ва унинг диалектологияси тўғрисидаги маълумотларимизни бойитади. Гап шундаки, Сурхкотал ёзувларида «омикрон» билан тугулланадиган бир қанча Бақтрия ёзувлари Айритом ёзувларида якунловчي «альфа» билан берилади. Бу Бақтрия тилидаги диалектлар ўртасидаги фарқдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Сўл ва ўнг қирғоқ Бақтриядаги аҳоли ушбу тилда сўзлашган. Кампиртепани қазиш пайтида унинг шарқий қисмида жойлашган папируслаги қўлёзма парчалиари Бақтрия ёзуви тарихини ўрганишда қизиқарлидир.

Кўллётманинг бўлаклари бинонинг деярли барча жойларида уюмлар остида ва уюмларда топилди. Ҳаммаси бўлиб турли ҳажмдаги (2,8х 6см; 28x1см; 1,8x1,2см) 30 парча ҳамда бир-бирига ёпишган бир нечта нозик саҳифа топилди. Саҳифалар қаламча қилиб уралган. Тозалаш пайтида бир нечта бўлакларга ажралиб кетган. Саҳифалар кенглиги тахминан 5 см, қалинлиги - 0,1-0,2 см, сўл томонида 1,5 сантиметргача ҳошия бор. Ёзувлар икки томондан қора туш билан уч-тўрт, ҳатто ундан кўпроқ қатор қилиб ёзилган, улар ўртасидаги масофа 2,0-2,5 сантиметрни ташкил этади, ҳарфнинг бўйи-3,0-5,0 мм.

Ёзувлар қия босма Бақтрия ёзувлари билан, Бақтрия тилида битилган. Иккита парчада АВО сўзи ёзилган. Бу «га» олд кўмакчиси ёки отни билдирадиган «сув». Бир парчада ВІ?О сўзи – бошлиқ сақланиб қолган (геммадаги «асбаробидо»-«отлик армия бошлиғи» Бақтрия сўзига қиёсланг). Бошқа парчада икки сўз олд кўмакчи қолдири сақланиб қолган, бироқ умуман олганда парчалардан ҳеч бири боғлаб ўқиш имконини бермайди.

Кўллётманинг топилган парчаларига Канишка ҳукмронлиги даври, яъни милодий II асрнинг биринчи ярми санаси қўйилади.¹³¹

Кампиртепадаги топилмаларгача Ўрта Осиё ҳудудида Кушон даври Бақтрия қўллётмалари ҳақида маълум эмас эди. Палеографик ва археологик маълумотларга кўра А.Стейн томонидан Шарқий Туркистонда топилган ва ҳозирги вақтда йўқотилган «Лондон парчаси» ёки «Лоу-Лян парчаси» энг эски (тахминан милодий IV аср) Бақтрия қўллётмаси ҳисобланган.

«Берлин эфталит парчалари» деб аталадиган еттига қўллётма парчаси милодий VIII-IX асрларга тегишилидир.

¹³¹ Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость Кампир-тепе//ВДИ.-1984.-№2.

Афтидан, Кампиртепадаги кашфиётлар Бақтрия қўлёзмаларининг пайдо бўлишини бир неча юз йилга «эскиртади» ва хужжатларни ёзиш учун Бақтрия қия босма ҳарфлари билан ёзилган ёзув тангалар, тоштахталар ва сопол идишлардаги ёзувлар билан бир вақтда қўлланилганидан далолат беради.

Кейинги йиллардаги археологик тадқиқотлар «номаълум ёзув» деган ном олган янги ёзувнинг кашф этилишига олиб келди. Ж.Фусман Дашиб-Навурдаги трилингвада кхароштхи ва Бақтрия ёзуви билан биргаликда номаълум ёзув билан бажарилган матн борлигини аниқлагандан кейин фанга маълум бўлди. У шунингдек бундай ёзувларни Сурх-Коталда топилган оҳактошда ва Халчаянда топилган сопол идишда ҳам аниқлади.¹³²

Кейинроқ В.Лившиц Фаёзтепа ва Эски Маридаги остракларда худди шундай ёзувли хатлар борлигини қайд этди. Унинг фикрича, ушбу хатнинг архаикроқ варианти милоддан аввалги V асрга тегишли Иссиқ қўрғонида топилган кумуш жомда ифодаланган.¹³³ 1980 йилда П.Бернар Ойхонимдан топилган кумуш ёмбидаги ёзувни эълон қилди. Ушбу ёзув белгиларнинг хусусиятига кўра Иссиқ қўрғондаги ва номаълум ёзувдаги хатларга яқинdir.¹³⁴

В.Вертугравова бир нечта ёзувларни – Қоратепа ва Хотин-Рабададан топилган сопол идишлардаги ёзувларни эълон қилди.¹³⁵ Қўштепа, Кампиртепа ва Эски Термиздан топилган номаълум ёзувли янги хатлар 1998 йилда Э.Ртвеладзе томонидан эълон қилинди.¹³⁶

¹³² Fussman G. Op.sit.- p. 168.

¹³³ Лившиц В.А. Надписи...- С. 168.

¹³⁴ Bernard P. Campagne de fouill 1978 a Aikhanoum Afganistan// AIBL Paris, 1980, p. 437-444.

¹³⁵ Вертугравова В.В. Найдена надпись неизвестным письмом на Кара-тепе // Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе.-М., 1982.- С. 160-167.

¹³⁶ Ртвеладзе Э.В. Новые надписи неизвестным письмом из Северной Бактрии// Адабий мерос. - 1998. №1-2.- С. 20-25.

Ушбу ёзувларнинг тилига доир ҳозирги пайтда бир нечта гипотеза билдирилган. Масалан, Ж.Фусман Даشت-Навур ёзувлари топилмаларига таяниб, у Жагаданинг қадимги аҳолиси – праормури ва камбожи тилини акс эттиради, деб ҳисоблайди. Ойхоним ёзувининг тили Бақтрия тилидир, деб ҳисоблаган П.Бернарнинг гипотезаси ҳам ўзига жалб қиласди.

В.Лившиц ушбу ёзувнинг сакларга тегишли эканлиги ҳақидаги фикрни билдирган. Ушбу ёзув, унинг фикрича, Иссиқ ёзувида архаикроқ вариантда ифодаланган. В.Вертугравова ушбу маълумотларнинг барчасини умумлаштириб, ҳозирги пайтда номаълум ёзувнинг икки хили: Иссиқ ва Ойхоним ёзувларида ифодаланган илик тури ҳамда бир нечта варианлардан иборат мураккаброқ хили тўғрисида сўз юритиш мумкин деб ҳисоблайди. У ушбу ёзувнинг кейинги вариантлари бизнинг эрамизнинг энг бошида шакланган деган фикрни билдиради. В.Вертугравова номаълум ёзувнинг умумий тузилиши оромей ва қхароштхи ёзувларига яқин деган фикрга келади.¹³⁷

Бақтрия номаълум ёзув қўлланилган асосий вилоят ҳисобланади, чунки номаълум ёзув ёдгорлигининг ўндан ортиқ топилмаси мана шу вилоятга тўғри келади. Бақтриядан ташқарида фақат учта ёзув топилган. Булар Иссиқ (архаик вариант), Даشت-Навур ва Эски Мари ёзувларидир.

Бундан ташқари, янги топилмалар номаълум ёзув алиф-босига янги учта белги қўшади ва унинг мазмунини бугунги кунгача 15 белгигача кенгайтиради. Тўрт ҳолда у ёки бу сўз бир хил белгидан бошланганлиги қайд этилганлиги муҳимдир. Ушбу белги ушбу ёзувда ифодаланган

¹³⁷ Вертугравова В.В. Кўрсатилган асар.- С. 166.

тилда анча кенг тарқалган унли ёки ундош товуш бўлган. Мавжуд мълумотларга кўра ёзувнинг доира ва геометрик чизиқли 2 тури бўлган. Унинг қайси тилга тегишли бўлганлиги ҳақидаги тахминга келганда айнан Бақтрия Кушон империясида расман эътироф этилган уч ёзувнинг бири сифатида номаълум ёзув қўлланилган асосий марказ эканлиги ҳақидаги шак-шубҳасиз далилни қайд этамиш.

Агар шундай экан, у ҳолда номаълум ёзув Бақтрия ва Кушон давлатида аҳолининг салмоқди қатламини ташкил этган ҳамда диний ва маъмурий ҳаётда муҳим роль ўйнаган халқнинг тилини ёки ҳукмрон сулола ва аҳолининг имтиёзли табақаси тилини акс эттириши керак.

Бақтриядаги автохтон аҳолининг қўлчиллигини бақтрияликлар – келиб чиқиши Шарқий Эронга тегишли бўлган элат ташкил этган. Унинг ёзуви ва тили кўплаб ёзувларда, жумладан Сурх-Котал ёзувларида акс этган. Бақтриянинг яна бир салмоқли, бироқ бошқа жойдан келган этноси – юонон этносидир. Улар яқин ўтмишда ушбу вилоятда имтиёзли қатлам бўлган, эҳтимолки, Кушон даврида сақланиб қолиб, ўз тили ва ёзувига эга бўлган.

Пракрит ва санскритнинг тегишли тилларини акс этирувчи кхароштхи ва брахми ҳинд ёзувлари ҳинд этнос гуруҳларининг Бақтрия этносферасига чукур кириб борганилигидан далолат беради. Бақтриянинг уч салмоқли этноси ўз ёзувига эга бўлган. Улардан иккитаси — Бақтрия ва кхароштхи — Дашиб-Навурдан топилган ёзувларда қўлланилган ва бу жуда табиийдир, чунки улардан биринчиси Бақтриянинг ҳали туб аҳолиси бўлган аҳолининг тилини, иккинчиси — Кушон давлати турмушида алоҳида муҳим роль ўйнаган ҳинд колониялари аҳолиси ва будда дини тилини акс этирган. Ушбу ҳолда учинчли ёзув Бақтриянинг асосий элатидан бирининг тилини акс этириши керак. Юқорида эслатиб ўтилган этнос-

лардан ташқари Бақтрияга келган кўчманчи халқлар — саклар, юэчжилар, асийлар, пасианлар, тохарлар ва сакаравларнинг уч тўлқинини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Улардан юэчжилар ва тохарлар Бақтрия тарихида муҳим ўрин тутган. Тохарларнинг етакчилик роли Тохаристон — тохарлар мамлакати деб аталишида мустаҳкамланган. Ушбу ном аввалги Бақтрия номи тахминан милоддан аввалги I асрдан бошлаб биргаликда қўлланган ёки ушбу номни алмаштирган. Тўғри, айрим тадқиқотчилар тахмин қилаётганиларидек юэчжилар ва тохарлар айни бир этнос бўлиши мумкинлиги ҳам истисно этилмайди.

Марказий Осиёдан чиққан юэчжилар бошқа жойдан келган этнос бўлган, бинобарин, автохтон Бақтрия тилига алоқаси йўқ. Бироқ фан ҳозиргача юэчжи тили келиб чиқишига кўра қандай тилга оидлиги ҳақидаги маълумотларга эга эмас, чунки юэчжилар тилидаги бирорта сўз ҳам ёзма манбаларда сақланиб қолмаган. Ўз-ўзидан мантиқий хulosса келиб чиқади — модомики, юэчжилар, биринчи навбатда кушонларнинг Кушон тарихидаги роли катта бўлган экан, Даشت-Навурдан топилган трилингвадаги номаълум ёзув қхароштхи ва Бақтрия ёзуви билан биргаликда расман қайд этилиб турган экан, у ҳолда далилли, бироқ ҳозирча исботланмаган тахмин сифатида номаълум ёзув юэчжи-тохар тилини ифодалайди, деб ҳисоблаш мумкин.

Номаълум ёзув тилини аниқлаш ушбу муаммога узилкесил тузатиш кириптан бўлур эди. Ҳар ҳолда уни юэчжи тили деб белгилаш унинг анча кенг ёйилганлигини ва қўлланиш соҳасининг турличалигини изоҳлайди. Бақтрия қишлоқ манзилгоҳларидағи сопол идишлардаги ёзувлар бўйича хulosса чиқариладиган бўлса, ушбу тил нафақат расмий тил, балки халқ орасида ишлатиладиган тил бўлган.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда тадқиқотчиларнинг асосий вазифаси материал тўпиш ва номаълум ёзувнинг тўлиқ алифбосини тузиш эканлигини таъкидлаш зарур.¹³⁸

Ўрта Осиё маҳаллий ёзувининг яна бир тури Хоразм ёзуви бўлган. Бироқ сўғд ва Бақтрия ёзувидан фарқ қиласан ҳолда ушбу ёзув асосан фақат қадимги Хоразм худудида тарқалган.

Қадимги Хоразм ёзуви ёдгорликлари 1930-йилларда аниқланган. Уларнинг кашф этилишида С.Тостов бошчилик қиласан археология-этнография экспедициясининг хизмати катта. Танглардаги ушбу ёзувда битилган матнларни биринчи бўлиб ўқиган олим ҳам мана шу кишидир.¹³⁹ 1948-1949 йилларда Тўпроққалъадаги қазиш ишлари чоғида терига, ёғоч таёқчага ва юпқа тахталарга ёзилган Хоразм ҳужжатлари архиви топилгандан кейин ёзувнинг ўзини тўлиқ тушуниш имкони пайдо бўлди. Бироқ терига ёзилган ҳужжатларнинг кўплари чириб кетган ва улардан бўлаклар қолган бўлиб, улардаги ҳарфларнинг билинрабилинмас изларини ёки бўлмасам тупроқда матнларнинг изини пайқаш мумкин эди. Шу боисдан терига ёзилган саккизта ҳужжатларнигина ўқиш мумкин эди. Шунингдек ёғоч таёқчалар ва юпқа тахталарга ёзилган 20 та ҳужжат яхлит ва парча ҳолида сақланиб қолган. Уларни биринчи бўлиб С.Толстов ўқиди,¹⁴⁰ сўнгра В.Хеннинг томонидан тўлдирилган ва тузатилган, кейинроқ В.Лившиц уларни тўлиқ ҳолда ўқиб, таржимасини эълон қиласди.¹⁴¹ Кейинги йилларда Тўққалъадан топилган керамика ва оссуарига

¹³⁸ Вертоградова В.В. Кўрсатилган асар.

¹³⁹ Толстов С.П. Монеты шахов Древнего Хорезма и древнекорезмийский алфавит//ВДИ. - 1938. - №4-5.

¹⁴⁰ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта.-М., 1962. С. 219, рис.132 а.

¹⁴¹ Лившиц В.А. Документы//Топрак-кала. Дворец.-М., 1984.- С. 251-279.

ёзилган бир қанча Хоразм ёзувлари топилди.¹⁴² Бир вақтнинг ўзида тангалардаги Хоразм матнларини аниқлаштириш ишлари давом эттирилди. В.Лившиц уларни ўқиши, таржима ва талқин қилиш борасида катта хизмат қилди.

Ёзувларни ўрганиб чиқиши улар Шарқий-Эрон гуруҳига тегишли Хоразм ёзувини акс эттиришини кўрсатди.

XII-XIII асрларда араб тилида ёзилган асарларда ва айниқса хоразмлик қонуншунос ал Фазминийнинг «Кўнгилдагига эришиш» (ҳаммаси бўлиб қарийб З минг сўз) китобида Хоразм сўzlари ва ибораларининг сақланиб қолганлиги ушбу ёзувлар тилини ўрганишга кўмаклашди. Бундан ташқари, Берунийнинг «Йилнома»сида кунлар, ойлар, буржлар ва байрамларнинг хоразмча номлари қайд этилган, X асрнинг Муқалласий, Истахрий, Ибн-Фадлан каби араб ва форс географлари томонидан айрим Хоразм сўzlари келтирилган.¹⁴³

Хоразм тилининг ўрта асрларга оид бу барча ёдгорликлари А.Фрейман,¹⁴⁴ бирмунча кейинроқ В.Хеннинг ва Мак-Кензи томонидан батафсил ўрганилди.

Хоразм ёзуви оромей ёзуви асосида пайдо бўлди ва сўғд ёзуви сингари жонли нутқда эмас, балки фақат ёзувда кўлланилган оромей идеограммасини узоқ вақт сақлади.

Мана шу сабабли ёзувнинг оромей асосидаги бошқа турлари сингари Хоразм ёзувини ҳам идеографик ёзув деб аташади. Хоразм ёзуви ўнгдан чапга горизонтал қаторлар билан ёзилган. Унинг алифбосидаги ҳарфлар сони аниқ маълум эмас. Унлилар оромей ёзуви асосидаги бошқа ёзувлар сингари жуда кам ҳолларда ёзилган.

¹⁴² Толстов С.П., Лившиц В.А. Датированные надписи на хорезмийских оссуариях с городиша Ток-кала//СЭ.-1964.-№2.- С. 53-55.

¹⁴³ Лившиц В.А. Документы...- С. 251-279.

¹⁴⁴ Лившиц В.А. Документы...- С. 265-279.

В.Лившицнинг ҳисоб-китобига кўра 22 оромей протопидан 20 ҳарф қўлланилган, яна икки ҳарф сингари уч ҳарф фақат идеограммаларда қайд этилган. Бинобарин, «жонли» қадимги Хоразм тилидаги сўзларни ифодалаш учун Тўпроққалья ҳужжатларида амалда фақат ўн бешта ҳарфдан фойдаланилган. Ҳар ҳолда ушбу ёзувни юэчжи ёзуви сифатида белгилашни унинг кенг ёйилганлиги ва турли соҳаларда қўлланилганлиги ҳам изоҳлайди. Бақтрияниг бир қанча қишлоқ манзилгоҳларидағи сопол идишлардаги ёзувларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, у расмий ёзувгина бўлиб қолмасдан, балки ҳалқ орасида кўлланилган ёзув ҳам бўлган. Терига ёзилган ҳужжатлар айрим шахслардан балким давлат омборига тушган тушумларни, жумладан мусаллас ва унни ифодалайди.

Бироқ ёғочга ёзилган ҳужжатлар айниқса қизиқарлидир, улар орасида уч тоифа ажралиб туради:

I. «Үйлар рўйхати». Уларда озод ва уй қулларининг рўйхати келтирилган. Катта оила ўшалардан таркиб топган.

II. Солиқ ҳужжатлари. Уларда ғилдирак ва бошқа буюмлар етказилганлиги ва берилганлиги келтирилади.

III. Чўпхатлар. Улар эҳтимолки киши номларидан иборат бўлган.¹⁴⁵

Улардан «ўйлар рўйхати» энг қизиқарлидир. Уларни ўқиш билан С.Толстов, В.Хеннинг шуғулланди, бироқ уларни тушунишга В.Лившиц катта ҳисса қўшди. Ушбу ҳужжатлар катта ва кичик оиласалар таркибини акс эттиради ҳамда Қадимги Хоразмда қулчиликнинг хусусияти тўғрисида тасаввур беради.

Мисол учун, ҳужжатда 21 эркакнинг номи келтирилди. Бу номларнинг биттаси уй эгасига, иккитаси унинг ўғилларига, биттаси күёвига ва ўн еттитаси қулларга

¹⁴⁵ Толстов С.П., Лившиц В.А.... С. 53-55.

тегишилидир. 12 қул уй эгасига, унинг ўғиллари ва куёвига, иккитаси унинг хотинига, иккитаси набираларига тегишили бўлган. Бир қул жазманнинг мулки ҳисобланган.

Тўпроққалъадан топилган ҳужжатлар Ўрта Осиё тарихининг қадимги даврида оила таркиби тўғрисидаги ўзига хос ягона ёзма далил, қимматли манбалардир.

Намуна сифатида 1-хужжатнинг матнини В.Лившиц таржимасида келтирамиз. Бунда исмларнинг лотинча аталишини (унинг мақоласидаги сингари) кириллицага алмаштирамиз: «Гаунашамининг уйи. Гацунашами; (ўғиллар) – биринчи марта ҳозир бўлган М ..., биринчи марта ҳозир бўлган Фртакваш, куёв Гауфарнак; қуллар: Сагайдак, Михрибиртак, Хварзбанак; Пандакаксак, Саубагдак, Беварсасвак, Вах(у)швари; булар хотиннинг (уй бекасининг қуллари – Размбеварақ, Питанак, болаларнинг қуллари – Как, Фарнабгавак; жазманнинг ўғлининг қули, биринчи марта ҳозир бўлган Дагтеганак»¹⁴⁶.

Бошқа қадимги Хоразм ёзувлари мазмунига кўра жуда қисқа. Булар танглардаги матнлар, идишларнинг сопол парчаларидаги ёзувлардир. Тупроққалъадан топилган оссуарларнинг томлари ва деворларига қора туш билан ёзилган милодий VII-VIII асрларга оид ёзувлар айниқса қизиқиш уйғотади. Ёзувлар вертикаль бўйлаб (тиқ) бир ёки бир нечта қатор қилиб битилган. Улар, В.Лившицнинг аниқлашича, киши исмларидан ва саналардан иборатdir. Уларда милодий I аср ўртасидан бошланган қадимги Хоразм эраси бўйича кунлар ва йил кўрсатилган. Прикамада топилган кумуш идишларда милодий VII-VIII асрлардаги Хоразм ёзувларининг яна бир гурӯҳи аниқланган. Идишлар мўйна савдоси орқали у ерга бориб қолган. Бу ёзувларда кун, ой, йил, шунингдек

¹⁴⁶ Лившиц В.А. Документы... С. 251 и далее.

идишининг эгасининг номи кўрсатилган, оғирлиги акс эттирилган.¹⁴⁷

VIII аср бошида Кутайба ибн Муслимнинг Хоразмга юриши даврида қадимги Хоразм ёзуви ёдгорликларига жуда катта зарар етказилган. Берунийнинг ёзишича Кутайбанинг буйруғи билан бутун бир кутубхоналар йўқ қилинган. Қадимги Ўрта Осиё ёзувларини араб ёзувига алмаштириш бошланганингига ва кейинчалик ушбу ёзувнинг ҳамма жойда бутунлай ҳукмронлик қилганингига қарамай, В.Лившицнинг фикрича, бу ерда Хоразм ёзувидан XI аср бошигача фойдаланиш давом этган.

Ўрта Осиё жанубида, асосан Шимолий Бақтрия — Тоҳаристонда қадимги даврда ва илк ўрта асрларда маҳаллий тизимлардан ташқари ёзувнинг ҳинд тизимлари кхароштхи ва браҳми муомалада бўлган. Улар буддизм кириб келганингига ва савдо-сотиқ важидан Ўрта Осиёнинг жанубида юзага келган сангхи жамоалари ва ҳинд колонияларининг ёзуви бўлган.

Ушбу тизимларни ўрганиш XX асрнинг 30-йиллари охирида бошланди. Эски Термизда тоштахта парчаси топилди. Унда М.Массон томонидан кхароштхи деб белгиланган ёзув қисман сақланиб қолган.¹⁴⁸

Кейинги йилларда Қоратепа ва сўнгра Фаёзтепадаги тадқиқотлар натижасида Эски Термизда бутун идишлар ва уларнинг парчаларида кўплаб ҳинд ёзувлар ҳамда граффитилар ва дипинтилар топилди. Бу ерда керамикага битилган ёзувлар ҳам топилди. Улар браҳми-бақтрия, браҳми-бақтрия-кхароштхи, браҳми-кхароштхи алифболари билан битилган. Эски Термиздан ташқарида ҳинд

¹⁴⁷ Лившиц В.А., Луконин В.Г...- С. 159-161.

¹⁴⁸ Массон М.Е. Городиша Старого Термеза и их изучение//Труды ТАКЭ.-Вып. I.-Т., 1940.- С. 81-83.

ёзувлари топилмалари жуда кам. Булар Далварзинтепадан топилган чинни идишлардаги Кушон даври ёзувларидир.¹⁴⁹ Эски Мари ва Зангтепадан топилган брахми алифбосида қайин пўстлоғига битилган қўллўзма ҳамда Шарқий Помирда топилган кхароштхи битилган қоядаги ёзув илк ўрта асрларга тегишилидир.

Зараутсойда қоядаги машҳур расмлар билан биргаликда қояга ёзилган ёзувлар тўғрисида маълумотлар мавжуд (тўғри, улар ҳали текширилмаган).

Топилган ҳинд ёзувларининг кўпчилиги эски гилга сачратиб туширилган ёки қора туш билан чизилган, олтин дубилғалардаги ёзувлар муҳр-пунсон билан ўйилган. Гарчи Я.Хармматта Шарқий Помирдан топилган кхароштхи ёзувларини милоддан аввалги III-II асрларга тегишилидир деб ҳисобласа ҳам Қоратепадан топилган кхароштхи энг илк ёзувлари милодий I-II асрларга тегишилидир. Анча сўнгти ёзувлар – брахмиларга милодий VII-VIII асрлар санаси қўйилади.¹⁵⁰

Ўрта Осиё ҳудудида ўрта асрлар ҳинд ёзувлари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Тахминан XVI асрга тегишли бўлган Ўшдаги Тахти Сулаймон тоғидаги битта ёзув бундан мустаснодир.

Ёзувнинг ҳинд тизимлари прототипи Ўрта Осиёдаги Парфия, Сўғд, Хоразм ёзувларининг прототипи сингари оромей ёзуви эди.

Ўрта Осиёдаги ҳинд ёзувларини ўқиш ва тадқиқ этиш ишига Т.Грек, М.Воробьев-Десятовская, Я.Харммата ва айниқса Қоратепадаги ана шундай ёзувлар тўғрисида монография эълон қылган В.Вертугрована катта ҳисса қўшилар.

¹⁴⁹ Воробьева-Десятовская М.И. Надписи письмом кхароштхи на золотых предметах из Дальверзин-тепе//ВДИ.-№1.-1976.- С. 72-79.

¹⁵⁰ Ушбу масалага доир адабиётлар: Вертугрова В.В. Индийская эпиграфика из Кара-тепе в Старом Термезе.-М.-1995.- С. 140-147.

Қоратепа ва Фаёзтепадан топилган керамикага битилган ҳинд ёзувлари ўз мазмунига кўра ҳадянома хусусиятига эгадир. Уларда вотив формулалар, шунингдек киши исмлари, будда монахларининг унвони ёки лавозими, илишларнинг номлари ва энг муҳими, будда мактаблари ва монастирларининг номи битилган.¹⁵¹

Уларда кўпинча В.Вертоградова томонидан тикланган формула мавжуд. В.Вертоградова бир неча парча орқали ҳадядан мақсадни аниқлайди: «Барча жонли мавжудотлар баҳт-саодати ҳақи», «Буддашира-дхармакатҳика», яъни хайрли ишни тарғиб қиливчи Будда типидаги сифатлашлар келтирилган исмлар ҳамда Буддаҳамитра, Сангханала, Асваҳахара каби бошқа исмлар келтирилади. Ёзувлардан бирида В.Вертоградова балким Қоратепадаги ғорда жойлашган будда монастири назарда тутилган бўлиши мумкин бўлган номни топади: «Хадевака (давлат) вахара».

Ёзувлар туфайли Термиз буддистларининг махаяндаги асосий мактаблардан бири «Махасангхиқа» мактабига тегишли эканлиги аниқланиши муҳим ютуқ бўлди. Биринчи марта Я.Харммага томонидан билдирилган ушбу таҳмин Қоратепадаги ёзувларни кейинчалик тадқиқ этиш орқали тасдиқланди.

Дипломатия

Ўрта Осиё мамлакатлари дипломатияси тарихи — бутунжаҳон — тарихий жараёни бирлигини, ҳалқлар ва маданиятларнинг тарихий ўтмишдаги ўзаро ҳамкорлигини ва айни вақтда ушбу минтақа ривожидаги ўзига хос жиҳатларни ҳамда унинг жаҳон дипломатиясига қўшган салмоқли ҳиссасини тасдиқловчи дипломатия ва ҳалқаро ҳукуқ бутунжаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Шун-

¹⁵¹ Вертоградова В.В. Кўрсатилган асар.- С. 44-45.

дай қилиб, халқаро ва дипломатик муносабатлар, халқлар ва давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий—хуқуқий ва маданий-маънавий алоқалар, ўзаро таъсир кўрсатишлар ва бошқалар туфайли Ўрта Осиё мамлакатлари дипломатияси тарихи байнамилал характерга эгадир. Үнда Ўрта Осиё минтақасидаги кўпилаб халқларнинг улкан халқаро-хуқуқий ва дипломатик тажрибаси мужассамлашган. Бу тажриба нафақат ўтмишга мансуб, у халқаро жарёнларга сезиларли таъсир кўрсатиб турли йўналишлар бўйича ҳозирги замонга сингиб кетади. Ҳозирги вақтда дипломатия ва халқаро муносабатлар тарихига қизиқишининг ўта ортиши айнан шу билан изоҳланади. Шунга қарамай, ўтмишда Ўрта Осиё давлатлари ва унинг тасарруфидаги худудлар дипломатиясининг қарор топиши ҳамда ривожланиши тарихи шу пайтга қадар ҳам халқаро-хуқуқий, ҳам тарих фанида етарли даражада ўрганилмаган. Бу жуда муҳим муаммо бўйича умумлаштирувчи китоб ва рисолалар, алоҳида мақолалар ҳам йўқ¹.

Бизнинг мақсадимиз ушбу минтақанинг қадимги дунёнинг турли давлатлари билан дипломатик муносабатлари қарор топиши ва ривожланиши тарихини босқичма-босқич ҳамда хронологик тартибда ифодалашдан иборат.

Ушбу муаммони гоҳо қисқа, гоҳида эса батафсил таърифлаб беришга юон – рим ва хитой ёзма манбалиари асос бўлиб хизмат қилди.

Чамаси, эрамизгача бўлган I минг йилликнинг биринчи ярмида яратилган «Авесто»даёт² дипломатик муносабатларнинг дастлабки шакллари пайдо бўлганлиги тўғрисида маълумот-

¹ Шуни қайд этиб ўтамизки, Ўрта Осиё мамлакатлари дипломатиясини ўрганиш тарихига тўхтамасдан, у Б. А. Литвинскийнинг “История Таджикского народа”си айрим бўлимларида атрофлича кўриб чиқилган. - М., 1963. - Т. 1.

² Дъяканов И.М. История Мидии. - М. 1956; Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. - М. 1970.

лар мавжуд. Бунда қабилалараро шартномалар тузиш ҳамда келишмовчиликлар ва ҳарбий низоларни бартараф этишда Митра худоси асосий кафил сифатида чиқади. Унинг фаолиятининг муҳим томони шартнома ва келишувнинг илоҳи вазифаси ҳисобланарди.

Айтайлик, «Авесто»нинг энг қадимги мадҳияларидан бири - Михр Яштда (Митра мадҳияси), олий тангри Аҳура Мазда пайғамбар Спитам - Зардуштийга мурожаат қиласар экан, шундай дейди:

Мамлакатни разил бузади,
Ўз сўзида турмаган - ўша.
У юзта абллаҳдан-да баттар
Тақводорларни нобуд қиласиди.
Сен Спитамга берилган
Шартномага ишончли бўл
Ва ёлғончи ғайридинларга
Ва диёнатга содикларга.
Ахир шартнома сўзи
Икковига ҳам мансуб
Ёлғончиларга ҳам, ростгўйларга ҳам.

Авестода Митра худоси раҳнамолиги остида қабилалараро шартномалар тузилгани тўғрисида бошқа маълумотлар ҳам мавжуд.

Ўрта Осиё ҳалқларининг Мидия ва Оссурия
 билан ҳалқаро муносабатлари.

Эрамизгача бўлган IX асрдан бошлаб ҳозирги Эрон ҳудудида Кавказ ва Марказий Осиё орқали Эрон қабилаларининг кўчиши рўй берган. Бу ерда улар маълум вилоятларни эгаллаган бир неча қабилавий бирлашмаларни тузганлар, улардан анча йириклари шимолий-ғарбда Мидия ҳамда Эрон жануби-ғарбидаги давлат

тузилмаларини яратиш йўлида турган Парсуа бўлган.

Биринчи бўлиб тарих майдонига Дейок деган киши асос соглан Мидия подшолиги чиққан, бироқ у ўз кудратига шоҳ Киаксар (эрэмизгача 625-585 йиллар) даврида эришган.³ Бу шоҳ томонидан, жумладан, Оссурия, Шимолий Месопотомия, Гиркания, Парфия, Арея ва эҳтимол, Сўғдиёнанинг бир қисми - Марказий Осиёнинг жанубий вилояти босиб олинган⁴.

Ктесий Книлдскийнинг маълумотларига кўра, Киаксар шунингдек Бақтрияни ҳам зabit этган. Шу нарса анча ишонарлики, Мидия подшолиги чегаралари шимоли-шарқдан Амударё билан чекланган, бу ерда мидияликлар сак қабилалари билан тўқнашганлар.

Ктесийнинг таъкидлашича, Киаксар билан тенглаштирилган Мидия шоҳи Астиабара ҳукмронлигига парфянлар қўзғолон кўтарганлар ва Мидиядан ажralганлар. Улар ҳукмдор Зарина бошлиқ сакларни ўзларига ёрдамга чақирганлар, бунда, саклар ва мидияликлар ўртасида бир неча йил давом этган уруш тинч шартнома билан якунланган, унга кўра Мидияга номигагина бўйсунган парфянлар амалда ўзларининг илгариги эгалигини сақлаб қолганлар (Диодор, II, 34, 1-4). Эрамизгача бўлган VII аср охири - VI аср боши муддати билан қайд этиш мумкин бўлган бу шартнома Ўрта Осиё дипломатияси тарихида фанга маълум бўлган биринчи халқаро шартнома ҳисобланади.

Ктесийда парфянлар ва сакларнинг мидияликлар билан уруши тўғрисидаги бошқа ҳикоя ҳам сақланган⁵. Ўша Зарина эри вафот этгач Парфиёна вилояти сулоласи вакили - Мермерга турмушга чиқган, шундан сўнг Стри-

³ Дьяканов И.М. Очерки по истории древнего Ирана. - М., 1962.

⁴ Литвинский Б.А. Древнейшая Бактрия // ИТН. - Т. 1, С. 158-159.

⁵ Қаранг: Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975. - С. 71; Григорьев В.В. О скифском народе саках. - СП б., 1871. - С. 20-23.

ангей бошчилигига мидияликлар билан уруш бошланган. Урушда сак армияси мағлубиятга учраган ҳамда Зарина-нинг ўзи яраланган ва асир олинган, бироқ Заринанинг гўзалигидан лол қолган Стриангей унга шафқат қилган. Кейинчалик Мермер Стриангей қўшинларини яксон этиб, ва уни асир олиб ўлдиришга қарор қиласди, аммо Зарина нафақат асирларни озод этади, балки Мермерни ҳам ўлдирган. Шундан сўнг Зарина унинг бошқарувига Парфиёна вилоятини берган ва Мидия шоҳи билан дўстлик түғрисида шартнома тузган. Бу шундан далолат берадики, дипломатик муносабатларнинг қандайдир шакллари тинчлик шартномалари кўринишида Ўрта Осиёда аҳамонийлар давригача бўлган эрамиздан аввалги VII-VI асрлардаёқ мавжуд бўлган.

Аҳамонийлар даври дипломатияси

(Бу давр эрамиздан аввалги VI аср ўртаси IV аср охирини ўз ичига олган.)

Эрамиздан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёning ғарбий вилоятлари Аҳамонийлар империяси таркибига кирган. Бақтрия, Парфия, Сўғдиёна, Марфиона, Хоразмнинг забт этилиши ушбу империянинг асосчиси Кир (эрамиздан аввалги 559-530 йиллар) томонидан унинг дастлабки юришлари жараёнида амалга оширилган⁶. Аҳамонийларнинг шимолий-шарққа ҳаракатланиши уларнинг қудратли сак-массагетлар қабилалари конфедерацияси билан муқаррар тўқнашувига олиб келган. Шунинг учун, Аҳамонийлар давлати чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун Кир ўз ҳаётининг сўнгти йилла-

⁶ Қаранг: Литвинский Б.А. Средняя Азия под властью Ахеменидов (VI-IV вв. до н.э.) // ИТН. - Т. 1, С. 190-191.

рида бу вақтда Сирдарё ва Амударё этаклари ўртасидаги ҳудудни эгаллаб турган саклар – массагетларга қарши ҳарбий юриш қилишга уриниб кўрган.

Юришдан олдин, Геродот ёзмаларида сақланган Кир ва массагетлар подшоси Тўмарис ўртасида оғзаки шаклдаги дипломатик номалар алмашуви бўлган. Жумладан, Кир элчилар орқали Тўмарисга ўзига хотин бўлишни таклиф қилиб, дипломатик ҳийла ишлишишга уриниб кўрган. Бироқ, Тўмарис «Кир уни эмас, балки массагетлар подшолигини кўлга киритмоқчи эканлигини» (Геродот, 1, 205) англаб, бу найрангни фош этган ва таклифни рад этган. Ҳийла кўл келмаганини тушунган Кир Аракс (Амударё - Э. Р. А. С). дарёсини кечиб ўтиб, массагетларга қарши уруш ҳаракатларини бошлаган.

Бу ҳаракатларга жавобан, Тўмарис маҳсус чопар орқали Кирга оғзаки нома жўнатган, унинг мазмуни шундан иборат эдики, аҳомонийлар шоҳи урушни тўхтатиб, массагетларни тинч қўйисин, Тўмарис шунингдек, агар Кир бу маслаҳатга амал қиласа ва урушни бошлишни хоҳласа, унда шоҳ ўз қўшинларини дарёдан уч кунлик йўл узоқликкача олиб кетишини ҳамда ўша ерда саклар билан куч синашиб қўришини маслаҳат берган. (Геродот, 1, 206).

Тўмариснинг номаси форс армиясининг ҳарбий кенгашида муҳокама қилинган, унда Кир Лидия шоҳи Крезнинг дарёни кечиб ўтиш, душман чекинган жойга қадар олға ҳаракат қилиш, лагерда қўшиннинг энг нўноқ қисмини, турли ноз-неъматлар ва тоза вино қолдириш, қолган қўшинларга дарёга томон қайтиш тўғрисидаги таклифини қабул қилган.

Крезнинг айёрги тўлиқ рўёбга чиққан: массагетлар армиясининг илфор қисми Тўмариснинг ўғли Спаргапис бошчилигига аҳомонийларнинг қолган армиясини тор-мор этган, ундан сўнг базм уюштирганилар ва унда массагетлар ҳаддан зиёд ичкиликбозликка берилиб кетганлар ҳамда ухлаб қол-

ганилар. Бундан фойдаланган Кир массагетлар лагерига хужум қилган, кўғчиликнинг бошини танасидан жудо қилган ва жумладан, Спаргаписни асир олган. (Геродот, I 210-211).

Кирнинг маккорона ҳаракатлари Тўмариснинг унга яна оғзаки шаклда маҳсус чопар орқали иккинчи номани йўллашига сабаб бўлган. Бу номада Тўмарис Кирга ўғлини қайтаришни, ўзига эса қўшини билан массагетлар еридан кетишини таклиф этган: «Агар шуни қилмас экансан,—дейди у, — массагетлар ҳукмрони — қуёш номи билан қасам ичаман, гарчи сен қонмаган бўлсанг-да, сенинг қонга ташналигингни мен қондираман».

Кейинги ҳатти-ҳаракатлар шуни қўрсатдики, Кир Тўмариснинг маслаҳатига қулоқ тутмаган, Спаргапис эса, ўз уятига чидай олмасдан ўзини-ўзи ўлдирган.

Шундан сўнг бўлиб ўтган аёвсиз жангда массагетлар тўла ғалабага эришганлар, форс армиясининг катта қисми янчидан ташланган, Кирнинг ўзи ўлдиррилган, унинг кесиб олинган бошини эса, Тўмарис одам қонига тўлғазилган мешга ташлаган. (Геродот, 1, 213).

Шундай қилиб, аҳамонийлар даврида дипломатия Ўрта Осиёда турли давлатлар ва қабилавий бирлашмалар ўртасида ўзаро муносабатларни аниқлашнинг маҳсус шакли сифатида анча барқарор ҳаракатерга эга бўлган деган хуносага келиш мумкин. Тўғри, ҳали бу ҳолатда саклар-массагетларда ёзув бўлмагани туфайли оғзаки шакидаги дипломатик номалар алмашувлари рўй берган, чамаси номаларни ёдлаб олиб, етказиш билан шуғулланувчи маҳсус шахслар пайдо бўлган.

Эллинизм даври дипломатик муносабатлари

(Бу давр ўз ичига эрамиздан аввалги IV аср охири - II асрнинг иккинчи ярмини олган).

Эллинларнинг Ўрта Осиёда унинг катта қисмини эрамиздан аввалги 330-327 йилларда Александр Македонс-

кий томонидан босиб олингандан сўнг бошланган сиёсий ҳукмронлиги қарийб икки юз йил – эрамиздан аввалги II асрнинг иккинчи ярми бошида Юнон – Бақтрия подшолигининг қулашигача давом этган.

Бу даврдаги дипломатик муносабатларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчи давр – Александр Македонскийнинг Ўрта Осиё халқлари билан муносабатлари; иккинчи давр – унинг жанубий вилоятлари эллин давлатлари – Салавкийлар ва Юнон–Бақтрия таркибига кирган даври муносабатлари.

Биринчи давр. Аррианинг тасдиқлашича, эрамиздан аввалги 329 йилда Александр Мароқандла бўлган пайтда унга скиф – абийлардан, шунингдек европалик скифлардан элчилар келишган. Дўстлик тўғрисида шартнома ниқоби остида Александр уларга жавобан элчиларни жўнатган, аммо уларнинг асл мақсади скифлар ерларининг табиатини билиш, аҳоли сони ва қурол-яроғ таркибини аниqlаштидан иборат бўлган. (Арриан, IV, I, 1-2 Квінт Курций Руф, VII, 6,12).

Кейинги йилда Александр Уструшанга юриш қилган, у ерда Танаис - Сирдарё соҳилида, эҳтимол Хўжанд ўрнида Александрия Эсхата шаҳри курилган. Сўнгра шу дарёнинг ўнг соҳилида скифлар билан уларнинг мағлубияти билан яқунланган жанг бўлиб ўтди. Шундан сўнг Александр хузурига скифлар шоҳидан тинчлик шартномаси ҳамда Александрга бўйсунишга тайёр шоҳнинг ўзи эмас, балки скифларнинг айрим гурӯҳлари ҳатти-ҳаракатлари учун кечирим сўраб элчилар келганлар. Бунга Александр мулойимлик билан, шоҳга ишонишини, бироқ ҳарбий ҳаракатларни тўла ғалабагача олиб бормасдан тўхтатишнинг мавриди эмаслиги тўғрисида жавоб қайтарган. Эрамиздан аввалги 328 йилда Мароқандга Европа скифларидан янги элчилар келганлар, улар билан Александр томонидан илгари унга

ўз шоҳининг тинчлик шартномасини тузиш тӯғрисидаги таклифини топширганлар ва совға-саломлар тақдим этганлар. Скифлар шоҳи ўз қизини Александрга, скиф амалдорларининг қизларини эса, ўз навбатида Александрнинг «ишончли дўстлари»га беришни таклиф этди. Бироқ, Александр ўзининг самимий жавоб номасида скифлар таклифларини рад этган (Арриан, IV, 15, 1-4).

Ўша йилда Мароқандга Александр ҳузурига Хоразмдан чамаси эрамиздан аввалги 330 йилда Аҳамонийлар империясидан холос бўлгач Ўрта Осиё ҳудудида тузилган дастлабки суверен давлатдан бир ярим минг отлиқ кузатувида шоҳ Фарасман элчилари қелган.

Фарасман Александрни колхлар ва амориклар билан чегарадош ўз подшолиги билан таништириди ҳамда унга Эвксин (Қора дengiz) соҳилларида яшовчи бу ҳалқлар ва бошқа қабилалар устига юришда ҳарбий иттифоқ ва ёрдамни таклиф қилган. Бу ҳикоядаги айрим маълумотлар жумладан, Хоразм хонлигининг чегаралари Кавказ тизмаларига чўзилган деб ҳисоблашга асос бўладиган хоразмликлар колхлар – Фарбий Грузия аҳолиси билан кўшничиликда яшаганлиги шубҳа уйғотади.

Александр Фарасманга миннатдорчиллик билдирган, аммо у ўз жавобида бундай ёндашувнинг мавриди эмаслигини, уни Ҳиндистонни забт этиш ҳамда уни Элладага қайта-ришгacha тўхтатиб туриш лозимлигини уқтирган, у ерда Александр Қора дengиз бўйларига юриш қилишини мўлжаллаган. Фарасман Бақтрия ҳукмдори Артабаза ҳамроҳлигига Мароқандда бўлганидан кейин ватанига қайтган (Арриан, IV, 15, 1-4; Квинт Курций Руф, VIII, 1, 8-9).

Шундай қилиб, биринчи давр Ўрта Осиё давлатлари ва қабилалари бирлашмаларининг Александр Македонский билан турли хил тинчлик шартномалари ва ҳарбий иттифоқлар тузишда ифодаланган дипломатик фаолликнинг ошган-

лиги билан характерланади. Бу вақтда, эҳтимол бундан анча илгари бу ерда таъбир жоиз бўлса дипломатик фаолиятга ихтисослашган деб аташ мумкин бўлган маълум кишилар гуруҳи шаклланганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Иккинчи давр (эрамиздан аввалги IV аср охири - II аср иккинчи ярмининг боши) – Ўрта Осиё жанубий қисми-нинг эллин давлатлари - Салавкийлар (эрамиздан аввалги IV аср охири - III аср ўртаси) ва Юнон-Бақтрия (эрамиздан аввалги III аср ўртаси - II аср иккинчи ярми боши) таркибиға кирганилиги ҳамда эллин маданиятининг кенг тарқалгани билан характерланади. Айнан шу даврда эрамиздан аввалги III аср ўртасида Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидаги Марказий Осиёдан чиққан кўчманчилар томонидан Парфян давлати, Марказий Осиё дарёлари оралиғида эса, эрамизгача бўлған II асрда қатор мустақил давлатлар – Канғ, Довон ташкил топган. Танга зарбалига қараганда, Бухоро ва Самарқанд Сўғидда ҳам маҳалий эгалик қилиш пайдо бўлган. Бу вақтда, чамаси эрамиздан аввалги IV аср охирида Аҳамонийлар ҳукмронлигидан халос бўлгач пайдо бўлган Хоразм подшолиги кучли ва мустақиллигича қолган. Шундай қилиб, бу даврда эллин давлати – Юнон-Бақтрия подшолиги сақланаб қолиши билан бир қаторда маҳалий давлат тузилмалари ва бирлашмаларининг фаол шаклланиш жараёни рўй берган. Шубҳасиз, ушбу барча давлатлар дипломатик муносабатлар ва иттифоқларнинг маълум шаклларини ўрнатганилар, бироқ, афсуски, ҳозиргача бу ҳақда ёзма манбаларда маълумотлар сақланган эмас.

Мисол учун, парфян – юнон – бақтрия, жумладан, Диодот II билан, Марказий Осиёни яна босиб олишга уринган уларнинг умумий душмани – Салавка II билан курашда Тиридат (Юстин, XI, 1, 4, 9) билан чамаси

эрамиздан аввалги 237 йилдан сўнг тузилган ҳарбий шартномалар ва иттифоқлар мълум.⁷

Юнон-Бактрия шоҳлари билан тузилган бошқа шартномалар тўғрисида ҳам мълумотлар мавжуд. Масалан, Салавкийлар шоҳи Антиох III (эрамизгача бўлган 223-187 йиллар) эрамиздан аввалги 208 йилда Юнон-Бактрия шоҳи Евтидемга (эрамиздан аввалги 230-200 йиллар) қарши юриш қилинган ва унинг кўшинларини Герируд (Тежен) дарёси бўйида тор-мор этган. Эрамиздан аввалги 206 йилда улар ўртасида музокаралар бошланган, натижада тинчлик шартномаси тузилган, унга кўра Евтидем подшоҳлик ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда ўзининг жанговар филларини берган ва мълум даражада Антиох III ҳокимиятини тан олган, шундай бўлса-да ундан тезда кутилиб олган⁸.

Эрамиздан аввалги 141 ва 129 йиллар оралиғида Юнон - Бақтрия подшолиги сак ва юэчжий қабилалининг босими остида қулаган, шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг жанубида гарчи, уларнинг унчалик катта бўлмаган эгаллиги Шимолий Бақтрия ва Жанубий Сўғдда бу воқеалардан сўнг кўп йиллар ўтгандан сўнг сақланишда давом этган бўлса-да, эллинларнинг ҳукмронлигига дарз кетган.

Шимолий, ундан кейин эса Жанубий Бақтрия хунлар тазиيқи остида бу ерга ўрнашган юэчжийлар томонидан эгалланган. Кейинчалик, юэчжий уруғларидан бири - кушонлар томонидан Буюк Кушон империяси ташкил этилган ва айнан юэчжийлар хитойликлар ўзлари учун ғарбий ўлкани - ўша даврда Марказий Осиёни улар шундай атаганлар - кашф этишнинг дастлабки сабабчилари бўлганлар.

⁷ Литвинский Б.А. Греко - Бактрия, Парфия // ИТН. - Т.1.-Б. 299; Парфян - Юнон - Бақтрия ўзаро муносабатлари ҳақида батафсил қаранг: Rteladz E. Parthia and Bactria/ The land of Griphones/ Papers an Central Asian archaeology in antiquity Torino, 1996, Р. 182-190.

⁸ Литвинский Б.А. Ўша жойда. - С. 301.

Ўрта Осиё мамлакатларининг Хитой билан Ханъ сулоласи ҳукмронлиги (эрамиздан аввалги 206 йил — эрамизнинг 222 йили) даврида дипломатик муносабатлари

Биринчи давр (эрамиздан аввалги II аср охири — эрамизнинг I асри биринчи ярми).

Ханъ империяси ўзининг ташкил топган пайтидан бошлаб ўзи эгаллаб турган Хуанхе ва Яньцзи дарёлари оралиғидаги унчалик катта бўлмаган ҳудуддан ташқарига чиқишига интилиб агресив экспансционистик сиёсатни олиб борган. Бу йўналиш айниқса ғарбий ҳудудларга катта эътибор қаратилган император У-ди (эрамизгача бўлган 140-87 йиллар) даврида кучайган.⁹

Чжан Цзянь миссияси. Ғарбий ўлка — Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон, ҳисоблашларича, хитойликлар учун Чжан Цзяннинг саёҳатига қадар номаълумлигича қолган. Бироқ, бу дегани улар ўзларидан ғарбда кўп сонли ҳалқлар истиқомат қиласидиган улкан ўлка мавжуд эканлигини мутлақо билмаганлар, деган маънони билдирамайди. Мазкур саёҳатга қадар Кангюй вилоятидан Хитойга элчилар жўнатилган тўғрисида мальумот бор.

Бироқ, шу нарса ҳам аёнки, фақат Ханъ императори У-ди ҳукмронлиги даврида (эрамизгача бўлган 140-87 йиллар) бу ўлкалаларда яшовчи ҳалқлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга фаол уринишлар, карвон йўлларини уни мустамлака қилиш ҳамда ғарбга янада илгарилаш мақсадида разведка қилишга ҳаракат қилинган.

Хитойнинг ғарбий ўлка билан дастлабки дипломатик алоқаларига эрамизгача бўлган II асрнинг биринчи ярмида

⁹ Толстов С.П. По следам древнохорезмийской цивилизации, - М., 1950. - С. 143.

Ўрта Осиёning иккита анча қудратли қабилалари хунлар билан Юэчжийлар яъни, Юнон манбаларида аталишича тохарлар ўртасида келиб чиқсан уруш сабаб бўлган.

Бу урушда Юэчжийлар мағлубиятга учраганлар ва ўзларининг ҳозирги Ганьсу провинциясидаги улар дастлаб яшаган ҳудуднинг катта қисмидан Еттисувга кўчишга мажбур бўлганлар. Аммо бу ерда ҳам хунлар юэчжийларни қувиб етганлар, уларнинг йўлбошчисини қатл этганлар, бош чаноғидан ичимлик ичиш учун локланган идиш ясаганлар. Юэчжийлар Ўрта Осиё жанубига – Бақтрия томонга йўл олганлар, бу ерда улар бошқа қабилалар билан бир қаторда Юнон – Бақтрия подшолигини қулатишда иштирок этганлар, кўп йиллар ўтгандан сўнг эса, уларнинг авлодлари Кушон империясини яратганлар.

Юэчжийлар хунлардан чўчиб уларга қарши курашда ўзларига иттифоқчилар излаганлар. Ўз навбатида, хунларнинг босқинчилигидан тез-тез азият чекиб турган Хань Хитойи Юэчжийларнинг истагидан хабар топиб, шундай иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш учун йўл-йўриқлар қидира бошлаган.

Бу миссияни амалга оширишга Хан Чжун вилоятида яшовчи, эҳтимол ўзининг обрў-эътибори билан бошқа даъвогарлар ичидан танланган Чжан Цзянъ исмли дарвоза қоровуллари бошлиғи бел боғлаган. Чжан Цзяннинг бу миссияси тўғрисида Шицзада ҳикоя қилинган. Чжан Цзянъ ғарбга томон хун кузатувчиси Танъи Хунуганъфу билан бирга отланган. Бироқ йўлда у хунлар томонидан кўлга олинган ва улар томонидан ўзларининг княzlари хузурига келтирилган, князъ мутлақо асосли равища Чжан Цзяндан Хитой императорининг хун ерлари орқали юэчжийларга элчи юборишга қандай ҳаққи борлигини сўраган. Чжан Цзянъ қўлга олинган ва хунлар асирилиги-

да қарийб ўн йил қолиб кетган, уни хун аёлига уйлантириб қўйғанлар, бу никоҳдан ўғил туғилган.

Аммо, ўзига берилган эркинликдан фойдаланиб, у ўз шериклари билан ғарбга қочган ва бир неча ўнлаб кунлардан сўнг қадимги тарихий-маданий вилоят, Фарғонага мос келувчи Довонга келган.

Довон ҳукмдорлари Чжан Цзянь билан сұхбатда ўзларининг Дом Ханъ билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш истагини билдирганлар. У агар уни Юэчжийларга кузатиб кўйсалар, Хитойга қайтгандан сўнг император Довон ҳукмдорини кўп совға-саломлар билан сийлашини билдирган. Кейинчалик Чжан Цзянь ўзининг императорга ёзган мактубида довонликларнинг деҳқончилик қилишлари, шоли ва буғдой экишлари, уларда узум ва май кўп эканлигини ёзган. Довонда 20 тага яқин катта ва кичик шаҳарлар бўлган.

Биринчи миссиясида Чжан Цзянь Довондан унга ажратилган маҳсус кузатувчилар ҳамроҳлигига даставвал Марказий Осиё икки дарё оралиғидаги шимолий ва марказий қисмнинг кенг ҳудудини ҳамда Сирдарёнинг ўнг томонидаги ерни эгаллаган кўп қабилалик эгалигидаги Кангюйга юборилган.

Чжан Цзянь Кангюйдан эрамиздан аввалги 128 ёки 126 йилда ўз ҳамроҳлари билан Катта Юэчжийга жўнаган. Бу вақтга келиб юэчжийлар хунлардан яна мағлубиятга учраганлар, улар юэчжийлар ҳукмдорини ўлдирганлар, тахта эса унинг тўнғич ўғлини ўтқазганлар. У хунлар билан янги тўқнашувлардан ҳадиксираб, ўзининг илгариги маконини ўзгартиришга қарор қилган ҳамда ўз қабиласи билан бирга Гуйшуй – Амударёнинг шимолини, тахминан ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Тожикистон жанубини забт этиб жанубга кетган, сўнгра эса бу дарёнинг жанубидаги вилоятни босиб олган, у Хитой манбаларида Даҳя деб аталган, маҳаллий аҳоли Бақтрия, юонлар Бақтриана деб атаганлар.

Эрамизгача бўлган Й асрнинг ўртасида ёки иккинчи ярмининг бошида Бақтрия сакаравл, асий, пасиан ва тохар кўчманчи қабилалари томонидан босиб олинган. Эҳтимол, тохар халқи номининг хитойчада бузилишидан Даҳя сўзи келиб чиққан. Анча кейинги манбаларда бу вилоятнинг номи Тоҳаристон – тохарлар мамлакати сифатида берилаган.

Шицзада кўрсатилишича, «Даҳя Довондан 2000 ли жанубий-ғарбий узоқлиқда, Гуйшуй дарёсининг жанубида жойлашган. У ерда ўтроқ турмуш кечирадилар, шаҳарлар ва уйларга эгадирлар».

Бу вақтга келиб юэчжий ҳукмдори ўз қабиласи жойлашган янги ҳудудлардаги тинч турмуш тарзини афзал билиб, хунлардан ўч олишдан воз кечган.

Чжан Цзянь Бақтрияда бир йилдан ортиқ турган ва бирон нарсага эриша олмагач, жанубий йўл билан Хитойга қайтиб боришга ҳаракат қилган, аммо яна хунлар томонидан асир олинган. Янги асирикдан Чжан Цзянь хотини ва кузатувчиси Танъганьфу билан орадан бир йил ўтгач, хунлар ўртасидаги ўзаро жанжаллардан фойдаланиб қочишига муваффақ бўлган ва Хитойга етиб келган.

Унинг ғарбий ўлкага биринчи миссияси 13 йил давом этган, бироқ Хитойга жўнаган юзта ҳамроҳларидан эса, фақат иккитаси – Чжан Цзяннинг ўзи ва унинг кузатувчиси қайтиб келган.

Чжан Цзянь Хитойга қайтгандан сўнг ўзи бўлган мамлакатлар тўғрисида, маҳаллий аҳолидан эшигланлари ҳақида императорга батағсил маълумотнома ёзил берган. Жумладан, у ғарбий Ўрта ер денгизи, Тяожи – Кичик Осиё ёки Шарқий Ўрта ер денгизи ва Личань, эҳтимол, хитойликлар шунингдек Фолинь ёки Дашинь деб атаган Миср ёки Қадимги Рим тўғрисида биринчи маълумотларни келтирган.

Чжан Цзянь ўз ёзмаларида Марказий Осиё ўлкалари – Довон, Усунь, Кангюй, Даҳя, Яншай, Катта Юэчжи, уларнинг жойлашган ўрни, пойтахтлари, йўллари ва масофалири, машғулот турлари, одатлари, аҳоли ва қўшинлари сони ҳақида тўғрисидаги батафсил маълумотларни келтирган. Жумладан у Кангюй ва Катта Юэчжи кучли қўшинга эга эканлиги, уларни хизматта ёллаш мумкинлиги, агар уларни фуқароликка мойиллик ҳолати бўлса, унда Хитой ерларини қарийб 10000 лига кенгайтириш мумкинлигини ёзган.

Хитойга келгандан сўнг Чжан Цзянь, шунингдек унинг ҳамроҳи юқори мансаб, сўнgra, хунлар билан бўлган урушдаги муваффақиятлари учун Бован-хәу князлик унвонини ҳамда Сяоюй ва Вей-юй ҳарбий мансабларини (маълум қўшин қисми бошлиғи) олган.

Бироқ, бу барча мансаблар ва унвонлардан Чжан Цзянь эрамиздан аввалги 122 йилда маҳрум бўлган, унга ишониб топширилган қўшин хитойликлар билан хунлар ўртасида жанг бўладиган жойга кечикиб келган, бунинг натижасида хитойликларнинг катта қисми куршаб олинган ва қириб ташланган, Чжан Цзяннинг ўзи эса, бошини танасидан жудо қилишга ҳукм қилинган, лекин афв этилган.

Чжан Цзяннинг қаҳр-ғазабга маҳкумлиги бир неча йил давом этган, бу вакт ичиди хитойликлар бир неча жангларда хунларни янчидан ташлаганлар ва Шўр кўл-Лобноргача етиб келгандар, уларнинг олдида Марказий Осиё томон тўғри йўл очилган.

Шу муносабат билан Ханъ императори Марказий Осиё ерлари, Даҳя ва Усунь ҳамда уларнинг Хитойга қўшиб олиниши билан яна қизиқа бошлаган.

Чжан Цзянь император билан суҳбатга чақирилган, у усунликларнинг аҳволини батафсил ифода этувчи маълумотларни император учун тузиб берган. У жумладан, Усунь ҳукмдори Гунъмо хунлар таъқибидан кутула олган-

лиги, агар сиёсат түғри олиб борилса Усунни, сўнгра эса Даҳя ва бошқа Марказий Осиё ўлкаларини Хитойга кўшиб олиш мумкинлигини ёзган.

Етказилган бу маълумотлар Чжан Цзяннинг хун пристави этиб тайинланишида ҳал қилювчи роль ўйнаган, унга ҳар бирида иккитадан от бўлган 300 та жангчи ва 10.000 бошгача қарамол ҳамда қўйлар ёрдам тариқасида берилган, у катта миқдордаги совғалар билан таъминланган. Чжан Цзянь билан бирга Усунга турли Ўрта Осиё ўлкаларига вакил қилиб тайинланган туғлари бўлган кўп сонли ёрдамчилар жўнаган.

Бироқ, Усунларнинг олий ҳукмдори Гунъмо билан бўлган музокаралар Хитой учун кутилган натижаларни бермаган, чунки Усуњ ўлкаси уч қисмга ажралган ва уларнинг ҳукмдорлари мустақил сиёсат юргизаётган бўлганлар.

Шундай бўлса-да, Чжан Цзянь усунликлар ҳузурида бўлган пайтида Хитой вакилларини Довон (Фарғона), Кангюй (Сўғд, Хоразм), Даҳя (Бақтрия), Катта Юэчжи (Шимолий Бақтрия), Аньси (Бухоро ёки Бақтрия)га жўнатишини ташкил этишга муваффақ бўлган.

Шундан сўнг у раҳбарига Гунъмо хитойликлар ҳаёти ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот йиғишни топширган унчалик катта бўлмаган Усуњ элчилари гуруҳи ҳамроҳлигига Хитойга қайтган¹⁰.

Хитойга қайтгандан сўнг орадан бир йил ўтгач, эрамиздан аввалги 104 ёки 103 йилда ўша пайтда мухим давлат мансабини эгаллаб турган Чжан Цзянь вафот этган.

Яна орадан бир йил ўтгач, Чжан Цзянь томонидан турли хил топшириқлар билан юқорида кўрсатилган ўлкаларга жўнатилган вакиллар Хитойга қайтишган, улар билан бирга Хитойга ўша ўлкаларнинг элчилари ҳам келишган.

¹⁰ Hirth F. The story of Vchang - Kien. JAOC, vol. 37, pt. 2, 1917, p. 97-98; UTH. - Г. - С. 342.

Бу Ўрта Осиёдаги биринчи дипломатик элчилар эди. Айнан шу вақтдан Ўрта Осиё давлатлари ва Хитойнинг кўп асрлар давом этган турли хил интенсив алоқалари даври бошланаган, ва бу Чжан Цзянь миссиясининг яна бир муҳим якунидир.

У ўз умрининг ўн тўрт йилини шак-шубҳасиз обрў-эътибор қозонган ҳолда Ўрта Осиё халқлари орасида ўтказган.

Шицзада шундай дейилганки, «Бо-ван-хэу Чжан Цзянь хорижликлар қалбига йўл топишнинг улласидан чиқа олди ҳамда шу сабабдан чет элликлар ҳам унга ишонч билдирилдилар».

Хитой-Фарғона дипломатик муносабатлари

Бу минтақада Хитой дипломатик муносабатлар ўрнатган, даставвал анча кескин муносабатлар касб этган, биринчи мамлакат Довон - Фарғона бўлган. Бунда икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий тўқнашувларнинг асосий сабабларидан бири император У-ди Чжан Цзянь ҳикояларидан билиб олган Фарғонанинг машхур «самовий отлари» бўлган.

Шицзанинг такидлашича, У-ди Довон ҳукмдорига 100 лдан олтин ва олтин от билан маҳсус элчи юборган ва унга ушбу эҳсонлар эвазига Довон арғумоқларидан юбо-ришни илтимос қилган.

Аммо Довон ҳукмдори отларни беришни истамай элчининг илтимосини рад этган, бунда у Хитойнинг жуда олисда жойлашганини инобатга олиб ўз кўшинларини Довонга юбора олмайди, деб ҳисоблаган. Бу элчининг жаҳлини чиқарган ҳамда у Довон ҳукмдорининг бу жавобига қўпполлик билан жавоб қайтарган. Ҳозирги замон тили билан ифодалаганда, можаро келиб чиқсан ва элчи ўлдирилган (кўриниб турибдики, ўша пайтда ҳали дипломатик дахлсиз-

лик тушунчаси мавжуд бўлмаган), унинг буюмлари эса, Довон ҳукмдори фойдасига мусодара этилган.¹¹

Бу ҳаракатга жавобан хитой императори Фарғонага қўмондон Ли Гуан-ли бошчилигидаги қарийб юз минг кишилик қўшинни юборган. Тўрт йил давом этган ва Довоннинг мағлубияти билан яқунланган Хитой-Довон уруши бошланган.

Ли Гуан-ли буйруғига кўра қатл этилган собиқ ҳукмдор Мугуа ўрнига қариялардан бири Моцай ўтқазилган ва хитойликлар 3000 та отни олиб ортларига қайтганлар.

Орадан бир йил ўтгач Довон оқсоқоллари Моцайнини хитойпарастлиги учун ўлдирганлар, таҳтга эса унинг Кенжা ўғли Чжань-финни ўтқазганлар.

Чжань-фин ўз ўғлини гаровга жўнатиб ва ҳар йили Хитойга бир жуфт «самовий зотли» отларни юборишни ўз зиммасига олиб, Хитой билан тинчлик шартномасини тузган (бу ушбу мамлакат билан Ўрта Осиё мамлакатларидан бири ўртасида тузилган биринчи шартнома эди). Бунга жавобан император қароргоҳи Довон билан тинчлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бу ерга совға-саломлар билан элчи юборган. Довондан орқага жўнаб кетаётганда Хитой элчиси ўзи билан узум ва мусу (беда-Э.Р.,А.С.) ўсимлиги уруғини олган, сўнгра улар Хитой императори томонидан катта ҳудудда кўпайтирилган.¹² Шундай қилиб, Хитой биринчи марта узум ва беда каби катта аҳамиятга эга қишлоқ хўжалиги экинлари билан танишган.

Довон-Хитой уруши тугагандан кейин Хитойнинг ғарбий ўлкалаги дипломатик фаолияти жуда тез ривожланган. «Ханъ катта уйининг тарихи» гувоҳлик беришича, У-

¹¹ Бичурин Н. Я. Указ. соч., - С. 147-168.

¹² Бичурин Н. Я. Там же. - С. 187.

ди императорлиги даврида Ўрта Осиёнинг турли давлатларига ҳар йили ўнтадан кам бўлмаган элчилар жўнатилган.¹³

Хитой-Парфян дипломатик муносабатлари

Эрамиздан аввалги II аср охирида, Г. Дабснинг кўрсатишича – эрамиздан аввалги III - 105 йилларда Хитой императори У-ди ташаббуси билан Хитой манбаларида Аньси деб аталадиган Парфян подшолиги билан илк бор дипломатик муносабатлар ўрнатган. Хитой элчиси Шарқий чегарада 20 000 отлиқнинг қўмондонлари томонидан тантанали кутиб олинган ва Парфян давлати пойтахтига кузатиб борилган¹⁴.

Хитой элчиси ортга Парфян элчиси билан жўнаган, у Хитой императорига совға сифатида түякуш тухумларини ва Личандан (Мисрдаги Александрия шаҳри - Э.Р., А.С.) кўзбойлогочларни олиб келган ҳамда Хитой билан танишган¹⁵.

Бу элчилар эришган ва ғарбий ўлка очилишидаги энг буюк натижа – цивилизация тарихида Ғарб ва Шарқ мамлакатларини боғловчи биринчи трансконтинентал йўл – Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ҳисобланади.

Унинг бунёд этилишида Ўрта Осиё халқлари, айниқса сўғдлар жуда катта роль ўйнаганлар. Сўғдийларнинг савдо фаолияти Буюк Ипак йўлининг Самарқанддан Чан анягача бўлган бутун Шарқий йўналишида юзага келган, сўғд тили эса, шу йўл ёқасида ҳаёт кечираётган барча халқлар учун *Lingva tvanca* бўлиб қолган.

¹³ Бичурин Н. Я. Указ. соч. - С. 173.

¹⁴ Бичурин Н. Я. Указ. соч. - С. 173.

¹⁵ Вельгус В.А, Известия о странах и народах Африки. - М., 1973. - С. 104-110.

Хитой-Кангюй дипломатик муносабатлари

Ханъ Хитойининг яна бир Марказий Осиё давлати Кангюй билан дипломатик муносабатлари бирмунча бошқача рўй берган. Анча-мунча ҳарбий қудратга эга бўлган Кангюй (унинг таркибига маълум вақтда Хоразм, Сўғд, Чоч ва Трансоксианинг бошқа ерлари кирган эди) хитойликларнинг дипломатик муносабатлардаги устунлигини тан олмай Хитойдан мустақил сиёсатни юргизаётган эди¹⁶. Шу тариқа, «Ханъ катта уйи тарихи»га кўра, Хитой элчилари Кангюй ҳукмдори қабулида усунликлардан куйи жойни эгаллаганлар, уларга овқатни эса усунъ княzlари ва оқсоқолларидан кейин тортиқ қилганлар¹⁷.

Бироқ, ғарбий ўлкада ўзининг ном қозонганини ғоят қадрлайдиган Хитой бундай аҳволга қаноатланиб, қандай бўлишидан қатъи назар бу ерда ўз мавқеини сақлаб қолишга интилган. Усунликлар каби Хитойни ўз вассали сифатида тан олмаган Кангюй ҳукмдори айни вақтда ўз ўғлонларини императорлик хонадони хизмати учун жўнатган.

Хитойликлар буни Кангюйнинг Хитой билан савдо-сотиқни ривожлантиришга кўмаклашувчи айёrona баҳона деб ҳисобладилар.

Юэчжийнинг Хитой билан дипломатик муносабатлари

Чжан Цзяннинг Бақтрияга ташрифига қарамасдан, чамаси, Юэчжийлар улар ва Хитой билан хунларга қарши ҳарбий иттифоқ тўғрисидаги таклифни рад этганлар,

¹⁶ Зуев Ю. А. К вопросу о взаимоотношениях усуней и канцюй с Китаем во второй половине I в. до н. э. // ИЗВ. Академии наук КазССР. - Сер. истории, философии и права. - Вып. 2.- 1954,-С. 62-72.

¹⁷ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 185.

улар ўртасидаги дипломатик муносабатлар ривожланишда давом этган.

Бу муносабатларнинг муҳим мұваффақиятларидан бири Хитойга буддизмнинг кириб келиши бўлган, бунга Юэчжийларнинг Хитойдаги ва хитойликларнинг Бақтриядаги элтихоналари анча кўмаклашганлар.

Хитой ёзма манбаларидан хитойликларнинг буддизм билан танишувининг иккита асосий тахмини берилган.

Улардан биринчисига кўра, «Қирқ икки бўлим моҳияти»га киришда ифодаланишича Ханъ императори Минди (58-75) Юэчжи мамлакатига гўёки муқаддас матнларни олиш учун элчилар гурӯҳини жўннаттан. Бу миссия эрамиздан аввалги турли 60, 61, 64, 68 каби йилларга эга. Уч йилдан, бир тахминга кўра эса, ўн бир йилдан сўнг элчилар «Қирқ икки бўлим моҳияти» матни ёки таржимаси билан қайтиб келган. Элчилар билан бирга Хитойдаги биринчи хорижий миссионер – буддистлар – Кашъяпа Матанга ва Даҳармаратнага ҳам келишган, шундан сўнг император Пай-массу ёки Баймас будда монастирини курган.

Бу тахминни баҳолашда олимлар ўртасида турлича фикрлар мавжуд, чунончи Хитой олими Танъян-тун бу тахминнинг тарихий факт сифатида фойдаланилиши имкониятини инкор этмайди.¹⁸ Аксинча, Н. Масперо бу тахминни анахронизм билан тўлиқ тарғибот тарихи уйдирмасининг бир қисми деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, у эрамиздан аввалги III асрда пайдо бўлган ва эрамиздан аввалги IV-V асрда ривожланган.¹⁹

Иккинчи тахмин кўйидагиларни ифодалайди. Эрамиздан аввалги III аср бошида юзага келган анъянага кўра, Юэч-

¹⁸ Zurcher E. The buddhist Conquest China. – Leiden, 1959. p. 24. Шунингдек қаранг: Штейн В.М. Экономические и культурные связи между Китаем и Индией в древности. М. 1960, с. 163.

¹⁹ Maspero H. Le song eetait e' ambassade d I e'emppereur Ming, etude critique de sources. BEFFOX, 1910, p. 95-130.

жий қароргоҳига Хитой элчиси император Академияси талабаси Чин Лю (унинг исми ёзилишида турли шакллар мавжуд) эрамиздан аввалги 2 йилда Юэчжий валиаҳди томонидан будда сутрасига ўқитилган. Бу тарих илк бор тахминан эрамиздан аввалги III асрда Ши-жун-ган Вей-Леодан Ҳиндистон тўғрисида яратилган жуда бузилган пассажда ифодаланган. Бу пассаж тўлиқ ҳолда шундай кўринишга эга: «Ўтмишда Ханъ суполасидан император Ай ҳукмронлигига Ян-шоу даврининг биринчи йилида (эрамиздан аввалги 2 йилда) императорлик академияси талабаси Чин-Лю И-изун-Буок Юэчжийлар шоҳи элчисидан будда сутралари тўғрисида оғзаки кўрсатмани олди»²⁰.

Е. Цюрхер Чин Лю бу кўрсатмани чамаси Хитой пойтахтида Юэчжийлар элчисидан олди, деб ҳисоблаган. Э. Шавань бу пассаж матнига бу тарихнинг гўё император академиясининг 62-талабаси Чин Лю Буок Юэчжийларига (Юэчжий шоҳи) валиаҳдни уни будда сутраларига оғзаки ўрганиш учун буйруқ берганлиги миссияси билан жўнаганлиги бу тарихининг икки кечки параллел тахминларига асосланган матнига тузатиш киритишни таклиф этган²¹. Е. Цюрхернинг кўрсатишича, Э. Шавань Вей-Лео матнидан бу пассажни тўлиқ тузатган. Шундай экан, Чин Лю будда сутраларини император қароргоҳида Юэчжий элчиси Изундан Хитойда ўрганмаган, балки, унинг ўзи Хитой императорининг Буок Юэчжийга элчиси бўлганида Юэчжийлар заминида Юэчжий валиаҳдидан билиб олган.

Ушбу сўнгти тахминни тарихий баҳолашда шунингдек, қарама-қаршилик мавжуд. Уларнинг баъзилари уни тўғри эмас деб, бошқалари тарихий ҳақиқат деб ҳисоблайдилар. Якунларни чиқарар экан Е. Цюрхер шуни кўрса-

²⁰ Zurcher E. Op. Cit., P. 24

²¹ Chavannes E. Les paes d, Occident d, apzesle Wei - Iio. TPV (1905), p 514-576.

тадики, бу тахмин эрамиздан аввалги 2 йилгача Хитойнинг Юэчжийларда элчихонаси ёки ўша йилда Хитойда Юэчжий элчихонаси тўғрисида маълумотлар бўлмаган Ханьшу расмий Хитой тарихида ўз тасдигини топмаган, ва бу ҳақдаги маълумотлар фақат эрамизнинг III асридагина пайдо бўлган. Унинг фикрича, бу материални тарихий хуносалар учун фойдаланиш мумкин эмас²².

Шу билан бирга Е. Цюрхер шунга ҳам эътиборни қаратадики, Хитойда буддизмнинг илк бор пайдо бўлиши билан боғлиқ анъана бу муҳим воқеани Юэчжийлар билан қатъий равишда боғлайди, ундан кейин, Р.Ч. Багчига кўра буддизм ҳали эрамиздан аввалги III аср охирида шоҳ Ашок даврида пайдо бўлиши мумкин бўлган Бақтрия – Тохаристон билан боғлайди.²³ Шундай қилиб, агар биз «Ханн-шу»да бу воқеани тасдиқловчи маълумотга эга бўлмасак-да, Юэчжийларнинг будда Хитойга кириб келишига кўмаклашганлари эҳтимолдан холи эмас, бино-барин анъаналар қайсиdir вақтда мавжуд бўлган аниқ фактларга таянади. Бақтрияда, айниқса унинг шимолий қисмида буддизмнинг кенг тарақалганини бу ерда топилган, яратилган вақти эрамизнинг I-II асрларига мансуб Айритам, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа илк буддизм ёдгорликлари тасдиғи ҳисобланади.

Шундай қилиб, мазкур давр учун Ханъ Хитойининг Ўрта Осиё мамлакатлари ва ер эгаликлари билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилгани, уларнинг изчилиги, турли шаклдаги шартномаларнинг тузилгани характерлидир. Ханъ Хитойининг Ўрта Осиёдаги дипломатик фаоллиги, шунингдек, эҳтимол Довон билан бўлган уруш улардан айримларининг Ханъ Хитойидан вассал мустақиллик эгалигининг тан олинишига олиб келган. Хитой

²² Zurcher E. Op. Cit., P. 27

²³ Baggchi Ph. Ch. India and Central Asia. Calcutta, 1955, P. 89.

ёзма манбаларига кўра, ғарбий ўлкада даставвал 30 та ер эгалиги бўлган, эрамизнинг биринчи ярми бошланишига келиб эса, уларнинг сони 55 тагача ошган. Уларнинг баъзиларининг қарамлиги мутлақо номигагина бўлган, бошқалари эса, айтайлик Кангюй Хитойнинг хукмронлигини унинг элчилари билан камситиш шаклида муносабатда бўлиб умуман тан олмаганлар.

Хитой ёзма манбаларидаги хабар қилинишига, ғарбий ўлкада бошқарув учун ноиб ва ҳарбий пристав тайинланган, бу шубҳали туюлади.

Бу маънода «Хањ Катта уйи тарихи»даги бир хабар характерли, унда айтилишича, Хитой элчилари «Наќд пулсиз ўзлари учун овқат ҳам, юриш учун мол-улов ҳам ола билмаганлар ва бунга Хитойдан йироқлик сабабчидир».²⁴ Агар мазкур ер эгаликларининг қарамликлари сезиларли даражада бўлганида эди, давлат бу ҳолатда Хањ империяси хизматида бўлган шахслар бундай ҳолатга тушмас эдилар.

Шу нарса эҳтимолга яқинки, ноиб ва пристав деб аталадиганлар дипломатик муносабатлар учун жавобгар шахслар бўлганилар, бироқ Ўрта Осиё ер эгаларини бошқариш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланмаганлар. Хањ Хитойи ва Ўрта Осиё ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилишининг муҳим натижаси савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланганлиги ҳисобланади, бу ҳақда ёзма манбалар ҳам, археологик манбалар ҳам гувоҳлик беради.

Айтайлик, шу нарса маълум қилинадики, довонликлар Хитойдан кумуш ва олтин олганлар ҳамда уларни турли буюмлар тайёрлашда ишлатганилар, аммо танга зарб қилишида эмас. Довон-Фарғонадан хитойликлар «самовий» зотли отлар билан бир қаторда кейинчалик Хитойда кенг ҳажмда етиштирилган узум ва беда каби қишлоқ хўжалиги экинларини олиб кетганилар.

²⁴ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С.188.

Бу ердан Маразий Осиёга локдан тайёрланган буюмлар ва ипак газламалар кела бошлаган.

Хитойликлар Ўрта Осиёда чўян ишлаб чиқаришни йўлга қўйғанлар, бунга Хитой элчихоналаридан қочган хизматчилар кўмаклашгандар²⁵.

Археологик маълумотларга кўра, Хитойдан Марказий Осиёга, хусусан Фарғонага ва қисман Сўғдга, чамаси Фарғонада пул муносабатлари ривожи бошланишига асос бўлган у-шу²⁶ Хитой бронза танглари кириб келган. Ўрта Осиёда Хитойнинг турли хилдаги машҳур бронза ойналари²⁷ жуда кўплаб топилган, нефритдан қилинган буюмлар ҳам онда-сонда учрайди²⁸.

Эрамизнинг 7 йилида Хитойда ҳокимиятни Хитой тарихий анъанасида узурпатор (ҳокимиятни ёки бироннинг ҳукуқини қонунга хилоф равишда тортиб олган шахс ҳисобланувчи) Ван-ман (эрамизнинг 7-23 йиллари) эгалланган. Шундан кейин Ўрта Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг дипломатик муносабатлари узилган.

25 йилда ҳокимият тепасига Ханъ Кичик Уйининг келиши шунингдек даставвал, гарчи император Тяньва бошқарувига Марказий Осиё ер эгаликларидан биридан Хитойга уни фуқароликка қабул қилишни ва хитойлик ноиб сифатида тайинланишини илтимос қилиб элчи жўна-тилган бўлса-да бу муносабатларнинг ривожланишига ёрдам бермаган.

«Ханъ Кичик Уйи тарихи»га мувофиқ, ғарбий ўлка 65 йил давомида Хитой билан узилишда бўлган ва фақат

²⁵ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С.188.

²⁶ Горбунова Н., Ивочкина Н. Монеты Ушу из могильников Ферганы // Сообщение Гос. Эрмитажа, III - Л. - 1988. С. 45-50.

²⁷ Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. М., 1978.

²⁸ Ртвеладзе Э.В. Китайский импорт в Центральную Азию по археологическим данным.

эрамизнинг 74 йилида ўзаро муносабатларнинг турли шаклларини тиклаганлар.²⁹

«Ханъ Кичик Уйи» ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ ғарбий ўлка билан муносабатларда дастлаб бирмунча бошқача сиёсатни юргизганлар. Бу Уй хукмдорлари улар билан алоқаларни амалга ошириш учун молиявий харажатлар оғирлиги Хитой учун анча оғир бўлган ва шу сабабдан улар ноизчил бўлиб қолган.

Ўрта Осиё ер эгаликларининг Хитой билан анча мустаҳкам дипломатик муносабатлар ўрнатишига Хитой саркардаси Бань Чаонинг ғарбий ўлкага юриши ёрдам берган. «Ханъ Кичик Уйи тарихи»нинг гувоҳлик беришича, Бань Чао ўз кўшини билан бутун Марказий Осиёдан ўтган ва ҳатто ғарбий денгизга³⁰, чамаси Каспий ёки Орол дengizigacha бориб етган.

Шу юришдан кейин Ўрта Осиёдан элчилар император қароргоҳига совғалар билан келганлар. Бироқ булар чамаси онда-сонда рўй берган, чунончи ўша манбанинг маълумотларига кўра, ғарбий ўлка ер эгаликлари Хитой билан алоқаларни дам тўхтатганлар, дам тиклаганлар.³¹ Асосан, бу ерда эҳтимол, ўша вақтда бешта бош ер эгаликлири: Ги, чамаси Бухоро, Суса-Кеш, Фума-Самарқанд, Юни-Шош ва Юзгань-Хоразм ҳамда бошқа кўплаб майда ер эгаликларидан иборат бўлган Кангюй билан алоқалар назарда тутилади.

Аньси – Парфия ва таркибиға Ҳисор тизмаларигача чўзилган Шимолий Бақтрия кирган I асрда юзага келган кудратли Кушон давлати билан дипломатик муносабатлар эса, чамаси, алоҳида қисмни ташкил этган.

²⁹ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 216-240.

³⁰ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 217.

³¹ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 218-219.

Ҳарқалай, Парфия элти ёки ноёб жониворлар сифатидаги совғаларни юбориш билан чекланиб, Хитой билан дипломатик муносабатларни сақлашда давом этган. Айтайлик, император Чжан-ди ҳукмронлиги даврида эрамизнинг 87 йилида Хитойга ўзи билан совға сифатида шер ва овсар ҳайвон олиб келган элти жўнатилган, эрамизнинг 101 йилида эса, Парфян подшоҳи Манъкюй (эҳтимол, Митридат - Э.Р. А.С.) қароргоҳига шунингдек, шер ва туюқш юборган.³² Шунингдек қайд этиш жоизки, айнан Парфия ҳудуди орқали эрамизнинг 97 йилида хитойликлардан биринчи бўлиб Гань-Ин деган киши Бань-Чао амри бўйича айни вақтда бу ердаги мавжуд мамлакатларни баттафсил тасвирлаб Ўрта ер денгизгача бориб етган.³³

*Ўрта Осиё мамлакатларининг
Хитой билан дипломатик муносабатлари
(Эрамизнинг III-IV асрлари)*

Ўрта Осиёнинг турли ер эгаликлари ва Хитойнинг унда Цао Вэй (220-265 й. й), Цзинь (265-480 й. й.) ва ғарбий Вэй (386-556, 557 й. й.) сулолалари ҳукмдорлари давридаги дипломатик муносабатлари тўлиқ барбод бўлган, бунга анча-мунча даражада ҳарбий-сиёсий вазият ёрдам берган.

Қадимги даврнинг йирик империялари – Кушон ва Парфиянинг инқирози рўй берган: Кушон давлати таркибида кирган Шимолий Бақтрияда бир неча мустақил ер эгаликлари пайдо бўлган. Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий қисмida эса, Парфия давлати қулаганидан сўнг Сосонийлар ҳокимијати ўрнатилган. Шунингдек Кантой ҳам, чамаси шу даврда кўплаб кичик мустақил ер эгаликларига ажralиб кетган.

³² Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 225.

³³ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 217-225.

Трансоксианага шимолий-ғарбдан ва шимолий шарқдан хионийлар ва кидарийлар қабилалари бостириб кирганлар.

Бу давр Хитойда ҳам сиёсий вазиятнинг нобарқарорлиги хунлар ва жужанларнинг бостириб кириши билан чуқурлашиб кетган сулолалар қурашлари билан характерланади.

Эрамизнинг III асри иккинчи ярми – V аср боши учун Марказий Осиё ер эгаликларининг Хитой билан қандайдир шаклардаги дипломатик муносабатлар тўғрисидаги маълумотларнинг деярли мавжуд эмаслиги дикқатга моликдир.

Бунинг устига, айтайлик, маълум қилишича, император Минь-Юань (409-423 й. й) подшолиги даврида «ғарбий ўлқадан элчиларни мутлақо қабул қилмаганлар»³⁴.

Бу муносабатларнинг қайта тикланиши Марказий Осиёга император маслаҳатчилари департаменти амалдорлари Дунь Ванъ ва Гао Мин бошчилигида уларни катта миқдордаги совғалар, жумладан зарбофлар ва ипак газламалар билан таъминлаб йирик элчихонани юборган Вей Тай-У (424-452 й. й.) сулоласидан бўлган император номи билан боғлиқ³⁵.

Дунь Ваннинг Марказий Осиёга миссияси дастлаб уларни подшо катта ҳурмат билан қабул қилган Еттисув бўйларида яшовчи усунлар ҳузурида бўлиб шимолий йўл орқали ўтган. Бунда усунилклар подшоси Дунь Ванга Полон (Фарғона - Э.Р., А.С.) ва Чжеше (Шош - Э.Р., А.С.) давлатлари Хитой билан алоқалар ўрнатишни анчадан буён орзу қилишларини, «бироқ йўл йўқлигидан таассуфда» эканликларини маълум қилган. Уларнинг умуман йўқлигини эмас, балки жужанлар ва хунлар Хитой билан Ўрта Осиёнинг алоқаларини узиб, агар тўлиқ бўлмасада маълум даражада бу йўлларни амалда тўсиб қўйган вазиятни англаш керак.

Усунлар ҳузуридан Дунь Ванъ Фарғонага, Гао Мин эса, Шошга йўл олганлар, бу ерларда улар бу ер эгалик-

³⁴ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 241.

³⁵ Бичурин Н. Я. Указ. соч. С. 241-243.

ларининг Хитойдан вассал тобелигини тан олиш тўғрисида шартнома тузганлар ва совға-саломлар топширганлар.

Ўрта Осиё мамлакатларининг Хитой билан узоқ йиллар узилиб қолган дипломатик муносабатларини тиклаган Дунъ Ванъ миссияси аҳамиятини қандайдир даражада Хитой учун ғарбий ўлкани очган Чжан Цзянь миссияси аҳамияти билан тенглаштириш мумкин.

Дунъ Ванъ билан орқага Ўрта Осиёнинг 16 давлати элчилари йўл олганлар ва «Бей шу»нинг шаҳодатича, «шу вақтдан бошлаб элчилар бирин-кетин кела бошлаганлар ҳамда бир йил ўтмасданоқ бир неча мамлакатларнинг элчихоналари пайдо бўлган»³⁶.

Ўрта Осиё ер эгаликлари билан Хитойнинг дипломатик ва бошқа турдаги ўзаро турдаги ўзаро муносабларидаги илгаригиларидан устун бўлган сезиларли фаоллик Хитойнинг Марказий Осиёга ҳаракати араблар томонидан тўхтатилган Хитойда Тан сулоласи (628-907 й.й.) ҳукмронлик қилган VIII асрнинг иккинчи ярмигача рўй берган.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дипломатия халқаро муносабатларнинг маҳсус шакли сифатида Ўрта Осиёда эрамиздан аввалги I минг йиликнинг биринчи ярмида пайдо бўлган, аммо унинг қарор топиши ва ривожланиши эрамиздан аввалги биринчи асрлар – эрамизнинг дастлабки асрларига тўғри келган.

Агар ривожланишнинг илк босқичида маълум сиёсий сабабларга кўра Эрон ва ғарбнинг эллинистик давлатлари билан дипломатик муносабатлар алоҳида аҳамият касб этган бўлса, эрамизгача бўлган I минг йилик охиридан бошлаб асосий ўринни Хитой эгаллаган.

Бу мамлакатда ҳукмронлик қилган турли сулолалар билин дипломатик муносабатлар турли хил аҳамият касб

³⁶ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. - С. 64.

эттан. Агар «Ханъ Катта Уйи» суполаси ҳукмронлиги даврида улар бирмунча фаоллик характерига эга бўлган бўлса, «Ханъ Кичик Уйи» суполаси ҳукмронлиги бошланиши даврида сусайиб қолган, аммо кейинчалик, гарчи ноизчил бўлса-да, тиклана борган.

Ўрта Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазият, жужан, хун, хионит, кидарит кўчманчи қабилаларининг ҳамлалари, Хитойдаги суполалар кураши бу муносабатларнинг деярли тўлиқ барҳам топишига олиб келган.

Уларнинг қайта тикланиши фақат эрамизнинг V асли иккинчи чорагида рўй берган, бироқ бу чамаси Хитой билан Ўрта Осиёда кўчманчи қабилаларга қарши курашда иттифоқчилар излаш, шунингдек, Ўрта Осиё давлатлари билан халқаро муносабатларда бу минтақада ўзининг анъанавий экспансионистик сиёсати тикланиши билан давлат сиёсатининг ўзгариши билан боғлиқ.

Бу даврда Ўрта Осиё давлатларида аллақачон халқаро муносабатларни амалга оширувчи махсус идоралар мавжуд бўлганлиги, шу соҳада ихтисослашган шахсларнинг маълум қатлами бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳарқалай, элчилар, уларнинг ёрдамчилари, тилмоч-таржи-монлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шу тариқа, дипломатия Ўрта Осиёда ўзининг узоқ ва асрий анъаналарига эга.




*Айни вақтда инсоният тарихи турли милят
ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йил-
лар мобайнида бир оила каби иноқликда
яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам
билиди. Минг йиллар давомида турли-туман
дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган
халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкор-
лиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг
инкор этиб бўлмайдиган тасдифидир. Қадим
замонлардан бу ерда мусулмончилик, насро-
нийлик, яхудолик, буддийлик ва бошқа
кўхна динлар нафақат бирга яшаган, балки
бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу
заминда юз йиллар давомида дунё мадани-
ятларининг катта миқёслаги бир-бирини
бойитиши жараёни рўй берган.*

И.Каримов.

*Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.
7-жилд.-Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, - 203-бет.*

УЧИНЧИ ЛАВҲА.

**ҚАДИМГИ АСОСИЙ ҲУҚУКИЙ
ТИЗИМЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ
ВА РИВОЖЛANIШИ. ЮРИДИК
ПЛЮРАЛИЗМ.**



Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқ юридик нормалар ва ғояларнинг мажмуй сифатида энг қадимги замонда ва илк ўрта асрларда ўша даврда Ўрта Осиё ҳудудида ёйилган зардуштийлик, насронийлик, яхудийлик, буддизм ва манихейлик сингари ҳар хил диний-фалсафий оқимлар доирасида шаклланган.

Зардуштийлик ҳуқуқи

*Политеизмдан — монотеизмга,
анаҳиядан — ҳуқуқ сари*

Таълимоти Зардушт Готлари деб аталган шеърий шаклда ифодаланган энг илк зардуштийлик (бизнинг эрамизгача VIII-VII асрлар - V аср) Қадимги Эрон ибодатхонасининг якка худолик томонга эволюцияси натижаси бўлган. Бир илоҳни бошқа илоҳдан олдин пайдо бўлган деб билувчи бунга ўхаш жараёнлар ўша пайтда бошқа диний-фалсафий таълимотларда ҳам юз берган. Чунончи қадимги яхудийларнинг динида жангчи-худо Яхвенинг камроқ курратли илоҳ (Элоҳим) устидан, Қадимги Гречия орфиклари таълимотида Зевснинг, брахманизмда Брахманинг биринчилиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Ормузд («Авесто»да – Аҳур Мазда) бошчилигидаги эзгулик илоҳларининг сажда қилиш қатъий тақиқланган иблиссимон мавжудотлар - девлардан аникроқ ажратилиши зардустийликка хос ҳусусият бўлган.

Бу қуидагича диний асосланган. Аҳур Мазда ўзи яратган худолар ёрдамида (Амэша-Спента) танасиз мавжудотлар оламини яратган, шундан кейин уни моддийлаштиришга қарор қилган. Бироқ моддий олам шу заҳоти унга жойлашиб олган шайтоний кучларнинг, Аҳриман («Авесто»да-Анgra Манью) бошлиқ девларнинг ижоди бўлган

«қўшимча маҳсулотлар» нинг курбони бўлган. Улар унумдор ерларни саҳрора айлантирганлар, сувни шўр ва ичишга яроқсиз ҳолатта келтирганлар, «соф олов»ни ту тун билан ифлос қилингандар ва ҳоказо. Эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасида кураш авж олган. Унинг натижаси барча жонли мавжудотларнинг, биринчи навбатда инсоннинг қандай йўл тутишига боғлиқ бўлган. Инсон ушбу дунёни ободонлаштириш учун яратувчи бўлиши, фаол фаолиятта интилиши керак бўлган. Дехқончилик билан шуғулланмоғи, уй ҳайвонларини боқиши, уй-жой куриши даркор бўлган ва ҳоказо.

Гатлар ва Яшларни таҳдил қилишнинг ўзиёқ зардуштийликда гап кўпинча уқтиришганидек,¹ кўчманчиларга қарши курашган оддий дехқонлар ва молбоқарлар тўғрисида эмас, балки дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланалигидан олий табақа тўғрисида юритилаётганидиган далолат беради. Биз, масалан, «Аши мадҳия»си²дан билиб оламизки, уларнинг энг яхши намояндаларининг «уйлари кулай, //мол-ҳоли билан бой, // мўл-кўл, узоқ чидайди.., кумуш ва олтин// хазиналар олиб келишади// кийимлари қимматбаҳо//йироқ мамлакатлардан келтиришади» (Яшт 17, 8-14) ва ҳоказо. Пайғамбарнинг диний ваъзларини тўлиқ тушуниб олиш ҳақида сўз юритмаёқ, жамоанинг оддий аъзолари ҳаётда бундай бойликка эга бўлиши даргумон эканлиги тушунарлидир. Тадқиқотчилар бу ҳолга эътиборни қаратишган².

Ушбу чорвачилик-дехқончилик билан шуғулланувчи юқори табақа ҳарбий зодагонлар билан зиддиятта киришган. Анча

¹ Бу ҳақда қаранг: Zoroaster,s Time and Homeland. Naples, 1980.

² Гат тили кеч умумий ҳинд-Европа даври муқаддас коҳинлар шеъриятининг азотерик «донишмандона» анъанасини давом эттиради». Қаранг: Леликов Л.А. Зороастризм: явления и проблемы// Локальные и синкретические культуры. – М., 1991.- С. 19.

мослашувчан жамоа ҳокимияти тизими, ҳарбий демократия ҳарбий зодагонларнинг муҳим мафкураси бўлган. «Машҳурлиги»га қўра бир-бирига тенг кўплаб илоҳларнинг асосийси сифатида политеизм ушбу тизимнинг диний тузатиш киритувчиси бўлган. Ҳарбий аристократия мафкураси ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан марказлаштирилган давлатни ва тегишлича диний нуқтаи назардан «марказлаштирилган» (яъни монолаштирилган) худоларни талаб этмаган.

Аксинча, туғилиб келаётган чорвачилик ва деҳқончиликнинг юқори табақаси айнан шундай марказлаштирилган давлатта эҳтиёж сезган, чунки бундай давлат унинг мол-мулки ва бойликларини ҳарбий уруғ-аймоқларнинг талон-торожидан ҳимоя қилиши мумкин бўлган. Зардустийлик таълимоти бундай жамият қурилиши ташкил этилишининг мафкурвий «намунаси» бўлиб хизмат қилган.

Биринчидан, Зардустий политеистик («тиюралистик») ибодатхона ўрнига монотеистик ибодатхона яратган. Бунда қолган барча худолар ягона Аҳура Мазда худодан келиб чиққан.

Иккинчидан, улар ушбу қатъий ибодатхонани «ёвузлик кучлари»га қарши қўйғанлар. Бу кучлар барча илоҳийлик ҳамда душман қабила ва уруғларнинг қаҳрамонлари бўлиши мумкин бўлган. Биринчи марта «ўзиникилар» ва «бегоналар»ни ҳудудий, этник белгига қараб эмас, балки Эзгулик (яъни чорвадорлар олий табақаси) тарафдорлари ва Ёвузлик югурдакларига бўлишдек ахлоқий белгига қараб бўлиш дунёқараш нуқтаи назаридан асосланган.

Ниҳоят, ҳам қуръа бўйича танлаш жамоа амалиёти, ҳам ҳарбий-демократик овоз бериш сингари қарама-қарши бўлган Эзгулик ва Ёвузлик кутблари ўртасидаги ахлоқий-ижтимоий танлов ғояси учинчи банд бўлган.

Зардустийлик таълимоти коҳинлар ва чорвадор олий табақанинг энг фаол қисми учун умумий бўлган ахлоқий-

хукуқий тамойиллар билан тартибга солинадиган идеални акс эттирган. Бу идеалга тахминан ўша пайтларда Хитойда Конфуций, Элладада эса бирмунча кейинроқ – Сукротгача бўлганлар (пифагорчилар ва Гераклит) ва Платон зътиқод қилган. Ўзининг атомлари ва энг ёмон демократия энг яхши монархиядан яхши деган ғояси билан Эзгулик ва Ёвузлика бефарқ бўлган Демократ бундан истисно бўлган³. Бу жиҳатдан «Демократ йўли» ва «Платон йўли» тўғрисидаги машҳур фикр ўзининг чинакам, гносеологик эмас, балки ижтимоий-дунёқараш аҳамиятига эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, қонун категорияси ва танлаш категорияси илк зардуштийликнинг марказий категориясига айланга борган.

Асосий мезонлар: қонун, шартнома, танлаш

Сафа-Исфаҳоний қайд эттанидек, «қонун тушунчаси зардуштийликнинг энг илк босқичларила унинг муҳим қисми бўлган... Зардуштийлик муқаллас адабиётининг учдан бир қисми қонуннинг турли босқичлари ва соҳала-рида унга тегишли бўлган», «Авесто» «амалий қонунлари»-нинг мақсади эса «барча жиҳатлардан уйғун бўлган уюшган, гуллаб-яшнаган жамиятни яратиш» бўлган⁴.

Қонун юридик ва ижтимоий-хукуқий норма сифатида коҳинлар ва чорвадорларни ҳарбий уруғларнинг чиқишири-маслигидан ҳимоя қилиши керак бўлган. Уштавайти Гатида бундай дейилади: «О, Аҳура, қачон бошланса, ...//ҳақиқий қудрат ва ижрога эга бўлган қонун,// донишманда фикрловчи пайғамбарлар ва сўзлар?// Эзгу фикрловчи ёрдам

³ История политических и правовых учений /Отв. ред. В.С.Нерсесянц. – М., 1996.

⁴ Safa-Istehani N.Rivayat-i Hemat-i Asawahistan; A Study in Soroastrian Law /Harvard Iranian Ser. Vol.2/. Cam,ridge, 1980,p.i.

сўраб кимга мурожаат қилиши мумкин?//Аҳура Мазда менинг устозим бўлгил!// Қонун кимнинг қўлида – ёвузлик коҳинлари қўлида, //ёвуз ҳукмдор подани худосиз ҳалок қиласди; //у бойликни виждансиз йўл билан эгаллаб олди./ / Ким уни ҳаётдан ва ҳукмронликдан улоқтириб ташлайди, //барака келтирувчи сигирлар подасини кенгайтиради?// Ким ҳужум қилмай, ҳимоя қиласди, У эътиқодда мустаҳкам, шартномада қатый» (Ясна, 30, 3-5). Ушбу парча мисолида кўриниб турибдики, одил ҳукмдор бу – қонунни муқадлас билувчи ва шартномаларга риоя қилувчи ҳукмдордир.

Ёзма ёки оғзаки шартномага содиклик Ўрта Осиё ҳалқлари орасида айниқса қимматли фазилат ҳисобланган. Зардуштийликкача бўлган протомонотеизмда шартномалар худоси – Митра муҳим илоҳлардан бири бўлганлиги тасодифий эмас. «Митра мадҳияси» да унинг саккизта илоҳий дастёри ҳақида сўз юритилган. Улар «барча баландликларда ўтиришади, // ҳаммаёқни қузатишади, // кимки аҳдини бузса, // ҳамма жойда уларнинг орқасидан қузатади. // Улар бундайлар биринчи марта // шартномани бузса, // уларни пайқайдилар, // улар бундайларни фарқлайдилар» (Михр-яшт, 45). Шунинг учун анча кейинги даврда - илк ўрта асрларда – шартномани бузиш билъат каби оғир жиноятлар билан бир қаторда турганлиги тасодифий эмас⁵.

«Авесто»да марказий ўринлардан бирида турувчи ҳокимият (xsavra) шартномага, ўзгаларнинг ҳаёти ва мол-мулкига ҳурмат принциплари асосида қурилиши керак бўлган.

Табиийки, одил ҳукмдордан бошқалар ҳам қонунни муқадлас билиши ва зўравонликка йўл қўймаслиги керак. Зардуштийликнинг «эътиқод рамзи» бўлган 12 Яснада ҳар

⁵ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 252.

бир зардуштий динига эътиқод қилувчи «молни ўғирлаш ва эгаллаб олишдан, зарар етказиш ва хонавайрон қилишдан» воз кечиши кераклиги, «ушбу заминда мол асрәёттан хўжайинларга эркин ҳаёт ва эркин ҳаракат»⁶ ни таъминлаши зарурлиги ҳақидаги сўзлар келтирилган.

Зардуштийликнинг яна бир муҳим ғояси ҳукуқнинг универсалитиги бўлган: унинг субъекти бошқа қадимги диний-хукукий таълимотлардаги каби нафақат инсон ёки илоҳ бўлиб қолмасдан, балки барча жонли мавжудот бўлган. Ҳашоратлар, паррандалар ва ҳайвонларга (айниқса уй ҳайвонларига) маънавий танлаш ҳукуқи берилган. «Молга сен молбоқарга боғлиқлик ёки боғлиқ эмасликни танлаш ҳукуқини бердингми, деб мурожаат қиласди Зардуштий Аҳура Маздага. Молбоқар – Воҳу-Мана (Эзгу Фикр) издоши; унга молбоқар тегишли эмас»⁷. Молга бериладиган бундай танлаш ҳукуқининг эътироф этилиши коҳинларнинг молбоқарларнинг юқори табақаси билан бирикиши руҳига жавоб берган. Илк зардуштийлик бунинг мафкуравий ифодаси бўлган.

Аҳамонийлар даври: ҳудога – ҳукмдорлик, ҳукмдорга эса – ҳудолик ярашади

Эҳтимолки, милоддан аввалги V-IV асрларга келиб зардуштийлик аста-секин Ўрта Осиёдан Марказий ва Фарбий Эронга кириб келган. Бу ерда мидий коҳинлар уруғи – сеҳргарлар унинг тарафдорига айланган. Улар левитлар ва қадимги яҳудийлар қабилалари амал қилганга ўхшаш урф-одатларга амал қиласди.

⁶ Ҳаволанинг манбаи: Абаев В.И. Избр.труды. Религия. Фольклор. Литература. – Владикавказ, 1990.- С. 24.

⁷ Ҳаволанинг манбаи: Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. Изб. работы. – М., 1979.- С. 118.

Зардуштийликнинг коҳинлар динига айланиши унинг шакли ва мазмунида муайян эволюцияга олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Аҳамонийлар хукумдорлари саройида коҳинлар таъсирининг кучайиши, эҳтимолки, улардан энг муҳими бўлган. Бу ҳақда антик муаллифлар қайта-қайта хабар берганлар. Бунда Аҳамонийлар салтанати билан Зардуштий ўз таълимотини тарқатган Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб эканлигини ҳисобга олганда (Аҳамонийлар подшоларининг ушбу минтақага юришлари доимий бўлганлиги бундан далолат берар эди), пайғамбар Зардуштий номини коҳинлар эсламасликни афзал кўрганлар.

Бунинг яна бир муҳим сабаби бўлган: коҳинларнинг зардуштийлиги бу вакъта келиб ўзида, эҳтимол, дастлабки зардуштийликка қараганда монотеизмнинг қаттикроқ ва изчил кўринишани исфодаланганди. Монотеизм ғояси бир шаклдан бошқа шаклга ўтказилган. Илгари ибодатхонани илоҳ худолар ижоди деб ҳисоблаган Аҳура Мазда эндиликада барча функцияларни ўз зиммасига олиб, уни «ютиб юборади». Ер, осмон ва инсоннинг ижод қилиниши, шунингдек «сиёсий» вазият устидан шахсан назорат қилиш шулар жумласига кирган. Қолган пантеон Дария ёзувларида шахссиз «барча худолар» сифатида белгиланади, бу Аҳура Мазда ўзидан кучсиз табақалаштирилган. Бундай сифат («барча худолар») Турмуш (Элоҳим) китобида ва Ригведа (Вишведат)нинг кейинги мадҳияларида худонинг номларидан бири сифатида қабул қилинганилиги эътиборлидир.

Аҳамонийлар подшолари ёзувлари ҳам бундан далолат беради. Бунда фақат бигта Худо-Аҳура Мазда тилга олинади, қолган барчаси дев деб аталади. «Аҳура Мазда, - дейилади Дариянинг нақши-Рустам ёзувларида, - ушбу ерни бунёд этган, осмонни яратган, инсонни яратган, инсон учун баҳт яратган Дарияни подшоҳ қилган..., кўп нарсалар усти-

дан эгалик қилған буюк Худодир».⁸ Фақат Аҳура Маздани номи билан айтган Дария барибир қандайдир «бошқа худолар» мавжудлигини эътироф этса, унинг ўғли Ксерк бунданда изчилроқ бўлган - қолган барча худоларни девлар деб атади ва уларнинг ибодатхоналарини яксон қилган.⁹

Шу билан бирга Аҳамонийлар бошқа худоларга ҳомийлик қилғанлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.¹⁰ Буни соғсиёсий сабаблар билан, масалан, бир қанча яхудий хукмдорларнинг, шу жумладан Соломон ва бошқаларнинг бошқа динларга ҳомийлиги билан изоҳлаш зарур. Гарчи бирмунча бошқача назардан ҳукм чиқариладиган бўлса, ўша пайтда Аҳамонийлар хукмронлиги остида бўлган яхудийларнинг муқаддас матнларида, «Авесто»даги каби ягона худони (Яхведан кўра Аҳура Маздани) ва Буюк Кирни¹¹ кўкларга қўттарган Иккинчи Исойи матнида ягона Худо – Аҳура Маздага ва ягона подшога сифиниш Аҳамонийлар хукмронлиги остида бўлган барча халқларга буюрилган.

Бу даврда зардуштийликнинг ҳуқуқий анъанаси олдинги даврга нисбатан ҳеч бир янги ва ўзига хос ғоя яратмаганинги тахмин қилиш мантиқан тўғридир. Чунки марказлаштирилган давлат бўлган Аҳамонийлар салтанатида давлатдан бошқа ҳукуқ манбаига зарурият бўлмаган. Диннинг функцияси янги дин яратиш эмас, балки мавжуд ҳуқуқни яратишдан иборат бўлган. Зардуштийликнинг мавжуд ҳуқуқий тизимини ёритиш учун, эҳтимол, мавжуд ғояларнинг (марҳаматли ва қудратли ҳукмдор тўғрисидаги; жиноятдан ўзини тийиш тўғрисидаги ва ҳоказоларнинг) ўзи етарли бўлган.

⁸ Ҳавола қуйидаги манбадан олинди: Бойс М. Зороастрийсы. Верования и обычаи. –М., 1988.– С. 68.

⁹ Ўша жойда. –70-б.

¹⁰ Каранг: Дандамаев Л.П., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980.

¹¹ Каранг: Smith M. Issaiah and the Persians. JAOS. 1963, Vol. 83, 34, p.415-4217

Ҳуқуқий дуализм. Вандидодда жиноятлар таснифи

Навбатдаги, зардустийликнинг исломгача бўлган бутун тарихидаги энг фожиали даврда вазият ўзгара бошлаган. Зардустий коҳинлар Александр Македонский қўшинларидан қаттиқ зарар кўрганлар, чунки уларга қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Македонскийнинг ворислари даврида ҳам вазият зардустий коҳинлар фойдасига ҳал бўлмаган. Македонскийнинг ворислари ҳам меросий коҳинлар уруғи кучли бўлишига эҳтиёж сезмаган ва ҳеч қандай монотеистик «парҳезсиз» барча динларга ва конфесияларга, энг аввало эллин конфесиясига ҳомийлик қилган. Мана шу сабабли ҳам Л.Баженов қуидагича ёзган: «Македониялик босқинчилар босиб олиш давридаёқ зардустий руҳонийлар билан низога киришиб, коҳинлар бирлашмаси билан яхши муносабат ўrnата олмаганлар»¹².

Табиийки, зардустийлик учун оғир бўлган бу даврда ушбу дунёда бунча миқдордаги ёвузлик бўлишининг сабаби ва манбаи ҳамда унинг мавжуд бўлишини кудратли Ахура Мазда эътиқоди билан алмаштириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмаслиги мумкин эмас эди. Зардустийлик ҳукуқининг дуализми мана шундай пайдо бўлган. Уни баъзан хато равишда ушбу таълимотнинг бутун мазмуни билан бир хил деб ҳисоблайдилар. Дунёдаги ёвузлик манбаи ўз кудратига кўра Ахура Маздага тенг бўлган кучга айланадиган Аҳриман деб эълон қилинади. Агар Гатларда Ахура Мазда олий худо ҳисобланса ва Аҳриман билан ўзи эмас, балки у томонидан яратилган илоҳлар курашса, Вандидодда қайд этилган таълимот бўйича Ахура Мазда ушбу муносабат билан Л.Лелеков

¹² Баженов Л.В. Средняя Азия в древний период. (Между VI и II вв. до н.э.). – Ташкент, 1937.– С. 74-75.

қайд этганидек, «теология тизимида бир даражада пастга туширилади ва эзгулик ва ёвузлик курашида шахсан ўзи қатнашишга мажбур бўлади»¹³.

Эҳтимол, асосан бешта ҳукуқий китобдан (наскдан) иборат бўлган зардуштийлик қонунининг ҳукуқий қисми (*datik*) айнан шу даврда жадал шаклланган: *Nikatum*, *ZLB*'alnct, *Husparam*, *Sakatum* ва *Videvdad*.

Бизнинг кунларимизгача улардан фақат охирги китоб Вандидод (форсча Вендиат – «Девларга қарши қонун») етиб келган. Зардуштийлик ҳукуқининг ушбу ёдгорлиги зардустийлик дини давлат мақомини, зардустийлар эса давлат томонидан кўллаб-кувватлашни йўқотган даврда жамоа турмуши қаттиқ тартибга солинганилигидан далолат беради. Шу сабабли Вандидоднинг кўллаб ҳукуқий қоидалари Яхве дини жамоаси алоҳида бўла бошлаган даврда тузилган Беш китоб (Хамса)да шакллантирилган шундай қоидаларга яқинлайди.

Шу билан бирга Вандидоднинг ҳукуқий қоидалари анча дунёвий, заминга хос хусусиятларга эгадир. Гарчи Беш китобда ва Вандидодда қонунлар Худонинг кашфиёти сифатида тақдим этилган бўлса ҳам, тадқиқотчилар ушбу кашфиётнинг хусусиятидаги тафовутни қайд этадилар. «Аслида Библияда Худо билан қонун чиқарувчи ўртасида суҳбат йўқ: қонунлар саволларга жавоблар сифатида туширилмайди (*unasked*), ва Худо жавоб эмас, балки буйруқ беради. Вандидодда Худонинг иродаси эмас балки инсоннинг иродаси қонунларнинг сабаби ҳисобланади... Қонун – бу «Аҳурга савол»дир»¹⁴.

Изчил ҳукуқий ригоризмда диний-ҳукуқий дуализм ўзининг ҳукуқий расмийлаштирилишига эга бўлган. Буни А.Пе-

¹³ Лелеков Л.А. Зороастрисм: явления и проблемы//Локальные и синкетические культуры. –М., 1991.– С. 24-25.

¹⁴ Қаранг: 4 Safa-Istehani N.Rivayat-iHemat-i Asawahistan;A Study in Soroastrian Law /Harvard Iranian Ser. Vol.2/. Cam,ridge, 1980, p. c.xi.

риханян¹⁵ томонидан таклиф қилинган ва С.Ганбаров¹⁶ томонидан ривожлантирилган Вандидодда муҳокама қилинадиган жиноятлар таснифи мисолида яхши кўриш мумкин.

Биринчидан, динга қарши жиноятлар: билъат, бошқа дин вакили билан никоҳга кириш, руҳоний вазифасини қонунсиз бажариш, атеизм.

Иккинчидан, шахсга қарши жиноятлар: қасддан ҳужум қилиш ёки жазава ҳолатида ҳужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг заарли хатти-ҳаракати, регул ва ҳомила-дорлик пайтида аёлнинг соғлиғига қарши жиноятлар.

Учинчидан, ҳайвонларга айниқса кучукларга қарши жиноятлар.

Тўртингидан, мулкий жиноятлар: ўғирлик, талон-торож, босқинчilik, фирибгарлик. Хасислик мулкий жиноятларнинг алоҳида тури ҳисобланган. Чунки, «кимки адолатли илтимосни рад этса, ... аслида ашё сўраётган ўғри ҳисобланади».

Бешинчидан, ахлоққа қарши жиноятлар: гомосексуализм, фоҳишабозлик, эр-хотин хиёнати.

Бундан ташқари кўрсатилмаган ёрдам ҳам қаттиқ жазоланадиган ахлоқий жиноят ҳисобланган.¹⁷

Олтинчидан, табиат кучларига қарши жиноятлар: ерга, сувга, оловга ва ўсимлик дунёсига қарши жиноятлар, айниқса ернинг ислофланиши билан боғлик жиноятлар. Табиат кучларининг ўзи ва ҳайвонлар томонидан содир этиладиган жиноятлар тўғрисида маҳсус тўхтаб ўтилган. Табиат кучлари ва ҳайвонлар ўша пайтдаги зардуштийлик ҳуқуқида жиноят объектларигина бўлиб қолмасдан, балки субъектлари ҳам ҳисобланган.

¹⁵ Перикханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 248.

¹⁶ Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте: Автореф.дис. канд. юридич. наук. – Баку, 1992.– С. 15-17.

¹⁷ Перикханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 251.

Модомики, Вандидодда илк зардустийликдан фарқ қилган ҳолда олам бир худонинг эмас, балки иккى худо Аҳура Мазда ва Аҳриманнинг ижоди сифатида қаралар экан, тегишли равища, Коинотдаги ҳар бир жонли ва жонсиз жисм ё Эзгуликка, ё Ёвузликка алоқадор деб эълон қилинганд. Моддий унсурлар орасида «муқаллас» бирламчи элемент: олов, сув, ер Эзгуликка тегишли деб ҳисобланган. Тегишли равища тутун, (сувнинг) тузланиши ва (чўлнинг) унумсизлиги Аҳриманнинг иши деб эълон қилинганд. Ҳайвонот дунёсида ҳам шундай бўлган: инсонга зарар етказиши мумкин бўлган барча жонли мавжудотлар (ҳар хил йиртқич ҳайвонлардан тортиб чумоли ва пашшагача) «Ёвузликни афзал кўрганлар». Шу сабабли зардустийларга уларни йўқ қилиш буюрилган. Фарбий Эронда коҳинларнинг бундай ишлари тўғрисида Геродот (Геродот I, 140), Ўрта Осиёда эса – Будда монахлари хабар берганлар. Уларнинг гувоҳлиги Васубандхуда сакланиб қолган.¹⁸

Шундай қилиб, зардустийликнинг дуализмда барча мавжуд нарсалар истисносиз Эзгуликка ёки Ёвузликка тегишли деб тақсимланган ҳолда ушбуга мувофиқ амал қиласи деб эътироф этилган. Бироқ илк зардустийликдан фарқ қилган ҳолда Эзгулик ёки Ёвузликка ушбу тегишилилек бирор-бир тузатишни истисно этувчи детерминистик тус ола бошлаган. Бинобарин, ушбу мавжудотларнинг эркин танлаш қобилияти ҳам қатъий детерминистик тус ола бошлаган: улар азалдан эзгуликка ёки ёвузликка дастурланган бўлиб чиққан; уларнинг «ирода эркинлиги» эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлашда эмас, балки уларга азалдан топшириқ берилган ахлоқий дастур бўйича йўл танлашда амалга оширилган.

¹⁸ Васуюандху. Абхидхармакоша. 4-боб. – Улан-Удэ, 1988.– С. 76-77.

Сосонийлар даврида «соф дин» ва «адолатли суд»

Милодий III асрда Сосонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши билан вазият ўзгарган. Зардуштийлик Аҳамонийлар даврида бўлгани сингари яна ҳукмрон ва ҳомийлик қиливчи динга айланган. Ўзларини Аҳамонийларнинг аждодлари деб ҳисобловчи Сосонийлар ўз сиёсий-ҳуқуқий тамойилларида уларга тақдид қилишга уринганлар. Сосонийлар сулоласининг биринчи подшоси Ардашир ҳокимиятта келган заҳоти айтган деб ҳисобланувчи сўзлар ҳам Дария ёзувлари мазмунига яқиндир: «Менга худолар берган ушбу улкан давлатда мен эзгуликни кўллайман ва адолатли судни амалга ошираман. Соф зардуштийлик дини яратаман ва фуқароларга ўз фарзандларимдек муносабатда бўламан. Барча мавжудотни яратган ва етти оламни бошқаришни топширган парвардигори оламга (Ахура Маздага) ҳамду санолар бўлсин»¹⁹.

Ардашир ушбу ваъдаларнинг барчасини бажарган ёки йўқлигини айтиш қийин, бироқ, зардуштийлик дини ва ҳуқуқини «тозалаш» ва бир хиллаштиришга келганда Сосонийлар дарҳол қатъий чоралар кўра бошлаганлар. Сосонийларнинг биринчи ҳукмдори Ардаширнинг биринчи руҳонийси Тансар ушбу муаммони айнан қуйидагича талқин этиш масаласини қўйган: «қачонки эътиқод оқилона талқин этилмас экан, у мустаҳкам асосга эга бўлмайди»²⁰. Бундай талқин этиш мезони сифатида Аҳамонийлар даврида бўлганидек, Ахура Мазданинг биринчилигини эътироф этиш бўлган, айнан мана шу асосида «барча тарқоқ таълимотлардан» энг «ишончилари»²¹ танлаб олинган.

¹⁹ Книга деяний Ардашира сына Паплака./ Матнининг транскрипцияси, паҳлавий тилидан таржима, кириш, шарҳлар ва тушунилиши қийин сўзлар луғати О.М.-Чунакованикни. -М., 1987.- С. 83.

²⁰ Ҳаволанинг манбаси: Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычай. -М., 1988. - С. 126.

²¹ Ўша жойда.- С. 126-127.

Бироқ бу пайтта келиб зардуштийлик диний-хуқуқий таълимоти яна бир эволюцияни бошдан кечирган – дуализм бағридан зардуштийликнинг монистик кўриниши пайдо бўлган ва у зурванизм деган ном олган. Биз монистик деб аташни унда ягона илоҳ-худо, бир-бири билан рақобатлашувчи иккита илоҳий куч эмас балки, ягона абстракт - метофизик асос – Чексиз-чегарасиз Вақт (Зурван Акарано) бошланғич асослиги туфайли таклиф этамиз.

Зурванийлар зардуштийлик космогониясини теогония юяси, яъни Аҳура Мазданинг келиб чиқиши билан тўлдирганлар. Аҳура Мазда зардуштийликнинг монотеизми ва дуализми, гарчи дуалистлар уни Ёвузлик ёки Эзгулик курашидан ташқарида бўлишдан маҳрум этган бўлсалар ҳам яратилмаган ва абадий деб ҳисобланган. Зурванийлар Худонинг олийлигини ушбу тоғ дунёсига «қайтаргандар», бироқ ягона Худо тимсолида эмас, балки «ҳамма вақт бўлган ва ҳамма вақт бўладиган» мавхум биринчи шаҳзода Зурван тимсолида «қайтаргандар». Бироқ Гегелнинг Дунёвий руҳига ўхшаш у қайси-дир пайтда ўзнинг ўзгача борлиғини - ўзининг ўғли Аҳура Маздани яратишга қасд қиласди. У «осмонни ва ерни ва улардаги барча мавжуд нарсани» яратиши керак бўлган. Бироқ, у бундай яратиш заруриятига шубҳа қилган ва бу билан ўзида иккинчи руҳ Аҳриманни – мақсадсиз шубҳани туғдириган²².

Мазкур таълимот дуалистик зардуштийликдан фарқ қилган ҳолда ўзини бошқа оқимларга қарши қўймаган, балки уларни бирлаштиришга интилган. Бундай умумлаштиришга барча нарсани қамраб оловчи, барча нарсани ютувчи, барча нарсани белгиловчи ва мавхум-фарқсиз Зурван-трансцендент Яккаю-ягона асос қилиб олинган. Зурван бир-бирига қарама-қарши руҳларни юзага келтириб, уларнинг олишувига ўзи

²² Қаранг: Kolb, E.von. Wider die Sekten /Textausgabe/. Venedig, 1926, p.1-87

аралашмайди. Шундай қилиб, зурванистик монизм «барча нарсани қамраб олувчи» зардуштийлик таълимотини яратиш учун энг «мақбул назария» бўлиб чиқкан. Ушбу назария Парфия мактабининг «чекланган» дуализимига чек қўйган²³.

Кўриб чиққанимиздек, бундай биринчи уриниш ҳали биринчи Сосонийлар хукмронлиги – Ардашир давридаёқ бўлган. Иккинчи уриниш унинг ўғли Шопур I (бизнинг эрамизгача 240-272 йй.) даврида юз берган. У «тўлиқ» таълимотни яратишида отаси сингари фақат зардуштийлик матнларини тузиш билан чекланиб қолмаган, балки янада илгари борган. «Ардаширнинг ўғли Подшоларнинг подшоси Шопур, - деб хабар берали зардуштийлар йилномачиси Динкард, - сўнгра Ҳиндистон, Византия империяси ва бошқа мамлакатларда ёйилган тибиёт, астрономия, ҳаракат, вақт, макон, субстанция, акциденция, қарор топиш, йўқ бўлиш, сифатнинг ўзгариши, мантиқ ва бошқа хунарлар ва укувларга тегишли динга алоқаси бўлмаган ёзувларни тўплаган. Уларнинг барчасини у «Авесто» билан солишитирган ҳамда зарари йўқ барча ёзувлардан подшо хазинасида сақлаш учун нусха олишни буюрган»²⁴. Р.Ценернинг фикрига кўра, кўп жиҳатдан Сосонийлар теологияси тақдирини белгилаб берган кўпилаб антик ва ҳинд фалсафий ғояларининг кириб келиши юз берган²⁵. Бундан ташқари Шопур I ўз таълимотида зурванизмнинг асосий ақидаларини антик, будда ва насронийлар тафаккурининг айrim қоидалари билан бирлаштирган манихейликнинг асосчиси пайғамбар Манийга ҳомийлик қилган.

Милодий III-VI асрларда Сосонийлар Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олганлиги туфайли зурванизм манихей ва

²³ Ҳаволанинг манбаи: Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычай. -М., 1988. - С. 138.

²⁴ Ўша жойда.

²⁵ Zaehner R.S. The Dawn and Twilight of Zoroastrianism. L., 19616 p.194.

булда манбаларига қараганда мингақада анча кенг ёйилган. Маҳаллий зардуштийликни эса Аҳамонийлар даврида бўлғани сингари ташқи кучлар кучли қўллаб-куватлаган. Шу билан бирга бундай қўллаб-куватлашнинг маъноси ҳар хил бўлган. Картир ёзувларига кўра Сосонийларнинг зардуштий руҳонийлари маҳаллий зардуштийларга уларнинг ғоявий душманларига (буддистлар, насронийлар ва бошқаларга) қарши курашда ёрдам берганлар²⁶, бироқ зардуштийликнинг Сосонийлар кўриниши билан тўқнашиш пайғамбар давридан бери жуда кам ўзгарган маҳаллий зардуштийлик учун етарлича қийин кечган. Биз биринчи Сосонийларнинг бутга оид сиёсати Ўрта Осиё зардуштийлари ибодатхоналарига тегишли бўлганилиги ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз. Бу вақтда ибодатхоналардаги ҳайкаллар изчил равишда йўқ қилинган (араб манбалари Ўрта Осиё ибодатхоналаридаги катта миқдордаги ҳайкаллар тўғрисида эслайдилар)²⁷. Бошқа жиҳатдан катта зарап етказилган эди: агар ҳанузгача Ўрта Осиёнинг ўтроқ ва яримкўчманчи халқлари тенг даражада зардуштий ҳисобланган бўлса, эндиликда гарчи уларнинг ҳар иккаласи зардуштий худоларга сифинса ҳам (зардуштийлик матнлари – Яшларнинг ўзи бундан далолат беради) ярим кўчманчиларнинг зардуштийлик ҳукуки рад этилган. Эндиликда яримкўчманчи қабилалар «анер» деб атала бошланган. Маги зарзуштийлар скифларнинг коҳинларини (грекча бериш – «энереи»²⁸), кейинроқ исломга ўтган зардуштийларни айнан мана шундай деб аташган.

Бу пайтга келиб зардуштийликни қисман қабул қилган ва Аҳура Маздани (туркча Хормуст) ўз худолари жумласига ки-

²⁶ Қаранг: Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. Проблемы истории культуры. М., 1972.– С. 175-176.

²⁷ Қаранг: Смирнова О.И. Очерки по истории Сагда.-М., 1970.

²⁸ Қаранг: Ҳазанов А.М. Скифское жречество //Сов. этнография.1973. - № 6. -1973.

ритган Ўрта Осиё турклари Сосоний коҳинларнинг алоҳида нафратига учраган. Зардуштий руҳонийлар туркларни зардустийликни қабул қилган, бироқ кейин бутга сифиниб, гўё ундан воз кечган қадимий халқ таурия (саклар ва массагетлар)нинг авлодлари деб ҳисоблаганлар²⁹. Туркларни Ўрта Осиёлик таурлар билан бир хил деб тушуниш Ўрта Осиё зардустийлигини бир-бирига душман икки томонга «бўлиб ташланган», уни сиқиб борган насронийлик ва манихейлик, кейинроқ ислом олдида жуда ноҷор аҳволга солиб қўйган.

Сўнгра Эрон ҳудудида янги фаол-прозелетик конфессијаларга қарши курашга (энг аввало насронийлик, манихейлик ва будизмга қарши курашга ва ҳар хил ички испоҳотларга) сарфланган бир асрлик «танаффусдан кейин» бешинчи асрда зурванизм асосида «ҳақиқий» зардустийлик таълимотини яратишга яна бир бор уриниб кўрилган. Бундай уриниш Маздак томонидан қилинган ва олдинги барча уринишлардан фарқ қилган ҳолда аниқ «социалистик» белгиларга эга бўлган ҳамда ашаддий дуализм ва аскетизмни тарғиб қилувчи кенг ижтимоий таълимотни ўз ичига олган. Ушбу ҳаракат табиийки, Зардустий коҳинлар томонидан, шунингдек Эрон зодагонлари томонидан қаттиқ қаршиликка учраган, бироқ Сосонийларнинг шарқий душманлари-хунлар-эфтолитлар томонидан кутимагандан кўллаб-куватланган. Маздак қўзғолони тор-мор қилингандан кейин маздакларнинг бир қисми Ўрта Осиёга кўчиб ўтган.

Зардустийликни ислоҳ қилишга қаратилган бизга маълум бўлган уринишлардан энг сўнгиси Хисрав I томонидан (бизнинг эрамизгача 531-579 йй.) содир этилган. У Маздакни енгандан кейин неоплатонизмга катта қизиқиш билан қараган, Византиядан қувиб чиқарилган янги платончи

²⁹ Utas B. Non-religious Book Pahlavi Literature as a the Source of the History of Central Asia //Studies on the Sources of the History of Pre-Islamic Central Asia. Ed. by J. Hartmann. Budapest, 1979, p.120.

файласуфларга ҳомийлик қилган ва умуман «Эрон тахтида Платон издоши» сифатида донг қозонган³⁰. Сақланиб қолган маълумотларига кўра у барча динларни умумлаштиришга асосланган неоплатон ақидасини қўллаб-кувватлаган. У ҳукмронлик қилган даврда, гарчи янги Платонча ғоялар Хисрав I да соф дунёқарашиб билан боғлиқ амалий тусга эга бўлган бўлса, ва кейинроқ бўлганидек, Ўрта Осиё манихейлигига кучли таъсир кўрсатмаган бўлса ҳам, насронийлар ва бошқа зардуштий бўлмаган таълимотларга қарши қатағон қилиш тўлқини пасайган.

Хисрав I вафотидан кейин Самонийлар салтанатида вазият мураккаблашиши билан монестик зурванизм ўз таъсирини йўқотган. Зардуштийликда камроқ чайқовчилик туслига эга бўлган, бироқ оддийроқ ва тушунарлироқ бўлган, дунёдаги ёвузлик манбани Гамлетнинг қандайдир мавҳум биринчи шоҳ тўғрисидаги шубҳалари билан эмас, балки жуда аниқ тасаввур қилинадиган ёвуз Аҳриманнинг қатл этилиши билан «салмоқлироқ» тушунтириб берувчи дуалистик оқим кучайган. Эроннинг араблар томонидан босиб олиниши ва исломнинг ёйила бошлиши туфайли зардуштийликнинг дуалистик кўриниши устунлик қилган ва бу айнан ислом ёйила бошлаган дастлабки асрларда узил-кесил кўринишга эга бўлган зардуштийлик матнларининг бизга етиб келган кўлчилик таҳрирларида ўз ифодасини топган.

Юридик шарҳлаш анъанасининг равнақ топиши

Модомики, кеч Парфия Сосонийлар даврида диний тафаккурнинг ривожланиши мавжуд таълимотни талқин қилиш йўлидан борган экан, ҳуқуқий ғояларнинг ривожланиши ҳам шунга ўхшаш тарзда юз берган. Шу

³⁰ Browne E.G. A Literary History of Persia. Vol.1, Cambridge, 19296 p.167.

муносабат билан А.Периканян қайд этганидек, «Авесто»нинг ҳукуқий наскларининг ўзи «Эрон жамияти ривожланиши даражасига жавоб бера олмас эди.

Ушбу ҳолат – унга «Авесто» тилини тушунмаслик ҳам кўшилган –наскларни кенг шарҳлаш заруриятини келтириб чиқарди... Уларнинг (шарҳларнинг) пайдо бўлиши, гарчи ёзма матн мавжуд бўлиши шарҳлар учун қўшимча рафбат бўлиб хизмат қилиши керак бўлса ҳам «Авесто»нинг ёзма қайд этилишига бевосита алоқадор эмас. Ҳар ҳолда амалий аҳамият суд ишларида айнан шарҳли таржима касб этган»³¹, бунинг устига тенг таржима эмас, ушбу наскларнинг асл нусхасидан жуда узоқ бўлган таржиманинг «кенгайтирилган таҳрири»³² га айланган.

Ушбу даврда ҳукуқ узил-кесил зардуштийлик таълимотининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган. «Денкарт» асарида Ахура Мазданинг кашфиёти уч турга бўлиниши ҳақида сўз юритилади: - gasanig - олий маънавий билим ва бурч; darig (қонуний) – дунёвий билим ва дунёвий бурч; hada mansrig - ушбу икки соҳа (яъни шарҳлар ўртасида жойлашган барча нарса).

Хисрав I (531-579 йй.) ҳукмронлиги йилларида тузилган Сосонийлар қонунлари мажмуи – «Бир минг суд қарорлари китоби»да ҳукуқшунослик касбининг катта диний аҳамияти тўғрисида сўз юритилади ҳамда қуидагича эҳтиром кўрсатилади «судда (ишнинг кўзини билиб олиб борилган) (даъво) талабларига ва суд терговига ҳурмат... Ўз саъй-ҳаракатлари, ўлмас ва абадий гуллаб-яшнайдиган фаолияти билан, дин ва худо ишларини яхши билувчи, даъво талабларида ўзини ўз мажбуриятларини билувчига айлантирган ҳамда (ўз) тафаккур тарзи, (ўз) нутқи ва

³¹ Переханян А.Г. Сасанидский судебник «Книга тысячи судебных решений». – Ереван, 1973.– С. XIV-XV.

³² Периканян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 269.

хатти-ҳарақатларини одиллик билан софликда сақлаган одамни бошқалардан бахтли деб ҳисоблаш кераклиги шак-шубҳасиз, дейилади сўнгра»³³.

Дин ва ҳуқуқнинг алоқасига, жумладан суд ишларига бундай қараш тасодифий эмас эди. Эронда кодекслаштирилган ҳуқуқ мавжуд эмас эди. «Денкарт»га мувофиқ судьялар (улар коҳинлар табақасига кирап эди) «Авесто» ва Зинда («Авесто»га форсча шарҳлар) асосида қарор чиқаришлари керак бўлган; олий коҳин (магупат) судьялар ва амалдорларнинг ҳар қандай қарорларни бекор қилиши мумкин эди («Худо магупат қалбидан уйғотадиганга устунлик берилсин»)³⁴. Бунинг устига «ҳуқуқни билиш» деганда умуман ҳуқуқдан хабардор бўлиш эмас, балки «Дата»ни, «Авесто»нинг ҳуқуқий китоблари тўпламини ва Хисрав Ануширвон даврида бажарилган «Авесто»нинг паҳлавий шарҳларини билиш назарда тутилган³⁵.

Зиндикларнинг (кейинроқ исломнинг) зардустий бидъатлари ёйилиши муносабати билан ҳуқуқий шарҳлар тайёрлашга кескин зарурият тутилган. С.Лийо қайд эттанидек, зиндиклар деб дастлаб «Авесто»ни мажозий талқин қилгандар³⁶, яъни зурвонийлар назарда тутилган. Сўнгра манаҳейлар ва маздахейларни шундай атай бошлагандар, чунки улар ҳам ўз таълимотларини «Авесто»нинг ҳақиқий талқини деб ҳисоблаган эдилар ва, бинобарин, зардустий клир томонидан бидъатчи деб қабул қилинган.

Ушбу оқимлар кучайиши туфайли уларга қарши кураш учун ҳуқуқий асос яратиш зарурияти тутилган. Тадқиқот-

³³ Переханян А.Г. Сасанидский судебник «Книга тысячи судебных решений». – Ереван, 1973.- С. 237-238.

³⁴ Луконин В.Г. Древний и раннесредневековый Иран. Очерки истории культуры. –М., 1987.- С. 111.

³⁵ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.- С. 268.

³⁶ Lieu S.H.C. Manichaeism in the Later Roman Empire and Medieval China. A Historical Survey. Manchester. 1985, p.83.

чилар «Бир минг суд қарорлари китоби» мана шундай жавоб бўлди деб ҳисоблашган³⁷. Унга мувофиқ зиндиклар ҳукуқий лаёқатли эмас деб эътироф этилган ва уларнинг мол-мулки тўлиқ мусодара қилинган³⁸. «Ашавахиштнинг ўғли Хемит тушунтиришлари»да эса зиндикларнинг инсоннинг хатти-ҳаракатлари, шу жумладан ҳукуқий хатти-ҳаракатлари «вақт ва тақдир» билан тўлиқ олдиндан белгиланиши тўғрисидаги таълимотига қарши қаратилган маҳсус боб мавжуд бўлган³⁹. Бироқ, бундай чиқишимаслик зардустий диний ҳукуқида фақат бидъатчилар (зиндиклар)га нисбатан мавжуд бўлган; бошқа динлар (насронийлик ва яхудийлик) вакилларига келганида эса, улар кўп ҳолларда ҳукуқий мухториятта эга эдилар ва зардустийларнинг ўзи фойдаланадиган ҳукуқлардан фойдаланганлар. А.Периханян қайд этганидек, «умуман олганда этник ва диний мансублик хусусий ҳукуқ соҳасида жиддий аҳамиятта эга бўлмаган; зардустий бўлмаганларни ҳукуқий камситиш деярли тўлиқ маъмурий ҳукуқ соҳасида олиб борилган»⁴⁰.

Шундай қилиб, зардустийлик ҳукуқининг диний тусдалигига қарамай, унда Рим ҳукуқидан кам бўлмаган даражада этник тегишлилиги, эътиқоди, ёши, жинси ва табакасига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахс ҳукуқлари тамойиллари шаклланган ва қарор топган. Тадқиқотчилар зардустийлик қонунлари «одамлар иродаси эркинлигини таъкидлашини»⁴¹ қайд этишлари бежиз эмас.

³⁷ Safa-Istehani N.Rivayat-i-Hemat-i Asawahistan;A Study in Soroastrian Law /Harvard Iranian Ser. Vol.2/. Cam,ridge, 1980, p.iii..

³⁸ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 8.

³⁹ Safa-Istehani N.Rivayat-i-Hemat-i Asawahistan;A Study in Soroastrian Law /Harvard Iranian Ser. Vol.2/. Cam,ridge, 1980, p.301-302.

⁴⁰ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 8.

⁴¹ Safa-Istehani N.Rivayat-i-Hemat-i Asawahistan;A Study in Soroastrian Law /Harvard Iranian Ser. Vol.2/. Cam,ridge, 1980, p.x.

Инсон ҳуқуқлари ва зардуштийлик ҳуқуқи Аёлларниң ҳуқуқлари

Зардуштийлик ҳуқуқининг йирик тадқиқотчиси А.Периханян унда «аёллар эмансиپациясининг айрим элементлари пайдо бўлганлигини» қайд этади⁴². Аёл киши шахсий мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши мумкин бўлган; шунингдек мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин бўлган.

Никоҳ зардуштийлик ҳуқуқида унга кирувчиларниң икки томонлама хоҳиши натижаси бўлиб, фақат шундан кейин ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган⁴³. Бу, табииики, бугунги кунда ҳам бўлганидек ота-оналарниң мажбур этишини истисно этмаган. Никоҳ шартномаси муайян муддатга тузилган (одатда – 10 йилга), ушбу муддат тамом бўлгандан кейин у ҳар иккала томоннинг қарорига кўра янгидан тузилган. Оила моногам бўлган. Гарчи эр хотинини унинг розилигисиз бошқа эркак билан вақтинча никоҳга киришга бериши мумкин бўлса ҳам, бироқ хотин ушбу никоҳдан ортирган барча болаларни ўзининг қонуний болалари ва меросхўрлари деб тан олишга мажбур бўлган⁴⁴. Бу, табииики, эр учун жилдий тўсиқ бўлиб хизмат қилган.

Агар эр судда ўз хотинини бўйсунмасликда айبلاغан тақдирда ҳам хотиннинг ҳуқуқлари ҳисобга олинган. Шуни таъкидлаш лозимки, хотиннинг бўйсунмаслиги зардуштийликда ўша даврдаги бошқа диний тизимларда бўлгани

⁴² Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 87.

⁴³ Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте: Автореф.дис. канд. юридич. наук. – Баку, 1992.– С. 12-13.

⁴⁴ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 87-88.

сингари) оғир гуноҳлардан бири ҳисобланган. «Ва эрнинг буйруқларини бажармайдиган хотинни, - дейилади паҳлавий тилидаги насиҳат берувчи матнлардан бирида, хотин деб ҳисобламаслик керак»⁴⁵. Лекин шунга қарамай, бундай қилмиш уч марта содир этилиши ва суд тартибида оммавий равища зълон қилиниши керак бўлган. Фақат ана шундагина эр расмий «бўйсунмаслик тўғрисидаги ҳужжат»ни олиши ва хотинга қарши суд ишларини бошлиши мумкин бўлган. Бироқ ушбу ҳолатда ўзига юклангандай айбни омма олдида рад этиш ва ўзининг айбдор эмаслигини исботлаш ҳукуқи хотинда қолган, чунки акс ҳолда у ўзига тегишли бутун мол-мулкдан эр фойдасига жудо бўлган»⁴⁶.

Болаларнинг ҳукуқлари

«Авесто», - деб қайд этади С.Ганбаров, - туғилган ва ҳали туғилмаган болалар ҳукуқларини қатый мухофаза қиласиди (Вандидод, XV, 36-39)»⁴⁷. Вояга етмаган болаларни ота-оналаридан олиб кетиш, васийсиз қолдириш оғир жиноят сифатида қаралган.⁴⁸ Болаларни жуда ёшлигидан фанларга ўқитиш тавсия этилган. «Агар сенинг ўғлинг бўлса, -дейилади «Адурбада маслаҳатлари»да, - уни болалигидан мактабга бер, чунки ўқиш – кўзнинг нури»⁴⁹.

⁴⁵ Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты/Кириш, матнлар транскрипцияси, таржима, шарҳлар, тушунилиши қийин сўзлар лугати ва кўрсаткичлар О.М.Чунакованики/. -М., 1991.- С. 84.

⁴⁶ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. - М., 1983.- С. 88.

⁴⁷ Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте.- С. 12-13.

⁴⁸ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. - М., 1983.- С. 248.

⁴⁹ Извевать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты.- С. 78.

Қулларнинг ҳуқуқлари

Ўша даврлардаги бошқа динларда бўлгани сингари зардуштийликда қулчилик қораланган, бироқ кул зардуштийликда муайян ҳуқуқларга эга бўлган. Бир қатор ҳолларда у ўз ҳукмдорига қарши даъво қўзғалиши ҳам мумкин бўлган. Бундай ҳолатлардан бири ҳакида Сосонийларнинг Қонунлари мажмуида эслатилади⁵⁰. Зардуштий ва орий (анер) бўлмаганларга келтандада эса, бу ҳақда юқорида айтиб ўтили.

Демак, зардуштийлик ўз тараққиётининг минг йиллик даврида, исломгача ўзига хос диний-фалсафий тизим сифатида расмийлашибгина қолмасдан, балки Ўрта Осиёнинг кўлчилик ҳалқлари учун универсал ҳуқуқ манбай ҳам бўлган. Фақат Сосонийлар даврида диний кўрсатмаларнинг суд-тартибот кўрсатмалари ва ҳуқуқий нормаларга қарши қўйилиши кузатилган. Бироқ зардуштийлик умуман олганда фақат ҳуқуқ манбай бўлибгина қолмай, балки ўзини жамият ҳуқуқий ҳаётининг муҳим соҳасида тўлиқ намоён қилишга интилган. Зардуштийлик динининг ушбу ҳусусияти уни яхудийлик ва насронийлик билан бир қаторга қўяди. Мусулмон илоҳиётчилари зардуштийлар, яхудийлар ва насронийларни мажусийлар – гностиклар, буддистлар ва манехейлардан фарқ қилган ҳолда «Қонун одамлари» (яъни, эҳтимолки, «ўз қонунига эга бўлганлар») деб ҳисоблаши тасодифий эмас. Гностиклар, буддистлар ва манехейлар ўз ҳуқуқий тизимларини яратишга интилмаслик билан биргаликда умуман ҳуқуқий муносабатларга киришишдан ўзларини олиб қочганлар, буни фақат зарурият бўлган ҳоллардагина бажарганлар.

⁵⁰ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983. –37–6.

Диний ҳукуқнинг икки модели

Биз зардустийлик, яхудийлик ва қисман насронийлика ифодаланган креатив хусусиятдан фарқ қилган ҳолда диний ҳукуқнинг мослашувчан модели тўғрисида сўз юритишимиз мумкин. Шуни қайд этиш зарурки, зардустийликнинг диний ҳукуқнинг креатив моделига тегишилигига мутлақ тусга эга эмас: зурванизм қарор топиши даврида, «Авесто»нинг ақидалий ҳукуқидан аста-секин чекиниш билан бирга зардустийлик суд тузилишида мослашувчан модельга яқинлаша бошлаган. Янги диний ақидалар яратилмаган эди, қадимий диний ақидалар эса янги ҳукуқий реаликка мослаб талқин қилинган. Айнан шу даврда инсоннинг ҳукуқий жавобгарлиги азал-абад нотўлиқлиги тўғрисидаги фаталистик таълимот пайдо бўлган, чунки ушбу таълимотга кўра инсон унинг хатти-ҳаракатлари унинг иродаси томонидан эмас, балки тақдир томонидан бошқарилган.

Бундай ҳукуқий фатализм диний ҳукуқнинг мослашувчан моделилари учун хосдир. Бунда тақдир деганда карма, башорат қилиш, ёвуз кучларнинг жазолаши ва бошқалар назарда тутилган, бу ушбу ҳукуқий фалсафанинг моҳиятини ўзgartирмайди: инсон содир этилган қилмиши учун тўлиқ жавоб бермайди, чунки унинг хатти-ҳаракати кўп жиҳатдан ташқи кучларга боғлиқдир. Шу сабабли диний ҳукуқнинг мослашувчан моделилари жазо беришдан кўра, афвга, яъни жиноятчиларга ачиниш ва уларни қайта тарбиялашга қаратилган эди. Агар, зардустийлик ҳукуқи учун «Одамларни жазолашда қаттиққўллик қилма» ёки «Назорат қилиш учун турмага ёвуз одамни юборма, олий ва ақлли одамларни маҳбуслар устидан назоратчи қил»⁵¹ каби сентенциялар хос бўлса; диний ҳукуқ типик

⁵¹ Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты.- С. 78.

мослашувчан тизимиға кирувчи буддизмда ушбу ғоя афв этишнинг яхлит концепциясига айлантирилган.

Буддий муаллиф хўкмдорга қуидагича ўғит беради: «Агар улар (сенинг маслаҳатчиларинг) қонунга мувофиқ жазо, турмага қамаш ёки калтаклашни тайинлаган бўлсалар ҳам, сен, қайғуриб шак-шубҳасиз афв этишга эриш. О шоҳим, барча мавжудотларнинг онги, ҳатто оғир жиноят содир этганларнинг ҳам онги сенинг қайғуришинг ва сенинг эзгулигинг туфайли доимий равища яхшиланади. Айниқса оғир жиноят содир этганларга қайғуриш керак, чунки булоқ қалблар учун айнан паст кетганлар раҳм-шафқат уйғотади. Ҳар куни ёки ҳар беш тундан кейин заифлашиб қолган маҳбусларни озод қил, қолганларни эса вазиятга қараб озод қил. Ҳеч кимни маҳбусликда сақлама. Агар сен озод қилмоқчи бўлганлар бўлса, бу сенинг ҳис-туйғуларингнинг жиловланмаганилигидан далолат беради. Айбнинг жиловланмаслиги натижасида сенинг нуфузинг доимий равища жамланиб боради. Улар озод қилинмаган экан, майли улар барча нарсадан – ҳаммом, ейиш-ичиш, дори-дармон, кийимдан баҳраманд бўлсинлар... Яхшилаб ўйлаб кўр ва бир қарорга келиб, бузилган одамлар ва ҳатто қотиллар мамлакатдан чиқариб юборилишига эриш, уларни қатл этма ва уларга зарар етказма»⁵².

Зардуштийлик хукуқининг ривожланиши, диний хукуқининг креатив типи тўғрисида етарлича сўз юритилгандан кейин унинг исломгача бўлган Ўрта Осиёning бошқа диний-хукуқий тизимлари билан алоқасини таҳдил этиш мумкин. Ушбу алоқа зардуштийликнинг уларга таъсиринигина англатиб қолмай (масалан, буддизмга қелганда бундай таъсир тўғрисида гапириш қийин), балки Ўрта Осиёning исломгача бўлган даврда битта зардуштийлик хукуқий анъаналарига тегишли эканлиги, ўз навбатида хукуқининг бир-бирига зид

⁵² Ҳаволанинг манбаи: Андросов В.П. Нагарджуна и его учение. -М.,1990.- С. 151.

икки диний модели: креатив ва мослашувчан моделлари анъаналарига тегишли эканлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Бундай ҳолда ўша даврда Эрон ва Ўрта Осиёда ёйилган диний-ҳукуқий тизимлардан яхудийлик, сўнгра, кам даражада, насронийлик, яна ҳам кам даражада – манихейлик, ва, ниҳоят, буддизм тўлиқ мослашувчан моделга тегишилдири.

Ўрта Осиёда яхудийлик ҳукуқи

Яхудийларнинг катта қисми қадим-қадимдан Эронда ва Ўрта Осиёда яшаганлар. Бу ердан яхудий жамоалари Марказий Осиёга, то Хитойгача кириб борганилар. Карвон йўлларининг ривожланиши Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган яхудий жамоаларининг равнақ топишига кўмаклашган. Яхудийлар Буюк Ипак йўлида сўғд ва сурялик савдогарлар билан муваффақиятли рақобатлашганлар. Жумладан, Шарқий Туркистондаги Хотам шахрилик яхудий савдогарнинг ўз ишончи вакилига ёзган сақланиб қолган хати бундан далолат беради⁵³. Йирик яхудийлар жамоаси илк ўрта асрлар даврида Самарқанд ва Маридада ҳам мавжуд бўлган.

Яхудийларнинг ўша даврдаги йирик ижтимоий ҳаракатлардаги, масалан, маздакийлар ҳаракатидаги иштироки ҳам эҳтимолки салмоқли бўлган⁵⁴. Ушбу ҳаракат давомида форслар томонидан қатл этилган Хун Марининг ўғли Мар Зутра Иккинчи кичик яхудийлар князлигини ташкил этишга муваффақ бўлган. Ушбу князлик Мар Зутра ушлаб олиниб,⁵⁵ қатл этилгунгача (491 йилнинг яқини) етти йил мавжуд бўлган. Бироқ, Ж.Нойснернинг фикри-

⁵³ Залеман Н. По поводу еврейско-персидского отрывка из Хотана//Записки Вост.отделения Императорского Русского Археологического Общества. - Т. 16.- Спб., 1905-1906.

⁵⁴ Гумилев Л.Н. От Руси к России. -М., 1992.- С. 31-32.

⁵⁵ Baron S.W.A Social & Religious History of the Jews. Vol. I. Ancient Time, Part II, N.V., p. 182.

ча, «Кавад ва кейинги давр маздакийлар даврида мустақил яхудийлар давлати тӯғрисидаги тарих тасдиқланиши мумкин эмас ва ишончсиздир»⁵⁶.

Табиийки, яхудийлик ҳуқуқи зардуштийликнинг таъсирини ўзида ҳис қўлган. Яхудийликнинг якка худолик тӯғрисидаги ақидаси зардуштийлик ақидасининг бевосита таъсири остида шаклланган⁵⁷. Яхудийлик ва зардуштийликдаги ибодатхона жамоаси (ёки йиғилиш) тузилмаси ҳам кўп жиҳатдан бир хил бўлган. «Зардуштийлар йиғинига кўпроқ борувчиларга кўпроқ эзгулик ва меҳр-шафқат инъом этилади»⁵⁸, - дейилади паҳлавий зардуштийлик ёзувларида. Шу муносабат билан Тори ва «Авесто»нинг кўплаб қонунлари ва кўрсатмалари ўхшашлиги тасодифий эмас. Қонуннинг диний-фалсафий категориясини тушуниш ҳам яхудийларнига яқин эди. Гарча «Авесто» қонунлари ерга яқинроқ, дунёвий тусга эга бўлса ҳам, бироқ, иккинчи томондан, зардуштийликда қонун категорияси ҳатто худолар ҳам бўйсунадиган дунёвий тартиб сифатида идрок қилинган. Шу сабабли «Авесто» даги барча хусусий қонунлар ва нормалар ягона дунёвий қонун «аши» – Ҳақиқат ва Тартибининг амалий қўлланилиши эди, холос. Аксинча, Тори Қонуни айнан юридик нормага яқиндир. Доимий равишда такрорланувчи ушбу Қонун бузилганилиги учун Худо томонидан ўз халқини ёки унинг айрим вакилларини жазолаш тӯғрисидаги сюжетлар мана шу билан боғлиқдир. Бундай сюжетлар «Авесто» учун хос эмас эди.

Зардуштийлик ҳуқуқининг яхудий ҳуқуқига таъсири жараёни анча мураккаб бўлиб, кўп жиҳатдан, бир то-

⁵⁶ Neusner J. Jews in Iran//The Cambridge History of Iran. Vol.3, Cambridge, 1983, p.916.

⁵⁷ Каранг: Smith M.Issalah and the Persians. JAOS. 1963, Vol.83, № 4 p.415-421.

⁵⁸ Издавать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты.- С. 72.

мондан, толерант Аршакид ўрнига Сосонийлар ҳукмдорлари Кушон ўртасидаги мураккаб муносабатлар, икинчи томондан яхудийлар жамоаси билан муносабатлар билан белгиланган.

Эслатиб ўтилган Ж.Нойснер қайд этганидек, «яхудийлар билан бир-бирини алмаштириб турган Аҳамонийлар империяси ҳукмдорларидан тортиб араблар истилоси давригача улар билан муносабатлар умуман олганда илиқ бўлган. Диний жаҳду жадал янги эранинг V асри охирида Эрон ҳукуматини зардуштий озчиликни қувфин қилишга ёки яхудийликни ўз мавжуд ҳолатини тиклашга унданган фитнага олиб келган давр бундан истисно бўлган»⁵⁹.

Сосоний зардуштийлик адабиётида ҳам яхудийликка қарши соф теологик (масалан, «Шканд Гуманик Вичар» зардуштийлик асарининг XIII ва XIV бобларидан яхудийлар монотеизми дуализм нуқтаи назаридан танқид қилинган), ҳам сиёсий (форс биринчи руҳонийси Картирнинг ёзувларида ғурур билан синагог (яхудийлар ибодатхонаси) емирлиганилиги тўғрисида хабар қилинганидек, ҳар хил айбловлар қўйилган. Эронда яхудийларни қувфин қилиш Йездигирд III (440-457 йй.), Пероз (457-484 йй.), Хисрав (591-628 йй.) даврида вақти-вақти билан пайдо бўлган.

Яхудийларнинг Эрондан Ўрта Осиёга оммавий кўчиши айнан азалдан илоҳ Анахита муҳиби бўлган Сосонийларнинг коҳинлар сулоласи ҳокимиятга келиши билан бошланганлиги бежиз эмас. Масалан, Пероз даврида яхудийлар Эрондан Ҳиндистонга қўчиди ўтганлар.

Яхудий клирларнинг зардуштийликка нисбатан нуқтаи назари бир хил бўлмаган. Масалан, кеч Парфия ва илк Сосонийлар даврининг йирик диний арбобларидан бири

⁵⁹ Neusner J. Jews in Iran//The Cambridge History of Iran. Vol.3, Cambridge, 1983, p.910.

бўлган рабби Абба (175-247 йй.) зардуштийлик ҳукуқ ва анъаналарининг яхудийлар жамоасига бирор-бир таъсирига йўл қўймасликка интилган: «Афсунгарлардан (яъни зардуштийлардан) кимки, бирор нарса олса, у ўлимга лойиқдир»⁶⁰.

Аксинча, унинг замондоши ва муҳолифи рабби Самуэл (180-257 йй.) «Давлат қонуни барча учун мажбурий бўлган қонундир», деб таълим берган ва бунда пайғамбар Иброҳимнинг «Тинчликни ўзингиз қувғинда бўлган шаҳардан изланг»⁶¹, деган ўғитига таянган. Самуэл Ариоҳ (Ариец, яъни эронлик), деган лақаб олганлиги бежиз эмас: у Сосонийлар шоҳи Шопур I нинг саройига яқин бўлиб, зардустий афсунгарлардан астрономияни ўрганган. Кўп жилди «Яхудийлар тарихи»нинг муалифи X.Гранц Самуэль «ўзида алоҳида типни ифодалаган: у яхудийликнинг энг гавжум жойида яшаб, унинг ақидалари ва анъаналарига кўмилиб, ўз миллий мансублигининг тор соҳасидан баланд кўтарилишга муваффақ бўлган ва ўз майлларини. бошқа халқларга ёйишга ва уларнинг ақлзаковат кучларини баҳолашга тайёр бўлган»⁶², деб ёзади.

Бобил Талмуди яхудий ҳукуқий тизимининг муҳим манбаи ҳисобланади⁶³. Кўпчилик тадқиқотчиларга қўшилган ҳолда Талмудда зардустийлик ҳукуқий атамаларининг кўпчилиги жам бўлганлигини ва унда «айниқса мажбурият муносабатлари билан боғлиқ, яъни атрофдаги яхудий аҳоли билан энг тифиз алоқалар соҳасидаги Эрон ҳукуки таъсири»⁶⁴ кўзга ташланишини қайд этиш мумкин.

⁶⁰ Хаволанинг манбаи: Graetz H. History of the Jews. Vol. II. Philadelphia, 1974, p.521.

⁶¹ Ibid, p.20.

⁶² Ibid, p.20-21.

⁶³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Heusner J. A History of the Jews in Babylonia. Vol. I-IV, Leiden, 1966-1970.

⁶⁴ Периканян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.– С. 265.

Икки ҳуқуқий тизим – зардуштийлик ва яхудийлик ҳуқуқий тизимларида намоён бўлган синхрон жараён – аёлларнинг ҳуқуқий мақоми ўсиб бориши жараёни ҳақида алоҳида сўз юритишга тўғри келади. Жумладан, зардустийликда бўлгани сингари Сосонийлар даври яхудийлар ҳуқуқида аёллар эмансипацияси унсурлари сезиларлидир. Гарчи бутун вақтини уйда ўтказган аёллар эрнинг идеали бўлса ҳам, ишда ўз эрларига ёрдам берувчи ва ҳатто иш ҳақидан ўз улушкини оловчи аёллар тўғрисида тез-тез эслатилади⁶⁵. Айрим эркаклар ўз хотинларига жамоат жойларида мустақил равища пайдо бўлиш ва бегона эркаклар билан суҳбатлашишга изн берган. Ўзининг билимдонлиги билан машҳур бўлган аёллар тўғрисидаги қайдлар сақланиб қолган. Масалан, ўша даврнинг олим аёллари рабби Мейкрнинг хотини Берурия ва рабби Нахманнинг хотини Ялта шулар жумласидан эди⁶⁶.

Ўз навбатида яхудийлик ҳуқуқининг ўзи насронийлик ва исломнинг ҳуқуқий тизимлари шаклланиши ва ривожланишига қисман таъсир кўрсатган. Ислом ҳуқуқида насронийлар билан биргаликда «Қонун одамлари» ҳисобланган яхудийлар фикҳнинг шаклланишига муайян ҳисса қўшганлар.

Ўрта Осиёда насронийлик ҳуқуқи

Зардуштийлик насронийликнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган деган таҳмин (гипотиза) мавжуд⁶⁷, бироқ биз етарлича далиллар бўлмаганлиги учун уни қабул қила олмаймиз. Факат шуниси аёнки, насронийлик шу жумладан яхудийлик ҳуқуқини, унинг догматизмини танқид қилиш асосида пайдо

⁶⁵ Baron S.W.A Social S Religious Histroy of the Jews. Vol. I. Ancient Time, Part II, N.V., p.182.

⁶⁶ Ibid, p.239.

⁶⁷ Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. –М.,1988.– С. 121.

бўлган. Бу жиҳатдан насронийлик ўзида креатив ва мослашувчан моделлар ўртасидаги оралиқ (ёки синтетик?) вариянти ифодалайди. Бир томондан, Торининг ахлоқий-юридик нормалари ахлоқий тамойиллар билан алмаштирилади, ушбу тамойиллар бузилганлиги учун асосий жазо барча одамлар устидан бўладиган охират кунида юз беради. Модомики, Тангри Таоло бу дунёдан келиб чиқмаган деб эълон қилингандек экан, у ҳолда бу оламнинг суд тизими ҳам бутунлай гуноҳдир; чунки Мосиҳ ҳам яҳудийлик, ҳам Рим империяси қонунларига тўлиқ ҳолда ҳукм қилинганде эди.

Апостол Павелнинг коринфликларга Биринчи Мактубида насронийларга бир-бирлари билан фуқаролик судларида судлашиш умуман тақиқланган (1 Кор. 6:2-8). Иккинчи томондан, Масиҳ Нагор ваъзида Қонунни бузиш учун эмас, балки ижро этиш учун келганлиги тўғрисида гапиради. (Мат. 5:17-18); Ушбу ваъзда у айрим ҳолларда ҳукуқий жазолашнинг қонунийлигини ҳатто билвосита тарзда эътироф этган (Мат. 5:26, 26). Лекин барибир илк насронийликнинг мослашувчан хусусияти устунлик қилган.

Насронийликнинг ёйилиши ва унинг Рим империясинг расмий динига айланиши билан вазият ўзгарган. Насронийларнинг Муқаддас Китоби матнига киритилган Беш Китобдаётқ насронийлик ҳукуқининг бундан кейинги шаклланиши учун асос яратилган. Насронийлик монастирларининг пайдо бўлиши ва уларнинг илк насронийлик ҳукуқининг муҳим ёдгорликларидан бўлган низомларининг ёйилиши бунинг яна бир манбаи бўлган.

Аристотель фалсафасининг насронийлик ҳукуқига таъсiri ва насронийликнинг ривожланиши

Бизнинг фикримизча, антик фалсафанинг икки буюк намояндаси – Платон ва Аристотель тимсолида антик

фалсафанинг насронийлар дорматикаси ривожланишига таъсири энг муҳим бўлган. Мана шу асосда Платон анъаналарига амал қилган Александр мактаби ва ўз ибтидосини Аристотелдан оловчи анъаналарга асосланувчи антиохий мактабининг бир-бирига қарама-қаршилиги пайдо бўлган⁶⁸.

Расман ушбу зиддик Исонинг табиати тўғрисидаги низо сифатида юз берган (Исада илоҳийлик ва инсонийликнинг нисбати тўғрисида), бироқ моҳият эътибори билан сўз Библияни талқин қилишнинг ҳар хил усуллари тўғрисида (шу жумладан ҳукукий талқин қилиш) борган; платончиларнинг мистик-дialektik усули ва аристотелчиларнинг мантиқий усули тўғрисида борган. Модомики, Антиохия черковининг кун тартибida Евангелияни талқин қилишда платонизмга изчил таянувчи гностиклар ва манихейларга қарши кескин кураш борар экан, Аристотель методологиясига устунлик бериш тўғрисидаги масала ҳал қилинган ҳисобланган. Гностиклар ва манихейлар сингари Исо ни Худо деб ҳисобловчи монофизитлар билан ажралиш ҳам мана шу негизда юз берган. Антиохия мактабининг аристотелизмидан Аристотель анъанасининг рационал-мантиқий усулларини ўз ақидасида қўллаган несторианлик пайдо бўлган. Несторианлар Аристотель анъаналари билан боғлиқ асарларни (энг аввало Аристотелнинг «Аналитика»си ва Порфириянинг «Исагогини суря ва паҳлавий тилларига таржима қилишган.

Бундан ташқари, несторианликларга зардуштий клирлар билан мунтазам равишда баҳслашишга тўғри келган (бу баҳслар асосан оммавий мунозаралар тусини олган). Зардуштийлик билан олиб борилган ушбу мунозара, Н.Пигулевская қайд эттанидек, «қатъий тартибдаги усуллар, далилларнинг мантиқий изчиллигини талаб этаган. Мантиқ ушбу мақсадга эришиш учун зарур бўлган қурол бўлган... Аристотель

⁶⁸ Дьяконов И.М. Бу китобга сўзбоши: Пигулевская Н.В. Культура сирийцев в средние века. -М., 1979.- С. 13-15.

мантиғини эгаллаб олиш, эҳтимолки, маълум даражада фалсафага янги қизиқиш уйғотган несторианлик баҳсларигача бошланган эди»⁶⁹. Шуни қайд этиш керакки, агар Фарбда насронийлар файласуфлар билан бўлган баҳсларда далилларнинг ҳис-туйғуларга бойлиги билан ғолиб чиққан бўлсалар, зардуштийлик билан баҳсларда улар зардуштийлик таълимотидаги расмий қарама-қаршиликларни очиб ташлаб, устун даражада мантиқий усуллардан фойдаланганлар.

Буларнинг барчаси несторианлик черкови жадал ривожланиши билан бир вақтда юз берган. Патриарх Акакий (485-496 йй.) даврида несторианлик вақт ўтиши билан ўз таъсирини нафақат Эрон ва Марказий Осиёгагина эмас, балки Ҳиндистоннинг бир қисми ва Хитойга ёйган Шарқий черков ақидаси сифатида узил-кесил қарор топган. 498 йилда епископ Арран бошчилигига несториан миссияси томонидан ўрта осиёлик туркларни насронийлаштириш бошланган ва бу 530 йилгача давом этди. Миссионерлик фаолиятининг навбатдаги кўтарилиши самарқандлик митрополитни ҳамда Бухоро ва Тошкент епископларини тайинлаган Тимофей (779-823 йй.) патриархлиги йилларига тўғри келади. (Самарқанддаги метрополия 781-йилдан бошлаб XII аср охиригача мавжуд бўлган)⁷⁰.

Табиийки, несторианликнинг шарққа томон ёйилиши насронийлик маданияти мустаҳкам асосга эга бўлиши учун қавмга раҳбарлик қилувчи руҳонийлар – пастирлар учун хулқатвор қоидаларини ишлаб чиқиши зарурлигига олиб келган»⁷¹. Бу вақтга келиб несториан экзегетлар ҳам мантиқни, ҳам Аристотель фалсафасини ўрганиш учун катта билимга эга бўлганлар (бу билимлар улар томонидан мусулмон мутаффа-

⁶⁹ Пигуловская Н.В. Культура сирийцев в средние века. –М., 1979.- С. 141.

⁷⁰ Қаранг: Vine A.R. The Hestorian Churches, pp.52,61-62,119, С. 128.

⁷¹ Пигуловская Н.В. Культура сирийцев в средние века. –М., 1979.- С. 222.

кирлар орқали олинган). Тадқиқотчилар қайд этганидек, ҳуқуқ фалсафаси «хуқуқнинг асосий муаммолари қўйилган Аристотель таълимотининг ўзини, унинг этикасини, сиёсатини ва давлат тўғрисидаги таълимотини якунлайди ва ўзида тарихан шакиланган реал шароитларга татбиқан уларни кейинчалик ҳал этиш учун истиқболли моделлаштиришни ифодалайди»⁷².

Аристотель Платондан фарқ қилган ҳолда оила ва хусусий мулкчиликнинг тугатилишига қарши бўлган (Сиёсат. 1236 б). Оила ва хусусий мулкчилик тугатилишини эса платонлаштирилган манихейлик ва маздакийлар ҳам талаб қилгандар. Аристотель кейинчалик хрестоматик бўлиб қолган хуқуқнинг оммавий ва хусусий қисмларни бўлишдан ташқари, одамларни табиий хукуқи тўғрисидаги таълимотни ҳам ишлаб чиқсан. Одамларнинг табиий хукуқи Европа маърифатпарварлиги даврида инсон ҳукуқлари тўғрисидаги таълимот сифатида узил-кесил фалсафий расмийлашган.

Ишобоҳт қонунлар мажмуи – насронийлик ҳукуқи ёдгорлиги

Ишобоҳт қонунлари мажмуи (XII аср) мана шу дунёқараш асосида пайдо бўлган. У бошқа икки матн – Персида архиепископи Симеоннинг мерос ҳукуқи бўйича ақидалари ва патриарх Мар Абининг қон қўшилиши никоҳларига қарши трактати билан биргаликда несториан черковининг ҳукуқий асосини ташкил этган⁷³.

Ишобоҳт қонунлари мажмуи никоҳ ҳукуқи, мерос қолдириш, қарз мажбуриятлари ва ҳоказоларга тегишли бўлган. Насронийлик ҳукуқининг ушбу ёдгорлигига ўша даврнинг кўплаб

⁷² Разумович Н.Н. Политическая и правовая культура. Идеи и институты Древней Греции. –М., 1989.– С. 204.

⁷³ Қаранг: Sachau Ed. Syrische Rechtbücher. Bd. III, D., 1914.

хуқуқий тизимлари ва энг аввал зардуштийликнинг таъсири қайд этилган. «Паҳлавий тилида тузилган ушбу мажмууда Сосонийларнинг «Бир минг суд қарорлари китоби» таъсири сезилади. Ўша вақтларда никоҳга кириш, никоҳ тузилишига йўл қўйилиши мумкин бўлган қариндошлиқ даражаси ва шунга ўхшаш масалалар насронийлар черкови белгилаганига мувофиқ ҳал этилар эди, мерос қолдириш ва қарз мажбуриятларида, шубҳасиз, қайси бир даражададир оддий хуқуқ анъаналари ёътиборга олинар эди. Паҳлавийларнинг Ишбоҳт мажмууси патриарх Тимофей I нинг буйруғи билан суря тилига таржима қилинади... Суря тилидаги қонунчилик ёдгорликлари, бир томондан, Византия (юонон-лотин) хуқуқи ва Эрон (паҳлавий) хуқуқи ўртасида, иккинчи томондан, мусулмон хуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган қонунчилик нормалари ўртасида боғловчи бўғин сифатида маҳсус ёътибор беришга муносибдир»⁷⁴. Афсуски, биз тугалланмаган «Ўрта асрларда суряликларнинг маданияти» монографиясидан ҳаволалар келтирган Н.Пигулевская несторианлик хуқуқи, шунингдек насронийликнинг Ўрта Осиёга ёйилиши тўғрисидаги бобни ёзишга улгура олмаган.

Шундай қилиб, насронийлик, ушбу ўринда несторианлик диний ҳуқуқнинг мослашувчан тизими сифатда пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан илк ўрта асрлар даври Эрон ва Ўрта Осиёнинг ҳуқуқий маданиятига чуқур қўшилиб кетган креатив тизимга айланган. Бунда, ушбу тизим ўз диний манбаидан ташқари, Аристотель фалсафаси тимсолида методологик асосга ва зардустийлик хуқуқи тимсолида «фактологик» асосга эга бўлган.

Ўрта Осиёда манихейлик ҳуқуқи

Манихейликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида зардустийликнинг таъсири тўғрисидаги масала насронийлик-

⁷⁴ Пигулевская Н.В. Культура сирийцев в средние века. -М., 1979.- С. 222.

нинг пайдо бўлишига ана шундай таъсир тўғрисидаги масалага қараганда аниқроқ туолади. Тадқиқотчилар унинг даражаси ва чегараларни аниқлаш масаласидагина келишмайдилар, холос⁷⁵. Юқорида айтиб ўтилганидек, манихейлик зурванизм пайдо бўлган манба каби манбадан пайдо бўлди, ва у ҳам ««Авесто»нинг мажозий, «чинакам» талқинини беришга интилган.

Манихейлик зардуштийликдан ташқари ўзида насронийлик ва буддизм унсурларини умумлаштирган, бунинг оқибатида зардуштийлар манихейликни зардуштийлик билъати деб, насронийлар насронийлик билъати деб, буддистлар буддизм билъати деб ҳисоблаганлар. Тегишлича манихейликнинг мослашувчан ҳуқуқий модели ушбу барча таълимотларнинг мослашувчан таълимотларидан шаклланди, уларнинг ҳар бирини мантиқий ниҳояга етказган.

Зурванийлар каби манихейлар ҳам инсон хатти-ҳаракатларининг кўлчилиги тақдирнинг иши эканлигига ишонгандар, бу унинг юридик жавобгарлигини чеклаган; бироқ манихейлар ушбу таълимотни астрология билан тўлдириб янада илгари борганлар.

Насронийлар каби манихейлар ҳам инсоннинг азалдан гуноҳга ботганлиги (жиноятчилиги) тўғрисида сўз юритишади, бу билан алоҳида ҳар бир ҳолатда унинг айборлиги тўғрисидаги масалани олиб ташлашгандек бўлишади. Бироқ насронийликда инсон унга хос бўлган ахлоқий камолотта етмаганлиги учун гуноҳкор ҳисобланса, манихейизмга биноан инсон мавжуд эканлиги, моддий танага эгалиги ҳамда ушбу тананинг эҳтиёжларини бошқа жонли мавжудотлар ҳисобига қондиришга мажбур эканлиги туфайли гуноҳкордир.

⁷⁵ Widengren G. Einleitung // Der Manichaeismus /Hersg. von G. Widengren/. Darmstadt, 1978.

Ниҳоят, буддистлар сингари манихейлар ҳам метемпсихоз ғоясига (руҳнинг ўтиши) эътиқод қилганлар ва ҳатто инсоннинг хатти-ҳаракатлари унинг олдинги туғилиши билан белгиланади, деб ҳисоблаганлар, бу инсоннинг у ёки бу ҳолатдаги юридик айби тўғрисидаги масалани «юваб» юборар эди.

Диний ҳуқуқнинг мослашувчан тизими учун жиноятлар рўйхати ҳам типикдир. Ушбу рўйхатга кўра Ўрта Осиё манихейлари энг аввало ёлғон гувоҳлик берганлик, тухмат қилганлик, айбдор бўлмаганларни таъқиб қилганлик учун тавба-тазарру қилишлари керак бўлган. Яъни креатив модел учун жиноят ёмонлик, эзгулик – қаттиқ жазо ҳисобланса, мослашувчан модел учун айнан адолатсиз ёки жуда ҳам қаттиқ жазо ёмонлик, адолатни тилаш ва афв этиш – эзгулик ҳисоблаган⁷⁶.

Монастир ҳуқуқи

Манихейлар «олам»даги юридик жавобгарликини амалда «бекор қилиб», ўзларининг монастир жамоалари учун энг қаттиқ ҳаёт шароитларини яратгандар. Агар уйғур тилидаги сақланиб қолган монастир ёзувларига қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, улар насроний ва будда монастирларининг ана шундай низомларидан қаттироқ бўлган. Бу айниқса хўжалик тусидаги қоида бузишларга тегишилдирил. Масалан, овқатни ёмон тайёрлаган ошпаз хипчин билан уч юз марта калтакланган⁷⁷.

Бундан ташқари, будда сангхидан чиқишидан фарқ қилган ҳолда, манихей жамоасидан чиқиши ниҳоятда оғир қилмиш

⁷⁶ Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (Кириш, матн, таржима) //Тюркологические исследования. -М.-Л., 1963.- С. 230.

⁷⁷ Lieii S.H.C. Manichaeism in the Later Roman Empire and Medieval China. A Historical Survey. Manchester. 1985, p.201.

ҳисобланган. Сўғд матнида диндан қайтганинг ўлим олди азоби қуюқ бўёқларда тасвирланган: иблислар унинг қулоқларини сўзсиз кесиб олишган ва тилини бўлак-бўлак қилиб кесганлар ҳамда пайлари ҳам шу тахлитда бўлак-бўлак қилинган. Унинг оғзига эритилган мисни қайта-қайта куйганилар ва уни қиздирилган темир билан овқатлантирганлар ҳамда унинг қулоғига темир мих тиққанлар...»⁷⁸ Эҳтимолки, диндан қайтгани ҳаёт пайтида бундай даҳшатли ўлим олди жазосидан бошқа жазолар ҳам кутган.

Манихей жамоалар низомлари ҳукуқнинг бошқа қисмларини ҳам ўз ичига олаган. Жумладан, хайрия жамғармалари ташкил этиш (зор. rat ruwan, маних ruvangan) зардуштийлик ҳукуқидан қабул қилинган эди. Манихей монастирларда ушбу жамғармалар тасарруфифа бўлган маҳсус шахс бўлган⁷⁹.

Манихейлик монастирдан ташқаридан ўзи бўлган давлатнинг ҳукуқий тизимиға мослашар эди. Илк насронийликда бўлгани сингари, манихейлик баъзан ҳукуқий «сюжет»лардан ўз афсоналари учун фойдаланар эди, бироқ насронийликда бўлгани сингари буни ўз ақиласига яхшироқ жило бериш учун қилар эди.

Масалан, бир сўғд матнида бой шаҳарлик марварид эритиш учун ёллаган ходимга қарши кўзғаган суд иши тўғрисида ҳикоя қилинади. Ходим топшириқни бажармайди ва закалатни қайтаришни рад этади. У судьянинг саволига жавоб қайтарар экан, гарчи шаҳарлик уни мисни эритиш учун ёллаган бўлса ҳам, бироқ кун бўйи уни ўйинга тушишга ва қўшиқ айтишга мажбур қилган ва натижада мис эритилмасдан қолган. Суд шаҳарликка

⁷⁸ Ibid, p.600.

⁷⁹ Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983.- С. 176.

ходим кун бўйи мис эриттани учун унинг барча пулини тўлаш мажбуриятини юклайди.

Шундай қилиб, бир томондан, бизнинг кўз олдимиизда тухматнинг олиб ташланиши ва адолатнинг тикланиши тўғрисидаги мослашувчан тизимга хос бўлган типик ҳолат намоён бўлади. Бироқ матнинг чинакам моҳияти манихейлар учун унинг мажозий талқин қилинишида эди. Марвариднинг эгаси руҳни, марварид эритувчи танани, марвариднинг ўзи эса –диёнат ва художўйликни ифодала-ган⁸⁰. Шундай қилиб, суд воқеаси тарихи мазмуни диний ахлоқ соҳасига кўчирилар эди: танани художўйликка бўйсундириш ўрнига ундан байрамона мақсаллар учун фойдаланидиган руҳ ҳамма вақт жазоланади ва бадном қилинади.

Ҳуқуқ ва Ўрта Осиё буддизми

Гарчи бир қанча тадқиқотчилар (В.Григорев⁸¹, М.Статли⁸², Т.Гуриев⁸³ ва бошқалар) зардуштийлик ва буддизм умумий тарихий илдизларга – Ўрта Осиё ва Кавказнинг «скифча турмуши»га эга бўлса ҳам буддизм ўз пайдо бўлиши ва ривожланишига кўра юқорида санаб ўтилган таълимотларнинг барчасидан кўра зардуштийликдан йироқ туради. Зардуштийлик ва буддизмнинг ҳукм қилинганларга муносабат билан боғлиқ парчаларини қиёслаб, ҳуқуқий мазмун нуқтаи назаридан булар икки қарама-қарши кутбдаги тизим эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Весантра-жатакининг сўғд кўриниши ҳам адолатсиз жазолаш ва кейинчалик афв этиш тўғрисида ҳикоя қиласиди⁸⁴.

⁸⁰ Henning W.B. Selected Papers. Vol.2, Leiden-Tehran-liege, 19786 p.173.

⁸¹ Григорьев В.В. Ормузд скифском народе сахах. –СПбюб 1871.– С. 207.

⁸² Stutley M., Stutley J. Dictionary of Hinduism.L.,1985.

⁸³ Гуриев Т.А. Из жемчужин Востока. Авеста. – Владикавказ, 1993.– С. 37.

⁸⁴ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Изб. труды. – М., 1960.– С. 69-71.

Гарчи буддизм пайдо бўлиши ва ривожланиши пайтига келиб Ҳиндистонда брахманизм билан қўшилган бой ҳуқуқий анъана («Ману қонунлари», дхармашастрлар, «Артхашастра») бўлса ҳам, бироқ брахманизмни танқид қилиб, унинг ҳуқуқий мафкурасидан воз кечди. Буддизм насронийлик ва манихейликдан фарқ қилган ҳолда мавжуд ҳуқуқий нормаларга мослашишга кўпроқ даражада йўналтирилган эди. Будда Канони Виная (Устав)га асосланган будда монастирларининг уставлари ҳам ҳуқуқ билан камроқ боғланган эди. Виная – будда жамоасининг ягона ва барча нарсани қамраб олувчи устави бўлиб, унинг кўплаб парчалари Ўрта Осиёнинг турли жойларидан топилди⁸⁵.

Виная – «монастир ҳуқуқи» манбай

Санскрит тилидаги мумтоз Виная икки қисмдан иборат эди. Унинг биринчи қисми ҳисобланган «Винаяни таснифлаш» («Виная-вибханги») бутунлай сангхининг тартиб-интизом нармаларига бағишлиланган эди. Унда Будданинг монахларнинг ўзларини тутиш қоидалари ҳақидаги ваззалари ва тартиб-интизом бузилган тақдирда содир этилган қитмишнинг оғирлигига қараб тавба-тазарру қилишдан тортиб сангхидан чиқаришгача бўлган интизомий жазо турлари талқин қилинган. Ушбу барча қоидалар Пратимокшу интизоми бўйича будда дарслигига кирган⁸⁶. Ҳар бир қоидага берилган шарҳларда ушбу қоидани киритишга Буддани нима мажбур қитганилиги хабар қилинар, уни қўллашнинг барча тафсилотлари ва ундан истиснолар ҳақида маълумот берилган.

⁸⁵ Бу ҳақда қаранг: Литвинский Б.А. Монастырская жизнь восточно-туркестанской сангхи. Буддийские церемонии//Буддизм: история и культура. –М.,1989.- С. 169.

⁸⁶ Пратимокша-сутра. Буддийский служебник/И.П.Минаев нашри ва таржимаси/. –СПб.,1869.

«Винаявасту»нинг иккинчи қисми жамоа турмушининг маросим ва хўжалик жиҳатларига бағишиланган. Умуман олганда, Винаяга мувофиқ монахлар учун 227 ва монах аёллар учун 332 (бошқа манбаларга кўра 500) қоида мавжуд эди. «Шу билан бирга, - деб қайд этади ушбу муносабат билан В.Лисенко,- интизом масалаларида Будда доктитик бўлмаган ва ҳолатларни ҳамда аниқ шахсларнинг хулқ-атвори сабабларини эътиборга олишга ҳамма вакт тайёр турган ҳолда ҳаддан ташқари майда тартибга солишларни бекор қилиш сари осонлик билан борган»⁸⁷. Устав муносабати билан Будда: «Агар буни митти ва кичик хулқ-атвор қоидалари (яни майда айбларга тегишли бўлган қоидалар) хоҳласа, майли менинг ўлимимдан кейин жамоа бекор қилсин» деганилиги бежиз эмас⁸⁸. Буддизмда ҳатто одам ўлдириш ёмонлик эканлигини билган бўлса, иккинчидан эса, қасд қилмасдан ва тасодифан содир этган бўлса, айбдор ҳисобланмас эди⁸⁹.

Виная ва Пратимокшуни фақат шартли равишида будда жамоаси турмушининг ҳукуқий асослари дейиш мумкин эди, чунки монахлар ва мирян-буддистлар томонидан содир этиладиган қилмишлар жиноят деб қаралмас эди ва шу сабабли сўзнинг юридик маъносида айтилмас эди. Бу будда жамоаси дунёвий ҳукуққа мослаша олмаганилигидан далолат бермайди. Масалан, Б.Литвинский Шарқий Туркистондаги будда монастырларининг фаол хўжалик фаолиятини таҳдил қилиб, у «буддистлар белгилаган ақидаларга бутунлай қарама-қарши бўлган-

⁸⁷ Лисенко В.Г., Терентьев А.А., Шохин В.К. Ранняя буддийская философия. Философия джайнизма. -М., 1994.- С. 100-101.

⁸⁸ Вопросы Милинды /Палидан таржима, сўзбоши, тадқиқот ва шарҳлар А.В.Парубински/. -М., 1989.- С. 162.

⁸⁹ Ўша жойда. -173, 174, С. 408.

⁹⁰ Литвинский Б.А. Монастырская жизнь восточно-туркестанской сангхи. Буддийские церемонии.- С. 182.

лиги»⁹⁰ ҳақидаги холосага келди, чунки, Винаяга биноан будда монахларига «савдо битишувларида қатнашиш, далала ишлаш, бинолар куриш, кул сақлаш ва уй ҳайвонлари боқиши» тақиқларнинг эди⁹¹. Бироқ, бундай тақиқлар буддизмда ёрқин кўриниб турган ҳукуқий тусда эмаслигини ҳисобга олганда бу тақиқларнинг бузилиши жиноят ҳисобланмас эди. Масалан, Шарқий Туркистондаги манихейлар виночиллик билан шуғулланар эдилар. Бу ҳам аслида тақиқнинг бузилиши сифатида қаралган⁹².

Мослашувчан тизимлар креатив тизимлардан фарқ қилган ҳолда ўз ҳукуқини яратмайди ва умуман олганда ахлоқий принципларга эмас, балки ўзларининг ахлоқий тамойилларга таянган ҳолда бирор-бир юридик мажбурият олишдан ўзларини олиб қочадилар. Бироқ ўзларини ўраб турган ҳукуқий макон билан алоқага киришиш шубҳасиз бўлса ёки у бирор-бир фойда келтиргудек бўлса, мослашувчан тизимларга ўз «ҳукуқ»ларини яна қайта кўриб чиқиши ёки талқин қилиш талаб этилмайди, улар ижтимоий қурилишнинг муросасиз ва баҳарий масалаларда ҳар бир алоҳида ҳолатда енгиллик билан муросага борадилар. Шу сабабли, Ўрта Осиё буддизми ҳам, манихейлик ҳам мослашувчан диний-ҳукуқий тизимлар сифатида яхудийларнинг Бобил Талмуди ёки несторианларнинг Ишбохтига ўхшаш ўз ҳукуқий матнларига эга бўлмасалар ҳам, бу уларнинг ўз ҳукуқ фалсафаси бўлмаганлигини англатмайди. Мослашувчан диний-ҳукуқий тизимларнинг ҳукуқий ҳужжатлари – бу асосан монастирларнинг уставлари ва уларнинг фаолияти ҳужжатларидир.

Шундай қилиб, исломгача бўлган даврда Ўрта Осиёнинг ҳукуқи асосида икки манба ётганлиги ҳақидаги холосага келишимиз мумкин эди. Булар зардуштийлик ва

⁹⁰ Переломов Л.С., Абаев Н.В. Буддизм в Китае: исторические традиции и современность//Проблемы Дальнего Востока.- 1980. -№3.- С. 130.

⁹² Lieii S.H.C. Manichaeism in the Later Roman Empire and Medieval China. A Historical Survey. Manchester. 1985, p.200.

яхудийликнинг креатив тизимлари ва диний ҳуқуқнинг мослашувчан тизими (манихейлик, буддизм) эди. Ҳуқуқнинг мослашувчан тизими сифатида пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан тобора кўпроқ креатив хусусиятларга эга бўла борган, ўзида Аристотель фалсафасини ва зардуштийликнинг бир қанча ҳуқуқий нормаларини кўшиб олган несториан насронийлиги оралиқ мавқени эгаллайди.

Ҳар икката модел исломгача бўлган ҳуқуқда бир хил аҳамиятга эга бўлмади: улар креатив диний-ҳуқуқий моделлар билан кўпроқ даражада сабабий боғлиқликда бўлди. Бироқ мослашувчан моделларнинг таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас: биринчидан, уларда хилма-хил ҳуқуқий ғоялар мавжуд, иккинчидан, уларнинг ўша пайтда Ўрта Осиёда юзлаб тарафдорлари бўлганлиги сабабли, улар ҳуқуқий амалиёт мазмунига, ҳуқуқнинг қўлланилишига ўзлари мослашувчан тизимларда олган (кўпроқ танқидий ва салбий) талқин қилишга боғлиқ равишда таъсир кўрсатдилар. Мослашувчан диний-ҳуқуқий тизимлар креатив ҳуқуқий тизим куруқ догматизм ва ваъзхонликка айланиб қолиб, дастлабки ижодий салоҳиятини йўқотган жойда пайдо бўлиши ажабланарли эмас.

Насронийлик ҳуқуқ фалсафасининг ўз салоҳиятини тугатиб бўлган яхудийлик ҳуқуқига, будда ҳуқуқ фалсафасига – брахманизм ва манихейликнинг ҳуқуқий шастрларига – Сосонийлар империяси мисолида зардуштийликнинг бесўнақай ҳуқуқий тизимига муносабати мана шулардан иборат.


Бизнинг фикримизча, бундай икки манбага бўлиш класик мусулмон ҳуқуқи (шариат)нинг креатив модели билан Хурросан сўфизмининг мослашувчан ҳуқуқий модели ўртасидаги мухолиф сифатида Ўрта Осиё мусулмон ҳуқуқида ҳам сақланиб қолган. Икки модельнинг айнан мана шундай ўзаро бир-бирини тўлдириши ҳуқуқнинг тарихий барқарорлиги ва тадрижий ўсишини таъминлайди.

**Энг мўтабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти.
Бу нодир китоб бундан XXX аср муқалдам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдириган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.**

И.Каримов.

**Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.
7-жилд.- Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 137-138-бет.**

ТҮРТИНЧИ ЛАВҲА
«АВЕСТО» – ШАРҚНИНГ БЕБАҲО
ХУҚУҚИЙ ЁДГОРЛИГИ.



«Авесто» номининг ўзи кўпчилик шарҳловчилар томонидан «қонун» деб таржима этилади («упаста» сўзидан асос, қонунчилик) ва «Авесто» зардуштийлар томонидан хукуқнинг асосий манбай сифатида қабул қилингандигидан далолат беради.

«Авесто» Катта ва Кичик «Авесто»дан иборат.

Катта «Авесто» уч асосий қисмдан иборат:

1. **Ясна** («йаз» – ҳурмат қилиш; Яснанинг 72 боби орасида Зардуштнинг ўзига нисбат бериладиган 17 Гат алоҳида ўрин тулади, уларда диний таълимотнинг асосий ақидалари баён қилинади).¹

2. **Вандидод** (ёки Вендидал – «Ви дево датэм» – «Мазкур (кодекс) девларга қарши; Зардушт билан Ахура Мазда ўртасидаги мулоқотни ифодоловчи 22 боб фаргардан иборат бўлиб, Ахура Мазда хукукий ва маросимга тегишли саволларга жавоб беради);

3. **Висперат** («Виспе раѓбо» «Барча фаришта – омон сақловчилар; Яснага қўшимча бўлиб, зардуштийликнинг ув тортиши, нолишини ифодалайди).

Кичик «Авесто» дуолар ва тақвим мадҳияларидан ташқари турли илоҳларни мадҳ этувчи 22 қўшиқдан – **Яштлардан** иборатдир.²

Бундан ташқари, «Авесто»нинг кўплаб қоидалари паҳлавий тилида ёзилган туталланманган матнлар билан берилади ва шарҳланади.³

«Денкард» («Диннинг хатти-ҳаракати») – бидъат, дунёвий ва маънавий ҳокимиятнинг бирлиги, тарих, Зардуштнинг турмуши

¹ Яснанинг 12 боби рус тилига таржима килинган, шу жумладан 7 Гат (Каранг.: «Авесто» рус тили таржималарида (1861-1996)/ Тузиш, умумий таҳрир, изоҳлар, маълумотлар бўлимни И.В.Ракбажарган.-СПб.,1998)

² Шулардан рус тилига ўнтаси таржима килинган (Каранг: Авесто в русских переводах (1861-1996)/Сост., общ. ред., примеч., справочный раздел И.В. Рака.- Спб., 1998.

³ Зардуштийлик адабиётининг каноник бўлмаган тавсифини батафсил қаранг:Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана (зороастрізм).-СПб.,1998.-69-73-б; Саймиддинов Д. Оригинальные книжно-пехлевийские тексты//Борбад, эпоха и традиции культуры.-Душанбе, 1989.- С. 218-228.

ва «Авесто»нинг яратилиши муаммоларига бағишлиланган ақидавий асарлар жамидир;

«Бундахишн» («Бирламчи асосларнинг яратилиши») – зардуштийлик космогония, космохогия, география, гидрология, биология, этнология ва эсхатологияси баёнидир⁴;

«Дадастан-и Деник» («Эътиқод тўғрисида мулоҳазалар») – турли космология, ахлоқий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича Михр-Хоршид томонидан Эроннинг биринчи руҳонийси Манушчихрага (IX аср) берилган саволлардан иборат;

«Шайаст на-Шайаст» («Ман этилган ва ман этилмаган юмушлар») – ҳар хил расм-русумлар ва маросимлар жами⁵;

«Намагиха-и Манушчихр» («Манушчихранинг номалари») – милодий IX асрдаги диний ислоҳотлар муносабати билан уч хат;

«Визидагиха-и Затспарам» («Застпарамом сайланмаси») – бизгача етиб келган ва етиб келмаган уч китобдаги илоҳий матнларнинг баёни, уларда инсоннинг тана ва маънавий тузилиши, космогония, эсхатология масалалари, шунингдек Зардуштнинг агиографияси ҳақида сўз юритилади;

«Дадастан-и Меног-и Храд» («Ақл-идрок мулоҳазалари») – Зардуштийлик фалсафасининг ҳар хил, энг аввало ижтимоий-сиёсий масалалари бўйича қандайдир Ақл Идрок томонидан берилган 62 савол⁶;

«Арта-Вираф наман» («Тақвадор Вираф тўғрисидаги китоб») – тақвадор Вирафнинг нариги дунёда руҳининг саёҳатини баён қилувчи зардуштийлик «Илоҳий комедияси»;

«Карнамак-и Ардашир-и Папакан» («Папакнинг ўғли Ардаширнинг ишлари тўғрисидаги китоб») – зардуштий-

⁴ Каранг: Зороастрийские тексты. Суждения Духа Разума (Дадастан-и Меног-и Храд). Сотворение основы (Бундахишн) и др. тексты. Издание подготовлено О.М.Чунаковой.-М.,1997.

⁵ Каранг: ўша ерда.

⁶ Каранг: ўша ерда.

ликнинг жонкуяр ҳомийиси томонидан тасвирланган Сосонийлар сулоласининг биринчи подшоси Ардашер I нинг афсонавий таржимаи ҳоли;⁷

«Андарзи» («Насиҳатлар») – Зардуштий мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари ва максимлари.⁸

Гарчи Авестонинг барча қисмларида ижтимоий-сиёсий ва ҳукуқий тусдаги ғоялар мавжуд бўлса ҳам,⁹ **айнан Вандилод Авестонинг ҳақиқий юридик компендиуми ҳисобланади.**

Вандилод – Авестонинг беш ҳукуқий наски – китобидан (умуман олганда йигирма битта китобдан) бизнинг қунларимизгача етиб келган ягона китобдир. Гарчи, юқорида айтиб ўтилганидек, «Девларга қарши қонун», яъни оддий қилиб айтганда нопок кучларга қарши қонун сифатида таржима қилинади. «Девлар» деганда зардуштийликда фақат ёвуз руҳлар эмас, балки (бевосита ёки билвосита, ўз иродаси бўйича ёки унга қарши) ёвуз руҳларга мойилик кўрсатувчи одамлар тушунилган. Улар «икки оёқли девлар» (Вандилод, V, 35-38), баъзан – оддий қилиб «девлар» (Вандилод VIII, 31-32) деб аталган. Паҳлавий тилидаги «Меног-и Храд» – асарида шунингдек «яrim девлар» деб ҳам аталган: «Яrim дев» дегани - бу фақат номи инсонга хос бўлган ва инсоний табиатга эга бўлган, бироқ бошқа барча ишларда икки оёқли девларга ўхшайдиган кимсадир. Ба у на ерни, на осмонни, на эзгуликни, на гуноҳни, на жаннатни, на дўзахни билади ва руҳнинг жавобгарлиги тўғрисида мутлақо ўйламайди» (Меног-и Хрод, 46). Шундай қилиб Вандилод фақат девлар

⁷ Каранг: Книга деяний Ардашира сына Пагака/Матн транскрипцияси, паҳлавий тилидан таржима, кириш, шарҳлар ва глоссарийлар О.М.Чунакованик/.-М., 1987.

⁸ Каранг: Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты/ Кирish, матнлар транскрипцияси, таржима, шарҳлар, глоссарийлар ва кўрсаткиялар О.М.Чунакованик/.-М., 1991.

⁹ Каранг: Абдуллаев Е.В. Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право.-Ташкент, 1998.

билин эмас, балки жиноятчиларга, «жавобгарлик тўғрисида ўйла-
майдиган» одамларга алоқадор эди.

Зардуштийлик ибодатида Вандидод Ясна бобларидан бошлаб қисмлар бўйича ўқилади. Мазмунига кўра у ўзида «тоат-ибодат қилиб тозаланиш қоидаларидан ибо-
рат коҳинлар кодексини, ҳар хил маросимларни бажа-
ришни, гуноҳлар ва эзгуликлар рўйхатини, шунингдек
фуқаролик ва жиноят ҳуқуқининг айrim элементларини»
ифодалайди. «Вандидод матнларининг катта қисми келиб
чиқишига кўра анча кеч даврга тегишли, бироқ уларга
Авестога хос бўлмаган ноизчилликда афсоналар ва асо-
тирлар киритилган, уларнинг айrimлари нисбатан кейин-
ги (масалан, Зардуштнинг Аҳриман билан баҳси), бошқ-
алари – узоқ қадимги даврга бориб тақалади, гарчи улар
тегишлича қайта ишланган бўлса ҳам (масалан, мамлакат-
ларнинг Аҳура Мазда томонидан яратилиши ёки Йима ва
қиёмат-қойим тўғрисидаги ривоят).¹⁰ Бундай ҳар хиллик
«Вандидод» қадимги кодекслардан анча кейинроқ – Арша-
киллар (милоддан аввалги II-I асрда) ёки ҳатто Сосоний-
лар даврида бутланганилиги билан изоҳланади.¹¹

Тахминан милодий IV-V асрларда «Вандидод» паҳлавий
тилига таржима қилинган; гарчи таржимада бир қанча
хато ва бузишлар мавжуд бўлса ҳам, зардуштий қонуншу-
нослар айнан таржимадан ҳамда Авестонинг ушбу муҳим
китобига шарҳлардан фойдаланиши афзал билганлар.
«Ман этилган ва ман этилмаган юмушилар» матнида Вандидод-
нинг б та асосий шарҳловчиси эслатиб ўтилади. Булар:
Атаро-Ормазд, Сошияйнис, Атаро-фробаг Носоч, Медок-
мак, Афарг, Гогашасп (Шайаст на-Шайаст, 1)лардир.

¹⁰ Соколов С.Н. Духовная культура. Религия//История таджикского народа. Т.1:

¹¹ Хисматулин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме.-СПб., 1997.- С. 20.

А. Периханян¹² ва сўнгра С.Ганбаров¹³ томонидан Вандидод матнлари асосида жиноятларнинг қуидаги таснифи тузилган:

1. **Динга қарши жиноятлар:** билъат, бошқа диннинг вакили билан никоҳга кириш, руҳонийнинг вазифасини ғайриқонуний бажариш, атеизм;

2. **Шахсга қарши жиноятлар:** қасдан ҳужум қилиш ёки жазава ҳолатида ҳужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, регул ва ҳомиладорлик пайтида аёлнинг соғлигига қарши жиноятлар;

3. **Ҳайвонларга қарши жиноятлар:** айниқса кучукларга қарши жиноятлар;

4. **Мулкий жиноятлар:** ўғрилик, талон-тарож, босқинчилик, фирибгарлик. Ҳасислик мулкий жиноятнинг алоҳида тури ҳисобланган, чунки «кимки, адолатли илтимосни рад этса,... аслида нарса сўрайдиган ўғридир».

5. **Ахлоққа қарши жиноятлар:** гомосексуализм, фоҳишабозлик («Вандидод», XVII, 114-121), эр-хотин хиёнати. Ушбу бандда зардуштийликдаги дуалистик даврнинг ахлоқий принциплари ёрқин намоён бўлган. Масалан, гомосексуализм энг оғир ахлоқий жиноят ҳисобланган («девларга хизмат қилиш» – Вандидод, VIII, 98-106) ва ўлим жазоси билан жазоланадиган ягона ахлоқий жиноят ҳисобланган. (Ҳемот-и Ашавахиштан, 413). Онаси, синглиси-опаси ёки қизи билан яқин қариндошлик никоҳлари (*xwedodoh*), аксинча, гарчи, тадқиқотчилар амалда унча кўп намоён бўлмаган деб ҳисобласалар ҳам диннинг хизмати деб ҳисобланган.¹⁴

¹² Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды.-М., 1983.- С. 248.

¹³ Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте.Юридик фанлар номзоди дис. автореферати.-Баку.1992.- С. 15-17.

Бизнинг фикримизча, руҳоний-ҳакамларнинг динга эътиқод қилувчилар сони қўпайиши ва жамоанинг этник соғлиги сақданиб қолиши ҳақида ғамхўрлик қилиши бунинг сабаби ҳисобланади (зардуштийлик оиласи моногам эди ва қон-қариндош никоҳлар оила барпо этиш ва авлодларни етишириш учун катта имконият берар эди, оиланинг бундай асоси жамоа аъзолари ўртасидаги бирликни таъминлар эди). Шу сабабли зардуштийликда ҳатто фоҳишабозлик ва эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилиши ҳам (қадимги иудаизмда бўлгани каби) зардустийлар сонининг озайишига олиб келувчи гомосексуализм, онанизм ва ҳомилани олдириш каби оғир жиноят ҳисобланмас эди. Натижада «Вандидод»да хотини борнинг «умуман хотини йўқлардан» устунлиги ва «оила отасининг болалари йўқлардан устунлиги» эълон қилинади («Вандидод», IV, 138-141).

Бундан ташқари, ёрдам кўрсатмаслик ҳам қаттиқ жазоланадиган ахлоқий жиноят ҳисобланган.¹⁵

6. Табиат кучларига қарши жиноят: ерга, сувга, оловга ва ўсимлик дунёсига қарши жиноят («Вандидод», VI, 54-83; VIII, 300-310); айниқса ернинг ифлосланишига қарши жиноятлар (III, 126-129, 142-146). Табиат кучлари ва ҳайвонларнинг ўзи томонидан содир этиладиган жиноятлар алоҳида қайд этилади. Ушбу жиноятлар ўша давр зардустийлик ҳукуқида жиноятнинг объектигина бўлиб қолмай, балки жиноят субъекти ҳам ҳисобланган.

Шундай қилиб, кодекслаштирилган ҳукуқ мавжуд бўлмаган қадимги Ўрта Осиё ва Эронда «Вандидод» «Авесто»нинг бизгача етиб келмаган бошқа тўртта ҳукуқий китоби

¹⁴ Safa-Isfehani N. Rivayat-i-Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser. Vol.2). Cambridge, 1980. С. 319.

¹⁵ Периканян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды.- М., 1983.- С. 251.

билан бирга ҳуқуқий тафаккурнинг муҳим манбани ифодалайди.

Шу сабабли «Вандидод» на ўзбек тилига, на рус тилига тўлиқ таржима қилинмаганини афсусланарлидир. Рус тилига ҳар хил муаллифлар томонидан боб-фаргарларнинг саккизтаси ([, II, III, VIII, XVIII, XIX, XX])¹⁶ тўлиқ ёки қисман таржима қилинган. Улар орасида В.Крючкова томонидан амалга оширилган таржимани алоҳида қайд этиш мумкин. Ушбу таржима батафсил эканлигидан ташқари унда бой ҳавола аппарати ҳам мавжуд. Бундан ташқари, М.Мейтарчияннинг¹⁷ монографиясида «Вандидод»га тегишили анчагина материал тўпланган. «Вандидод»ни ўзбек тилида эълон қилиш бошланди.¹⁸

«Авесто»—Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари қадимий маданиятининг бебаҳо тарихий ёдгорлиги бўлиб, у жаҳон тарихига диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш тасаввурларини англашнинг битмас-туғанмас манбай сифатида кирган. Ушбу нодир тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик қадимги замонлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида, одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкий, никоҳ-оила муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо, суд ва суд амалиёти масалалари тўғрисида кенг ахборот беради.

¹⁶ Вандидод саккизта фаргардининг барча таржимаси рус тилида қуйидаги китобда тўпланган.: Авеста в русских переводах.-69-125-б; XII- фаргард таржимаси каранг.: Хисматуллин А.А., Крюкова В.Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме.-СПб.,1997.

¹⁷ Мейтарчиян М.Б. Погребальный обряд зороастрийцев.-М.,1999.

¹⁸ Фаргарлар таржимаси «Ўзбекистон овози» газетасида (1999 йил 16 февраль, 1999 йил 19 февраль) ва «Гулистон» журналида (1999 йил).

«Авесто» зардустийлик диний-хуқуқий китобининг тўплами (мажмуаси) ҳисобланади. Зардустийлик асосчиси Спитак Спитама Заратуштра (Сипийтмон Зардуст) инсониятта бирон-бир бошқа диндан кўра бевосита ёки билвосита катта таъсир кўрсатган энг қадимги жаҳон динини яратди. Яхудийлик, насронийлик, ислом, шунингдек, гностик гуруҳлар унинг энг муҳим доктриналарини ўз ичига олган. У будданинг ривожланишига ҳам катта таъсир этган. Зардустийлик наинки қадимий асрларда, балки Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам расмий дин ҳисобланган, Араб халифалиги ва ислом дини қарор топиши даврида қувфинликлар ва сиқувларга қарамай мавжуд бўлаверган.

Зардуст полетеизмни (яъни кўпхудоликни) инкор этган ва Аҳура Мазда шахсида ягона тангрини эълон қилган буюк ислоҳотчи сифатида тарихга кирди, у Эзгулик ва ёвузлик муросасиз қарама-қарши кураши концепциясини, шунингдек, машҳур ахлоқий учлик: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бўлиб, бу унинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг асосини ташкил этди.

Зардуст ислоҳоти фақат диний эмас, балки хўжалик ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун ҳам қаратилгандир. Синфий жамиятта қадар босқичда шаклланган зардустийлик уруғдошликтан давлат тузумига ўтиш мафкурасини акс эттириб, ўзида «одилона шоҳлар» ҳукмронлиги остидаги қучли ҳокимият, йирик давлат бирлашмалари, жамият ҳаётини ижтимоий нормалар қатъий тутилганлик воситасида тартибга солиш, Тақводорлик тартиби ҳукмронлиги ғоясини илгари сурган.

Зардустийлик Шарқда ҳам, Фарбда ҳам бундан кейинги фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурга катта таъсир ўтказган. Унинг концепциялари қатор йирик ғоявий

йўналишларнинг таниқли мутафаккирлари давлат-ҳукуқ таълимотлари учун асос қилиб олинган. Зардуштийлик ахлоқий училигининг Демократ таълимотига таъсирини, задуштийликни чукур ўрганган Гегель фалсафасида зардуштийлик дуалистик концепциясининг аҳамиятини, буюк ислоҳчи Платон бу таълимот билан танишувини, Заратуштра ҳақида эслатиб ўтган биринчи юон олимлари, жумладан, Аристотелни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Зардуштийлик — замон синовидан ўтган таълимотлардан бириди. Кўп асрлар мобайнида турли халқлар ижтимоий ҳаётидаги ўз улуғворлиги ва улкан аҳамияти туфайли ва унинг тарафдорларининг қаттиқ таъқиблари ва кувфинликларига, ислом келиши билан дунёвий аҳамиятини йўқотганилигига қарамай, зардуштийлик ҳозирда ҳам форслар томонидан, асосан Эронда ва Ҳиндистонда эътиқод қилиб келинмоқда, улар авлоддан-авлодга эътиқодларини ўз таълимотига, ўз динлари, анъаналарига бериб келаётирлар, ўз ҳаётларида «Авесто» ақидаларига қатый амал этаётирлир.

«Авесто»нинг жаҳон ҳукуқ тарихидаги нодир ҳукуқий ёдгорлик сифатидаги аҳамияти ошишига унга бўлган илмий қизиқиши вужудга келганилиги ва ундаги мавжуд сиёсий ва ҳукуқий ғояларни тадқиқ этиш зарурияти сабаб бўлди.

«Авесто»даги сиёсий ғоялар

«Авесто»нинг қадимги қисмларининг таҳлили авесто жамияти тўрт бўғинли ташкилот тизими ҳақида хуоса чиқаришга имкон беради. Уй-оила қуий бўғин бўлган, қолган бўғинларни уруғ, овул, қишлоқ жамоаси, қабила, вилоят, мамлакат ташкил этган. Уй — оиласа уй эгаси, урунга — оқсоқол, қабилага — унинг бошлиғи бошчилик қилган. «Миҳр-Яшт»дан ўрин олган олий йўлбошчи, оила

йүлбошчиси, қабила йүлбошчиси ҳақидаги күрсатмалар характерлидір («Яшт», X, 17-19, 87, 115, «Яшт», XIV, I).

Авесто жамияти түртта табақаны белгилайди: коғинлар, жангчилар, чўпонлар — дәхқонлар, ҳунармандлар. Баъзи шарқшунос олимларнинг «Авесто»да фақат дастрлабки уч табақа күрсатилғанлыги ҳақидаги фикри баҳслидір. Манбаларни ўрганиш күрсатишича, авесто жамиятида шунингдек, ҳунурмандлар табақаси ҳам күрсатилған. «Авесто»да қуллар ҳам тилга олиб ўтилған, лекин улар мустақил бир табақага ажратилмаган.

Ҳокимият—«Авесто»даги асосий тушунчалардан бири бўлиб, у ўзидан ҳосил бўлган: «эзгу ҳокимият», «аҳмоқ ҳокимият», «тўла ҳокимият тўғрисида берилған» тушунчалар билан бирга, тадқиқотчилар ҳисоб-китобларига кўра, «Гатлар», яъни «Гоҳлар»да 63 марта учрайди.

Зардушт даври — бу уруғдошлиқ тузилишидаги подачилик ва дәхқончилик қабилалари давридир, унда қабилаларни бирлаштириб, уларни ташқи душманлардан, кўчманчи қабилаларнинг босқинчилик юришларидан ҳимоя қила оладиган бирон-бир давлатчилик, кучли ҳокимият йўқ эди. Шу боис Зардушт кучли ҳокимият ғоясига доимо мурожаат этади, унинг жамиятда фаровон ҳаётни яратиш ва одамларни Аңхура-Ману вужудга келтирган душманлар, ёвуз кучлардан ҳимоялаш учун унинг зарурлигини ҳимоя қиласди. XXXII «ясна»да Зардушт барча ўз ҳукмдорини билиши, адолат бўйича идора этувчи қудратли ва доно ҳукмдорни беришни сўрайди. Шунга ўхшаш ғоялар III, 57, XXX, 4, XXXV, 13, XXII, 5 «Ясна»да, «Яшт» VI, 3 ва бошқаларда мавжуд.

Зардушт таълимоти «Хварно» ёғдусини элтувчи шоҳлар ҳокимиятини ёритиш ғоясини тарғиб қиласди. «Авесто»да «хварно» шоҳ ҳокимияти рамзини билдириб, шоҳлик улуғвор-

лиги билан боғланиб кетали, У ўз эгасига илоҳий фароғатни ва ҳукмронлик учун қонуний ҳукуқни таъминлайди. «Ясна»да «хварно» учун жангнинг баёни, «Замяд-Яшт»да «хварно»нинг шон-шуҳрат шуъласининг афсонавий тарихи келтирилади.

Зардуштийликдаги сиёсий ғояларнинг хусусиятларидан бири уларда барқарор марказлашган бошқарувни, йирик сиёсий бирлашмаларни яратишга бўлган интилишни акс эттириш ҳисобланади. Кучли ҳокимият, тарқоқ воҳаларни ягона давлат тузилмасига айлантириш ғояси — ижтимоий-сиёсий ривожланиш эҳтиёжларини акс эттирганди. «Авесто» зардуштийликдан олдинги вақтга таалуқли бўлган битта катта бирлашмани қайд этади, шоҳ Виштасп хона-донининг қабилаларнинг вақтинча бирлашуви ва охири фожиали якун топган анъаналарини келтириб ўтади, Виштаспнинг ўзи томонидан шу мақсадлардаги уринишлари ҳақида ҳикоя қиласди. «Авесто»да кўпинча биринчи шоҳ Йима «шавкатли мажлислар бошлифи», «эзгу ҳамжамият бошлифи» деб аталади. «Вандидод»нинг I фаргардида вилоятлар рўйхати келтирилади, улардан биринчи бўлиб «Ийрон-Виж» мамлакати — «Арий кенглиги» кўрсатилган, афтидан у бир неча вилоятни ўз ичига олган.

Зардуштнинг сиёсий таълимотини тушуниш учун унинг олам концепцияси — муҳим аҳамиятга эгадир, унга кўра, адабий манбаларда илгари сурилган тахминлар бўйича ер шарининг мавжудлик муддати ўн икки минг йил деб белгиланган. Ажратилган вақт тугаши билан янги босқич — ёруғлик ва зулмат кучларининг кураши босқичи бошланади, у Саошъянт авлоди томонидан дунё ва инсониятни қутқариш билан якунланади.

Зардушт таълимоти шоҳ ҳокимиятининг илоҳий келиб чиқиш тарғиботини ўз ичига олган. Юқорида шоҳнинг «хварно» — нурафшонлик, илоҳий ёғду сочишга эга

еканлиги күрсатиб ўтилған. Ҳокимиятнинг илохий келиб чиқиши тарғиботи ҳақида «Авесто» томонидан бириңчи шоҳ Йима ҳақидаги афсона ҳам гувоҳлик беради, унинг номи идеал инсоний подшоҳдикнинг вужудга келиши билан, унинг ҳукмронлик вақти — одамлар тинчлик ва тотувлиқда яшайдиган баҳтиёр ернинг тузилиши билан нишонланған «олтин аср» ҳақидаги афсона билан бөлгілік. Ҳокимият унинг гуноҳға ботиши билан бирга тұгайди. «Замъяд-Яшт» «Хварно» Варған қуши күренишида Йимадан уч марта кетади.

Бириңчи инсоний подшоҳдикнинг «яштлар»даги ва «Вандидод»даги баёни ҳокимиятнинг келиб чиқиши, идеал жамият харakterи ва бошқалар ҳақидаги қатор масалаларни ойдиналаштиради. Зардустийликнинг сиёсий ғоялар тизимидағи ҳокимият шакллари түғрисидаги масала доно адолатли монарх ҳокимиятини тан олиш зулмкор ҳокимиятни рад этиш күренишда ҳал этилған. Бу унинг таълимотида мустабидлик, зўравонлик, Аҳура Мазда қонунларига бўйсунмаслик, демак, адолатсизлик билан ассоцияцияланади.

«Авесто»да маърифий ғоялар, халқ фаровонлиги ҳақида күйғурувчи, Аҳура Мазда қонунлари бўйича идора этувчи маърифатли, доно подшоҳнинг кучли ҳокимияти ғоялари тарғиб қилинади. Авесто жамияти ҳаётий фаолиятнинг Зардушт тарғиб этган принциплари — машҳур ахлоқий учлик (эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал) ва Оша тимсолидаги ҳаққоний тартиб тантанаси муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Зардушт Оша билан ўзининг адолатли жамиятни қуришга бўлған умидларини бөглайди, унда муқаллас қонунга риоя этишга асосланған ҳаққоний тартиб ҳукмронлик қиласи.

«Авесто»да ҳуқуқий ғоялар

«Авесто»даги мулкий муносабатлар масалаларини парчаланиш босқичида турган, кўпроқ ёки камроқ ривожланган товар-пул муносабатлари, классик тушунчадаги мулкий ҳуқуқ йўқлиги билан характерланувчи Авесто жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда тадқиқ этиш лозим. «Авесто»даги кўрсатмалар мазмунининг таҳлилидан жамоа дехқончилиги ҳақида, маҳсулот айирбошлиш ҳақида гап кетиши мумкинлиги равшан бўлади.

Айни чорда «Вандидод» нормалари одамларнинг кўчмас ва ўрнидан қўзғатиб бўладиган мол-мулклар, ўзлари яшаётган уйларнинг эгалари, экиладиган ерлар ва боғлар, қорамол ва чорва моллари эгалари бўлишган деб ҳисоблашга асос беради. Қайд этиш керакки, мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига тортиб олиш, ўтказишни ҳам ўз ичига олади.

«Авесто» шартномалардаги, қонундаги мажбурий муносабатларни ва етказилган зарарни тўлашни тартибга солувчи нормаларни ҳам ўз ичига олган. Мажбуриятлар шакллари сифатида «варуна» номи остидаги тантанали қасамёд ва «митра» деб аталган битим ва шартнома тан олинади. Ҳар иkkala ҳолда ҳам ана шу шаклларнинг асосини инсоннинг чин сўзи ташкил эттанилигини қайд этиш муҳим. «Авесто»га кўра, Митра — шартнома тангрисидир, у ҳаммасини кўради, тузилган шартноманинг бажарилишини кузатади ва уларни бузганилик учун жазолайди. «Миҳр-Яшт»даги сатрлар характерлидир, уларда битимга, унинг ким билан — иблис, ўзга диндаги ёки одил одам билан тузилганлигидан қатъи назарриоя этиш зарурлиги бевосита кўрсатилади. «Эй авлиё, хоҳ

қонунга бўйсунувчи ҳақиқаттўй билан, хоҳ иблис билан тузилган битимни бузма. Чунки, садоқат, (Митрага билирилган) ҳар иккиси учун — иблисга ҳам, олижанобга ҳам баббаравар даражада мавжуддир («Яшт», 10, «Михр-Яшт», 2).

«Вандидод»га мувофиқ, шартномалар икки шаклда: оддий сўзлар ва қўлни кўлга ишқалаш, яни қўл беришиб кўришиш билан тузилган. «Авесто»да ёзма равишда шартномалар тузилганилиги ҳақида эслатмалар йўқ, бу бирмунча кейинроқ замонларда пайдо бўлган. Шартномавий муносабатларнинг хусусиятларидан бири шундан иборат бўлганики, шартноманинг тузилиш шакли ва айирбошлиш нарса-буюмнинг қиймати унинг аҳамиятидан гувоҳлик берган.

«Вандидод» ўзининг IV фаргардида шартномаларнинг олти турини қайд этади. Дастребки икки тури бир-биридан ташки шаклига кўра фарқ қилган. «Вандидод» уларни оғзаки ваъда қилиш ва қўл бериб кўришиш билан тузишни буоради. Шартноманинг қолган тури айирбошлов предмети қийматига қараб ажратилади. Чунончи Вандидод нормалари бир қорамол боши, бир буқа, тuya қиймати, инсон қиймати ва ниҳоят энг катта қиймат — ер қиймати каби қимматликлар тоифаларини белгилайди, булар тузиладиган шартноманинг муҳимлиги ва катта баҳоси ҳақида гувоҳлик беради.

«Вандидод»нинг IV фаргард, 4-12 бандлар таҳлили асосида шартномавий муносабатларнинг хусусиятини таъкидлаш мумкин, зеро ҳар бир кейинги битимда аввалги битимдагига қараганда қимматлироқ бўлган объект кўйилган ва у аввалгисининг кафолати сифатида чиққан.

«Вандидод»га мувофиқ, ҳар бир бузилган ёки бажарилмаган шартнома катта қийматдаги янги шартномани тузиш билан алмаштирилиши зарур.

«Вандидод» жазолаш тизими билан шартноманинг бажарилишини кафолатлайди. «Вандидод» мутлақо аниқ қатъий буй-

руқ шаклида агар бир томон «битимда алдаган бўлса» жисмоний жазолашни кўллашни кўрсатади. IV фарғарднинг 36-53 бандлари оғзаки битимдаги алдаганилик учун 300 марта тиканак билан жазолашни ва 300 та қалтаклашни, кўл беришиб тузилган битимдаги алдаганилик учун 600 марта тиканак билан жазолашни ва 600 марта қалтаклашни белгилайди.

«Вандидод» нормалари, шунингдек, аҳдни бузган кишининг яқин қариндошларининг гуноҳни юувучи тавбатазарру кўринишидаги масъулиятни ҳам белгилайди («Вандидод», IV фарғард, 24-35 бандлар). Яқин қариндошларга нисбатан белгиланган жазо чоралари аҳдни бузган кишини жазолашнинг асосий чораларига, жумладан, жисмоний жазолашга кўшимча ҳисобланади.

«Авесто»да шартномадан мажбуриятларнинг бошқа турлари, жумладан, биринчидан, бой бўлиш, иккинчидан, никоҳ тувиш ва учинчидан, доно бўлиш келтирилади. («Вандидод», IV фарғард, 126-130 бандлар).

«Вандидод»нинг бир қатор нормалари бошқа шахснинг мол-мулкига, масалан, кўриқчи итнинг ярадорлиги натижасида ва шу муносабат билан кўриқланаётган мол-мulk ёки ҳайвонлар подаси ўғирланиши, етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлар масалаларини тартибга солади.

«Вандидод»га, шунингдек, қонундаги мажбуриятлар, 196 параграфларда тартибга солинган ифлос бўлганинг поизаловчини кўрсатган хизматлари учун мукофотлаш ёки шифокорнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш тартиби аён (VII фарғард, 105-117-бандлар).

«Авесто»да никоҳ-оила муносабатлари масалаларига анчагина эътибор қаратилган.

Авесто жамиятида оила пастлашиб борувчи ва ён чизиқлар бўйича кенг қариндошлик алоқаларидаги одамлардан иборат бўлган, оиласий мол-мулки, истеъмол ва

ишилаб чиқариш умумийлиги, умумий аждоддан келиб чиққанлик билан характерланади.

«Авесто» бўйича қариндошлар гурухлари тилга олинади.

«Вандидод» қариндошикнинг тўққиз босқичини қайд этади: 1) ота-оналар; 2) фарзандлар; 3) ака-ука ва опасингиллар; 4) бобо ва буви; 5) неваралар; 6) тоғалар ва холалар; 7) амакиваччалар ва аммаваччалар; 8) жиянлар; 9) ака-ука ва опа-сингил неваралари. Зардушт таълимотида қариндошик муносабатлари оталиқ, меросхўрлик, ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар, қонунларни бузганиликдаги жавобгарлик масалаларини тартибга солиша катта аҳамиятга эга бўлган.

«Авесто» оиласга жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида катта аҳамият берган, жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон зотининг давом этиши, авесто жамиятнинг яшовчанилиги, диннинг ворислиги ва тарқалиши унинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлган. Шунинг учун никоҳ Олий Тангри Ахура Маздага хуш келувчи иш, никоҳсизлик эса гуноҳ, ёмонлик деб ҳисобланган. Зардушт хотини бор кишининг «хотини бўлмаган кишидан...» устун туришини эълон қиласди. «Уй бошлигининг уй бошлифи бўлмагандан устунлигини... Оила отасининг болалари бўлмагандан устунлигини...» («Вандидод», IV, 138-141).

Зардуштийлик кўйиди-чиқдини, яъни талоқ қилишни қатъян тақиқлаган, эр-хотин садоқатини тарғиб этган, бузукликни, зинокор хотинлар турмуш тарзини лъянатлаган («Яш», XI, 10-13). «Авесто» виждонсиз, яъни зинокор эркаклар ва аёлларни фарзандлии бўлишлек олий инсоний баҳтдан маҳрум этиб, уларни бефарзандликка дучор этади, эр-хотинлик садоқатига хиёнат қўлганлик учун қаттиқ жазо белгилайди.

Зардуштийлик фақат ҳақиқатгўйлар — Ахура Мазда издошлари ўргасидаги никоҳларни ёқлаган, ўзга диндагилар

билан никоҳларни қатъиян тақиқлаган. Очиқдан-очиқ тақиқлар «Вандидод»да мавжуд, ундаги кўрсатмаларга мувофиқ, «тўғрилик уруғини нотўғрилик уруғи билан аралаштирган, девларни қадрловчининг уруғини маздапарастлар уруғи билан, девни у бўлмаган уруғ билан аралаштирувчи киши» Аҳура Маздага энг оғир ранж, энг катта хафагарчиллик етказали. («Вандидод», XVIII, 125-126). Бундай одамлар «Вандидод»да илонлардан хавфли, бўрилардан кўрқинчли ва ҳоказо деб талқин этилади. («Вандидод», XVIII, 127-134).

Бизнинг назаримизда, баъзи таржимонлар томонидан «қариндошлар ўртасидаги никоҳ», «урӯдошлар никоҳи» деб нотўғри таржима қилинган ва шу боис тадқиқотчиларга «Авесто» қон қўшилишга йўл қўяди, деб ҳисоблашга сабабчи бўлган. «Авесто» кўрсатмаларининг тарихий маълумотларни ҳисобга олган ҳолдаги таҳдили бизга «Авесто»да қон қўшиладиган никоҳларга кўрсатмалар йўқ деган хулоса чиқаришимизга олиб келади.

«Вандидод»га кўра, никоҳ муносабатларига кириш учун никоҳ битимини тузиш талаб этилган (IV, 126, 127, 129), «Авесто» томонидан никоҳ ёши белгиланган («Вандидод», XIV, 64-67). Ана шу ёшда балоғатта этилган, йигитлар ва қизлар диндан хабардор қилинган — конфирмациядан, яни синовдан ўтганлар. Вояга етганлик ва динни қабул қилганликнинг рамзи деб «кусма» белбоғи саналган, у конфирмациядан, яни синовдан ўтаётганлар белига боғланган.

«Авесто» бўйича, қизларнинг турмушга чиқиши ҳақида ота-оналари ва васийлар қайғуришлари лозим бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, никоҳ турмуш курмоқчи бўлаётганлар истаги натижаси бўлиб, сўнгра у ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган. «Вандидод»да ота-оналарнинг қизларига сеп беришлари мажбурияти кўрсатилган, маълум буюмлар рўйхати берилган. «Вандидод»нинг

қуидаги кўрсатмалари жуда характерлидир: «Унинг қалбиги покиза эътиқод ва муқаддас қонунга мойил қиссин, яхши ёстиқдошга интиқ қиссин... ёш қизалоқнинг қалди-қомати, ранги-рўйи ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлсин... ўн беш ёшли қиз яхши обрў-эътиборга, шаън ва олтин зиракка эга бўлиб, у яхши эътиқодли эрга турмушга берилсин...» («Вандидод», XIV, 64-67).

Никоҳ тузилиши, «Авесто» бўйича, маълум маросимларда амалга оширилган: ёшларга ўтитлар, ёшларга уларнинг биргаликдаги ҳаётида ёрдам кўрсатиш ҳакидаги дуолар қилинганд, ҳозиргача ҳам зардустийлик издошлари томонидан уларга риоя этилиб келинмоқда. «Ясна»дан, Зардуст томонидан ўзининг кенжা қизи Поручистанинг Ямаспа билан никоҳига бағишлиб тузилган «тўй Гата»си («Гоҳлари»), шунингдек Зардустнинг бошқа никоҳланаётган жуфтларга мурожаати («Ясна», 53) келтирилади. Бундан ташқари, зардустийлар томонидан риоя этилаётган, гарчи ҳозирда бирмунча замонавийлаштирилган бўлса-да, тўй анъаналари билан таққосламалар берилади.

Зардустийлик ҳукукий онга полигам оила шакли маълум бўлмаган, демак, авесто жамиятида оила — моногам шаклида бўлган.

«Авесто»нинг кўрсатмалари эр-хотинларнинг («Виспред», IV, 20-24), ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан мажбуриятларини, болаларни тарбиялаш режимини етарли равиша тўлақонли белгилаб қўйган.

«Авесто» туғилган ва ҳали туғилмаган болаларнинг ҳукуқларини қатый ҳимоя қиласди, абортни тақиқлайди, фақат она, отани эмас, балки абортни қилган кампир ҳам жазоланишини белгилайди («Вандидод», XV, 40-48), аёлнинг авесто жамиятидаги мавқеини тартибга солади, ҳақтўй, покиза аёлни шарафлаб, унга «тимнлар» («Қўшиқлар») куйлайди.

Жиноят ва жазо масалалари бизнинг кунларгача етиб келган «Авесто» қонунчилигида очиқ ва ҳар томонлама тартибга солинган масалалардан бири ҳисобланади. Норматив кўрсатмалар, шунингдек, «Авесто»нинг бошқа қисмларидаги айрим ҳукуқий йўл-йўриқлар зардуштийликнинг жиноят тушунчаси, унинг субъектлари ва объектлари, айрим турлари, жазо чоралари ва шу каби бошқа масалалардаги тартибга солишнинг кенг манзарасини яратади.

«Вандидод»нинг XV фаргардида жиноятта оид ҳаракатларнинг рўйхати бор: 1) содик маздапарастни бошқа эътиқодга, бошқа доктринага қўшиш; 2) пода ёки уйни қўриқлаётган итга қарши қаратилган ножӯя ҳаракатлар; 3) ҳали болаламаган итни калтаклаш, жароҳат етказиш, мажруҳ этиш; 4) йининг маълум кунлардан эркакнинг аёлга яқинлашиши; 5) эркакнинг ҳомиладор аёл билан жинсий алоқа қилиши, агар бунинг натижасида бирон-бир болага зиён етган бўлса.

«Авесто» бўйича, айни бир хил ҳаракатлар; диний маросимлар кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилганлигига қараб қонуний ёки жиноий деб тан олиниши мумкин. Лекин барча маздапараст кучларга қаратилган ножӯя ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланади.

«Авесто» тақрорий жиноятларни кўрсатиб, уларни қилганик учун янада оғирроқ жазони белгилайди, шу билан бирга жазо чораси тақроран амалга оширилган жиноят сонига мутаносиб равишда ошади. У шунингдек, аввалги жиноят жазосини ўтаб бўлмай тақрор жиноят қилишни кўзда тутади.

«Авесто»да жиноят субъектлари сифатида одам ҳам, ҳайвон ҳам эътироф этилган. Жиноят субъектлари тушунчаси асосида шахснинг диний мансублиги ётади. Одамлар, жиноятлар субъектлари сифатида диндор — маздачилар

ва бошқа фикрловчиларга бўлинади. Энг аввало маздачи-лар билан курашаётган барча бошқа мазҳабчилар жиноят субъектлари бўлган. Ёвузлик отаси бўлган Ахура-Ману (Аҳриман) ўзи девларнинг девигина эмас, балки тўғридан-тўғри «фотил» деб аталган. Маздапарастларга келсак, улар Ахура Мазда қонунларининг барча ҳоллардаги бузилишила-рида жиноят субъектлари ҳисобланган.

Қайд этиш позимки, «Авесто»да табақага тегишилигига қараб жиноятларни дифференциациялаш йўқ. Қонунбузар билан бир қаторда унинг яқин қариндошлари ёки оила аъзолари ҳам жиноят субъекти эканлигини тан олувчи кўрсатма ҳам катта қизиқиш уйғотади, улар у билан биргаликда жавобгар бўлиши позим. Жиноят субъектлари сирасига «Авесто», шунингдек, ҳайвонлар, қушлар айниқса, йиртқич қушларни кириптган. «Авесто»да жиноятнинг субъектив томонлари масалалари тўлиқ ишлаб чиқилган. Айни аниқлаш бўйича, жиноятни квалификациялаш, жазони белгилаш учун зарур шарт ҳисобланган («Авесто» олдиндан ўйлаб, қасддан қилинган жиноятни («Вандидод», IV), биринчи марта ва такроран қилинган жиноятни, «тасоди-фаи», «ихтиёрсиз», яъни фаразсиз қилинган жиноятдан аниқ фарқлаб қўяди («Вандидод», XIII, 74-82 бандлар). «Авесто»да «жаҳл устида ақл қочган» ҳолда қилинган жиноятларни «Авесто» етарли даражада, оғир жиноят учун жазони аниқ белгилайди, бунда жазони Ахура-Манудан келиб чиқувчи ёвузлик учун зарур интиқом деб қарайди.

Жазонинг қаттиқлигини, унинг қўрқитувчи характеристики (масалан, тиканак қамчи билан 10000 зарба ва 10000), унинг содир этилган жиноят даражасига мутаносиб эмаслигини (масалан, ёлғон кўрсатма, берганлик учун—700 марта тиканак қамчи билан зарба) таъкидлаш позим.

Жазо қуроллари сифатида тиканак қамчинлар кўпроқ, «темир тифи» эса камроқ тилга олинади. («Вандидод», IV, 154-159).

«Авесто»ни ўрганиш натижасида қуйидаги хulosаларни чиқариш мумкин:

1. Жазо маълум учликни бузганлик шароитларида белгиланади.

2. Ўзга фикрловчилар учун қаттиқ жазо белгиланади.

3. Қаттиқ жазо қасдан қилинган жиноятлар, динга қарши жиноятлар, такрорий жиноятлар учун белгилана-ди. Бунда жазо такроран қилинган жиноятлар сонига қараб ошади.

4. Жазонинг бир турини бошқаси билан бирга қўшиш характерли ҳисобланади.

5. Баъзи жиноятлар «Авесто» бўйича кечирилмас ҳисобланади.

6. Жиноятларнинг маълум тури учун жамоа жавобгарлиги белгиланган, бунда оила аъзоларидан бирининг гуноҳи қариндошларга ёйилади.

7. «Авесто»да жазодан озод этиш ҳоллари маълум.

«Авесто»да жазолашнинг маълум тизим белгиланган:

- а) ўлим жазоси;
- б) қамоқҳонага маҳкум этиш;
- в) жисмоний жазо;
- г) гуноҳни ювиш;
- д) қондошлик ўчи.

«Авесто»ни ўрганиш жиноятларни қуйидагича класси-
фикациялашни таклиф этишга имкон беради;

- 1. динга қарши жиноят;
- 2. шахсга қарши жиноят;
- 3. ҳайвонларга қарши жиноят;
- 4. мулкий жиноят;
- 5. ахлоққа қарши жиноят;

6. табиат кучларига қарши жиноят.

Диний жиноятларга, «Авесто» бўйича, қабила тангрилари қадимги динига топиниш, яъни эътиқод киради. Зардушт ислоҳоти натижасида улар девлар деб зълон қилинганди. «Вандидод»нинг Аҳура Мазда томонидан яратилган ерлар ва Анҳура-Манунинг қаршилик кўрсатиши ҳақида ҳикоя қиливчи I фаргардида Анҳура-Манунинг олий ишонч», яъни маздапараст диндан воз кечиши каби жинояти кўрсатиб ўтилади. («Вандидод», I, 59-62). «Авесто» бундай жиноятда қасдлик аломати мавжудлигини кўради. Диний жиноятлар сирасига «Авесто» диндорнинг ўзга диндаги билан никоҳини, жинояткорона қонунга ўқитишни, атарвон, покловчи вазифаларининг ноқонуний бажарилишини киритади, биринчи марта жиноят содир қилган сектантлар учун ўлим жазосини белгилайди, бунда «темир кески» билан танани кесиб ташлашни, танани темир кишсанлар билан сиқиб ташлашни, («Вандидод», IV, 150-163), «бошни кесиб ташлашни» («Вандидод», IX, 177-184) аниқ-равshan кўрсатиб ўтади.

«Авесто» инсон соғлиғи ва ҳаётига қарши бўлган жиноятларни батафсил квалификация этиб, шунга мос равища жазо чораларини белгилайди. «Вандидод» қасддан қилинган ҳужумни, у «Вандидод»да (IV фаргард, 56, 83-89 бандлар) номини олган, жаҳл устидаги ҳужумни (IV фаргард, 55, 74-81-бандлар), зарба бериш учун суиқасдни — («Уриш учун куролни кўтарган киши ҳужумни оширади») фарқлайди. «Вандидод»нинг IV фаргард 54-банди айбни енгиллаштирувчи икки ҳолатни кўрсатиб ўтади: а) биринчи марта жиноятни содир этиш ва б) ўз айбига иқрор бўлиш. Мазкур фаргарднинг 61-69 бандлари (саккиз мартаға қадар) амалга оширишни назарда тутади, унинг сонига қараб жазо чораси ҳам ошади.

«Вандидод» IV фаргардда тана шикастланишининг турли хил турларини кўзда тутади: оғриқли жароҳат етказиш (90-99 бандлар), кучли жароҳат етказиш (100-106 бандлар), суюк синишига олиб келган зарбани бериш (107 банд), ўлимга олиб келган оғир тан шикастини етказиш (114-банд).

Соғлиқ ва шахсга қарши жиноятлар сирасига шифокорнинг ҳаракатини ҳам киритиш керак, бу ҳаракат натижасида маздачининг саломатлигига маълум зиён етказилган («Вандидод», VII, 100, 101), шунингдек abortни амалга ошириш («Вандидод», XV, 41-48).

(«Вандидод»нинг маҳсус боби ва бошқалар).

Ойнинг маълум кунларида аёллар билан яқинлашишга бағишлиланган «Вандидод»нинг маҳсус боби ва бошқа боблардаги қатор йўл-йўриқлар аёллар соғлиғига қарши жиноятлар тартибини белгилайди.

«Авесто»да ҳайвонларга, айниқса, итга қарши жиноятларни тартибга солиш катта ўринни эгаллади. «Вандидод»да итга, сувсарга қарши жиноятларни кўзда тутувчи йўл-йўриқлар таҳдил этилади, калтаклашнинг турли турлари, ўлдиришгача бўлган шикастларни етказиш, алоҳида ажратиб кўрсатилади, тегишли жазо чоралари келтирилади («Вандидод», XIII, XIV, XV ва бошқалар).

Мулкий жиноятлар қаторида «Авесто» ўғирлик, босқинчилик, қароқчилик ва фирибгарликни атайди, мазҳабчилар биринчи навбатда уларнинг субъектлари бўлади. «Вандидод»нинг бир қатор нормалари фирибгарлик, яъни алдов йўли билан ўзга мулкни эгаллаб олиш каби мулкий жиноятлар турларини тан олади («Вандидод», XXIX, I).

«Вандидод» IV фаргардининг 1-3 бандларида бундай дейилади: «Кимки, адолатли илтимоси бор кишининг ана

шу илтимосини рад этса, у амалда сўралаётган буюмнинг ўғриси, сўралаётган инъомнинг ўғрисидир...»

Ахлоққа қарши жиноятлар «Авесто» томонидан энг қатый қоидалар, бирон-бир ахлоққа зид ва нотабиий ҳаракатларга йўл қўймаслик нуқтаи назаридан тартибга солинган. Энг разил жиноятлардан бири деб ҳисобланган бесоқол-бозлиқ (гомосексуализм) қаттиқ қораланганд («Вандидод», I, 42-43). У кечирилмайдиган жиноят деб эълон қилинган, жиноятчининг ўзи эса «девлар қуроли», «хизматчиси», «қатладаги ва ўлимдан кейинги чинакам дев» деб лаънатланган.

«Вандидод»нинг бир қатор нормаларида «Яшт» ва «Ясна»нинг фаргардларида «шарманда эркак ва беҳаёй аёл»ни лаънатловчи йўл-йўриқлар аниқ ифодаланган. Чунончи, XVIII фаргарднинг 114-121 бандлари зинокор аёл билан яшаганликни жиноят деб тан олади. Ана шундай оғир жиноятлар сирасига «Авесто» бузукчиликни киритади, чунки эр-хотин бевафолиги оилани бузади ва оила негизини бўшаштиради, шу билан бирга болалар туғилиши, авлодлар—насл давомчилари тарбиясини бузади.

Табиат кучларига қарши жиноятлар обьекти ер, сув, олов, ўсимлик дунёси ва ҳоказолар бўлган. Улар оғир жиноятлар сирасига кирган, чунки ҳаёт манбаига тажовуз ҳисобланган. Уларни булғаш авесто жамияти ҳаёт асосини қўпориш билан тенг бўлган. Шу боис «Авесто» улардан фойдаланиш қоидаларини ипидан-игнасигача тартибга соглан, уларни булғашга олиб келувчи ҳаракатларга тақиқларни ва шундай ҳаракатлар учун тегишлича жазоларни белгилаган («Вандидод», 54-83; VII, 300-310) Ерга алоҳида ғамхўрлик қилинган, уни ифлослантирганлик учун кечирилмайдиган жиноят деб эътироф этишгача қадар бўлган қаттиқ жазо белгиланган («Вандидод», 126-129, 142-146; VI, 10-15, 20-29 ва бошқалар).

«Авесто»да суд ва судда ишларни кўриш масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Суд вазифаларини бажариш жамоа имтиёзи бўлган, деб ўйлаш мумкин. Шу билан бирга «Авесто» одил судлов учун маҳсус мўлжалланган шахслар ҳақида шоҳидлик беради.

«Вандидод» ва «Ясна»да қонунни тақсимловчи ҳақида тез-тез эслатмалар учрайди. Энг аввало бу Оша — Ҳақғўй тартибот. Бундан ташқари «Вандидод»да Ахура Мазда қонунларини ва тадқиқотчилар «қонун судъяси» сифатида талқин этувчи ўқитишга чақирилган коҳинлар назарда тутилган қонун ўқитувчиларига бир неча маротаба мурожаатлар бор («Вандидод», V, 75, 82, VII, 151-182). Йўл-йўриқлар матнидан тахмин этиш мумкинки, руҳоний диний вазифаларни бажарибгина қолмай, балки маълум маросимлар, расм-руsum қоидалари амалга оширилишига хайриҳоҳлик қилиши лозим бўлган.

«Авесто» бўйича фикр юритсак, анъаналар бўйича қонуннинг қўлланилиши «Муқаддаслик ўта поклик билан» қонун кучи шаклини тасдиқлаш билан бошланган. Ана шу сўзлар билан қонунда унинг барча мажбурий кучини (кўрсатмаларини) тан оладилар («Ясна», XX, 3-4).

Суд жараёни, «Авесто»дан кўринишича, маълум маросимда, асосан дуолар ўқиш тегишли шаклда айтилиши билан ўтказилиши лозим. Ўрганилаётган материал шаклининг уч тури ҳақида гувоҳлик беради:

1. Кечириладиган шахслар иши бўйича («Вандидод», V, 75-82).
2. Жазоланиши, масалан, ўлимга ҳукм этилиши лозим бўлган шахслар иши бўйича («Вандидод», IX, 171-186).
3. Ҳақоратланганни поклаш чоғидаги покловчининг шакли («Вандидод», IX, 5-6, IX, 33-39).

Судда ишни кўриш, чамаси, муҳобалашув, яъни му-
нозаралашув тусида бўлган. Ишни ҳал этишдан олдин
қоида бузувчининг айби қатор масалаларни, айбдорлик
шаклини — қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайлими, қат-
тиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран
қоидани бузганлик, айбдор ўз айбини тан оладими,
айбдорнинг диний мансублиги ва бошқалар аниқланана-
ди.

Афтидан, мазкур масалаларни аниқлаш учун гувоҳлик
кўрсатмаларидан фойдаланилган. «Вандидод» гувоҳлик
кўрсатмаларини беришнинг маълум қоидаларини — «қасам
олтин суби»да қасамёд этишни ўрнатган, ёлғон кўрсатма
берганилик қаттиқ жазони — 700 марта тиканли қамчин
ва 700 белгиланган. («Вандидод», IV, 164).

Манбалар авесто жамиятига «тангри суди» борлигига
йўл қўяди.

Зардуштийлик насронийлик, яхудийлик, будда, ислом-
га, ривожланишнинг бундан кейинги босқичлари сиёсий
ва ҳукуқий ғояларини шакллантиришга катта таъсир ўтказ-
ган.



ВАНДИДОД



«Вандидод»— «Янги Авесто»нинг кейинги таркибларидан бири. Аммо баъзи авестошуносларнинг фикрига кўра, унинг ўзи яхлит асар бўлиб, қадимий муғларнинг одат ва анъаналари, расм-русумлари, ахлоқ-одоб, маданият ва маорифини ўз ичига олган. «Вандидод» авестойи «Вайдаивадота» сўзининг ихчамлашган шакли бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчи «вай» жузъининг маъноси «узоқлик», «жудолик» маъносини англатиб, кўтилаб авестойи феъллар ва номларга қўшилиб келади. Иккинчи «доива» жузъи «дев» сўзининг кўтилик шакли; учинчи «дота» жузъининг маъноси «қонун», «низом» маънолари ни ифодалайди. Шундан хуроса қилиш мумкинки, «Вандидод» ёхуд «Вайдаивадота» сўзининг ўзбекча маъноси «Девларни узоқлаштирувчи қонун», ёки «Девларга қарши қонун (низом)»дир.

БИРИНЧИ ФАРГАРД ¹

1

Ахура Мазда² Сипийтмон³ Зардуштдан⁴ ҳол сўради-да шундай деди:

2

Мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмасада, халқлари наздида хуш қилиб яратдим.

Агар мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмасада, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун халқлар Ийрон Виж⁵га томон юз бурардилар.

3

Мен — Ахура Мазда — яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу — Доитё⁶ дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман⁷ келди-да Доитиё дарёси қаърида Аждаҳони⁸ яратди. Ва бу зимистон девларини борлиқ олам устидан ғолиб қилди.

4

У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ шу икки ойда ҳам ҳаво, сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуқдир⁹. Зимистон у ерга даҳшатли фалокатлар келтиради.

5

Мен — Ахура Мазда — яратган иккинчи сарзамин ва гўзал юрт Сўғд диёри эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман келди-да, храфстралар¹⁰ жинсига мансуб Скай-атя¹¹ни яратди. У бутун подага ўлим уруфини сочди.

6

Мен — Ахура Мазда — яратган учинчи сарзамин ва гўзал юрт қудратли ва пок Марв диёри эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан гуноҳкор хоҳишларни яратди.

7

Мен — Ахура Мазда — яратган тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, адоватдан Браварани¹² яратди.

8

Мен — Ахура Мазда — яратган бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Балх, Марв оралиғидаги Нисоядир.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, душманликдан умидсизлик ёзуғларини яратди.

9

Мен — Ахура Мазда — яратган олтинчи сарзамин ва гўзал юрт Ҳирот ва унинг дарёчасидир.¹³

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, қаҳр-ғазабдан кўз ёш ва зардобни яратди.

10

Мен — Ахура Мазда — яратган еттинчи сарзамин ва гўзал юрт бадсояли Ваиҳа Гирта¹⁴ эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан пари Ҳнасатайни¹⁵ яратди. У Гаршаспга¹⁶ қовушди.

11

Мен — Ахура Мазда — яратган саккизинчи сарзамин ва гўзал юрт кенг яйловли Авравадир.¹⁷

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да зулмпарвар фармонлар гуноҳини яратди.

12

Мен — Ахура Мазда — яратган тўққизинчи сарзамин ва гўзал юрт Гўргондаги Хинтадир.¹⁸

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да кечирилмас гуноҳ бўлган «баччабозлик»ни яратди.¹⁹

13

Мен — Ахура Мазда — яратган ўнинчи сарзамин ва гўзал юрт дилкаш Ҳараваятадир.²⁰

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да «мурдаларни тупроққа топширишлек» кечирилмас гуноҳни яратди.²¹

14

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн биринчи сарзамин ва гўзал юрт серҳосил Ҳийрманддир.²²

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан жодугарларнинг зиёнли жодуларини яратди.

15

Жоду афсункор нигоҳ йўлидан ҳосил бўлади. Ҳар вақт жоду йўлиқар бўлса ва афсун бош кўтарса, жодуни маҳв эттувчи амал бажарилади.

16

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн иккинчи сарзамин ва гўзал юрт уч баҳодир хукмрон бўлган Райдир.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан суст эътиқодлилик гуноҳини яратди.

17

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн учинчи сарзамин ва гўзал юрт қудратли ва пок Чахрадир.²³

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да хусуматдан «мурдор ёқувчилар»нинг²⁴ кечирилмас гуноҳини яратди.

18

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт Аждаҳони мағлуб этган Фариудун²⁵ дунёга келган тўрт гўшали Варинадир²⁶.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да «бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини» ва ёт ҳукмдорлар асоратини яратди.

19

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Ҳафтруддир²⁷.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да да «бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини»²⁸ ва қаттиқ иссиқликни яратди.

20

Мен — Ахура Мазда — яратган ўн олтинчи сарзамин ва гўзал юрт Рангҳа дарёси сарчашмаси атрофидаги бесар ҳалқлар яшовчи макондир²⁹.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан девлар яратгувчи зимистонни борлиқ оламга ғолиб қилди.

21

Жуда кўп гўзал ва роҳатбахш сарзаминалар, юртлар, кишварлар бор. Уларни ҳам мен — Ахура Мазда — бунёд этдим.

ИККИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Зардушт Ахура Маздадан сўради:

— Эй Ахура Мазда! Эй, оламлар нури! Эй, яхшилик дунёсини яратгуви! Эй, Ашаван!³⁰

Сен — Ахура Маздасан, мен — Зардуштман. Сўйлачи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол-аҳвол сўрдинг?

Кимга Ахура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

Сен — Ахура Мазда — сен — Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан³¹ ҳол сўрдим ҳамда Ахура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим.

3

— Эй Зардушт!

Мен — Ахура Мазда унга дедим:

— Қулоқ сол, эй Вайвангҳоннинг ўғли, қуёш юзли Жам!

Сен жаҳонда менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтгувчи бўл!

— Эй, Зардушт!

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

— Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгувчи ва динингни элтгувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!

4

— Эй, Зардушт!

Шунда мен — Ахура Мазда унга дедим:

Агар менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элтгувчи бўлмасанг, унда менинг жаҳонимга кенглик баҳш айла. Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўл!

5

— Эй, Зардушт!

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

— Мен сенинг жаҳонингта кенглик баҳш этаман. Мен сенинг жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўламан!

Менинг салтанатимда на совуқ бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на ўлим бўлади.

6

Шундан сўнг мен — Ахура Мазда — унга түхфа тақдим этдим: бири — заррин сувра³², иккинчиси зарнишон аштра³³.

7

Шундай қилиб, Жам менинг Шаҳриёрим бўлди.

8

Ўшанда Жам ҳукмронлик қилган мамлакатда уч юз зими斯顿 бош кўтарди. Ба бу замин тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тўлди. Сурувлар, тевалар уюри, одамлар заминга сифмай қолишиди.

9

Кейин мен қүёш юзли Жамни огоҳ этдим:

— Эй қүёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргувчи қизил оловларга тўлди ва барҳам топди.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар бу заминдан жой тополмаган.

10

Шунда Жам ёруғлик сари, Жанубга томон, қүёш кенгликларига йўл солди. Ба заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркади, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

— Эй Спандармаз!³⁴

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени кўрсинглар!

11

Шундан сўнг, Жам ер юзига бир одим кенглик баҳш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишиди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишли.

12

Ўшандаги Жам салтанатига олти юз зимистон бостириб келди. Ер юзи сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тўлиб кетди.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сифмай қолишли.

13

Шундан кейин, мен қүёш юзли Жамни огоҳ этдим:

— Эй қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, куйдиргувчи қизил оловларга тўлди ва барҳам топди.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сифмай қолишиди.

14

Шунда Жам ёруғлик сари, Жанубга томон, қуёш кенгликларига йўл солди. Ва заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркали, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

— Эй Спандармаз!

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени кўрсинашлади!

15

Шундан сўнг, Жам ер юзига икки одим кенглик баҳш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишиди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишиди.

16

Ўшандаги Жам салтанатига тўққиз юз зимистон бостириб келди. Ер юзи сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар ва куйдиргувчи қизил оловларга тўлиб кетди.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сифмай қолишиди.

17

Шундан сўнг, мен қуёш юзли Жамни огоҳ этдим:

— Эй қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Бу замин сурувлар, тевалар уюри, одамлар, итлар, парранда-ю даррандалар, күйдиргувчи қизил оловларга тұлди ва барҳам топди.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар ер юзига сиғмай қолишиди.

18

Шунда Жам ёруғлик сари, Жанубға томон, қүёш кенгликларига йўл солди. Ва заминга заррин сувра воситасида ҳаво пуркади, аштра қамчини билан савалади ва шундай деди:

— Эй Спандармаз!

Шафқат нурларини замин узра ёғдир, кенгликлар ато айла.

Сурувлар, тевалар уюри ва одамлар сени кўрсиналар!

19

Шундан сўнг, Жам ер юзига уч одим кенглик баҳш айлади. Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишиди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишиди.

20

... Бу кенглик бағрига сурувлар, тевалар уюри, одамлар келишиди. Улар кўнгиллари тусаган ерларни ватан тутишиди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

21

Яратгувчи Аҳура Мазда Ийрон Виждаги эзгу Доитё дарёси соҳилида олам худолари билан анжуман ўтказди.

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид (Жам) Ийрон Виждаги эзгу Доитё соҳилидаги энг гўзал одамлар билан анжуман ўтказди.

Яратувчи Ахура Мазда Ийрон Виждаги эзгу Доитё дарёси соҳилида олам худолари билан ўша анжуманга ташриф буюрди.

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид (Жам) Ийрон Виждаги эзгу Доитиё соҳилида обрў-эътиборли одамлар билан ўша анжуманга ташриф буюрди.

22

Ўшанда Ахура Мазда Жамга деди:

— Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Астуманд³⁵ оламга баттарин қаҳратон қалин қорлари билан тушиб келади. У аёвсизликда ўлимга менгзар.

Ўша баттарин қаҳратон астуманд оламга қалин қорлар билан тушиб келади. Баланд тоғларга қорлар ёғади Аридвой³⁶ баландлигига.

23

Эй Жам!

Уч томондан қўйлар суреви келади. Улар ғоят хавфли манзиллардан келадилар: тоғларнинг юксак чўққиларидан, қишлоқларнинг чуқур ерларидан...

24

Эй Жам!

Қаҳрли қаҳратондан бурун сувлар шиддат билан оқсан бу сарзаминларда гиёҳ ва ўт-ўланлар ғоят сероб бўлади. Аммо қаҳратон оёғи етгач у бутунлай кириб келгач, қорларнинг қутиришини кўрсанг. Энди бу заминда суревларнинг ҳайратбахш оқимидан ном-нишон тополмайсан.

25

Шундан сўнг сен, эй Жам! —

Ҳар бирининг тўрт томони асприйс³⁷ узунликдаги бўлган вар³⁸ бино қил. Қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи қизил олов гуруҳларини у ерга олиб бор.

Сўнгра сен, эй Жам! — одамларнинг яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил.

Сигирлар ва қўйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар барпо айла.

26

... У ерда сувлар узунлиги бир ҳосар³⁹ бўлган ўзанларда шитоб билан оқадилар.

... У ерда ям-яшил ва ҳуррам, ҳамиша егулик ва қутбарақотли яйловлар яратгин.

... У ерда кенг ва баланд уйлар кур.

27

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши эркак ва урғочиларнинг уруғларини олиб бер.

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши жониварларнинг хилма-хил уруғларини олиб бор.

28

... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб бер.

... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб бер.

... Нобуд бўлмасликлари ва йўқ бўлиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қил.

29

Бироқ зинҳор у ерга букрилар, пуштсизлар, ғўллар, дрявака⁴⁰, дайвак⁴¹, касвиш⁴², визбориш⁴³, сўйлоқ тишли, пес, умуман, Аҳриман ўз доғини қолдирган бирор бир кимсани кирита кўрма!

30

У кенгликда тўққиз ўтар жой қил. Ўрталиқда олти, куйилиқда уч.

Эркак ва урғочиларнинг минг дона уруғини ўша кенглиқдаги ўтар жойларга олиб бор. Олти юз уруғ ўрталыққа, уч юз уруғ қўйилиққа.

Уларни заррин сувра билан вар томон ҳайда. У варга ичдан нур таратгувчи дарвоза қур.

31

Шунда Жам ўз-ўзича андиша қилди:

Шунда Ахура Мазда Жамга деди:

— Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек ерни тово-нинг билан эзғила ва қўлларинг билан шудгор қил!

32

Шунда Жам Ахура Мазда истагини бажо айлади:

одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек, ерни тово-нида эзди ва қўллари билан шудгор қилди.

33

Ўшандада Жам ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигига бўлган вар бино қилди ва қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва куйдиргувчи қизил олов уруғларини у ерга олиб борди.

Ўшандада Жам одамлар яшамоги учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигига бўлган вар бино қилди. Сигирлар, қўйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигига бўлган вар барпо айлади.

34

Шундан сўнг у ерда сувлар узунлиги бир ҳосар бўлган ўзанларда шитоб билан оқдилар.

... У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-баракотли яйловлар яратди.

... У ерда кенг ва баланд уйлар қурди.

35

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши эркак ва урғочиларнинг уруғларини олиб борди.

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши жониварларнинг хилма-хил уруғларини олиб борди.

36

... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб борди.

... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб борди.

... Нобуд бўлмасликлари ва йўқ бўлиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қилди.

37

... Ва у ерга буқрилар, пуштсизлар, ғўллар, дуясана, дайвак, касвиш, визбориш, сўйлоқ тишли, пес, умуман, Аҳриман ўз доғини қолдирган бирор-бир кимса йўл тополмади.

38

У кенгликада тўққиз ўтар жой қурди. Ўрталикада олти, қўйилиқда уч.

Эркак ва урғочиларнинг минг дона уруғини ўша кенглиқдаги ўтар жойларга олиб борди. Олти юз уруғ ўрталиққа. Уч юз уруғ қўйилиққа.

Уларни заррин сувра билан вар томон ҳайдали. У варга ичдан нур таратувчи дарвоза қурдириди.

39

Зардушт сўрди:

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Жам бино қилган вар хоналаридаги ёруғлик — эй, Аҳура Мазда Ашаван — сўйлагил, недир?

40

Аҳура Мазда деди:

— Ўзини ва борлиқни яратган ёруғлик.

У ерда юлдузлар, ою қуёшнинг пайдо ва пинҳон бўлиши йилда бир марта юз беради.

41

Ва улар (варда истиқомат қилувчилар) кунни йил деб гумон қиласидар. У ерда эркак ва урғочи жуфтларнинг қўшилишидан қирқ зимиstonда эркак ё урғочи дунёга келди. Турли биялар ҳам худди шундай.

Жам бунёд этган вардаги хоналарда истиқомат қилувчилар тириклар ичидаги энг баҳтиёр кимсалардирлар.

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Жам бино қилган вар хоналарга маздапарастлик динини ким олиб борди?

Аҳура Мазда деди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Гаршифт қуш!⁴⁴

Эй, Ҳақиқат!

— Улар учун энг буюк ва доно ким?

Шунда Аҳура Мазда деди:

— Эй, Зардушт!

Арвататнара⁴⁵ ва сен — Зардушт!

УЧИНЧИ ФАРГАРД БИРИНЧИ БҮЛЛМ

1

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра баҳтлироқ бўлган дунёдаги
биринчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:
— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундай жой қўлда покиза ўтин, барсам⁴⁶, ҳована⁴⁷ ва
янги соғилган сут тутган, ўз амад-эътиқодига дилда ишон-
чи собит, ўқтам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур
ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ
босган заминдир.

2

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра баҳтлироқ бўлган дунёдаги
иккинчи жой қаер?

3

Аҳура Мазда жавоб берди:

Бундай жой бир Ашаван уй тикланган макондир. Ўша уйда
мубад⁴⁸ рўзгор тебратади. Сигирлари галаси ва уй бекаси, фар-
зандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши
парвариш қилинади. Ашаванлик афзун бўлади. Тевалар хўраки
фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси баҳтиёр,
фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради.

Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қову-
шади.

Бундай жой дунёдаги иккинчи баҳтиёр заминдир.

4

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра баҳтлироқ бўлган дунёдаги
учинчи жой қаер?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўпроқ буғдой, ёғ
ва мевали дараҳтлар эккан, одамлар қуруқ ерларга сув
чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир.

5

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра баҳтлироқ бўлган дунёдаги
тўртинчи жой қаер?

Ахура Мазда жавоб берди:

Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп
парвариш қилинадиган заминдир.

6

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра баҳтлироқ бўлган дунёдаги
бешинчи жой қаер?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой сернасл қўйлар ва тевалар яшайдиган
заминдир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ фуссага гирифтор бўлган дунёдаги
илк жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай жой Аризвар⁴⁹ тогининг кифти бўлиб, унинг саҳнида дўзах мөғораларидан чиққан девлар жам бўладилар.

8

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ фуссага гирифтор бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

— У одамлар ва итларнинг кўплаб мурдорлари (лош, жасад) тупроққа кўмилгувчи жойдир.

9

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ фуссага гирифтор бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У сонсаноқсиз даҳмалар тикланиб, унинг ичига одамларнинг мурдорлари қалаштириб кўмиладиган жойдир.⁵⁰

10

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ фуссага гирифтор бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У Аҳриман яратган маҳлуклар кўплаб ин курган макондир.

11

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги бушинчи жой қаер?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардуст!

У қуруқ ва губорли кўчада ўлдирилган Ашаван ортидан унинг хотин ва фарзандлари оҳу фифон чекиб бораётган жойдир.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

12

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган илк кимса ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— У одамлар ва иллар жасадини тупроқдан энг кўп чиқариб ташлаган зотдир.

13

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган иккичи кимса ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— У мурдалар қалашиб ётган дахмаларни бузиб ташлаган зотдир.

14

Одам зотидан ҳеч бир киши мурдани ёлғиз ўзи дахмага олиб бормаслиги керак. Кимда-ким ёлғиз бир ўзи мурдани дахмага олиб борса, наас⁵¹ унга ҳамла қиласи ва бурун, кўз, оғиз, эркаклик ё аёллик аврати ёхуд

мурданинг ортидан кириб уни ўлғайди ва палид қиласди.

Дуруж⁵² ва насв унинг ичига кириб олади ва тирноқ-ларининг орасигача булғаб ташлайди. Шундан сўнг, у нопок бўлади ва нопоклигича қолади.

15

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Ўликни ёлғиз бир кимса даҳмага элтадиган жой қаерда?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Ер юзининг сувсиз, бўм-бўш, қулп-қуруқ қисми. Кўйлар суреви ва йилқи у ердан ниҳоятда оз ўтади.

Олов — Аҳура Мазданинг ўғлони у ерда камдан-кам ёқиласди.

Барсам дасталари ва диний урфлар у ерда деярли кўзга ташланмайди. Ашавонлар у ердан аҳён ўтиб қоладилар.

16

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

— Оловдан нечоғли узоқда?

— Сувдан нечоғли узоқда?

— Барсам дасталаридан нечоғли узоқда?

— Ашавондан нечоғли узоқда?

17

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Оловдан уч қадам олис.

— Сувдан уч қадам олис.

— Барсам дасталаридан уч қадам олис.

— Ашавондан уч қадам олис.

18

Маздапараастлар у ернинг атрофини айланасига ўраб қўйишлари керак (бундай жой «армишгоҳ», яъни «нопок шахс жойи» дейилади — тарж.). Унга хўрак ва энгил-бош берсинлар. Энг ёмон хўрак ва энг исқирт кийим-бош. Хўрак жуда оз бўлиши ва таом ҳам начиз бўлиши зарур.

19

Ўша иҳоталанган жойда у (нопок шахс) қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолгунича яшashi керак.

20

Қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолганидан кейин маздапараастлар паҳлавон, забардаст бир эркакка амр қилинлар, уни баланд тоғ бошига олиб чиқсин-да, терисини сидириб, бошини танадан жудо қилин. Шундан кейин унинг мурдорини (жасадини) Ахура Мазда яратган ўлаксахўр зоғларнинг олдига ташлаб юборсин ва ушбу сўзларни айтсин:

21

«Бу ерда ётган одам ўзининг бутун аҳриманий андишлари, сўзлари ва амалларидан пушаймондир. Агар бошқа бир кишининг аҳриманий амаллари бу одам орқали юз кўрсатган бўлса, патити⁵³ қонунига мувофиқ афу этилади. Борди-ю бу одам бошқа ҳеч қандай аҳриманий амалларни қилмаган бўлса, унинг шу пушаймонлиги абалий мағфиратига кифоят қиласди.»⁵⁴

22

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ баҳтиёр қилган учинчи кимса ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Аҳриман бино қилган инларни энг кўп вайрон қилган зот.

23

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан қўра қўпроқ баҳтиёр қилган тўртинчи кимса ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дараҳтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

24

Узоқ замон экilmagan va omoch tegmagan zamin baxtsizdir. U omochni orzu қiladi. Bunday zamin baloғat pallasiga kirgan soҳibjamol қizdir. Bu қiz farzand kўriш va jaҳshi ёстиқdoшga intiқdir.

25

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик баҳш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстиқdoшига farzandlar туғиб беради. Zamin ҳам mўl-кўл mevalarни inъom этади.

26

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

27

— Эй, мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот!

Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-қўл буғдой етиштираман.

28

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

29

— Эй мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилмаган зот!

Сен бегоналар эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради. Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар.

30

— Эй, дунёни яратган зот!

Эй, Ҳақиқат!

Мазда динини қандай таом тўйғизади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Буғдой экмоқ ва яна буғдой экмоқ.

31

Кимда-ким буғдой экса, у Ашаҳни (ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қиласди.

32

Қачонки әгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан құпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб қўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйини чирмаб ташлайди.

33

Руҳонийлар ушбу варжованд мансарасини⁵⁶ одамларга ўргатсингилар.

«Ҳеч ким хўраксиз Ашаҳ қонунларига амал қилиш кудратига эга эмас. Омоч тортиш кудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтирмоқ кудратига эга эмас.

Моддий оламда ҳалқ қилинган ҳар бир мавжудот емак билан тирикдир, емаксиз ўлиқдир».

34

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ баҳтиёр қилган бешинчи кимса ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган Зот!

35

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни шудгор қилиб уни меҳрибонлик ва парҳезлик билан бир Ашаванга топширса, Спандармаз уни замин қаърида, ҳасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шўрбаҳтлик сарзаминида девлар макони — дўзах тубига улоқтириб ташламайди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

36

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, олти ойгача тупроқдан олмаса бу гуноҳнинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Беш юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра⁵⁷ билан, беш юз қамчин саравушу-чарана⁵⁸ билан саваланади.

37

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, олти ойгача тупроқдан олмаса бу гуноҳнинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

38

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топ-

шириб, икки йилгача тупроқдан олмаса бу гуноҳнинг жазоси нечук, бу гуноҳкорликнинг товони нима, қандай қилиб у бу гуноҳдан пок бўлади?

39

Ахура Мазда жавоб берди:

Бундай гуноҳга ҳеч қандай на жазо, на товон бор. Бундай гуноҳкорликка бирор бир жазонинг имкони йўқ. Дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди.

40

— Қандай ҳолатда содир бўлади?

— Гуноҳкор Мазда динининг мураббийси, ёхуд бу диндан батамом огоҳ бўлган чоғда ушбу ҳол содир бўлади. Борди-ю гуноҳкор Мазда динининг мураббийси, ёки бу диндан огоҳ бўлмаса ва ўз қилмишига қаттиқ пушаймон бўлса ҳамда қайтиб нораво кирдикорларга қўл урмаса, Мазда унинг гуноҳларини афв этади.

41

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда, кимда-ким бу динни қабул қиласа, ўз ёзуфлари бандидан халос бўлади.

Мазданинг дини нодуруст амалларни кечирали. (Ўғирлик гуноҳ эканини билади, бироқ бадавлат одамнинг молини ўмарид, уни бенаволарга бермоқни ашаванларча (яъни, ҳақ иш) мардоналик, деб гумон қиласи).

Мазданинг дини ашаванлардан бирор бир кишини ўлдирган зотни афу этади. (У биладики ўлимга муносиб одам қатл қилиниши керак. Бироқ у бундай амал ҳакамнинг амрисиз бажарилмаслигини билмайди).

Мазданинг дини жасадни тупроққа топширишини афу этади. (У мурдани тупроққа топширмоқ нораво эканини

билади, аммо гумон қиласиди, борди-ю шундай қиласаса итлар ёхуд шоқоллар мурдани тортқилаб, сувга ёхуд оловга ташлашлари мумкин).

Бинобарин, у мазкур амалини ашаванларча (яни, ҳақ иш) мардоналиқ, деб гумон қиласиди.

Мазданинг дини энг қаттиқ гуноҳнинг жазосини афв этади. (У энг олий ҳузур-ҳаловат, энг олий баҳрамандлик право эканини билади, бироқ бу сўнгсўз ҳузур-ҳаловат ва олий баҳрамандлик ашаванларга (яни, ҳақ йўлдагилар) нораво эканини билмайди).

Мазданинг дини одамлар истар-истамас қўлларини булғашлари мумкин бўлган гуноҳларни афу этади.

42

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мазданинг дини шамол саҳроларни шитоб билан тозалагани каби Ашаваннинг (Ҳақ йўлдаги киши) ҳар қандай андишасини, сўз ва амалини поклайди.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундан кейин сенинг барча амалларинг эзгу бўлгуси. Мазданинг дини сенинг гуноҳнинг учун оғир товоң беради.

ТЎРТИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

2

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Қасамларнинг саноғи нечадир!
Аҳура Мазда жавоб берди:
— Менинг қасамларим олтита:⁵⁹
бириńчи — сўз қасами;
иккинчи — қўл қасами;
учинчи — қўй қасами;
тўртинчи — сигир қасами;
бешинчи — одам қасами;
олтинчи — экин қасами; энг яхши, энг обод, энг
серҳосил заминдаги экин.

3

Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзниңг ўзи деб тасвир
этса, уни қўл қасами билан тузатиши ва қўл қасамининг
товоринини тўлаши керак.

4

Қўл қасамини қўй қасами билан тузатиши ва қўй
қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир
қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва
унинг ўрнига одам қасамини бериши керак.

Одам қасамини экин қасами билан ислоҳ қилиши ва
экин қасамини унинг ўрнига бериши керак.

5

— Эй, дунёни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юзтасига тенгдир.⁶⁰

6

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг олти юзтасига тенгдир.

7

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг етти юзтасига тенгдир.

8

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг саккиз юзтасига тенгдир.

9

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг тово ни ўша қасам баҳосининг тўқиз юзтасига тенгdir.

10

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг тово ни ўша қасам баҳосининг мингтасига тенгdir.

11

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уч юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

12

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Олти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

13

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Етти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етти юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

14

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Саккиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, саккиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

15

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Тўққиз юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўққиз юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

16

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Минг юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

17

Кимда-ким бирорни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи «очирпата»дир.⁶¹

Кимда-ким бироннинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи «авауйрайшта»дир.⁶²

Кимда-ким ғараз билан биронни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи «аридуш»дир.⁶³

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса у «пишавтани»⁶⁴ бўлади.

18

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «очирпата» гуноҳи билан булғанса, гуноҳининг жазоси не бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Иккинчи дафъа ўн қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Учинчи дафъа ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

19

— Тўргинчи дафъа ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Бешинчи дафъа эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Олтинчи дафъа олтмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Еттинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

20

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагач, саккизинчи марта «очирпата» ёзуви билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдори «пишавтану»дир. Гуноҳнинг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

21

Кимда-ким «очирпата» гуноҳи билан булғанса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдори «пишавтану»дир. Гуноҳнинг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

22

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ўн қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Иккинчи дафъа ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

23

Учинчи дафъа ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Тўртинчи дафъа эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи дафъа етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Олтинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

24

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлаганидан кейин ҳам, еттинчи марта «авауйрайшта» гуноҳи билан булғанса, гуноҳининг жазоси не бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

25

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «авауйрайшта» гуноҳи билан булғанган бўлса ва товоң тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

26

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «аридуш» гуноҳи билан булғанган бўлса, унинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ўн беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўн беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

27

Иккинчи дафъа ўттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, ўттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи дафъа эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Тўртинчи дафъа етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи дағың түқсөн қамчин аспаҳиң-ашатра билан, түқсөн қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

28

— Эй, дунёни яраттан Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тұлагандан кейин ҳам олтинчи марта «аридуш» гуноҳи билан булғанса, унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтандырылыш» дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиң-ашатра билан, олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

29

— Эй, дунёни яраттан Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким «аридуш» гуноҳи билан булғанса ва товон тұлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтандырылыш» дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиң-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

30

— Эй, дунёни яраттан Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким бирорни уриб, унга қаттық шикаст етказса жазоси нечук?

31

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ўттис қамчин аспаҳиң-ашатра, ўттис қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, эллик қамчин саравушу-чарана билан дафъа марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Тўртинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

32

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагандан кейин ҳам бешинчи марта ушбу гуноҳ билан булғанса, унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтанду»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

33

Кимда-ким «аридуш» гуноҳи билан булғанса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтанду»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма саравушу-чарана билан саваланади.

34

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бирорни уриб, унинг қонини оқизган кимса ёзугининг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра, эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

35

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагани ҳолда тўртнчи марта ушбу гуноҳ билан булғанса, унинг жазоси қандай?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтсану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

36

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бирорга шикаст етказиб, унинг қонини оқизган ҳолда товоң тўлашдан бош торған кимсанинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтсану»дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

37

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бирорни уриб, суюгини синдирган кимса ёзумининг жазоси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

38

— Бурунги ёзуғлари учун товон тўлаган ҳолда учинчи марта ҳам гуноҳ билан булғанган кимсанинг жазоси қандай?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг қилмиши «пишавтанду» дейилади. Гуноҳининг сийлови йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

39

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳакиқат!

Бирорни уриб, унинг суюгини синдирган ҳолда товон тўлашдан саркашлик қилган кимса гуноҳининг жазоси нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдикори «пишавтанду» дейилади ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма марта саваланади.

40

— Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳакиқат!

Бирорни калтаклаб, уни ҳушидан кетқизган кимсанинг жазоси нима бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

Аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан тўқсон марта, саравушу-чарана қамчини билан олтмиш марта саваланади.

41

— Дастрлаб гуноҳининг товонини тўлаб туриб ҳам қайта ушбу гуноҳни содир этган кимсанинг жазоси ҳақида хабар бер!

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг қилмиши «пишавтану» деб юритилади ва бу гуноҳи учун аспаҳиҳ-ашатра қамчин билан йигирма марта, саравушу-чарана қамчини билан йигирма марта калтакланади.

42

— Эй, оламларни бино қилган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Бир кимсани уриб, ҳушидан айиргани оқибатида тонон тўламоқдан саркашлик қилган зўравоннинг топқуси жазосидан мени огоҳ эт!

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг кирдикори «пишавтану» деб юритилади ва топқуси оқибати аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан калтакланади.

43

Юқорида баён этилган жазолар ниҳоясида бу гуноҳ-корлар покланадилар ва ашаван бўладилар. Шундан сўнг, Мазда динига амал қилмоқда давом этадилар.

ТЎРТИНЧИ БЎЛIM

44

Икки киши, хоҳ диндош, хоҳ биродар, хоҳ дўст бирбирови билан нима хусусдадир паймон боғласалар — бирбирови иккинчисининг хонадонидан ўзига хотин танласа, ёхуд билим олмоқни истаса, сўзсиз унинг талаби қондиримоғи ва хоҳлаган нарсаси берилмоғи керак. Агар талабгор унинг хотинини истаса берилади, дин илмини ўрганмоқни хоҳласа — ўргатилади.

45

...У куннинг ибтидоси ва интиҳосида, у туннинг аввали ва охирида билим олмоғи, тафаккур ва донишга

лиммо-лим бўлмоғи, ниҳоят ашаваник йўлида шундай манзалатга етмоғи керакки, илоҳлар шаънига ҳамду санолар айтсин, уларни эзгу қаломлар билан ардоқласин. Ва шу йўсинда ўз билимини зиёда қилсан.

...У куннинг ўртаси ва туннинг ўртасида жуда роҳатланаб, сирли оғушларда маст бўлганча ором олмоғи, шундан сўнг илм ортидан шу қадар жидду-жаҳд этмоғи керакки, ўтмиш донишмандлар қолдирган ҳамма нарсани жону дилдан ўрганиб олсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

46

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қархисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўйламасин.

47

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир.

Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир.

48

...Икки кишидан бири ўзини гўшт билан тўйғизса, иккинчиси оч қолса. Ул биринчисидан яхшилик ёғилгай.

¹ Кунни хўраксиз, хусусан, гўшт тановул қилмасдан ўтказадиганлар бор. Биз ҳам парҳез қиласиз, бироқ таомдан эмас, балки фикр, сўз ва амалда ёмонликдан тийиламиз. Баъзи динларда таомдангина тийилади, холос.

Очнинг мурдадан фарқи йўқ.

Тўқ очга нисбатан бир аспирина⁶⁵, бир қўй, бир одамчалик афзаликка эга.

49

(алиф)

Тўқ одам ўлим келтирувчи астуваязуту⁶⁶ девларига қарши жангларга дош беради. У тирик жонни маҳв этгувчи заволпараст кучларга баробар тура олади. У энг нозик тан либоси билан зимистон девларининг шиддатига тоб беради. У ўз ҳукмдори амрига мутобиқ, ёмонликка қарши бош қўтаради ва уни забун айлайди. У ҳеч нарса тановул қилмайдиган фитна-фасод деви Ашмуғ⁶⁷га қарши мубориза қиласди...

50

(би)

...Сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг ёзуғи авф этилмасдир. У иккинчи дафъя тавбага кўз тутолмагай.

51

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудини ўтмас бир анжомда кесиб бурдалашдан-да даҳшатлироқдир.

52

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб одамзот вужудига ўтмас қозиқларни қоқмоқдан-да чандон даҳшатлироқдир.

53

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб тоғлар чўққисидан

тубсиз жарга боши билан ташлаб юборилган одам ваҳ-
мидан кўра чандон даҳшатлироқдир.

53

Бу гуноҳнинг дўзахда топқуси ажри дунёдаги жамийки
дардлардан қаттиқроқдир. Бу азоб дорга тортилган одам
ваҳмидан чандон даҳшатлироқдир.

54

Покиза сув ва ёниб турган олов қархисида густоҳлик
қилган зотнинг дўзахда топгуси жазоси бу дунёнинг
жамийки дарду озорларидан мудҳишдир.

55

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! — деди
Сигийтмон Зардушт...

БЕШИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛIM

(алиф)

1

Қачонки бир одам дарра остида жон таслим қилса ва тоғ
чўққисида ўтирган қуш у ерга шўнғиб келса-да ўша мурдор-
дан бир парчасини esa, сўнг тоғ чўққисига қайтиб, қаттиқ
шохли ё мулойим шохли дарахтга кўниб, унга қайт қилса
ёхуд ахлат билан бўлғаса, ё мурдор парчаларини сочиб юборса...

2

...Сўнг дарра остидан омон қолган бир одам ўша тоғ
чўққисига кўтарилиб, бояги дарахт шохларини синдириб,
ўтинлик қилса ва уни Аҳура Мазданинг ўғли — оловга
қаласа, бу гуноҳнинг жазоси недур?

3

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Күш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун

кимса гуноҳкор саналмайди.

4

...Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор қилинса, унда мен яратган бу жисмоний олам — менинг маҳлуқим бўлмиш фоний зотлар ватани — зудлик билан гуноҳкор, «пишавтанду»ларнинг маконига айланадир. Уларнинг руҳлари даҳшатли фарёд чекадилар.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

(бе)

5

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Бир киши экининга сув қуяди. Сувни ўз экинзори томон ҳайдайди. Иккинчи дафъя яна ҳайдайди. Учинчи, тўртинчи бор яна ва яна ҳайдайди...

...Ва ҳар гал итми, тулкими, бўрими сув бошига мурдор олиб келаверса, ўша кимса гуноҳининг жазоси нечук?

6

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор саналмайди.

7

...Агар қуш, ит, бўри, бод ё чивин келтирган мурдор учун кимса гуноҳкор қилинса, унда мен яратган бу жисмоний олам — менинг маҳлуқим бўлмиш фоний зотлар ватани — зудлик билан гуноҳкор, «пишавтанду»ларнинг маконига айланадир. Уларнинг руҳлари даҳшатли фарёд чекадилар.

ИККИНЧИ БЎЛИМ (алиф)

8

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Сув ўлдиргувчими?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Сув ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташлайди. Шунда селоб уни ўз қаърига тортиб, сув кенгликлариға итқитиб юборади. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори, ё бул сори элтиб ташламагунча, ундан паррандалар баҳраманд бўладилар.

ИККИНЧИ БЎЛИМ (БЕ)

9

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Олов ўлдиргувчими?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Олов ҳеч кимни ўлдирмайди. У тан заволи, ўлим деви Астуваязутудирки кимсани ўз домига тортади ва оёқ-қўлларини маҳкам боғлаб ташлайди. Шунда токи мурдор толеи уни ё ул сори, ё бул сори элтиб ташламагунча, олов унинг тану жонини куйдириб юборади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

10

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Ёз ўтиб, қора зимистон етиб келса, маздалаастлар не қилмоқдари даркор?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ҳар уй ва ҳар куйда ўликларни сақлаш учун кодиҳ⁶⁸ курсинлар!

11

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Ўликлар учун қурилган бу «кодиҳ»ларнинг ҳажми не-чоғли бўлмоғи керак?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Тик бош, узатилган оёқ, чўзилган қўл озор чекмаслиги керак. Динимиз дастури бўйича мурдалар кодиҳи шундай бўлмоғи керак.

12

Мурда, қушлар шайлангунча, гиёҳлар бўй чўзгунча, селоблар равон бўлгунча ва баҳорий насимлар ер юзини қуриптунга қадар бир тун ё уч кеча ёхуд бир ой у ерда сақланмоғи лозим.

13

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кўтарса, селоблар равон бўлиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздалаастлар ўлик жисмини дахманинг кунгай ерига қўйсинлар.

14

Кимда-ким бир йил муддатида мурда жисмини дахмага — офтобрўяга қўймас экан, унинг жазоси бир ашаванни қатал этган билан баробардир.

Мурданинг жисми дахмада ёмғир ёғиб, унинг тамомий чиркинларини ювив кетгунгача ва паррандалар уни еб битиргунларига қадар туриши лозим.

ТҮРТИНЧИ БҮЛЛМ

15

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Сув, булут ва бодларни Фароғкарт⁶⁹ дарёсидан юборишинг ҳақиқатми?

16

...ки Сен — эй, Ахура Мазда! — сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чирклари ва устухонлари учун юбориб, уларни нигоҳлардан пинҳон тутасан, шу ростми?

...ки Сен — эй, Ахура Мазда! — чиндан ўша сувларни «Туйтяка»⁷⁰ дарёсига қайтарасанми?

17

Ахура Мазда жавоб берди:

— Худди шундай, эй Зардушт! Худди сен айтганингдек, эй Зардушт!

Мен — Ахура Мазда — сув, булут ва бодларни Фароғкарт дарёсидан юбораман.

18

— Мен — Ахура Мазда — сувни мурдорлар, дахмалар, уларнинг чирклари ва устухонлари учун юбораман.

Шунда мен — Ахура Мазда — сувларни пинҳона қайтариб оламан.

Мен — Ахура Мазда! — сувларни «Туйтяка» дарёсига қайтараман.

19

У ерда сувлар жўш урадилар. Туйтяка дарёсининг бағрида сувлар хуруш қилиб оқадилар. Устухон ва чирклардан булғангандан сўнг Фароғкарт дарёси томон оқадилар ва дармонбажш Виспубиши⁷¹ дарахтига юз бурадилар.

У ерда менинг юзлаб, минглаб, юз минглаб гиёҳларим кўкаради...

20

Ўша гиёҳлар устига мен — Ахура Мазда — ёмғир ёғдира-ман. Токи ашавон ҳалқи ва жамийки ўт-ўлан билан озиқла-нувчи жониворларга тирикликлари учун озуқа ундиристинлар.

БЕШИНЧИ БҮЛЛМ

21

— Будир энг эзгу ишлар! Будир энг гўзал амаллар! Будир, эй яхшилик истовчи Зардушт, сен сўрган нарса-лар!

Ашаван Ахура Мазда ушбу сўзлар билар Зардушт жонига поклик асрорини бағишилади. Зардушт одамлар ўз ёзуғларидан эзгу амал, эзгу фикр ва эзгу қалом билан халос бўлиши мумкинлигини англагач шод бўлди.

«Эй, Ахура Мазда! Туғилгандан пок бўлмоқ тириклик-да буюк ишдир. Дунёни обод этмоқ уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак!»

22

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши бу Ҳақиқати бошқа динлардан нечоғли буюк ва гўзалдир?

23

Ахура Мазда жавоб берди:

— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқати-нинг бошқа динлардан афзаллиги Фароғкарт дарёси су-вининг бошқа сувлардан нечоғли афзаллиги кабидир.

24

— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги катта сувнинг кичик сувни ютиб юборгани кабидир.

— Бу Ҳақиқат — Зардуштнинг девларга қарши Ҳақиқатининг яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги буюк тановар дараҳтининг ўз сояси паноҳига гиёҳларни олгани мисолидир.

25-26

— Бу Ҳақиқат — Мазданинг девларга қарши Ҳақиқатининг яхшилик ва гўзалликда бошқа динлардан афзаллиги осмоннинг заминни буткул ўраб олгани кабидир.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

27

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Бир гурӯҳ одамлар бир ерда гиламлар устида бир-бирига жипс ёстиқларга бош қўйиб ухласалар; улар ўзаро бир-бирига ғоят яқин икки тан, ё беш тан, ё эллик тан, ё юз тан бўлсалар-да, ногаҳон уларнинг орасидан бирори ўлиб қолса, ўниклар жисмини булғагувчи наасв деви уларнинг неча нафарини ёмонлик ва палидлик билан булғайди?

28

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардуст!

Агар ўлик оловни қўриқлагувчи отурбон⁷² бўлса, мурда жисмини булғагувчи наасв деви шитоб билан етиб

келади ва ўн биринчи кишининг жисмига кириб, ўн нафарни булғайди^{*}.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар марҳум деҳқон бўлса, мурда жисмини булғагувчи наасв деви шитоб билан етиб келади ва тўққизинчи кишининг жисмига кириб, саккиз нафарни булғайди.

29

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар ўлик чўпоннинг ити бўлса, мурда жисмини булғагувчи наасв деви шитоб билан етиб келади ва еттинчи кишининг жисмига кириб, етти нафарни булғайди.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар ўлик хонаки ит бўлса, мурда жисмини булғагувчи наасв деви шитоб билан етиб келади ва еттинчи кишининг жисмига кириб, олти нафарни булғайди.

37

Кимда-ким тириклиги чоғида сувни булғаса, оловни сўндирса, теваларни ўғирлаб, сўйиб юборса:

У тириклиги чоғида ўлдиргувчи мушт билан бир ашаванки уриб, жонини танидан жудо қилса...

У ўлимдан сўнг бундай қила олмайди.

38

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда у тубанкор, икки оёқли маҳлуқ ё йўлдан оздирувчи дев Ашмуғ ўз тириклигига ашаваннинг ризқидан, энгил-бошидан, ўлан-тўшагидан жудо қилмоқни тарк этмайди.

У ўлимдан сўнг бундай қила олмайди.

* Бу ўринда Ахура Маада ўн бир кишилик жамоатни назарда тутмоқда. Баъзи маздаларастлар ақиласига кўра, жамоат бўлиб ётган кимсалар орасида ногаҳон бирви ўлиб қолса, мурданинг икки ёғидан ўн бир кишига товур булғанар экан.

ЕТТИНЧИ БЎЛIM

39

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда!

— Эй, Ҳақиқат!

Бизлар ўз уйларимизда олов, барсам, жом, ҳавм ва ўғирлар атрофига ўтирибмиз. Ногаҳон бирор одам ё бир ит бу ердан ўтиб қолди ва кутилмаганда ўлди. Биз маздапарастлар нима қиммоғимиз лозим бўлади?

40

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳолда олов, барсам, жом, ҳавм ва ўғирларни уйдан ташқарига чиқариш лозим. Мурдани эса даҳмага — мурдалар учун қурилган маҳсус жойга — элтиб қўясиз. Токи лош ўша ерда йиртилсин ва ейилсин.

41

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Оловни ўлик чиққан уйга қай ҳолда киритиш мумкин?

42

Ахура Мазда жавоб берди:

— Қиши чоғи тўққиз тун, ёзда бир ой муддатида олов ўлик чиққан уйдан ташқарида сақланади. Шундан сўнг олиб кирилади.

43

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қиши чоғи тўққиз тун, ёзда бир ой бўлмасдан ўлик чиққан уйдан хонадонга оловни олиб кирган кимсалар-нинг жазоси нима?

44

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали «пишавтсану»дир. Гуноҳи эвазига аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчилари билан йиғирма мартадан саваланади.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

45

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қачон бир маздапарастнинг хонадонида ҳомиладор аёл бир ё икки, ё уч, ё тўрт, ё беш, ё олти, ё етти, ё саккиз, ё тўққиз, ё ўн ойлик ўлиқ чақалоқ туғса, маздапарастлар ўша аёлни қаёққа олиб боришлари керак?

46

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Замини камсув, гиёҳи сероб, моллар ва қўйлар суруби камроқ ўтадиган; Аҳура Мазданинг ўғли — олов камроқ ёнадиган, барсам билан ўтадиган диний маросимлар озроқ бажариладиган ва ашавон ҳалқи у ерда ахён-аҳёнда тўхтайдиган бир зардуштийнинг уйига олиб бормоқ керак.

47

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

— Оловдан нечоғли узоқ бўлсин?

— Сувдан нечоғли узоқ бўлсин?

— Барсам дасталаридан нечоғли узоқ бўлсин?

— Ашавон ҳалқидан нечоғли узоқ бўлсин?

48

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Оловдан уч қадам олис.

- Сувдан уч қадам олис.
- Барсам дасталаридан уч қадам олис.
- Ашаван халқидан уч қадам олис.

48

Маздаларастлар ўша хонанинг атрофи бўйлаб девор кўтармоқлари, ўша ерда таомлантирилоқлари ва энгилбаш бермоқлари керак.

50

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Ўша аёлга бериш лозим бўлган биринчи таом нима?

51

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бачадонининг ичи тозаланиши учун уч, ё олти, ё тўққиз жом кул аралаштирилган кумиз' ичмоғи керак.

52

Сўнгра мода ҳайвонларнинг иссиқ сутини, пиширилган гўшт, нон, узум шароби ичмоғи ва емоғи мумкин. Аммо сув ичмоғи мумкин эмас".

53

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

— Бундай аёл неча муддат ушбу аҳволда яшайди ва

Уч, олти, тўққиз жом, яъни унинг қудрати етгунича. Кумиз — новвос сийдиги. Фалокатли насле девини аёл бачадонидан қувиб юбориши мақсадида унга ичкизилади. Кул ҳам, агар Баҳром оловидан бўлса худай шундай бачадонни турли ёвуз девлардан тозалashi мумкин экан.

Бу ҳодисага бошқача қарашлар ҳам мавжуд: ҳомиладор аёл бир ё ўн ойлик ўлиқ чақалоқни туққанидан кейин, унинг бирламчи таоми кумиз ва кулдири. Тўрт кунга довур унинг сув ва туз томони ёхуд сув ва туз аралашган таом истеъмол қўймогига йўл кўйилмайди. Тўрт кундан кейин унга ўз танаси ва либосларини ювиш учун кумиз берадилар. Қирқ кунга довур сув билан танаси ва либосларини ювиши мумкин бўлмайди.

сув ичмаган ҳолда фақат гўшт, нон, шароб тановул қиласди?

54

Ахура Мазда жавоб берди:

— Уч кеча шу аҳволда яшайди. Уч кеча фақат гўшт, нон, шароб истеъмол қиласди, бироқ сувга лаб тегизмайди. Уч кеча ўтгач, тана ва энгил-бошини кумиз ва сув билан тўққиз чуқурлик ёнида ювмоғи лозим. Шундай қилиб, аёл покланади.

55

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Уч кечадан сўнг аёл неча муддат одамлардан айро ҳолда яшайди. Неча фурсат унинг жойи, таоми ва энгил-боши бошқа-бошқа бўлади?

56

Ахура Мазда жавоб берди:

— Тўққиз кеча шу алпозда яшайди. Ўтган уч кечадан сўнг, бу аёл яна тўққиз кеча якка-ёлғиз, маздаларастлардан айро ҳолда бўлади. Унинг жойи, таоми, энгил-боши жудо қилинади.

Тўққиз кеча ўтганидан сўнг тана ва энгил-бошини сув ва кумиз ёрдамида ювиб, поклайди”.

57

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бир карра ювилиб, пок бўлган аёл энгил-бошини саккиз нафар мўътабар пешволар завт⁷³, ҳованак⁷⁴, атар-

⁷³ Бу ҳолга тушган аёлнинг сувдан тийилишидан мақсад, унинг қаттиқ булғантанлиги бўлиб, маздаларастлар ақидасига кўра сувни ҳам булғаши мумкин.

ваҳш⁷⁵, фрабиритар⁷⁶, обирит⁷⁷, оснатар⁷⁸, роспий⁷⁹, сравшавариз⁸⁰, олов қўриқловчи отрубон ва бир дехқон ия оладими?

58

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ҳарчанд ювиб, покланган бўлмасин на завт, на ҳованак, на атарваҳш, на фрабиритар, на обирит, на оснатар, на роспий, на сравшавариз, на олов қўриқловчи отурбон ва на бирор дехқон ўша аёл либосидан фойдалана олмайди.

59

Бордию мазпарастлар хонадонида бир бемор аёл ёхуд армишт эр армиштоҳда сақланаётган бўлса ва қўлларини бемалол ҳаракатлантира олса, ўша либосларни ишлатиш, ёхуд ёстиқ сифатида қўллаши мумкин'.

60

Ҳақиқатда, Ахура Мазда биз баҳраманд бўлишимиз мумкин бўлган энг оддий ва арзимас нарсаларнинг ҳам булғанишини истамайди ва бунга йўл қўймайди, ҳарчанд у бир дирҳамлик арқон ёхуд йигирувчи қизнинг қўлидаги ипдек бўлса-да...

61

Кимда-ким мурда устига либос ташласа ва ўша либоснинг қиймати йигирувчи қиз қўлларидағи ипчалик бўлса ҳам, то тирик экан, у ашаван ҳисобланмайди ва ўлимий-

Шикастланиб, ишдан чиқсан ёхуд маздапарастлар зътиқодига кўра нопок бўлган кишига — армишта ҳар нечук амал раво эмас. Армиштоҳ — улар маълум муддат сақланадиган жой. Ҳали покланмаган бундай нопок кимсанинг қўли ногаҳон бирор бир пок нарсага тетиб кетмаслиги учун эски-туски латталар билан чирмаб ташланади. Мурданнинг жисми булгаган кийимлар ювib поклантач, олти ой муддатида қўёш ва ой нурлари тушиб турадиган ерда сақланса-да, ундан фақат дашт аёлларигина истифода этадилар.

дан сўнг яхшилик сарзаминига (бихишт) йўл топа олмайди".

62

... У девлар оламига, зимистонлик қоп-қоронғу оламга боради. У олам зулматдан курилган бўлиб, уни зулмат яратгандир".

Эй, осийлар!

Сизлар ўз қилмишларингиз боис ғам-ғусса ва паришонлик сарзаминига кириб келмоқдасиз!..

ОЛТИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

— Итлар ва одамлар ўлган заминда қай маҳалгача экин экилмайди?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Зардушт Ашаван!

Итлар ва одамлар ўлган заминда бир йилга довур ҳеч нарса экиш мумкин эмас.

2

— Бирор бир маздапараст то бир йилга довур итлар ва одамлар ўлган замин парчасига на дон сепа оладилар,

" Ушбу бандлан маълум бўладики, ўлики тоғ чўққисига яланғоч ҳолда олиб чириш лозим, токи унинг жисмини осмон ёруғлиги буткул чулғаб олсин. Бироқ кейинчалик бу анъана ўринни бошқа бир одат эгаллади. Яъни, ўлика яоятда эски либос кийдириш расм бўлди. Мурда соҳиблари унга янги либос кийдириш мутика мумкин эмасди. «Вандидод» шарҳида келишича, агар мурданинг устига арзимаган юнг ташланса, нарги дунёда ўша юнгнинг ҳар бир толаси қора илонга айланаб ушбу амал соҳибининг юрагига ёпишиб олади. Ҳатто мурданинг ўзи ҳам у билан жангта киришиб, дейди: «Мен учун ҳозирлаган ўша либоснинг қуртлар ва ҳашаротларга ем бўлди...»

Манбаларда таърифланнишicha, бу қоронғулик биз тасаввур қитган ҳодисадан чандон фарқ қилиди, яъни уни ҳатто кўл билан тутиш мумкин экан.

на сув қуядилар. Бироқ ўлик замин парчасидан бошқа қисмига дон сочишлари ва сув қуийшлари мумкин.

3

— Итлар ва одамлар ўлган заминда бир йил тўлмай дон сочиб, сув қуйган кимсанинг гуноҳи ўликни сувга, тупроққа ва гиёҳлар юзига ташлаган кимсанинг ёзуғи билан баробардир.

4

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Агар маздапараастлар итлар ва одамлар ўлган заминга бир йил тўлмасдан дон сочсалар ва сув қуисалар уларнинг ажри нечукдир?

5

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уларнинг амали «пишавтану»дир ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

6

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Бир йил ўтгандан сўнг, маздапараастлар ўша заминни экинтикинга ҳозирламоқчи бўлсалар нима қилишлари лозим?’

7

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Улар ўша ерда сақланиб қолиш эҳтимоли бўлган суюк, юнг, гўшт, ахлат ва қонни қидиришилари керак.

* Зардуштийлар ақидасига кўра, ҳатто бир йилдан сўнг ҳам замин ўша ўлик касридан кутила олмайди.

8

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Агар улар ўша заминда сақланиб қолиш эҳтимоли бўлган суяк, юнг, гўшт, ахлат ва қонни қидирмасалар, уларнинг ёзуғига жавоб қандай бўлади?

9

Ахура Мазда жавоб берди:

— Уларнинг амали «пишавтану» бўлиб, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

10

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам суягидан энг кичик бармоқ бўғими ҳажмичалик парчани ерга кўмса, ёхуд ўша суяк илиги ер қаърига сингиб кетса, ундан одам ёзуғига нечук жазо бор?

11

Бундай зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан ўттиз мартадан саваланади.

12

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам суягидан ишорат бармоғи бўғими ҳажмичалик парчани ерга кўмса, ёхуд ўша суяк илиги ер қаърига сингиб кетса, бундай кимсанинг ажри қандай бўлади?

13

— Бундай зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан эллик мартадан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам суюгидан ўрта бармоғи бўғими ҳажмичалик парчани ерга кўмса, ёхуд ўша суяқ илиги ер қаърига сингиб кетса, бундай кимса қандай жазога гирифтор бўлади?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай гуноҳкор аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етмиш мартадан саваланади.

16

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам суюгидан бармоқ ёхуд тиш ҳажмидаги парчани ерга кўмса, ё ўша суяқ илиги ер қаърига сингса, бундай осийнинг жазоси нечук?

17

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай осий аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўқсон мартадан саваланади.

18

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам суюгидан икки бармоқ ёки икки тиш ҳажмича парчани ерга кўмса, ёхуд ўша суяқ илиги ер қаърига сингиб кетса, бундай гуноҳкорнинг ажри нима бўлади?

19

Ахура Мазда жавоб берди:

— Улар амали «пишавтанды» бўлиб, аспаҳиҳашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

20

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким ўлган ит ё одам устухонидан мускул ва сон суяги ҳажмича парчани тупроққа дафн этса, ёхуд ўша устухон илиги тупроққа сингса, бундай осийининг жазоси қандай бўлади?

21

— Бундай бадбаҳт аспаҳиҳашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўрт юз мартадан саваланади.

22

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бирор ўлган ит ё одамлар устухонидан калла суяги ҳажмича парчани ерга кўмса, ёхуд ўша устухон мағзи тупроққа сингиб кетса, бундай гуноҳкор банданинг бошида нечук жазо бор?

23

Ахура Мазда жавоб берди:

Бундай гуноҳкор банда аспаҳиҳашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан олти юз мартадан саваланади.

24

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар бир одам ўлган ит ё одам жасадини буткул ерга

топширса ёхуд ўша устухон илиги замин қаърига сингиб кетса, бундай кимсанинг жазосидан огоҳ эт!

25

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай осий зот аспаҳиҳ-ашатра ва саравушучарана қамчинлари билан минг мартадан саваланади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

26

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қачон яёв, ёхуд суворий ёхуд аравакаш бир маздапараст оқар сув ичидаги мурдага дуч келиб қолса нима қилмоғи керак?

27

Аҳура Мазда жавоб берди:

— У кавш ва либосларини ечиб, сувга киради ва мурдани олиб чиқади. У тўпиқ, тиз, бел ва бошга довур кўмилгунга қадар сувга шўнғиши ва мурдорга етиши керак’.

28

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар ўша мурғор чирии бошлаган ёхуд сочилиш арасида бўлса, маздапараст нима қилмоғи керак?

29

У шитоб билан сувга тушади ва ҳар икки қўли билан мурдорни остидан қўтариб, қуруқликка олиб чиқади.

*Агар у мурдани сувдан олиб чиқса, унинг амали ашаваноидир. У бордию гуноҳкор бўлса, гуноҳдан фориғ бўлади. Агар имкони бўлгани ҳолда мурдани сувдан олиб чиқмаса, унинг ажри «арzon ўлим» ёки «буюк гуноҳ» ҳисобланади.

Шундан кейин мурдордан сув бағрида қолиш эҳтимоли бўлган устухон, тук, гўшт, ахлат ё қон учун халоскор маздапарастнинг гарданига гуноҳ юки тушмайди.

30

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Жавоб бер, мурдани булғовчи насв деви мурдор тушган сувни қай даражада ҳаром қиласди?

31

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ҳар тўрт томондан олти қадам сув булғанади. Мурдор олиб чиқилмаган сув ҳаром, ундан ичиб бўлмайди. Ўликни сувдан олиб чиқиб, қуруқ ерга ётқизиш лозим...

32

Шунда булғанч сувнинг ярмини ёхуд, учдан бир ё тўртдан бир ё бешдан бир қисмини тортиб олмоқ зарур. Мурдор тортиб олиниб, сувнинг маълум қисми ажратиб ташлангач, қолган қисми покланади. Туялар ва одамлар ундан бурунгидек фойдаланаверадилар.

33

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурдани булғовчи насв деви қудуқ сувини чирк ва палидлик билан нечоғли булғайди?

34

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Токи мурдор қудуқ ичидан олиб чиқилмас экан, сув ҳаромидир. Ундан истифода этмоқ мумкин эмас. Демак, ўликни қудуқдан чиқариб, уни қуруқ ерга ётқизмоқ даркор.

35

— Қудук сувининг ярмини, ёхуд учдан бир, ё тўртдан бир, ёхуд бешдан бир қисмини чиқариб ташлаш лозим бўлади. Мурдор тортиб олиниб, сувнинг маълум бир қисми ажратиб ташлангач, қолган қисми покланади. Туялар ва одамлар ундан бурунгидек баҳраманд бўлаверадилар.

36

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурдани булғовчи насв деви қор ёхуд жолани палидлик ва чирк билан нечоғли ҳаром қила олади?

37

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ҳар тўрт томонидан уч қадам миқдорида ҳаром қиласи.

Токи мурдор қор ё жола юзидан олинмас экан, унинг суви ҳаром. Уни истеъмол қилиб бўлмайди.

Демак, мурдор қор ё жола юзидан олиниб, қуруқ ерга куйилиши жоиз...

...Қачонки мурдор қор ё жола юзидан олинса, унинг суви покланади. Туялар ва одамлар ундан баҳраманд бўладилар.

39

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Мурдани булғовчи насв деви оқар сувни палидлик ва чирк билан нечоғли ҳаром қила олади?

40

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уч одим сувнинг қуий қисмидан; тўққиз одим сувнинг юқори қисмидан ва олти одим сув сатҳидан булғанади.

Токи мурдор сувдан олинмас экан, у сув ҳаром. Уни истеъмол қилиб бўлмайди.

Демак, мурдор сувдан олиниб, қуруқ бир ерга қуилиши жоиз...

41

Мурдор сувдан олингач, сув уч карра мавжланганидан кейин, покланади. Тевалар ва инсонлар ўша сувдан кўпроқ баҳраманд бўлишлари мумкин.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

42

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Итлар ва инсонлар жасади теккан ҳавм⁸¹ қайта пок бўладими?

43

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Зардушт Ашаван!

Ҳеч бир мурдор улуғ ибодат учун тайёрланган ҳавм шарбатини булғай олмайди.

Агар улуғ ибодат учун ҳавм гиёхининг шарбати олинмаган бўлса ва мурдор унинг шохига тегиб кетса, унда ҳавм тўрт бармоқ ҳажмида булғанади. Шунда булғанган тўрт бармоқ ҳажмидаги ҳавм уй ичига кўмилади ва бир йил давомида шу алфозда сақланади. Бир йилдан сўнг бирор бир ашаван ундан шарбат олиши ва истеъмол қилиши жоиздир.

* Ҳавм гиёҳи ҳаётбахш ва ўлимнинг олдини олгувчи сифатига эга. Унинг шарбати улуғ ибодат чорги истеъмол қилинади. Ҳавм — гиёҳлар шохи. Ўлик оқ ҳавм шарбатидан тотиб, абадиятга эришади, дейилади зардуштий адабиётларда. Бу гиёҳ Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистондаги тоғларда учрайди, дейилади манбаларда.

БЕШИНЧИ БҮЛЛМ**44**

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Ўлғанлар жасади қаергә олиб борилади ва қаерга қўйилади?

45

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Зардушт Ашаван!

Итлар ва ўлаксахўрлар доим иқомат қилгувчи тоғ чўйқисига элтиб қўйилади.

46

— Ўлаксахўр қушлар ва итлар мурдор устунларини сувга ва дарахтлар остига сочиб ташламасликлари учун маздапарастьлар мурда оёқлари ва сочларини тош, кўрғошин ҳамда қозиқ ёрдамида ерга парчаланиб таштайдилар.

47

Маздапарастьлар ўлик жисмни оёқ ва сочларидан тош, кўрғошин ва қозиқ билан ерга парчинламасалар, ўлаксахўр паррандалар ва итлар мурдор устухонини сув ҳамда дарахтлар остига элтиб, сочиб ташласалар гуноҳкор топажак оқибатдан хабар бер, эй оламни яратган Зот!

48

Ахура Мазда жавоб берди:

— Уларнинг тутган амали «пишавтанду», яъни арzon ўлимдир ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланадилар.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Марҳумлар устухони қаерга олиб борилади ва қандай сақланади?

50

Ахура Мазда жавоб берди:

Маздапараастлар ит, тулки ва бўрилар оёғи етмайдиган, шунингдек, ёмғир суви тўпланиб қолмайдиган жойда⁸² сүяклар сақланадиган махсус астудонлар⁸² куришлари лозим.

51

Маздапараастлар тош, тупроқ[”] ва бошқа жинслардан махсус астудонлар қурадилар. Борди-ю бундай астудон қура олмасалар, мурдор жисмини яланғоч ҳолди юлдуз, ой ва қуёш нурлари тушиб турадиган ерда гилам устида, унга тегишли ёстиқни боши остига қуйиб сақлашлари жоиз.

ЕТТИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Зардушт Ахура Маздадан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Кимса жон таслим қиласа, мурда булғовчи насв деви унга қай тарзда ёвуқ келади?

[”] Жисм қодиқларини ювган ёмғир сувининг даҳмаларда йигилиб қолиши мумкин эмас. Бу сувлар махсус қазилган чуқурликка оқиши шарт.

[”] Баъзи авестошунослар тупроқ жинсини бу ўринда шубҳали дегантар.

2

Ахура Мазда жавоб берди:
— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бетаваққуф ўлимдан сўнг, жон танадан чиққач, булғовчи насв деви чивин жисмига кириб, визиллаганча мурданинг орқа-олдидан булғай бошлайди. Шунингдек, энг палид зааркунанда храфсастралар апохтар — шимол дўзахидан етиб келадилар ва мурдани булғашга бошлайдилар.

3

Бу зиёнкор девлар ва аҳриманий ҳашаротлар то ит мурдага боқмагунча ва уни ейишга бошламагунча, ёхуд ўлаксахўр қушлар унга томон парвоз қилмагунча жисмни тарк этмайдилар.

Қачонки ит мурдорга қараса ё уни ея бошласа, ёхуд ўлаксахўр қушлар унга томон парвоз қилсалар, мурдор деви насв чивин жисмига кириб визиллаганча лошнинг орқа-олдидан чиқиб қочади, шунингдек, энг заарли храфстралар апохтар — шимол дўзахига томон чекинадилар.

4

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳакиқат!

Агар мурдани ит ё бўри ёриб ташлаган бўлса, ёхуд у жодугарлик, кин-адоват, ёхуд баландликдан йиқилиб, ҳакамлар ҳукми билан ё қандайдир курашда ўлган бўлса, ёхуд худқушлик қилган бўлса, мурдор деви насв унга қай ҳолатда ёвуқ кела олади?

* Зардуштий динида «ит кўрув» маросими бор. Унга кўра маъсус ўргатилган ит мурда оғинга, ёхуд у олиб ўтилувчи йўлга қўйилади. Ана шундагина мурдор деви насв у ерни тарк этади. «Ит кўрув» маросими ов қушлари иштирокида ҳам ўтказилиши мумкин. Куш сояси мурдор устига тушгани заҳоти жамийки зарарли ҳашаротлар ва девлар уни тарк этадилар.

5

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ўлимдан муайян вақт ўтганидан сўнг...”

УЧИНЧИ БЎЛИМ“

10

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор деви насв ўликка тегишли тўшак ва либоснинг нечоғли қисмини ҳаром қилади?

11

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Мурдор деви насв марҳум ёстиғининг уст томонини ва унинг ич кийимларини палидлик ва чирк билан булғайди.

12

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ўлган ит ё одам танаси теккан либосни поклаб бўладими?

13

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Албатта, уни поклаб бўлади.

— Қандай қилиб покланади?

— Агар ўша либос маний суви, тер, чирк ва қусуқ билан булғанган бўлса, маздапарастлар уни пора-пора қилиб ерга кўмишлари лозим.

• Зардушийлик таълимотига мувофиқ бир кеча-кундуз беш қисмдан иборат. Агар кимса ўз ажали билан ўлса мурдор деви насв тўхтосиз етиб келади. Бордию ўлим ногаҳон рўй берса, унда ғафлат содир бўлиб, мурдор деви бир оз кечикади.

• Иккигина бўлимдаги воқеалар биринчи бўлимнинг айни такори бўлгани боис тушириб қолдирилди.

• Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, либоснинг булғанган қисмитина пора-пора қилиниб, қолган қисмидан фойдаланиш мумкин.

14

— Агар либос маний суви, тер, чирк ва қусуқ билан булғанмаган бўлса, маздапарастлар уни кумиз билан ювишлари керак.

15

— Агар ўша либос чармдан бўлса, уч марта кумиз билан ювилади; ўч марта тупроққа беланади; уч марта сувга солинади, шундан кейин уч ой очиқ ҳавода ҳовли гирдиаги панжарага осиб қўйилади.

Агар либос тўқилган бўлса, олти марта кумиз билан ювилади; олти марта тупроққа беланади; олти марта сувга чайилади ва ниҳоят олти ой очиқ ҳавода ҳовли гирдиаги панжарага осиб қўйилади.

16

— Эй, Ашавон Зардушт!

Ардвисура Анаҳита⁸³ номли чашманинг суви эрлар уруғини, аёл қорнидаги гўдакни ва оналар кўксидаги сутни пок қиласди”.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

23

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Ит ё одам мурдорини еган киши қайта поклана оладими?

24

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашавон Зардушт!

Йўқ. У покланолмайди.

* Ушбу бўлимнинг — 17—22-бандлари бешинчи фаргарднинг 57—62-бандларининг такорри.

Унинг ичи булғанади. Тириклиги парча-парча бўлади. Равшан нигоҳлари кўзхонасидан чиқиб кетади. Мурдор деви насв унинг жисмига кириб, тирноқлари орасигача қаттиқ ўрнашиб олади ва у абадул-абад нопок бўлиб қолади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

25

— Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!

Чиркин мурдорни сув ё оловга ташлаб, улардан бири-ни булғаган кимса қайтадан пок бўла оладими?

26

Ахура Мазда жавоб берди:
— Эй, Ашавон Зардушт!
Йўқ. У пок бўлолмайди.

У дўзахийлардандир. Мурдор деви насв пашша ва қурт-кумурсқага айлантирувчи одамлар тоифасидан у. У тубанкордир. Насв деви гиёҳларга қирғин келтирувчи қурғоқчиликни улар туфайли зиёда қилади.

27

У дўзахийдир. Мурдор деви насв улар туфайли зимистон қудратини зиёда қилади; девлар яратувчи зимистон. Сигирларни нобуд қилгувчи зимистон; қалин қорлар келтирувчи зимистон. Ҳамма ердан йўл топгувчидарға заб ва бузғунчи селобаларни яратади.

Мурдор деви насв унинг жисмига кириб, тирноқлари орасигача қаттиқ ўрнашиб олади ва у абадул-абад нопок бўлиб қолади.

ОЛТИНЧИ БҮЛЛМ

28

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Ит ё одамлар жасади теккан ўтинни поклаб бўладими?

29

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашавон Зардушт!

Ҳа, поклаб бўлади.

Қандай қилиб поклаш мумкин? Агар итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳали қувиб ҳайдамаган бўлсалар ва ўтин куруқ бўлса, уни ўлик гирдида бир вятасатий⁸⁴ узунлигига, агар ўтин ҳўл бўлса, ўлик гирдида бир фрарасний⁸⁵ узунлигига ёйиб, унинг устидан бир марта сув қуйсалар, ўтин покланади.

30

— ...Аммо агар итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни қувиб ҳайдаган бўлсалар ва ўтин куруқ бўлса, уни ўлик атрофига бир фрарасний узунлигига, борди-ю ўтин ҳўл бўлса, ўлик атрофидаги бир фрабозу⁸⁶ узунлигига ёйиб, унинг устидан бир марта сув қуйсалар, ўтин покланади.

31

— Эй, Ашавон Зардушт!

Булғанганд ҳўл ё қуруқ, қаттиқ ё юмшоқ ўтинни поклаш йўли ана шундай.

32

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор теккан тевалар хўраки бўлмиш гиёҳлар ва емишлик уруғларини пок қилиш мумкинми?

33

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашавон Зардушт!

Поклаб бўлади.

— Нечун поклаш мумкин, эй Ахура, жавоб бер!

— Агар итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳали қувиб солмаган бўлсалар ва тевалар хўраки гиёҳлар ҳамда емишлик уруғлари қуруқ бўлса, уни мурда атрофига бир фрасний узунлигига, борди-ю хўл бўлса бир фрабозу узунлигига ёйиб қўйиб, устидан бир марта сув қуйсалар пок бўлади.

34

— ... Аммо агар итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни қувиб ҳайдаган бўлсалар ва тевалар хўраки гиёҳлар ҳамда емишлик уруғлари қуруқ бўлса, уни пош гирдида бир фрабозу узунлигига, борди-ю хўл бўлса, бир вайбозу⁸⁷ узунлигига ёйиб қўйиб, устидан бир марта сув қуйсалар, пок бўлади.

35

— Эй, Ашавон Зардушт!

Хўл ё қуруқ, хонаки ё ёввойи, урилган ё урилмаган, жамланган ё жамланмаган, боғланган ё боғланмаган тевалар хўраки бўлмиш гиёҳлар ва емишлик уруғларини поклашнинг шартлари шудир. Улар мурдор теграсига муайян ўлчовда ёйиб қўйилади-да, устидан бир марта сув қуйилади. Шу билан покланади.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

(алиф)

36

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Маздапараст табиблиқ қилмоқчи бўлса, у дастлаб ўз лаёқатини кимда синаб кўриши керак — маздапарастдами, девпарастдами?

37

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Табиблиқ қилмоқчи бўлган маздапараст ўз лаёқатини даставвал девпарастларда синаб кўргани маъқул.

Агар жарроҳлик тифи билан даволаш жараённида уч карра ҳам девпараст нобуд бўлса, демак у табибликка лаёқатсиздир.

38

... Шундан кейин унинг бирор бир маздапарастни даволаши мумкин эмас.

Бирор бир маздапараст танасига дармон бағишлиш мақсадида тиф тортиш ва тилишига йўл қўйилмайди.

Агар у маздапарастларни тиф билан даволамоқчи бўлса, оқибат ўлим топиши мумкинлигидан огоҳлантириш зарур.

39

Агар у девпарастларни жарроҳлаш тифи билан уч карра даволаб, унга шифо бахш этса, табиблиқ қилишга лаёқатли топилади.

40

У ўшандагина маздапарастларни даволаши ва жарроҳлик тифи билан дармон бахш этиши жоиз.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

45

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Аҳура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетса, неча вақтдан сўнг ўзининг дастлабки покизалик ҳолига қайтади?

46

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашавон Зардушт!

Офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетган лаҳзадан бир йил ўтгач, замин ўзининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

47

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Одам жисми тупроққа топширилгач, қанча муддатдан сўнг замин ўзининг дастлабки покизалик ҳолига қайтади?

48

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Одам жисми тупроққа топширилган лаҳзадан эллик йил ўтганидан сўнг замин ўзининг дастлабки поклик ҳолига қайтади.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ахура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Одам жасади қўйилган даҳманинг тупроғи неча фурсатдан сўнг ўзининг дастлабки покизалик ҳолига қайтади?

50

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мурдор тупроғи замин тупроғига айланганидан сўнг¹.

Бу дунёда, эй Сипийтмон Зардушт, барча-барчани дахмаларни бузиб ташлашга даъват айла!"

51

— Кимда-ким бўйи баробарида дахмаларни вайрон қилиб ташласа, унинг сўз, фикр ва амалда содир этган гуноҳлари кечирилади. Бу гуноҳлар товони унинг гарданидан соқит бўлади.

52—54

— Икки одам унинг руҳини қўлга киритмоқ учун жанг қилмайди ва абадий саодат манзилига оёқ қўйганида юлдузлар, ой ва қуёш унинг дийдорини кўриб шодмон бўладилар. Мен — Ахура-Мазда — уни кўриб шодликдан шундай хитоб қиласман:

«Эй, мен халқ қилган зот, сенга саломлар бўлсин! Сен ёруғ ва хатоликлар заминидан абадий саодат манзилига ташриф буюрмоқдасен!»

ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ

55

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Девпарастларнинг макони қаерда?

Девлар гуруҳи мудом изғиб юрадиган макон қаерда?

¹ Зардуштийлар ақиласига кўра, одам жисми, яни одам тупроғи роса элилк йиллар сўнг замин тупроғига батамом қўшилиб кетади, Ёхуд замин тупроғига айланади.

З-фаргард 9—13-бандларида таърифланишича, қай бир заминда мурдорлар ва дахмалар кўп бўлса, ўша ер энг баҳтсиздир.

Маздаларастлар ақиласига кўра, одам ўлтанидан кейин дўзах ва жаннат, девлар ва шоҳлар унинг руҳини қўлга киритиш учун жанг қиласилар. Астувягувту, вайзариш, бадвой исмли кучлар гуноҳкорлар руҳини дўзахга томон тортадилар. Меҳр, Суруш, Раши ва Бихвой номли кучлар яхшилар руҳини биқишишта томон тортадилар. Бу жанг уч кеча-кундуз давом этади. Мурда ортидан қолганлар уч кеча-кундуз Меҳр, Суруш, Раши ва Бихвой номли кучлар шаънига ҳамд-санолар ўқиб, улардан марҳум руҳига мадад беришларини иттико қилиб сўрайдилар.

Девлар гуруҳи учиб келадиган манзил қаерда?

Қаерда ўша маконки девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб кишиларни ўлдиримоқ учун шитоб қиласидилар?

56

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ер юзининг мурдалар жамланган ва дахмалари пойдор бўлган манзилидир. Ўша ер девлар маконидир. Ўша ер девлар гуруҳи мудом изғиб юрадиган маконидир.

Ўша ер девлар шитоб билан етиб келадиган манзиллар.

Ўша ерким девлар гуруҳи элликлаб, юзлаб, минглаб, ўн минглаб, ўн минглаб кишиларни ўлдиримоқ қасдида жон талашадилар.

57

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ўша дахмаларда девлар хўрак ейдилар ва еган хўракларини қайт қиласидилар.

Улар, сиз одамлар бу моддий оламда пишган гўшт ва хўрак еганларинг каби таом тановул қиласидилар.

Эй, инсонлар!

Ўша дахмаларда сизнинг димоғингизга тараган нарса девлар таомининг ҳидидир.

58

Токи ўша дахмаларда чирк ва палидликлар мавжудлар, девларнинг шодиёнаси бардавом бўлади.

Энг ёмон касалликлар — иситма, маддалаш, нотовонлик, суюкнинг ириши, эрта соч оқаришлар ўша дахмалардан содир бўлади.

У ерларда шомдан бомдодга қадар ўлим одамлар устидан буюк қудрат билан ҳукмронлик қиласидилар.

59

Агар маздапарастлар ўша дахмаларда яхшилик кучларини қидирмасалар оёқ, қўл ва сочларга ёпишган касалликлар бир одим миқдорида зўрайиб бораверали...

ЎНИНЧИ БЎЛИМ

73

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамларнинг овқатланадиган илишлар итлар ё инсонлар мурдорига тегиб кетса, уларни поклаб бўладими?

74

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Поклаб бўлади.

— Қандай йўл билан поклаш мумкин?

— Агар идиш олтиндан бўлса, бир марта қумиз билан ювилади; бир марта тупроққа беланади; бир марта сувга чайилади. Шунда пок бўлади.

— Агар идиш сиймдан бўлса, икки марта қумиз билан ювилади; икки марта тупроққа беланади; икки марта сувга чайилади. Шу билан идиш пок бўлади.

75

— Агар идиш қалайдан бўлса, уч марта қумиз билан ювилади; уч марта тупроққа беланади; уч марта сувга чайилади. Шу билан идиш пок бўлади.

— Агар идиш темирдан бўлса, тўрт марта қумиз билан ювилади; тўрт марта тупроққа беланади; тўрт марта сувга чайилади. Шу йўл билан идиш покиза бўлади.

— Агар идиш тошдан бўлса, олти марта қумиз билан ювилади; олти марта тупроққа беланади; олти марта сувга чайилади. Шунда идиш пок бўлади.

Тупроқ, чўп, сопол идишларни поклаш мумкин эмас.

ЎН БИРИНЧИ БЎЛИМ

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Йинсонлар ё иплар жасадини еган сигирни поклаб бўладими?

76

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашавон Зардушт!

Поклаб бўлади. Бироқ бир йил давомида олий руҳоний

— мўбад ўша сигирдан барсам маросими учун сут ва завр⁸⁹ маросими учун гўшт олиб ишлатиш мумкин эмас.

Бир йилдан сўнг бир порсо киши ўша сигирдан бурунгидек фойдаланса бўлади».

ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ

78

Эй, Аҳура Мазда! Эй, Ҳақиқат!

Ашавон бўлиш андишасида юрган ким? Бу орзуда юрган ким? Аммо ким у бу йўлда гумроҳ бўлган?

Кимдир у ашавон бўлиш орзусида бўлса-ю, девлар йўлидан борса?

79

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ашавон бўлиш орзу ва андишасида юриб, гумроҳлик қилган мурдор булғаган сувни маросимга олиб келган кимсадир. У кун ботганидан кейин ва қуёш чиқмасдан бурун завр маросимини адо этган зотдир».

Сигирдан бевосита, ўз ҳолича тўкилган нарса ҳалол, демак истеъмол қўиса бўлади. Агар ўша нарса сигирдан бавосита олинса — ҳаром. Истеъмол қилиб бўлмайди. Бўғоз сигир мурдор емасдан бурун тукдан бўлса, унинг боласи пок; агар еганидан сўнг тукдан бўлса, боласи ҳаром хисобланади.

Одатда, зардуштийлар маросимга пок сув отиб, ботгунга довур келтирилади. Пок сувларни қуёш отмай туриб, ёхуд ботганидан сўнг олиб келган кимсанинг гуноҳи бу назр-ниёзларни заҳарли итоннинг оғзига қўйган билан баробар бўларкан.

САККИЗИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БҮЛЛІМ

1

— Агар ит ё одам ёғочлик уй ёхуд қамиш ёпилған күлбада ўлиб қолса, маздапараст нима қилмоғи керак?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Улар дахма қидирмоқлари керак. Улар бутун тегратрофни айланиб дахма исташлари лозим.

Агар мурдани хонадан олиб чиқыш, уни ўша ерга жобажо құлмоқдан осонроқ бўлса, мурдани хонадан олиб кетадилар. Хона ўз ўрнида қолаверади ва уруvasний⁹⁰, вұҳав-тавна⁹¹, вұҳав-тиритий⁹², ҳазанайпата⁹³ каби хушбўй гиёҳлар тутатилиди.

3

Агар мурдани хона ичига жойлаштириш, уни дахмага олиб бормоқдан осонроқ бўлса, маздапарастлар мурдани хонада қолдириб, уни тарк этмоқлари лозим. Хона уруvasний, вұҳав-тавна, вұҳав-тиритий, ҳазанайпата каби хушбўй гиёҳлар билан ислантирилди.

ИККИНЧИ БҮЛЛІМ

— Эй, оламни яраттан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар маздапарастлар уйида ногаҳон ит ё бирор одам ўлиб қолса ва ўша дамда ёмғир, қор ёғиб, шамол құтарилса⁹⁴, ёхуд қоронғулик чўкса, маздапарастлар нима қилишлари керак?

* Ёмғир ёғаёттанида ёхуд ёмғир ёғиши кутилганда мурдани дахмага олиб бориш мумкин эмас. Бордию йўлда ёмғир бошланиб қолса ва мурдорни бирор ерда сақлаш имконияти бўлса, шундай қилған маъқул, акс ҳолда орқага қайтмасдан манзил сари бормоқ ва мурдорни дахмага етказмоқ керак. Зинҳор изга қайтиш раво бўлмайди. Даҳмага доҳил бўлганиларидан сўнг, у ерни сув босган ҳолда кўрсалар, мурдорни кўйиш мутлақо мумкин эмас.

5—7”.

8

Маздапарастлар у ерда гўр қазадилар. Агар ер қаттиқ бўлса, гўрнинг чукурлиги ярим одим, агар ер юмшоқ бўлса: жасад устидан ярим одим чукурроқ қилиб қазадилар. Гўр саҳнига кул ё мол тезаги сочилади. Гўр оғзи пишган ғишт, тош ё кесак билан ёпилади”.

9

— Маздапарастлар мурдорни ўша ерда икки ё уч тун, ёхуд бир ой, токи қушлар парвозга кириб, гиёҳлар кўкаргунча; селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликини қуритунга қадар сақлашлари лозим.

10

Қачонки, қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кўтарса, селобалар равон оқиб, шамоллар ер юзидаги намликини қуритса, маздапарастлар деворни тешадилар[”]. Икки нафар бақувват эрни чақириб келадилар[”]. Улар тўнларини ечадилар[”] ва мурдорни кўтариб, тош, оҳак ва тупроқдан қурилган иморатга олиб борадилар. У ерда итлар ва ўлаксахур қушлар бўлади.

[”] 3-фаргарднинг 15—17бандлари; 5-фаргарднинг 46—47-бандлари тақоролганиди.

[”] 5-фаргарднинг 10-бандила ўқиганимиздек, мурдор «сол-марг» деб аталағидан маҳсус жойда ёлғиз сақланиши керак эди. Бу ерда зикр қилинаётган русм эҳтимол қадимийdir. Ушбу одат кейинги даврларда мансух қилинган.

[”] Агар мурдор уй соҳиби ёхуд уй бекаси бўлса, улар девор тешигидан, бошқа мурдалар эшиқдан олиб чиқилади. Олмон мамлакатида ўликлар тириклар кириб-чиқадиган эшиқдан олиб борилмайди. Улар ўликлар ва тириклар борадиган йўл бир бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар.

[”] Бу икки киши «насвкаш» ёхуд «мурдакаш» дейилади. Ўликни ердан икки киши кўтариши лозим. Улар эркак ё аёл бўлишлари мумкин. Бунинг фарқи йўқ.

[”] Улар ўзларининг эгнидаги доимий либосларини ечиб, маҳсус мурда кўтаришга мўлжалланган «дахма тўни»ни киядилар.

11

Шундан кейин мурдакашлар ўтирадилар ва дағын маросимини бошқараётган мубад маздапаастларга юз буриб, хитоб қиласы:

— Эй, маздапаастлар!

Бу ерга пешоб келтирингиз, токи мурдакашлар соч ва танларини ювсинашып!

12

— Эй, оламни яраттан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдакашлар соч ва танларини ювадиган пешоб қандай бўлиши керак?

Кўй ва новвос пешобими?

Эркак ё аёл пешобими?

13

Аҳура Мазда жавоб берди:

— На аёл, на эрнинг, балки қўй ё новвоснинг пешоби. Эр ва аёл мурданинг энг яқин қариндошларидир.

Маздапаастлар мурдакашлар ўз соч ва таналарини ювишлари учун пешоб ҳозирлаб қўйишлари даркор.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

14

— Эй, оламни яраттан Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қўйлар ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар гурӯҳи, сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура Мазда ва барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йўлдан қайта ўта оладиларми?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— На қўйлар ва сигирлар суруви, на эркаклар ва аёллар гурӯҳи, на сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура

Мазда ва на барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йўлдан қайта ўта олмайдилар.

16

Сизлар тўрткўз сариқ итни, ёхуд сариқ қулоқли оқ итни уч карра ўша йўл бўйлаб олиб ўтмоғингиз керак.

Қачонки тўрткўз сариқ ит, ёхуд сариқ қулоқли оқ ит ўша ерга олиб келинса, виз-визлаган чивин жисмига сингтан наслев деви мурдорнинг орқа-олдидан чиқиб, энг чиркин ва палид храфстралар маконига қочиб кетадилар.

17

Агар ит ўша йўлдан хоҳишиз, зўрлик билан олиб ўтилса, тўрткўз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йўл бўйлаб олти марта кечилади...

18

Агар ит ўша йўлдан хоҳишиз, зўрлик билан олиб ўтилса, тўрткўз сариқ ит ёхуд сариқ қулоқли оқ ит билан бутун йўл бўйлаб тўққиз марта кечилади...

19

Бир руҳоний — мубад олдинда бораркан, ушбу буюк дуони зикр этади.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

20

— Эй, Мазда! Эй, Азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бўл!

Эй, девзодалар!

Нобуд бўлингиз!

21

Эй, дуруж!

Йўқол ва нобуд бўл!

Эй, дуруж!

Бу ердан йўқол ва йироқ кет! Сен бу Ҳақиқат оламини булғамагайсан ва нобуд қилмагайсан!

22

Шундан сўнг маздапарастлар қўйлар ва сигирлар суруви, эркаклар ва аёллар груҳи, сенинг ўғлинг бўлмиш олов, эй Аҳура Мазда ва барсам дасталарини тутган ашаван итлар ва одамлар мурдори олиб ўтилган йўлдан бора оладилар.

Шундан сўнг, ғўша хонадонда гўштлик хўрак ва шароб сақлай оладилар маздапарастлар¹. Хонадон пок бўлади ва у ерда бурунгидек тирикчилик қилиш гуноҳ саналмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

26

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан зўрлик асосида баччавозлик қиласа, жазоси қандай бўлади ?

Аҳура Мазда жавоб берди:

Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан саккиз юз мартадан саваланади.

27—30

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан келишган ҳолда баччавозлик қиласа, жазоси нечук, товони қандай ва бу булғанч гуноҳдан у пок бўла оладими?

¹ Улимдан кейин уч кечакундуз давомида бу хонадонда гўштлик таом пишириш жоиз эмас.

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йўқ...

31

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дев ким?

Девпаст ким?

Девларнинг эркак ҳамхонаси ким?

Мода дев ким?

Ўз ботинида дев асраган ким у?

Ким у бутун ҳаёти давомида дев кабидир?

Ким у ўлимидан бурун девсиёқдир, ўлимидан кейин эса девнинг ўзи каби?

32

Аҳура Мазда жавоб берди:

Бир эр бошқа бир эр билан баччавозлик қилса, ёхуд бир эр бошқа эрнинг ўзи билан баччавозлик қилишига изн берса девдир.

У девпастдир.

У девларнинг эркак ғамхонасидир.

У девларнинг ўрқочи ғамхонасидир.

У урғочи девдир.

Ўз ботинида дев асраган удир.

Ўша бутун ҳаёти давомида девдек яшаган.

Ўшадир ўлимидан бурун дев каби, ўлимидан сўнг девга айланган зот.

Шудир бир эр баччавозлик қилган эрнинг ёхуд ўзи билан бир эрнинг баччавозлик қилишига изн берган эрнинг қисмати¹.

¹ Бундай гуноҳкор ҳеч қандай ҳакамнинг дастурисиз ўлдирилади. Гуноҳкорни ўлдирган кимсанинг гарданидаги энг буюк гуноҳи ҳам соқит қилинади.

ОЛТИНЧИ БҮЛЛІМ

33

— Эй, оламни яратған Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қазосига бир йилдан ошған ва қурғаб қолған лошга
қўл теккизган кимса покми?

34

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ҳа, улар покдир. Зеро, қуруқ билан қуруқ қўшилмайди.

Агар қуруқ билан қуруқ қўшилгудек бўлса, мен яратған бу молдий одам арzon ўлимлар макони «пишавтану»га айланади ва унда жамийки палиллар оҳу вовайло чекадилар' .

ЕТТИНЧИ БҮЛЛІМ

35

— Эй, оламни яратған Зот! Эй, Ҳақиқат!

Итлар ва одамлар мурдорига қўл теккизган кимсалар поклана оладиларми?

36

Ахура Мазда жавоб берди:

— Эй, Ашаван Зардушт!

Бундай одам пок бўла олади.

— Нечук?

— Итлар ва ўлаксахўр қушлар насв девини ҳайдагач, у ўз танасини кумиз ва сув билан ювса покланади.

* Бу одат ҳозиргача Эрон мусулмонлари орасида сақланади. Мажусийлар ва бутпарастлар билан алоқа чогида уларнинг либоси нам бўлган ҳолатдагина нажосат содир бўлади. Агар уларнинг либослари қуруқ бўлса, нажосат содир бўлмайди. Мусулмонлар нуфузи баланд бўлган шаҳарларда ҳокимлар ёнингарчлик пайтида мажусийларнинг ташқарига чиқишларига изн бермайдилар.

37

Аммо агар итлар ва ўлаксахўр қушлар насв девини ҳайдамаган бўлсалар, унда маздапараастлар учта чукурлик қазадилар. Нопок кимса ана шу чукурлик бошида туриб ўз танасини сув эмас, ёлғиз кумиз билан ювали.

Ўшанда менинг итимни қўзғатиб, нопокнинг олдига, албатта, олиб келадилар.

38

Маздапараастлар яна учта чукурлик қазадилар. Нопок ўша чукурлик бошида туриб ўз танасини сув билан эмас, кумиз билан ювали.

Ўшанда менинг итимни қўзғатиб, нопокнинг олдига, албатта, олиб келадилар¹. Нопок ўз танасини энг нозик соч толасига довур қурутмоғи лозим².

39

Шундан сўнг яна учта чукурлик қазадилар. Нопок уларнинг бошида туриб ўз танасини қўмиз билан эмас, сув билан ювали.

40

Дастлаб унинг қўлларини ювалилар. Агар даставвал қўллар покланмаса, у бутун танани нопок қиласди.

Қўлларини ювганидан сўнг, бошидан уч марта сув қуйилади.

41

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув нопокнинг боши устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

¹ Бу ҳам уч марта тақрорланади. Нопок ҳар гал бир чукурлик бошидан иккинчисига томон бораркан ит унга назар ташлаши лозим бўлади. Руҳоний мубад дуо ўқишида давом этади.

² У ўз танасини тупроқ билан обдон ишқалаб тозалайди.

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви олдинга, икки қош орасига қочади.

42

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув нопокнинг икки қоши орасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв бошининг орқа қисмига қочади.

43

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув нопок бошининг орқасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ёноқларига яширинали.

44

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ёноқларига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қулоғи ичига яширинади.

45

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қулоғига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап қулоғи ичига яширинади.

46

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап қулоғига етиб боргач, мурдор
деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг кифтига яширинали.

47

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг ўнг кафтига етиб боргач, мурдор
деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап кифтига яширина-
ди.

48

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап кифтига етиб боргач, мурдор
деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қўйни остига
яширинали.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг ўнг қўйни остига етиб боргач,
мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап қўйни остига
яширинали.

50

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Пок сув нопокнинг чап қўйни остига етиб боргач,
мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг кўкраки устига яширинали.

51

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг кўкраги устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг орқасига яширинади.

52

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг орқасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг эмчаги устига яширинади.

53

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг эмчаги устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап эмчаги устига яширинади.

54

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап эмчаги устига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг ёнбошига яширинади.

55

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг ёнбоши устига етиб боргач,
мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап ёнбошига яшири-
нади.

56

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап ёнбошига устига етиб боргач,
мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг сонига яширинади.

57

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг сони устига етиб боргач,
мурдор деви насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап сонига яширина-
ди.

58

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув чап сон устига етиб боргач, мурдор деви
насв қаёққа қочади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв эркаклик ё хотинлик андомига
яширинади.

Агар нопок эр бўлса, дастлаб сув унинг орқасига
сочилиб, сўнгра олдига сочилади. Агар хотин бўлса, да-
ставвал сув унинг олдига сочилиб, сўнг ортига сочилади.

59

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг эрлик ё аёллик андомига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг болдирига яширинади.

60

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап болдирига яширинади.

61

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг тизига яширинади.

62

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап тизига яширинади.

63

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг соқига¹ яширина-ди.

64

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг соқига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап соқига¹ яширина-ди.

65

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап соқига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қабзига яширина-ди.

66

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қабзига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап қабзига яширина-ди.

67

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қабзига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

¹ Оёқнинг тиздан ошиққача бўлган қисми.

Ахура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг товонига яширина-ди.

68

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг товонига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Ахура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг чап товонига яшири-нади.

69

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап пошнасига етиб боргач, мур-дор деви насв қаёққа яширинади?

Ахура Мазда жавоб берди:

—Мурдор деви насв нопокнинг ўнг оёғи кафтига яширинади. (У чивиннинг қаноти шаклида кўзга намоён бўлади).

70

Нопок ҳар икки оёғининг бармоқларини ерга қоқмоғи ва ўнг оёғи кафтига сув қўйишлари учун товонларини кўтармоғи керак.

Мурдор деви насв унинг чап оёғи кафтига яширинади. Шунда чап оёқ кафтига сув қўймоқлари лозим.

Мурдор деви насв ўнг оёқ бармоқларига яширинади. (У чивиннинг қаноти шаклида кўзга ташланади).

71

Нопок ҳар икки оёғининг товонини ерга қоқмоғи ва ўнг оёғи бармоқларига сув пуркашлари учун кўтармоғи керак.

Мурдор деви насв чап оёқ бармоқларига яширинади.
Шунда чап оёқ бармоқларига сув сепилади.

Виз-визлаган чивин жисмига сингтан насв деви нопокнинг орқа-олдидан чиқиб, энг чиркин ва палил храфст-ралар маконига қочиб кетади.

...Шундан сўнг энг файзбахш ва нажотбахш ушбу дуони зикр эт:

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

73

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ниманидир қидириб юрган, ёхуд чопиб бораётган, яёв ё суворий, ёхуд арава ҳайдаб кетаётган маздапараастлар мурдорни оловда пишираётган ёхуд қуидираётган кишиларга дуч келсалар нима қилмоқлари лозим?

74

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Улар мурдорни оловда куидираётганларни сўзсиз ўлдиришлари керак..

Шундан кейин қозонни тўнгариб, ўчоқни бузиб ташлайдилар.

75

Қаловга ҳозирланган барча ўтиналар оловга ташланади.

Оловни тезроқ сўндириш учун паришон ва пароканда қилиб сочиб юборилади...

79—80

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

• Ушбу фаргарднинг 19, 20, 21-бандлари.

• Мурдорни куидираётган кимсалар ўлдирилиши керак. Умуман, зардуштилар ақидасига кўра тўрт тоифа кишилар сўзсиз, ҳеч қандай ҳукм ва ҳакамсиз қатл қилинадилар. Булар: мурдор ёкувчи, йўлтўсар қароқчи, баччавоз ва энг қабиқ туноҳ устида кўлта олинган кимса.

Кимда-ким ашаванларча йўл тутиб, ёниб турган оловга бу дунёning энг хушбўй гиёҳлари урувасний, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий ёхуд ҳазанаипата шохчаларини ташласа ва шамол бу хуш ҳидларни тўрт томонга ёйса, минглаб ноаён девлар, минглаб зулумот девлари, минглаб жоду ва парилар, Ахура Мазданинг ўғлони бўлган оловга йиқилиб, жизғанак бўладилар.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ

81

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор ёқувчи оловни Баҳром оловига⁹⁴ айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси оқибати бу моддий оламда Баҳром оловига ўн минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

82

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дори-дармон тайёрлагувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси оқибати бу фоний оламда Баҳром оловига минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

83

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув иситувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу оламда Баҳром оловига беш юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

84

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Оҳакпазлар қўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу ўткувчи оламда Баҳром оловига тўрт юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

85

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сополчилар қўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси ажри бу гузарон оламда Баҳром оловига ўз қўрасида пишган сопол парчалари миқдоридаги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

86

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Омоч ясалгувчи қўра оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг топқуси мукофоти ўша омоч билан ҳайдалган ерларда унган гиёҳлар миқдоридаги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

87

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Бу фоний дунёда заргарлик оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу дунёда у сазовор бўладиган мукофот юз пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

88

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сийм эриттuvчи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний дунёда ул топажак ажр тўқсон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

89

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қалай эриттuvчи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу ўтгуси дунёда у зот сазовор бўладиган мукофот саксон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

90

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Темир эриттuvчи қўра оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу жисмоний оламда ўша Зот топқуси оқибат етмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

91

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Тандир оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу моддий оламда у топажак оқибат олтмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

92

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ўчоқ оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний дунёда у зот топқуси оқибат эллик пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

93

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Урдugoҳ оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу жисмоний оламда ул зот топқуси оқибат қирқ пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

94

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Чўпонлар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу моддий оламда ул зот топқуси оқибат ўттиз пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

95

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кўчманчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу фоний оламда ул зот топқуси оқибат йигирма пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

96

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хонадон ўчоги оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Бу даҳри дунёда ул зот топқуси ажр ўн пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

ЎНИНЧИ БЎЛИМ

97

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Олис бир ерда, дашт-биёбонларда мурдорга туйқус дуч келган одам пок бўла оладими?

98

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Албатта, пок бўлади.

— Қандай покланиши мумкин?

— Итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳайдаган бўлсалар, у танасини уч марта қумиз билан ювиши ва уч марта қуруқ қўл билан ишқалashi ва ҳар гал бу амални бошидан бошлиши лозим.

99

...Агар бордию итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳайдамаган бўлсалар, у танасини ўн беш маротаба қумиз билан ювиши ва ўн беш марта қуруқ қўл билан ишқалashi керак.

100

...шундан сўнг минг қадам масофага югуриб, дуч келган биринчи одамга хитоб қиласди:

«Бу — менман! На идрок, на сўз ва на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли бўлмаган ҳолатда дафъатан мурдорга дуч келдим. Мен пок бўлмоқни истайман!»

Агар йўлиққан одам уни поклашга ҳаракат қилмаса, унинг бир одим гуноҳи афу этилади.

101

...У яна бир йўловчига йўлиққунча довур минг одим югурди.

Агар йўловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса, гуноҳи-нинг ярми афу этилади.

102

...У яна бир йўловчига йўлиққунга қадар минг одим югуради.

Агар йўловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса, гуноҳи буткул афу этилади.

103

Шундан сўнг у бир обод жойга — уйми, қишлоқми, шаҳарми — етгунга қадар шитоб этмоғи ва баланд овозда хитоб қилмоғи керак:

«Бу — менман! На идрок, на сўз ва на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли бўлмаган ҳолатда туйқусдан мурдорга дуч келдим. Мен пок бўлмоқни истайман!»

Агар одамлар уни поклашга ҳаракат қилимасалар, у кумиз ва сув билан ўз танасини ювади-да покланади.

104

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар йўлда у сувга дуч келиб қолса ва сув булғанса жазоси нима бўлади?*

105

Ахура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўрт юз марта саваланади.

106

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

— Агар у йўл-йўлакай дарахтларга дуч келса ва оловни булғаганлик товони гарданига тушса, жазоси қандай бўлади?

* Борди-ю сувни кечиб ўтишга тўғри келиб қолса.

— Бу ўринда ўтиликка ишлатиладиган дарахтлар назарда тутилмоқда. Агар кимса ўшандай дарахтларга кўл теккисса гуноҳкор саналади.

Ахура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинилари билан тўрт юз мартадан саваланади.

107

Ушбу фармонларга бўйинсунган зотларнинг ажрини баён айладик. Кимда-ким бу фармонларга бўйсинмас экан, шубҳасиз жаҳаннамададир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

(алиф)

1

Зардушт Ахура Мазладан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳакиқат!

Мурдор билан булғанган танасини покламоқчи бўлган одам кимга юз бурмоғи керак?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Маздапарастлар динидаги барча расм-русумларни комил даражада биладиган бир ашаванга юзланмоғи лозим.

Ўша мард тўрт гўшали заминда унган гиёҳларни тўққиз газ узунлигига узмоғи даркор.

Бу тўрт гўшали замир ер юзининг сувсиз, бўм-бўш ва куп-куруқ қисмида бўлиб, қўйлар суруви ва йилқи у ердан ниҳоятда оз ўтади. Ахура Мазданинг ўғлони — олов у ерда камдан-кам ёқилади, барсам дасталари ва диний маросимлар деярли кўзга ташланмайди. Ашаванлар у ердан аҳён-аҳён ўтиб қоладилар.

4-5

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳакиқат!

— Оловдан нечоғли олисда?

- Сувдан нечоғли олисда?
- Барсам дасталаридан нечоғли олисда?
- Ашавандан нечоғли олисда?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Оловдан уч одим олисда.
- Сувдан уч одим олисда.
- Барсам дасталларидан уч одим олисда.
- Ашавандан уч одим олисда.

6

- Кейин чуқур қазсингилар.

Агар саратон бўлса, икки бармоқ ҳажмида ва агар яхлама қаҳратон бўлса, тўрт бармоқ ҳажмида.

7

...Ва биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи чуқурларни ҳам худди шу зайлда қазсингилар.

8

— Бу чуқурлар бир-биридан неча одим олис бўлмоғи керак?

- Бир одим.
- Бир одимнинг андазаси нечоғли?
- Уч оёқ ҳажмида^{*}.

9

— Шундан сўнг, яна учта чуқур қазсингилар^{**}. Агар саратон фаслида қазсалар икки бармоқ ҳажмида, агар яхлама қаҳратон бўлса, тўрт бармоқ ҳажмида бўлиши мақсадга мувоғиқ.

— Мазкур учта чуқурлик бояги олтига чуқурликдан неча одим олисда бўлмоғи керак.

* Бу ўринда оёқдан мурод, эҳтимол, бир баркамол одам оёғи кафтининг ҳажмидир.

** Мазкур учта чуқурлик сув қўйишга мўлжалланади.

- Уч одим.
- Бу одимларнинг андазаси нечоғли?
- Юраётган одам кўтариб ташлаган қадам ҳажмида.
- Худди шундай қадамларнинг учтаси нечоғли ҳажмида?
- Тўқиз қадам миқдорида?

11

Ўн иккита доира чизсинлар. Уларнинг дастлабки учтаси уч чукур гирдида, уч доира эса олти чукур гирдида. Олти доира сўнгти учта чукур гирдида ва яна уч доира жами тўқизта чукур гирдида.

Ва нопокнинг оёғи ерга тегиб, заминни булғамаслиги учун ҳар бир тўқиз қадамлик фосилага тошдан, ёхуд сополдан, ё дараҳт кундасидан, ё кесакдан ёхуд бирор қаттиқ жисмдан қадамжо ясамоқлари лозим.

БИРИНЧИ БЎЛИМ (бе)

12

— Шунда нопок гувдол (чуқурлик) қошида оёқ кўтариб тураркан, сен, эй Зардушт, ушбу дуоларни ўқи:

«Эй, Мазда! Эй, буюк Шаҳриёр! Мен жамийки хайрли ва шўрдил ашаванлар руҳини буюк олқиш ва таҳсинлар билан сенинг саройингга бошлаб келаман.

Сен ўзингни пойдор қудратинг билан, уларни абадул-абад асррагайсан!»

Нопок ҳам ушбу дуони такрор этади:

«Эй, Мазда! Эй, буюк Шаҳриёр!»

13

— Ушбу дуолардаги ҳар бир муқаллас қалом тилга олиниб, зикр қилинганида, Аҳриман девлари улоқиб

кетади, қонли ғазаб девлари гумдон, мазандарий девлар синиб, чилпарчин бўлади. Дуруж девларни нотавон айлайди.

14

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Тўққиз бўғинли чўп топ. Унинг учиға қалай ё қўрғошин чўмич боғла-да у билан нопокнинг бошидан кумиз қўй.

15

—Даставвал нопокнинг қўлларини ювадилар. Агар дастлаб қўллари ювилмаса, унинг бутун жисмини нопок қилади.

— Кўлларини уч карра ювганларидан сўнг, бошидан кумиз қуядилар.

Шунда мурдор деви насв унинг икки юзи оралиғига яширинади.

16—27

28

Биринчи чуқур бошида нопок мурдор деви насвдан қисман озод бўлади.

Шунда сен, эй Зардушт, ушбу нажотбахш дуоларни баланд овозда қироат қил:

«Эй, Мазда! Эй, азизлар!

Бизни душманлар адоватидан асрангиз!

Эй, дуруж! Эй, дев!

Нобуд бўл!

Эй, девзодалар!

Нобуд бўлингиз!

Эй, дуруж!

* 8-фаргардининг 40—71-бандлари бир оз ўзгартириш билан тақорорланади.

Йўқол ва нобуд бўл!
Эй, дурож!
Бу ердан даф бўлса-да, йироқ кет!
Сен бу Ҳақиқат оламини булғамагайсан ва нобуд
қилмагайсан!»
Иккинчи чуқур бошида қироат қил:
«Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асрангиз!
Эй, дурож! Эй, дев!
Нобул бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!»
Учинчи чуқур бошида хитоб қил:
«Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асрангиз!
Эй, дурож! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!..»
Тўртинчи чуқур бошида нидо қил:
«Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асрангиз!
Эй, дурож! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!»
Бешинчи чуқур бошида тавалло эт:
«Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асрангиз!
Эй, дурож! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!..»

Олтинчи чуқур бошида фарёд айла:
«Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асрангиз!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!..»

29

Шундан кейин нопок доира ичидаги ўтириб, тупроқ тўла кафтлари билан танасини ишқалайди.

30

Ўн беш марта унга тупроқ келтириб берадилар ва у ўз танасини боши учидаги энг нозик туклар қуригунга довур астойдил ишқалайди.

31

Танаси қуригандан сўнг, сув чуқурлари бошига келади.
Илк чуқур бошида танасини бир марта ювади.
Иккинчи чуқур бошида танасини икки марта ювади.
Учинчи чуқур бошида танасини уч марта ювади.

32

Сўнгра уруvasний, вуҳав-тавна, вуҳав-тиритий, ҳазана-ипата каби муаттар гиёҳлар билан ўзини хушбўй этади.
Кийимларини кийиб уйига қайтади.

33

Хонадонда у нопоклар ўрнида истиқомат қиласди. Бўлак маздапарастлар айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайдада уч тунни ўтказади. Уч тун ўтгач тана ва кийимларини сув ҳамда кумиз билан ювиб поклайди.

34

Шундан кейин ҳам хонадонга у нопоклар ўрнида истиқомат қиласди. Қолган маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дараҳтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда олти тунни ўтказади. Олти тун ўтпач тана ва кийимларини сув ҳамда кумиз билан ювиб поклайди.

35

Шундан сўнг ҳам у хонадонда нопоклар ўрнида истиқомат қиласди. Бошқа маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дараҳтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда тўққиз тунни ўтказади. Тўққиз тун ўтпач тана ва кийимларини сув ҳамда кумиз билан ювиб поклайди.

36

Шундан кейингина у олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дараҳтларига ёвуқ кела олмайди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

37

Покловчи руҳоний мубадни унинг таҳсин ва дуоси учун, шаҳриёрни бир нор тева, шаҳар ҳокимини олов, деххудони қўшхўкиз, хонадон соҳибини уч яшар сигир бадалига поклайди.

38

Покловчи хонадон соҳибасини бир сигир, уй ходимасини бир юк ташувчи сигир ва хонадоннинг энг кичик фарзандини бир қўзичноқ эвазига поклайди.

39

Маздапарастлар, агар имконлари етарли бўлса, покловчига беришлари лозим бўлган хилма-хил чорполар ана шулардан иборат. Агар бундай эҳсонга уларнинг қурблари етарли бўлмаса, ҳар нечук мукофот билан покловчини сийласалар бўлаверадилар. Токи покловчи ўша хонадонни ҳушнуд ва ранжсиз тарк айласин.

40

...Зеро, покловчи ўша хонадонни норози ва ранжли тарк этса, мурдор деви насв бурун, кўз, эрлик ва аёллик андомлари ва ортларини булғайди.

41

Мурдор деви насв тушиб келади ва уларнинг токи тирноқлари остигача кириб олади-да, буткул нопок қилади.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда ҳам қуёш, ой ва юлдузлар булғанч кимсалар узра нур сочаёттанидан ғамгин бўладилар.

42

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимки покловчини шод айласа, у оловни ҳушҳол қилган бўлади. Сувни ҳушнуд қилган бўлади. Тупроқни ҳушнуд қилган бўлади. Дарахтларни ҳушнуд қилган бўлади. Ашаван эрлар ва ашаван аёлларни ҳушнуд қилган бўлади.

43

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор билан булғанган кимсани насвдан пок этган кишининг жони танасидан жудо бўлса, унинг топкуси ажри нечукдир?

44

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Уқбо ҳаётида биҳиштнинг осойишта ва хушхол ҳаёти унга насиб этажагидан мужла бер, эй, Зардушт!

45

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ўлик танадан чиқиб, тирик танага киргувчи мурдор деви наасв билан нечук жанг қиласайин? Ўлик жисмни тарк айлаб, тирикни булғовчи наасв деви билан нечук олишайин?

46

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Икки карра ўқилгувчи гоҳлар⁹⁵ қисматини баланд овозда зикр айла.

Уч карра ўқилгувчи гоҳлар қисматини баланд овозда зикр айла.

Тўрт карра ўқилгувчи гоҳлар қисматини баланд овозда зикр айла.

Шунда мурдор девлари ўз-ўзича камондан учган тир, йил сўнгига қовжираб қолган замин гиёҳлари, тез орада ўтиб кетгувчи баҳор тупроғининг яшил либосидек олис ва нопайдо бўладилар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

47

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки булғанган шахсларни маздапарастлар русумидагидек мукаммал покламоқ илмини билмаса-да бир нопокни покламоққа бел боғласа, маздапарастлар нима қила-дилар?

Ўликнинг жисмидан чиқиб, тирик танага ўтгувчи мурдор деви билан нечук жанг қиласай?

Ўлик пайларини тарк айлаб, тирикларни булғагувчи мурдор деви насв билан қандай курашай?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Мурдор деви насв ҳар қачонгидан кўра қудратлироқ бўлади.

Насв кучга тўлиб, зўрайиб боради. Касаллик, ўлим ва девлар халқ қилган турли-туман ёмонликлар одамзот устидан ғолиб бўлади.

49

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Бундай зот гуноҳининг ажри нечукдир?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Маздапарастлар уни боғлайдилар. Дастваб қўллари-
га банд соладилар. Шунда кийим-бошларини эгнидан
ечадилар. Кейин терисини шиладилар ва бошини танаси-
дан жудо қиладилар. Жасадини эса ўлаксахўрларга таш-
лаб, шундай дейдилар; «Бу зот ўзининг жамийки аҳрима-
ний фикр, калом ва амалларидан пушаймондир...»

50

51

— Эй, Ахура Мазда!

Кимдир у дилларга қўркув ва ваҳм согувчи?

Кимдир у оламдан фаровонлик ва афзунликни супу-
риб ташлаб, касаллик ва ўлимлар келтиргувчи!

52

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ашаван бўлмаган ва маздапарастларнинг покланиш
русумини тугал билмаган ҳолатда бир нопокни поклашга
журъат этган кимсадир.

53

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шундан сүнг бу заминдан осойишталик, фаровонлик, тандурустлик, дармон, баракот, ва афзунлик, буғдой ва гиёхларнинг унумдорлиги ҳамда ҳосили йўқ бўлади'.

54

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Унда бу заминга ким қайта бошдан осойишталик, фаровонлик, тандурустлик, дармон, баракот ва афзунлик, буғдой ва гиёхларга унумдорлик ва серҳосиллик бахш этади?

55-56

Ахура Мазда жавоб берди:

— Токи ўша ашаван бўлмаган кимса ўллирилмаса ва уч кеча-кундуз порлоқ олов теграсида қўлда барсам дастаси ва ҳвам шарбати билан эзгулик илоҳлари шаънига саловатлар айтилиб, назр-ниёзлар бахш этилмаса, бундай заминга на осойишталик, фаровонлик, на тандурустлик ва на дармон, на баракот ва на афзунлик, на буғдой ва гиёхларнинг унумдорлиги ва серҳосиллиги насиб қилмайди.

57

Бундай замин фақат «тирик руҳ» маросимидан сүнг қайта ҳаётта қайтади ва тирилади.

Маздаларастлар бу қадар катта эътибор қаратган мазкур русумнинг номи «зиндаравон»дир. Маъноси «тирик руҳ». Гўё худди шу урф воситасида руҳ биҳишта дохил бўларкан.

ЎН ИККИНЧИ ФАРГАРД

1

Зардушт Ахура Маздадан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ота ва она вафотидан сўнг, ўғил ота учун ва қиз она учун неча муддат апамон⁹⁶ — мотам тутади.

Яхши зотлар учун тутиладиган мотам муддати қанча?

Гуноҳкорлар учун тутиладиган мотам муддати қанча?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Яхши зотлар учун уч кун, гуноҳкорлар учун олтмиш кун апамон — мотам тутадилар.

2

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хонани нечук пок қиласай?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Тан уч марта ювилади. Уч марта либослар ювилади. Гоҳлар уч карра қироат қилинади. Ёхуд менинг оловимга назр қилинади. Боғловлик барсам дастаси тақдим этилиб, эзгулик сувидан тотилади.

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Шундан сўнг хона пок бўлади ва олов, сув ҳамда амшосипандлар⁹⁷ у ерга ташриф буорадилар.

3

— Ўғил ва қиз вафотидан сўнг, ота ўғил учун ва она қиз учун неча муддат апамон — мотам тутади.

Яхшиси учун неча вақт мотам жоиз бўлади?

Гуноҳкорлар учун неча фурсат мотам жоиздир?

Ахура Мазда жавоб берди:

⁹⁶ Ота ё она вафот этган хона ҳақида тап бормоқда.

— Яхшиси учун уч кун, гуноҳкорлар учун олтмиш кун апамон — мотам тутадилар.

4—5

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сингил ё биродар вафотидан сўнг, сингил сингил учун, биродар биродар учун неча муддат апамон — мотам тутадилар?

Яхшиси учун неча вақт, гуноҳкор учун қанча фурсат мотам — апамонда бўладилар?

Гуноҳкорлар учун неча фурсат мотам жоиздир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхшиси учун уч кун, гуноҳкорлар учун олтмиш кун апамон — мотам тутилади.

6

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Үй соҳиби ёхуд бекаси вафот этса, ўша хонадон аҳли қачонгacha апамон — мотам тутадилар?

Яхшиси учун неча фурсат мотам жоиз?

Гуноҳкор учун қанча вақт мотам жоиз?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Яхшиси учун олти ой, гуноҳкор учун бир йил апамон — мотам тутилади.

ЎН УЧИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

(алиф)

1

— Сен, эй Аҳура Мазда, яратган маҳлукотлар ичida ким ярим кечадан то қуёш чиққунча Аҳриман яратган минглаб мавжудотларни нобуд айлайди?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ортидаги тиканлари баланд ва ўткир вангҳапара итидир. Тили заҳар одамлар дужака⁹⁸ деб атайдилар.

Ўшадир, мен — Ахура Мазда — яратган махлуқлар ичидаги ярим тундан қуёш чиққунга қадар Аҳриман яратган минглаб мавжудотларни нобуд айлагувчи.

3

— Эй, Зардушт!

Кимда-ким заҳар тилли одамлар Дужака деб атагувчи, ортидаги тиканлари баланд ва ўткир Вангҳапара итини ўлдирса, ўз руҳини тўққиз пуштигача ўлдирған бўлади ва агар бу гуноҳнинг товонини заминий ҳаётида сурушга⁹⁹ назр-ниёз келтириш билан адо этмаса, чийнавдпулга¹⁰⁰ йўл тополмайди.

4

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким заҳар тилли одамлар Дужака деб атагувчи, ортидаги тиканлари баланд ва ўткир Вангҳапара итини ўлдирса, у қандай жазо топади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан минг мартадан саваланади.

⁹⁸ Вангҳапара — тикани маъносини англатади. Ярим тундан қуёш чиққунга қадар ёвуз кучлар билан курашадиган авастойи махлуқнинг номи. Туклари ўткир ва баланд бўлгани учун типратиканга қиёсланади. Гўё қуёш нурлари унинг тибек тукларида ярақлаб нур таратиб, кечакиши тилармиш.

⁹⁹ Дужака — типратиканнинг омиёна аталиши. Маъноси, «асли бузук» деганидир. Асл номи — Вангҳапара. Ҳар бир махлуқнинг номида оз бўлса-да унинг хислати яширин бўлади. Ҳар нарса асл номи билан аталганда қудратли.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

(бе)

5

Аҳриман яратган махлуқлар ичидаги ким тун ярмидан тоқуёш чиққунга довур Сипандмийну яратган минглаб махлуқларни нобуд этади?

6

Ахура Мазда жавоб берди:

— Зайрмянгура¹ исмли девдир ва заҳар тилли оломон уни зайдмяка², деб атайдилар.

Аҳриман халқ қилған гуноҳкор махлуқлардан тун ярмидан токи қуёш чиққунга довур Сипандмийну яратган жонларнинг минг-мингини нобуд қилгувчи удир.

7

Кимки заҳар тилли одамлар зайдмяка деб аталувчи Зайдмянгура исмли девни ўлдирса, у патит ойининг адодаттанидек, фикр, калом ва амалда содир этган гуноҳларидан фориғ бўлади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

8

Кимки гала итини, хонаки итни, ё дайди итни ёхуд ов итини ўлдирса, унинг руҳи нариги дунёга кўчганидан сўнг бепоён бир жангалзорда бўри тилкалаётган қўйнинг даҳшатли овозидан аянчлироқ фарёд билан биҳиштни тарк этади.

¹ Баъзи тадқиқотчилар уни тошбақа деганлар, бошқа манбаларда «сабзахўр» деб таржима қилинган. Саҳроий сичқон дегувчилар ҳам бор.

² Биринчи изоҳга қаранг.

9

Ҳеч бир рӯҳ нариги дунёда унинг танасини тарк айлаган рӯҳ билан дийдорлашмайди ва девлар шабиҳуни чоғида унга мадад бермайди.

Чийнавдпул қошида турган қўриқчи ит ҳам девлар шабиҳунида унга кўмак қилмайдилар.

10

Кимки гала итини уриб, оёқдан йиқитса, ёхуд қулоқ ва чангалига заҳм еткарса-да бўри ўша ит қўриқлаётган сурувга ҳамла қилиб бир куни нобуд этса; мажруҳ ит чорасиз ҳолда қолаверса, гуноҳкор бир қўйнинг товонини тўлайди ва итга заҳмат еткаргани учун огоҳлантирилади.

11—12

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки гала итини уриб ўлдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан саккиз юз мартадан саваланади.

13

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки хонаки итни уриб ўлдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етти юз мартадан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки дайди итни уриб ўлдирса, у қандай жазога гирифтор бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан олти юз мартадан саваланади.

ЎН БЕШИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Гуноҳга ботиб, пишавтану, яъни арzon ўлимга мустаҳиқ бўлган кимсалар пушаймонлик ёхуд товон тўлаш билан ҳам кечирилмайдиган гуноҳларнинг сони нечта?

2

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Эй, пок Зардушт!

Бундай гуноҳларнинг сони бештадир.

Биринчи, кимки кўриб била туриб, бегона дин ва ғалат эътиқодни бир ашаванга ўргатса.

Бу гуноҳ пишавтану, яъни арzon ўлимдир.

3

Иккинчи, кимки қаттиқ суякни ёхуд бениҳоят қайноқ хўракни гала ёки хонаки итга берса.

Агар ўша суяк ит тишлари ёхуд томоғига тиқилиб қолса, ёки қайноқ хўрак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи пишавтану, яъни арzon ўлимдир.

5

Учинчи, кимки бўғоз итни урса, ёхуд қувиб, ёхуд қичқириб, оёқ-қўллари билан унга таҳдид солиб қўрқитса.

6

Агар ўша бўғоз ит бирор чуқурга, чоҳга, жарликка, дарё ёхуд анҳорга йиқилиб, шикаст топса ва ниҳоят

ўлса, гуноҳкорнинг амали пишавтанду, яъни арzon ўлимдир.

7

Тўртинчи, қай бир эр ҳайз кўрган хотин билан — хоҳ табиий, хоҳ нотабиий бўлсин — алоқа қилса, унинг гуноҳи пишавтанду, яъни арzon ўлимдир.

8

Бешинчи, қай бир эр қорнида боласи бор хотин билан алоқа қилса' — кўксига сут хоҳ келган, хоҳ келмаган бўлсин.

Хотинга шикаст етса ва нобуд бўлса, гуноҳкор эрнинг амали пишавтанду бўлиб, арzon ўлимдир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

9

Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қилса ва ўша қиз ё жувон ҳомиладор бўлгач, одамлардан номус қилиб, сув ва гиёҳлар билан ўзида ғайритабиийлик билан ҳайз ҳосил қилса''.

10

Агар ўша қиз ё жувон номусдан ўзида ғайриодатий ҳайз ҳосил қилса, гуноҳ унинг гарданидадир.

11

Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа

* Аёл қорнидаги гўдак тўрт ою ўн кунлик бўлса. Зеро, худди шу муддатда гўдак шакланиб, вужудига руҳ инган бўлади.

* Бу пишавтанду амалидир. Бу гуноҳ устига гуноҳдир. Унинг биринчи гуноҳи — алдашларига ижозат бергани. Бордию зўрланган бўлса, эр уни бу номусдан кутқариш учун қўйидагича йўл тутади. Эр аёлнинг бутун аҳли оиласини йиғиб, дейди: «Бу хотиннинг қорнида менинг болам бор. Мен бу ишдан хурсандман». Улар эса шундай жавоб қилишлари жоиз: «Биз буни биламиш ва шодмизки, шармандалик ўртадан кўтарилди...»

қиласа ва ўша қиз ё жувон ҳомиладор бўлгач, одамлардан номус қилиб, тириклик меваси бўлмиш бачадонидаги бир парча гўштни нобуд қиласа.

12

Агар ўша аёл одамлардан номус қилиб, бачадонидаги тириклик мевасини нобуд қиласа, одам ўлдириш гунохи аёл ва эрнинг гарданидадир. Улар ошкора қатл этиладилар.

13

Агар бир эр балоғатта етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қиласа ва ўша қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлгач, эрга деса: «Сен мени ҳомиладор қилдинг!» Эр унга жавобан: «Бир қария кампирни қидириб топ. Токи у ҳомилангни туширсин!» деса.

14

...Ва қиз ё жувон қария кампирнинг ҳузурига йўл олса ва кампирга қорнидаги ҳомилани туширмоқни буюрса. Қария банга¹⁰⁰, шайта¹⁰¹, ғнон¹⁰², фраспота¹⁰³ ва бошқа дорилар ёрдамида болани тушириб берса-да, эр унга деса: «Тирикликнинг мевасини олисларга элтиб ташла!. Қиз ё жувон тириклик мевасини узоқларга элтиб ташласа, бу гуноҳнинг юки ҳар учковининг гарданида: эр, аёл, қария кампир.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

15

Агар бир эр балоғатта етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қиласа ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлса, то гўдак дунёга келгунга қадар эр ўша қиз ё жувонни ўз қарамонига олмоғи керак.

16

Агар бордию эр аёлни етарлича ҳимоя қилолмаса ва гўдакка шикаст етса, бундай эрнинг жазоси ошкора ўлимдир.

17

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Вақти-соати етиб, аёл йўлда кўз ёрса, маздапарастлардан ким уни ўз қарамоғига олади?

18

— Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан — хоҳ турмушга чиққан, хоҳ чиқмаган бўлсин — алоқа қилса ва қиз ё жувон ундан ҳомиладор бўлса, то гўдак дунёга келгунга қадар эр ўша қиз ё жувонни ўз қарамоғига олмоғи керак.

19

— Агар ўз ҳимояси остига олмаса...
— Уни ўз ҳимоясига олмоқ ҳар бир ашаван эрнинг бурчидир. Ҳомиладор ким бўлмасин — икки оёқлими, тўрт туёқлими, хоҳ аёл, хоҳ урғочи итми — ашаван ҳимоя қиласи.

20

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!
Урғочи кўпрак йўл устида болаласа, маздапарастлардан ким уни тарбия қилиши лозим?

21

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ўша итта уйи ҳаммадан кўра яқинроқ бўлган маздапараст ҳомиладор ит туққунича ва туққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

* Сатрнинг қолган қисми ўчиб кетган. Кўплаб тадқиқотчилар сатр давомида 16-банддан фойдалангандар.

22

Агар ўша маздапараст керагича ҳомилали урғочи кўппакни парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

23

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Урғочи кўппак вақт-соати етиб теваҳонада туғса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

24

Ўша теваҳонани қурган ёхуд теваҳона тасарруфида бўлган кимса ҳомиладор кўппак түққуничча ва түққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

25

Агар ўша кимса ҳомилали урғочи кўппакни керагича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

26

— Эй, оламни яратган Зот!

— Эй, Ҳақиқат!

Урғочи кўппак вақт-соати етиб от охурида туғса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

27

Ахура Мазда жавоб берди:

— От охурини қурган ёхуд охур тасарруфида бўлган кимса ҳомиладор кўппак түққуничча ва түққанидан кейин унинг кучукларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

28

Агар ўша кимса ҳомилали урғочи кўппакни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукваччаларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

29

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали урғочи кўпрак вақт-соати етиб сигир охурида туғса, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

30

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Сигир охурини қурган, ёхуд охур тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўпрак туққунича ва туққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

31

Агар ўша кимса ҳомилали урғочи кўпракни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда болаларига шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

32

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Урғочи кўпрак вақт-соати етиб, қўй қўтонида болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

33

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Қўй қўтонини қурган, ёхуд қўтон тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўпрак туққунича ва туққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

35

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпрак вақт-соати етиб, уй девори устида болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

36

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ўша деворни тиклаган ёхуд девор тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўпрак түққунича ва түққанидан кейин унинг кучукваччаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

37

Агар ўша кимса ҳомилали кўпракни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда болаларига шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

38

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпрак вақт-соати етиб, бир чуқурлиқда болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

39

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ўша чуқурни ковлаган кимса кўпрак түққунича ва түққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

40

Агар ўша кимса ҳомилали кўпракни етарлича парвариш қилмаса ва оқибатда кучукларга шикаст етса, унинг жазоси ошкора ўлимдир.

41

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ҳомилали кўпрак вақт-соати етиб, яйлов ёхуд экинзорда болаласа, маздапарастлардан ким уни парвариш қилиши керак?

42

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Ўша яйлов ёхуд экинзор тасарруфида бўлган кимса ҳомилали кўпрак түққунга довур ва түққанидан кейин унинг болаларини ҳам парвариш қилиши лозим бўлади.

— У хайриҳоҳдик ва меҳрибонлик билан итни шоҳшабба ва дараҳт барглари устига ётқизиб қўйиши керак, токи жонивор орому осуда яшасин.

Кўпракнинг болалари улғайиб, ўзларини эглаб кетгунларига қадар уларни парвариш қилиш ҳам ўша кимсанинг зиммасидадир.

43

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Итлар қачон ўз ҳолларича яшашлари мумкин?

45

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Итлар ўн тўрт хонадон гирдида чопа олгулик ҳолатига келгандаридан сўнг, хоҳ саратон, хоҳ қаҳратон бўлсин ўз бошларича яшайверадилар.

Аҳура Мазданинг ўғлони Озар¹⁰⁴ бир аёлни асрагани каби бир ҳомилали кўпракни ҳам парвариш қиласи¹⁰⁵.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

46

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Маздаларастлар асл зотли кўпрак олмоқчи бўлсалар урғочи кўпракни қандай қўл билан қочирадилар?

¹⁰⁴ Ҳомилали аёлни дард туттан паллада тўдакни турли девлар шарридан асрар мақсадида буюк гулхан ёқданлар.

47

Ахура Мазда жавоб берди:

— Кўй қўтонига яқин ерда бир чукур қазадилар: қаттиқ ерда тизза бўйи, юмшоқ ерда белга довур.

48

Маздапарастлар дастлаб урғочи кўпракни болалар ва Ахура Мазданинг ўғлони — оловдан йироқ бир ерда сақлашади^{*}. Сўнг то уч нафар ит келиб кетма-кет унга қўшилгунга қадар назорат қилиб турадилар. Шундан кейин ҳар уч ит бир-бири билан алоқа қилиб қўймаслиги учун алоҳида-алоҳида тутиб турлади.

49

Уч нафар кўпрак билан қўшилган урғочи кўпрак ҳомилали бўлиб, кўкси сутга тўлади ва асл кучукваччани дунёга келтиради.

50

Уч нафар кўпракка қўшилиб ҳомиладор бўлган кўпракни калтаклаган одамга қандай жазо берилади.

51

Ахура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етти юз мартадан саваланади.

ЎН ОЛТИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Маздапарастлар оиласида бир аёл хоҳ табиий, хоҳ

* Болаларга ва оловга озор етказмаслиги учун.

ғайритабиий ҳолатда ҳайз кўрса, улар нима иш қилишлари керак?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Унинг йўли ҳар нечук гул ва буталардан пок қилинади". Ва у яшайдиган ерга қуруқ тупроқ сепилади". Унинг учун алоҳида бино тикланади"". Бино, одатдаги бинолардан баланд бўлади, зеро ҳайз қўрган аёлнинг назари оловга тушмаслиги керак.

3

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

— Оловдан нечоғли ва сувдан нечоғли олис бўлмоғи керак?

— Барсам дасталларидан қанчалик узоқда?

— Ашаван эрдан нечоғли олисда?

4

Ахура Мазда жавоб берди:

— Оловдан ўн беш одим олисда.

— Сувдан ўн беш одим олисда.

— Барсам дасталларидан ўн беш одим олисда.

— Ашаван эрдан ўн беш одим олисда.

5

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

— Хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда ҳайз қўрган аёлга хўрак элтган кимса ундан нечоғли олис турмоғи керак?

· Ҳайз қўрган аёл олиб ўтиладиган йўл.

· Аёл гул ва буталарга тегиб кетиб, уларни булғамаслиги керак.

· Аёл ерга тегиб, уни булғамаслиги учун қуруқ тупроқ сепилади.

· Ҳайз қўрган аёл нопоклик даврида яшайдиган бино.

6

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда бўлсин, ҳайз кўрган аёлга хўрак элтган кимса ундан уч одим олисда бўлиши керак.

— Нечук идишда унга хўрак элтмоқлари мумкин? Нечук идишда унга нон элтмоқлари мумкин?

— Қалай, қулом ёхуд камбаҳо идишларда?

7

— Ҳайз кўрган аёлга қанча хўрак ва қанча нон бериш керак?

— Ҳайз кўрган аёл зиёда куч-кувват олмаслиги учун икки динор миқдорида нон ва бир динор миқдорида таом бермоқлари лозим.

Агар ўша аёл билан бирор гўдак учрашган бўлса, дастлаб унинг қўлларини, сўнгра бутун танасини ювиш жоиз бўлади”.

Ҳайз кўрган аёлнинг қони уч кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода тўртингчи кун ҳам туради.

Ҳайз кўрган аёлнинг қони тўрт кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода бешинчи кун ҳам туради.

9

Ҳайз кўрган аёлнинг қони беш кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода олтинчи кун ҳам туради.

Хўрак пўлат чўмичларда сузилиб, муайян масофадан узатилади. Сопол ишиллар булсанса, уни поклаб бўймайди. Аммо пўлат ишилларни поклаш мумкин.

“Динор бир юз бештадан бир юз саксон бештага довур буғдой донаси вазнига тенглаштирилган. Аёлга тўрт кеча-кундуз давомида қон кетиши авж олмаслиги ва унинг вужудига жойлашиб олган аҳриманий кучлар ғолиб келмаслиги учун тўрт кеча-кундуз давомида гўштилик таом берилмаган.

“Борди-ю аёлнинг эмизикли гўдаги бўлса. Умуман, ҳар қандай бола ҳам, албатта, одатдаги расм-руссум билан ювилаб покланади.

Ҳайз кўрган аёлнинг қони олти кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода еттинчи кун ҳам туради.

10

Ҳайз кўрган аёлнинг қони етти кеча-кундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода саккизинчи кун ҳам туради.

Ҳайз кўрган аёлнинг қони саккиз кечакундуз давомида ҳам тўхтамаса, у маҳсус бинода тўққизинчи кун ҳам туради.

11

Ҳайз кўрган аёлнинг қони тўққиз кечакундуз давомида ҳам тўхтамаса, у девпарастларнинг ўз ҳамжинслари учун ҳозирлаган тантанасининг белгисидир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Маздапараастлар унинг йўлини чўл ва ниҳоллардан поклашлари керак.

Улар учта чуқурлик қазишлари, икки чуқурлик бошида аёлни қумиз билан, учинчи чуқурлик тепасида сув билан ювинтиришлари лозим.

Маздапараастлар шу зайл ҳайз кўрган аёл жисмидаги аҳриманий храфсастраларни ўлдирадилар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

13

— Агар бирор маздапарааст хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда ҳайз кўрган аёл қонини тўхтатмоқчи бўлса, унинг жазоси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Унинг амали пишавтану бўлиб, арzon ўлимдир, жазоси — аспаҳиҳашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма мартадан саваланади.

14

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимки қайта-қайта огоҳлантирилишига қарамай хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда бўлсин, ҳайз кўрган аёл билан алоқа қилса унинг жазоси нима?

15

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Агар у ҳайз кўрган аёл билан илк марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан ўттиз мартадан саваланади.

Агар у ҳайз кўрган аёл билан иккинчи марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан эллик мартадан саваланади.

Агар у ҳайз кўрган аёл билан учинчи марта алоқа қилса, аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан етмиш мартадан саваланади.

16

— Агар у ҳайз кўрган аёл билан тўртинчи марта алоқа қилса, аёлнинг танини энгил-бош устидан қучоқласа ва болдирларига чеврилмасдан чирмашса жазоси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўқсон мартадан саваланади.

17

Хоҳ табиий, хоҳ ғайритабиий ҳолатда бўлсин, ҳайз кўрган аёл билан алоқа қилишга киришган кишининг гуноҳи ўзининг жигар қонидан яралган ва «найза» ту-

Бир ақидага кўра гўё қандайдир пайғамбарнинг номи. Бошқа бир ақидага кўра «найза билан ўлирилган» маъносини ифодалайди.

файли ҳалок бўлган фарзандини куйдириб, кукунини оловга сочган билан баробардир”.

18

Жамийки бу гуноҳкорларнинг жисмига дурож деви йўл тутгандир ва Ҳақиқат ҳаками уларни хор этмишлир. Ҳақиқат ҳаками хор этган кимсаларнинг боши Яратганинг ҳузурида эгикдир. Яратган ҳузурида бош эгиб турган бу гуноҳкорлар ашаван номига иснод келтиридилар ва уларнинг мукофоти ўлимдир.

ЎН ЕТТИНЧИ ФАРГАРД БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Зардушт Ахура Маздадан сўради:

— Эй, Ахура Мазда! Эй, коинот нури! Эй, одамларни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамларнинг девларни хушнуд ва сарафroz қиласиган энг қабиқ ва ашаддий гуноҳлари нималардан иборат?

2

Ахура Мазда жавоб берди:

— Кимки соч тараса ёхуд уни олса, ёхуд тирнофини олгач, уни ҳеч қандай расм-русумсиз бирор чукурга ё ковак-

* Бу икки ҳабиқ гуноҳ баробар эмас. Аммо ҳеч бири яхши эмас. Маълумки, мурдор куйдиргувчилар учун ўлимдан бошқа товоң тўламайди.

ка тўкиб юборса, бу қабиҳ амал девларни дуо билан олқишилаб, кучлантирган, нусрат баҳш этган билан баробардир'.

3

Диний русум ва маросимларга эътиборсизлик оқибатида ер юзида девларнинг хуружи авж олади.

Диний русум ва маросимларга эътиборсизлик оқибатида одамлар бир деб атовчи храфсастралар, экинзорларда буғдойларни егувчи ҳашаротлар, уйларда лиbosларни кемиравчи маҳлуклар ер юзини босиб кетади.

4

— Эй, Зардуш!

Қачонки сочинигта тароқ солсанг ёхуд уни қиришиласанг, ё тирноқ олсанг тандан жудо бўлган ўша соч ва тирноқларни ашаван эрдан уч одим олисга, оловдан йигирма одим олисга, сувдан ўттиз одим олисга ва барсам дасталаридан эллик одим олисга элтиб бор.

5

Шундан кейин қаттиқ ерда ўн бармоқ ҳажмида, мулоийм ерда ўн икки бармоқ ҳажмида чуқур қаз; ўша соч

Тандан жудо бўлган ҳар бир нарса мурдор ҳисобланади; у девлар тасаруфига тушгач, нопоклик ва ўлим келтиради. Бинобарин, тандан кесиб олинган соч ё тирноқ ўз-ўзидан Ахриманнинг мулкига айланади. Шунинг учун лозим бўлган расм-русумлар ёрдамила уларни соч ва тирноқлар ичидан худди ўлиқ тандан ҳайдаб согландек кувмоқ лозим. Тандан жудо қилинган ҳар бир аъзони поклаш учун ҳам одатдаги покланиш маросими ўтказилса мурдор девлари замин қаърларига чекинадилар. Асотиршунослар ушбу фаргарддаги воқеаларга баҳо берарканлар соч ва тирноқ билан боғлиқ ҳодисаларни инсоният ҳаёти ибтиносидаги хуроффотпарастлик дейдилар. Фақат Хиндистон ё Шарқда эмас, балки бутун ер юзида яшовчи кўпилаб ҳалқлар эътиқодига кўра, олинган соч ва тирноқлар девларга катта қурдат баҳш этаркан. Болтиқ бўйида яшовчи эстонлар тирноқ парчаларини ерга тушишига сира изн бермайдилар. Уларнинг ақидасига кўра, иблис уларни териб олади-да ўз қалпоғининг гардишига ўрнатади ва одамларга заҳмат етказиша ундан катта куч олади.

ва тирноқларни унинг тубига тушлаб юбор-да энг улуғ ва энг нажотбахш ушбу дуони зикр қил.

Дуонинг мазмуни қўйидагича:

Одамзод «кичий олам» («олами сағир», «жаҳони кўчак-»)дир. Унинг вужудидаги ҳар бир унсур табиатда ҳам мавжуд. Ўлимдан сўнг яна ўша табиатдаги унсурларга қайтиш қиласи. Раствор — қиёмат рўй берганда сўнгаклари тупроқдан, қони сувдан, соchlари гиёҳлардан, тириклиги оловдан қайтиб келади.

6

Сўнг пўлат пиchoқда ўша чуқур гирдига уч, олти ё тўққиз доира шаклини сол-да, энг улуғ ва энг нажотбахш дуоларни қирот қил...

9

Сўнг ушбу дуони тилга ол:
«Эй, Ашв-звашта¹⁰⁵ қуши!

Бу ёққа боқ! Бунда сенинг тирноқларинг бор. Улар мазандарий¹⁰⁶ девлар билан курашгани негизда шояд сенга найза, ханжар, ўқ ва палахмон тоши бўлгай.

10

Агар тирноқлар Ашв-звашта қулшига тортиқ қилинмаса, улар девлар илқида найза, ханжар, ўқ ва палахмон тошига айланади.

ЎН САККИЗИНЧИ ФАРГАРД

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Аҳура Мазда шундай леди:

* Ушбу юят қадимий назария дунёнинг бир қатор ҳалқарида зътиқодга айланган. Жумладан, ушбу фикрни қадимги ҳинд, юон, скандинав ҳалқарида ҳам кузатиш мумкин.

— Эй, Ашаван Зардушт!

Кимки оғзига паном¹⁰⁷ боғласа-да, динини асраш учун бел боғламаса ва «мен — отурбон — дин ҳомийсиман», деса, билгилки, у каззобдир».

— Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон — дин ҳомийси дема.

Ахура Мазда шундай деб жавоб берди.

2

— Кимки храфсастра (зааркунанда ҳашарот)ларни кўлга олса-ю, бироқ дишти асрамоқ учун бел боғламаса ва: «мен — отурбон» — дин ҳомийсиман деса, билгилки, у каззобдир.

— Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон — дин ҳомийси дема.

Шундай ваъз қилди Ахура Мазда.

3

Кимда-ким барсам дастасини кўлида тутсаю, дин ишларига бел боғламаса ва аммо деса: «Мен — Отурбон — дин ҳомийсиман!» Билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни Отурбон деб билма.

Шундай нуқт ийрод қилди Ахура Мазда.

4

Кимда-ким «аштра-майря»¹⁰⁸ни ишга солса-да, дин ишларига бел боғламаса ва аммо деса: «Мен — отурбон — дин ҳомийсиман!» Билгилки, бу каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Ушбу бандда кўлланилган «боғламоқ» сўзи кураш тушган пайтдаги бел боғламоққа ишора. (Шу фаргардининг 54-банди). Бинобарин, бу иборанинг мукаммал маъноси қўйидагича: «дин учун бел боғламаслик — кураш учун бел боғламаслик». Ёхуд: «Динга бел боғламоқ — курашга бел боғламоқ».

Сен уни отурбон деб атама.
Шундай деди Ахура Мазда.

5

Кимда-ким тулоний тунларда мурдалек ухласа, ясна ва гоҳларни куйламаса; гуфтор ва кирдорида субут бўлмаса; ҳаргиз ўрганмаса ва ўргатмаса-да, абадий ҳаётни орзу қилиб деса: «Мен — отурбон ; дин ҳимиисиман!»

Билгилки, у каззобдир.

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен уни отурбон деб билма.

Шундай деди Ахура Мазда.

6

Эй, Ашаван Зардушт!

Сен шундай одамни отурбон — дин ҳомийси дегилки, у тулоний тунларда худованд розилигини топиш учун қоим бўлсин-да, одамий зоти нечук йўл билан сирот кўпприги — чийнавдтул қошига очиқ кўнгил ва шукуҳ билан келиб, Ашаҳ — Ҳакиқат олами, биҳишли жовидондан муждалар топишини андиша қилисин.

7

Эй, Зардушт! Эй, солиҳ амалли!

Мендан сўра! Мендан иста!

Мен барча яралмишлардан яхшироқ бўлган яратувчи-ман. Мен ҳаммадан ҳам донишмандроқман. Ҳар нечук муаммо ва жумбоқларни ҳал қилишга қодир зотман!

Мендан сўра. Мендан иста — Сенга шу яхшироқдир. Сенга бу шодлик бағишлагувчилир.

8

Зардушт Ахура Маздадан сўради:

— Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳакиқат!

Не нарса маришана¹⁰⁹ — пинҳон руҳли сиж¹¹⁰ —
деванинг қудратини зиёда қиласди?

9

Аҳура Мазда жавоб берди:

Нодуруст билим ўргатгувчи ва одамларни гумроҳ қилгувчи ашмуҳларнинг кирдикори.

Уч йил муттасил белбоғ боғламаган, гоҳларни куйламаган ва сув илоҳаси шаънига ҳамду шукроналар келтирмаган кимсалар.

10

Дўзахга гирифторларни озод қилганлар. Уларнинг бу кирдори бир эрнинг терисини тириклайин шилиб, бошини танасидан жудо қилган билан баробардир.

11

Бир нафар тубан ноашаван ашмуғ шаънига айтилган офаринлар ўша офарингўйнинг оғиздан нари боролмайди.

Икки нафар тубан ноашаван ашмуғ шаънига айтилган офаринлар ўша маддоҳнинг забонидан нарига боролмайди.

Уч нафарга офарин айтган фойдасиздир.

Тўрт нафарга офарин айтган маддоҳнинг мадҳи ўзига нафратдан ўзга нарса эмас.

12

Кимда-ким ноашаван ашмуғта ҳавм шираси ёхуд мязда¹¹¹ тортиқ қиласа, унинг ушбу кирдори минг-минг суворий маздапарастлар шаҳрига тажовуз қилиб, уларни дамидан ўткариб, пода ва йилқиларини талон-торож қилган билан баробардир.

ИККИНЧИ БЎЛIM

13

— Эй, Зардушт! Эй, солиқ амалли!

Мендан сўра! Мендан иста!

Мен барча яралмишлардан яхшироқ бўлган яраттувчи-
ман. Мен ҳаммадан ҳам донишмандроқман. Ҳар нечук
муаммо ва жумбоқларни ҳал қилишга қодир Зотман!

Мендан иста! Мендан сўра — Сенга шу яхшироқдир.
Сенга бу шодмонлик бағишилагувчиидир.

14

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

— Бутун вужуди илоҳий калом — манзаралар билан
куролланган қудратли илоҳ Сурушнинг сравашавариз¹¹²
ким?

15

Аҳура Мазда жавоб берди.

— Эй, Ашаван Зардушт!

У правдарш¹¹³ қушидир. Банзабонлар уни қаҳрактос¹¹⁴
деб атадилар. Бу қуш — бомдод маҳали эрта тонгдан
сўнг бонг уради:

16

— Эй, инсонлар!

Оёққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гўзал
Ашаҳ — Ҳақиқатни васф айланг¹¹⁵. Узунқул Бушасп¹¹⁵
бошингиз устига келади ва эндинигина кўз очган бутун
махлуқлар яна уйку домига чўқади.

* Хўроҳни «олам ногораси» демишлар. Субҳидам ёруғлиги девларнинг кўзини
хира тортирган маҳалда хўроҳлар бонг уриб, ёруғликни мадҳ этадилар. Одамлар
хўроҳларнинг бу фарёдлари девларни қувиб солишига ишонадилар. Ит ва хўроҳ
илоҳ сурушнинг ер юзида девларга қарши кураштувчи лашкарлариидир.

Дев Бушасп инсонларга шундай дейди:
«Ухла! Уйқуга чўм! Ҳали уйғониш фурсати келмади!..»

17

Яна хўроз дейди:

«Ҳаргиз бу учликда сусткашлиқ қилма: эзгу фикратда,
эзгу амалда ва эзгу каломда.

Ушбу ёмон учликдан зинҳор юз бур! Ёмон фикратдан,
ёмон амалдан, ёмон каломдан».

18

Туннинг ибтидосига Аҳура Мазданинг ўғлони Олов
хонаҳудо — юрт соҳибини имдодга чорлайди ва дейди:

19

— Эй, юрт соҳиби!

Ўрнингдан қўзғол. Белингни сириб боғла. Энгил-бош
кий. Қўлларингни ювгил, сўнгра ўтин олиб менинг ҳузу-
римга ошиқ!

Дев яратган аҳриманий Оз¹¹⁶ менинг борлиғим билан
муҳораба қилиб, сўндиրмасдан бурун пок қўлларингда
покиза ўтиналар қалаб, мени алангалағтил'.

20

Туннинг иккинчи ярмида Аҳура Мазданинг ўғлони —
Олов қўшчини имдодга чорлайди ва дейди:

21

— Эй, қўшчи!

Ўрнингдан қўзғол. Белингни сириб боғла. Энгил-бош
кий. Қўлларингни ювгил, сўнгра ўтин оло менинг ҳузу-
римга ошиқ!

• Маздалараст уйқудан қўпиши баробарида, даставвал белини маҳкам сириб,
қўлларини ювигиб, поклагач оловга ўтин қалаши лозим.

Дев яраттан аҳриманий Оз менинг жисмим билан олишиб, сўндиrmасдан бурун пок қўлларингда покиза ўтинлар қалаб, мени алангалаттил.

22

Туннинг учинчи ярмида Аҳура Мазданинг ўғлони Олов порсо Сурушни имдодга чорлайди ва дейди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Ҳузуримга ошиқ. Девзод Оз менинг вужудим билан курашиб, сўндиrmасидан бурун одамлардан бири пок қўлларида покиза ўтинлар қалаб, мени алангалатсин!

23

Шундан сўнг, порсо Суруш бадзабон мардумлар каҳрактос деб атагувчи правдарш қушини уйғотиб юборади. Қуш баланд товушда субҳ ёвуқ келганидан одамларни огоҳ этиб, бонг уради:

24

— Эй, инсонлар!

Оёққа қалқинг! Девларни итқитиб ташлагувчи энг гўзал Ашаҳ — Ҳақиқатни вассф айланг. Дасти дароз Бушасп бошингиз устига келади ва эндинина уйғона бошлаган маҳлуқот яна уйқуга чўмади.

Дев Бушасп инсонларга шундай дейди:

«Ухла! Уйқуга чўм! Ҳали уйғониш фурсати етмади!..»

25

Хўроз яна дейди:

— Ҳаргиз бу учликда сусткашлик қилма! Эзгу фикратда, эзгу амалда ва эзгу каломда.

Ушбу қабиқ учликдан зинҳор юз бур: ёмон фикратдан, ёмон амалдан, ёмон каломдан!..

26

Шу он ёстиқдошлар бир-бировларига дейдилар:
— Кўзғолайлик. Хўроз бизни чорлаяпти.

Бу ҳар иккидан ким даставвал ўрнидан қўзғолса, биҳиштга мусассар бўлади.

Бу ҳар икковдан ким даставвал пок қўлларда покиза ўтинни Аҳура Мазданинг ўғлони Оловнинг ҳузурига элтса, Олов ундан хушнуд бўлади, ундан сира ғазабланмайди. Ниманики истаса муҳайё айлайди ва унинг ҳақига шундай дуолар қиласди:

27

«Сигирларнинг подаси зиёда бўлсин ва кўплаб фарзандлардан баҳраманд бўлгин!

Сенинг андиша ва зийраклигинг афзун бўлсин!

Рӯҳинг ҳамиша ҳаракатда ва ҳаёт бўлсин!

Тирикликнинг бутун тунлари сенга шодмонлик, баланд ва хуш руҳ бахш этсин!

Будир — Оловнинг дуолари. Будир покиза ўтинни ашаванларча Олов ҳузурига олиб келиб, уни аланга олдирган бир марднинг ажри.

28

Кимда-ким меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан менинг правдарш қушимдан бир жуфтни хўроз ва мокиённи — ашаван эрга тортиқ қиласа, юз устунли, минг ўқли, ўн минг улкан панжарали ва ўн минг даричали уйни унга ҳадя қилган билан баробардир.

29

Кимда-ким менинг правдарш қушим тенги гўштни бир ашаван эрга тортиқ қиласа, мен — Аҳура Мазданинг ундан ҳеч сўровим йўқдир ва у яккаш биҳиштга доҳил бўлади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

30

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!

Сен бу моддий оламда танҳоликда бирор нар билан
қўшилсанг, юкли бўласанми?

31

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Йўқ. Мен бу жисмоний оламда ёлғизликда бирор нар
билан қўшилсанг ҳам юкли бўлмайман.

32

Тўрт тоифа нар меникидир. Ўшалар мени бошқа нарлар
модаларини ҳомиладор қилгани каби юкли қила оладилар.

33

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!

Кимдир ўша нарларнинг дастлабкиси?

34

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Менинг бирламчи нар жуфтим бир ашаван эр уйига
кириб, унинг қимматбаҳо ганжидан бир оз сўраган чоғда
бермаган кимсадир.

35

Худди шундай одам бошқа нарлар ўз модаларини қан-
дай ҳомилали қиссалар, ўшандай мени юкли қила олади.

36

Гурзи туттан порсо Суруш дуруждан сўради:
— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалнинг товони қандай бўлади?

37

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:
— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!
Бу амалнинг товони — ўша эр ҳарчанд ҳеч ким ундан сўрамаган чоғда ҳам меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан озроқ бўлса-да ўз хазинасидаги ганждан бир ашаванга бериш билан тўланади.

38

У ана шу амали билан менинг бачадонимдаги боламни бир чорпо қашқир она қорнидаги гўдакни юлиб олганидек, суғириб кетади.

39

Гурзи туттан порсо Суруш дуруждан сўради:
— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Кимдир сенинг нарларингнинг иккинчиси?

40

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:
— Менинг иккинчи нарим барча юзларни топтагувчи (барчанинг юзига оёқ қўйгувчи)дир.

41

Худди шундай кимса бошқа барча нарлар ўз модаларини қандай ҳомилали қилсалар, ўшандай мени юкли қила олади.

42

Гурзи туттан порсо Суруш дуруждан сўради:
— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!
Бу амалга қандай қилиб товон тўланади?

43

Шунда найрангбоз дев дуружд жавоб берди:
— Эй, порсо! Эй, курдатли Суруш!

Үша кимса юзни топтаб бўлганидан сўнг, уч одим масофага олислашгач, уч бор «Ахуна-Вора»¹¹⁷, икки марта «Ҳаматанам»¹¹⁸, уч марта «Ҳушшасрвтимом»¹¹⁹ ва яна бир карра «Ахуна-Вора» ва бир бор «Йингҳиҳа-Ҳотам»¹²⁰ дуоларини қироат қилиши лозим.

44

У ана шу амали билан менинг бачадонимлаги боламни бир чорпо қашқир она қорнидаги гўдакни юлқиб олганидек, суфуриб олиб кетади.

45

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:
— Эй, баҳти қаро, тубан дуружд!

Кимдир сенинг нарларингнинг учинчиси?

46

Шунда найрангбоз дев дуружд жавоб берди:

— Менинг учинчи наrim уйқусида манийси оққан кимсадир.

47

Худди шундай кимса бошқа нарлар ўз модаларини қандай ҳомилали қилсалар, ўшандай мени юкли қила олади.

48

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:

— Эй, баҳти қаро, тубан дуружд!

Бу амалнинг товони қандай бўлади?

49

Шунда найрангбоз дөв дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Ўша кимса ўрнидан кўзғолганидан сўнг, уч одим масофага олислашгач, уч бор «Аҳуна-Вора», икки марта «Ҳаматанам», уч марта «Ҳушшасртимом» ва яна бир карра «Аҳуна-Вора» ва бир бор «Йингҳиҳа-Ҳотам» дуоларини қироат қилиши лозим.

50

У ана шу амали билан менинг бачадонимдаги боламни бир чорпо қашқир она қорнидаги гўдакни юлқиганидек, суфириб олиб кетади.

51

Шунда уйқусида маний суви тўкилган одам амшоси-панд Спандромаздан сўради:

— Эй, Спандармаз!

Мен бу одами сенга топшираман. Сен уни буюк растохез (қиёмат куни) менга қайтиб бер. Уни гоҳлар ва ясналарни биладиган, диногоҳ, муаммоларга ҳозиржавоб, хирадманд ва зийрак бир мард қилиб қайтариб бер.

52

Уни «Оловберди», «Оловқардош», «Оловзод» ёхуд слов билан боғлиқ мавжуд неки бўлса, ўша ном билан атагил.

Қадимий муғлар таълимотига мувофиқ нутфа (маний суви) «кичик одам»дир. Ҳали дунёга келмаган бир тийра узв саналади. Аксарият тадқиқотчиларнинг яқдиллик билан қылган эътирофига кўра, бу «кичик одам» буюк бир мажмудадан узилиб туштан ва гумроҳ бўлган аъзо – модда илоҳ Ормандийга топширилади. Ормандий уни гумроҳликдан холос айлаб, ўз жуфтидан бино бўлган фарзанд каби жаҳоннинг буюк қайта бунёди кунига олиб боради.

53

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!

Бу сенинг нарларингнинг тўртинчиси?

54

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш!

Менинг тўртинчи нарим — хоҳ эр, хоҳ аёл бўлсин —
үн беш ёшдан сўнг, белбоғ боғламаган ва судра кийма-
ган кимсадир.

55

Тўртинчи одимидан” сўнг биз — девлар унинг тил ва
миясини чалғитиб ташлаймиз, шундан сўнг у бутун қуд-
рат билан ташлаган одими туфайли Сипандмийну олами-
ни вайрон қилмоққа бошлайди; жодугарлар ва гумроҳлар
каби тирикликни барбод этади.

56

Гурзи тутган порсо Суруш дуруждан сўради:

— Эй, бахти қаро, тубан дуруж!

Бу амалнинг товони нечук тўланади?

57

Шунда найрангбоз дев дуруж жавоб берди:

— Эй, порсо! Эй, қудратли Суруш! Бундай гуноҳнинг
товони йўқдир.

— Үн беш ёшдан сўнг маздапарастларнинг маҳсус белбоғини боғлаб, судра
либосини киймаган ҳолатда уч одим ташлаган одам саравушу-чарана ҳамчини
билан ўттиз марта саваланади. Тўртинчи одими юқорида қайд қилинганидек,
девлар измида бўлади.

ВАНДИДОД ИЗОҲЛАР

1. **Фаргард** — маъноси «кесик» ёхуд «бўлак». «Вандидод»нинг алоҳида бир қисми. Баъзи қадимий Шарқ адабиётлари ҳам шу ном билан аталган, жумладан, бу сўз араб шеъриятига «фиржард» (кўплиги «фиржардот») шаклида кириб келган.

2. **Аҳура Мазда** — асл авестойи шакли «Аҳура Маздоҳ». Ҳақиқат (Ашах) ва эзгулик оламининг яратгувчиsı. Оламда неки пок, неки эзгу унинг номи билан боғланган. Маздапарастлик дини илоҳи. Қадимий манбаларда бу ном «Аҳура Мазд», «Хурмазд», «Урмазд», «Аҳуройи Мазд», «Хурмуз» шаклларида қўлланилган. «Авесто» матнларида бу ном уч хил ҳолатда ишлатилган: «Аҳура», «Мазда», «Аҳура Мазда».

«Аҳура Мазда» номи икки жузъдан иборат: «Аҳура» ва «Мазда» («Маздоҳ»). «Аҳура» санскрит тилидаги «Осура», қадимги ҳинд асотирларидаги бир гуруҳ девлар унвонини ифодалайди. Шарқ асотирларига кенгроқ ёйилган бу ном оламларни яратган илоҳ маъносига қўлланилган. Ҳиндларнинг қадимги асотири бўлган «Пираражопатий»да «борлиқнинг яратгувчиси» маъносини ифодалаган Аҳура — Худолар отаси ибтидода ёлғиз бўлган. Аҳура, ҳиндлар истилоҳи билан айтганда «браҳмана», «дива» ва «асура»ларни яратган. «Дива», яъни худолар унинг дамидан, «асура»лар — девлар унинг бодидан пайдо бўлган.

«Авесто»да Аҳура буюклиқ ва ҳаққоният тимсоли. У худолар ва одамлар орасига фақат эзгулик, адолат, мардлик ва поклик ҳимоячиси. Паҳлавий тилига ўзлашгач «худойи» шаклини олган Аҳура, бора-бора «худо» сўзига айланди.

«Мазда» — хушёр, доно, огоҳ каби маъноларни ифодалайди. Паҳлавий тилига ўзлашгач, «данак», сўнгра «доно» тусини олган. Санскрит тилидаги «Мизос» ҳам айни шу маънога эга. Хулоса қилиб айтганда, «Ахура Мазда» — «Доно раҳнамо йўлбошчи», «Оқил Яратувчи» маънолари ни ўзида ифода этади.

3. **Сипийтмон** — «Авесто»да «сипийтома». Зардушт оиласи шу ном билан юритилган. Маздапарастлик қонуни маъносига ҳам эга. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Сипийтмон» Зардуштнинг тўққизинчи бобосининг номи. «Сипийтмон» сўзининг асл маъноси тугал равшан эмас, дастлаб «сипийта» сўзи «оқдик» маъносини англатган. Қадимги паҳлавий, форс ва араб манбаларида бу сўз турлича шаклларда қўлланилган, чунончи: «сипийтама», «исбиймон», «сибиймон», «сипийтамон», «испанатмон» ва ҳоказо. Баъзи авестошуносларнинг фикрига кўра «Сипийтмон» пайғамбарнинг болаликдаги исми бўлиб, у тўққизинчи бобосидан олиб қўйилган, «Зардушт» исми эса пайғамбарликка эришганидан сўнг берилган.

4. **Зардушт ёки Зартушт** — «Авесто»да «Заратуштра». Бир таъбирга кўра «Сариқ тия соҳиби» маъносини билдиради. Бошка таъбирга мувофиқ «Заррин ёруғлик эгаси» маъносини ифодалайди. Зардуштий ёхуд Маздапарастлик динининг асосчиси.

5. **Ийрон Виж** — «Авесто»да «Айрдана Ваиж» ёки «Айрдана Ваижангах». Қадимги Шарқ ҳалқлари истиқомат қилган манзилнинг номи. Кўплаб авестошуносларнинг яклилилк билан қилган эътирофига кўра бу юрт ҳозирги Хиванинг ўрнида бўлган. «Вандидод» китобининг 1-фаргард, 3-бандига кўра «Ийрон Виж» Ахура Мазда яратган ўн олти сарзаминнинг энг бирламчиси ва энг гўзалидир. Бунга қарши ўлароқ ёвузлик худоси Аҳриман Аждаҳо, Қиши ва Девни яратган.

6. **Доитё ёки Доитий** — «Авесто»даги асотирий

дарёнинг номи. Баъзи авестошунослар уни Амударё (Арс) ёхуд Зарафшон дарёларига нисбат берганлар.

7. **Аҳриман** — «Авесто»да «Ангар Майню». Паҳлавий ва форс тилларида «Аҳриман», «Аҳриёман», «Аҳирман». Мъноси — «Жанг ва душманлик олами». «Янги Авесто»да ва маздапарастлар динида Аҳриман душман девлар, жодулар ва париларнинг сардори. Ахура Мазданинг муросасиз душмани. Бежиз эмаски, Ахура Мазда Аҳриман хусусида сўз юритаркан, «Бутун борлиғи ажал билан йўғрилган» деб таърифлаган.

8. **Аҷдаҳо** — «Авесто»да «АЗИДАҲОНА». Паҳлавийда «АЗДАҲОГ», форсчада «Аҷдаҳо» ёхуд Захҳок. Бутун кирдо-ри ёмонликдан иборат бўлган Аҷдаҳо, уч калла, уч оғиз ва олти кўзлидир. Унинг мақсади жаҳонни одам зотидан тозалаш. Ёмонлик илоҳи Аҳриман уни шу мақсадда яратган.

9. Баъзи шарқшунос олимлар, авестошунослар, хусусан доктор Муҳаммад Муъйиннинг фикрига кўра, фоят қадим замонларда, эҳтимолки бугун иқлими бениҳоя мўътадил бўлган бизнинг тупроғимизда ҳам йил фасллари ҳозиргига қараганда бирмунча фарқ қилган. Чунончи «Ванлиод»нинг тўртинчи бандила таърифланганидек, қишиён ой, ёз эса атиги икки ой бўлган.

10. **Храфстра** — барча заҳарли, зааркунанда жони-ворлар ва ҳашаротларнинг номи. Бутун кирдикори ёмонликдан иборат бўлган бу аҳриманий мавжуд ахуравий кучларга қарама-қарши ўлароқ яратилган. Маздапарастлар эътиқодига кўра, Храфстраларни ўлдириш ва йўқ қилиш хайрли амаллардан ҳисобланган.

11. **Скайатя** — храфстра турига мансуб (10-изоҳга қаранг) ҳашарот. Борлиғи ёмонликдан йўғрилган Аҳриман ер юзининг иккинчи сарзамини — гўзал Сўғдни

яратган Аҳура Маздага қарши ўлароқ бу ҳашаротни яратган. У бутун сигирлар подасига қирғин келтириши керак бўлган. «Вандидод» шарҳларида келишича, скайатя ҳашароти ғалла ва ўсимликлар ичига яшириниб олади ва ўзининг заҳарли нишини ҳайвонга санчади.

12. Бравара — хусуматкор Аҳриман Балх сарзамини яратилиши билан жамики аҳуравий мавжудотта қарама-қарши ўлароқ яратган жониворларнинг номи. Баъзи авестошунослар бу жониворни уруғларга қирон келтирувчи чумолига нисбат берган бўлсалар, тадқиқотчиларнинг баъзилари мазкур сўзнинг маъноси мавҳум деганлар.

13. Бу ўринда сўз ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот ва унинг Ҳирируд дарёси ҳақида бораётир. Бу иборалар юзасидан ҳам турли мунозарали қарашлар мавжуд.

14. Ваиҳа Гирта — бу авестои истилоҳ қадимий паҳлавий тилига «бадсояли Кобул» тарзida таржима қилинган. Бу Аҳура Мазда яратган гўзал юртнинг номи. Бошқа манбаларда ушбу истилоҳ «Вайу Кирта» шаклида дуч келади. Маъноси «Ҳаво мавжудоти». Бу иборанинг «Кобул»га нисбат берилиши «Авесто»нинг паҳлавий матнларида кўзга ташланади. Шунга қарамай уни Қандаҳор шаҳрига нисбат бергувчилар ҳам бор. Аммо «соя» сифати юзасидан ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, нима учун Аҳура Мазданинг гўзал масканларидан бири «бадсоя», яъни «ёмон соя» ибораси билан сифатланиши ҳамон қоронғулигича қолмоқда.

15. Ҳнасатай — бутпарастлик париси. Аҳриман душманлик юзасидан Аҳура Мазда яратган Ваиҳа Гирта (Кобул) шаҳри муқобилида қурган. У пари Гуршаспнинг руҳига йўл топади ва унга қовушади. «Вандидод»нинг бошқа бўлимларида ҳам бу пари тилга олинади. Чунончи, 19-фаргарднинг 5-бандида Зардушт Аҳриманга дей-

ди: «Мен девлар яратгувчи Хнасатай парини ўлдираман».

16. **Гаршасп** — «Авесто»да «Кирсаспа». Маъноси «поғар от эгаси». Қадим Шарқ, асосан, Эрон асотирларидағи ёрқин чеҳралардан бири. «Авесто»нинг кўп ўринларида Гашасп «забардаст», «тик сочли», «турзи кўтарган паҳлавон» сифатлари билан таърифланади. Машҳур Эрон авестошуноси Иброҳим Пурдовуд Гаршаспни «Шоҳнома» достонидаги Рустам ва юонон асотирларидағи Ҳераклга ўхшатади. Бу, албатта, тўғри қиёслаш. Бироқ, «Авесто» ва бошқа диний матнларда дуч келгувчи Гаршасп илоҳийдир. Зоро, у ҳамиша ғўллар, аждаҳолар, умуман, аҳриманий балоларга қарши буюқ мардонаворлик билан курашади. Аммо «Шоҳнома»нинг мислсиз қаҳрамони Рустам сиймоси Гашаспга нисбатан бирмунча хира тортади. Зоро, Рустамнинг жанглари заминий ва инсонийдир. Исломдан кейинги «Шоҳнома» ва бошқа диний мантларда ҳам Гаршаспнинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳақида ажойиб ривоятлар бор.

17. **Аврава** — Аҳура Мазда яратган саккизинчи сарзаминнинг номи. «Вандидод»да «Аврава» бўлиқ яйловлар юрти сифати билан қўлланади. Айрим авестошунослар Авравани Тус вилоятида дейдилар.

18. **Хнинта** — Аҳура Мазда яратган тўққизинчи сарзаминнинг номи. «Занд Вандидод»да («Вандидод шарҳи») келишича «Гўргонда дарёлардан иборат Хнинта номли макон бор».

19. **Баччабозлиқ** — «Авесто»нинг форсча матнида «кун варзий» деб олинган бу истилоҳнинг ўзбекча шакли кўпол маънони англатади. Ҳамма давру замонларда жамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган бу қабиҳ одат бундан уч минг йил бурун дунёга келган «Авесто»да ҳам энг чиркин ҳодиса сифатида қораланади. Масалан,

8-фаргарднинг 31-32-банларида шундай дейилган: Зардушт Ахура Маздадан сўрайди:

«Дев ким?

Девпаст ким?

Эркак девлар билан ётгувчи ким?

Девлар билан ётгувчи урғочи ким?

Урғочи дев ким?

Ким у ўз ичиде дев сийратдир?

Ким у бутун тириклиги давомида девга монанддир?

Ким у ўлимидан бурун ҳам девсимон эди ва ўлимидан кейин ҳам дев каби нопайдодир (йўқдир).

Ахура Мазда жавоб берди:

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак девдир.

У девпастдир.

У эркак девлар билан ётгувчидир.

У девлар билан ётгувчи урғочи девдир.

У урғочи девдир.

У ўз ичиде девсийратдир.

У бутун тириклиги давомида девга монанддир.

У ўлимидан бурун ҳам девсимон эди ва ўлимидан кейин ҳам дев каби нопайдодир (йўқдир).

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак шундайдир. (Зардуштийлик динида бу қабиқ гуноҳга йўл кўйган одамга ҳеч қандай далил-дастурсиз ва гувоҳсиз ўлим ҳукми бу юрилган — тарж).

20. **Ҳараваята** —бу авестойи манзилни аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим талқиқотчилар «Ҳарут» ёхуд «Ҳирот» деб талқин қылганлар. Аммо бу фикрда яқдиллик йўқ.

21. Бу ҳолнинг ҳикмати 3-фаргарднинг 36, 39-банларида баён қилинади.

22. **Ҳийрманд** — Сийистондаги Ҳийрманд дарёси

соҳилидаги серҳосил ва гўзал Ҳийрманд. Ахура Мазда яратган ўн биринчи юрт.

23. **Чахра** — Ахура Мазда яратган ўн учинчи юрт. Аҳриман бу жаннатмакон юрт муқобилида «мурдор ёқгувчилар»нинг кечирилмас гуноҳини яратган. Баъзи авестошунослар бу юрт ҳақида ҳеч нарса маълум эмас, дейдилар. Баъзилари эса Хурросон ҳудудида шундай юрт мавжуд бўлганини қайд этадилар.

24. **«Мурдор ёқгувчилар»**. Бу тоифа хусусида 8-фаргарднинг 73-74-бандларида қуийидаги ривоят бор: Зардушт Ахура Маздан сўрайди:

«Агар йўлда бораётган ёхуд суворий ё аравада кетаётган маздапараст ўлик ёқилаётган ё пиширилаётган оловга дуч келсалар нима қилишлари керак?

Ахура Мазда жавоб берди:

Улар ўликни ёқаётган кишини ўлдиришлари лозим. Ўлик ёқаётганни сўзсиз ўлдирадилар».

Зардуштийлик таълимотига кўра ўликни (мурдор) ёқмоқ ё пиширмоқ ғоят қаттиқ гуноҳ саналган. Бу таълимотга кўра тўрт тоифа одамлар далил-дастурсиз жойида ўлдирилади. Улар ўлик ёқгувчилар, қароқчилар, баччавозлар ва ҳар нечук жиноят устида қўлга тушган жиноятчилар.

25. **Фаридун** — «Авесто»да «Сараситуна». Освяянинг ўғли. Паҳлавийда «Фаридун». Форсийда «Офарийдун», «Офрийдун» ва Фарийдун. «Авесто» ва бошқа диний манбалардаги энг қадимги асотирий сиймолардан бири. Бу ном Исломдан кейинги кўплаб арабий, форсий ва туркий адабиётларда ҳам кенг иштирок этади. Унинг отаси дунёда иккинчилардан бўлиб, илоҳий иксирни кашф этгани учун ундан «Фаридун исали фарзанд дунёга келади. Фаридун уч оғиз, уч калла ва олти кўзли Аждаҳони енгади ва унга банд солади.

26. Варина — Аҳура Мазда бунёд этган тўрт гўшали юрт. Тадқиқотчилар, дейилади манбаларнинг бирида, бу жуғрофий маконни қидириб, Албурз ва Кирмон тоғлари орасида сарсон-саргардондирлар. Варина Фаридун дунёга келган афсонавий юрт бўлиб, Тўфонлар Худоси ва Аждаҳо, Тўфон билан Фаридун ўртасидаги жанглар шу тупроққа рўй беради. Қадимги ривоятларга кўра осмоннинг тўрт дарвозаси бўлган. «Тўрт гўшали Варина» ибораси ҳам шунга ишора бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

27. Индус дарёси, ҳозирги Панжоб, балки яна ҳам тўғрироғи Еттисувдир.

28. Аҳриманнинг нима сабабдан «бемалол ҳайз кўрган аёллар қони»ни иккинчи марта яратадигани маълум эмас.

29. Баъзи манбаларда келишича, Рангҳа дарёси атродидаги серзамин Месопотамия дарёлари ўртасидаги ноҳия бўлиши эҳтимол. «Бесар ҳалқлар» ибораси бирор-бир ҳукмронга бўйсунмайдиган қавмларга ишора қиласи. Бу ибора авестойи «асравша»нинг (саркаш, исёнчи, қонунга бўйсунмас) таржимаси. Сосонийлар даврида икки дарё — Фрот ва Дажла оралиғида яшовчи ва маздаларастликни бўйинга олмаган ҳалқларга нисбатан қўлланилган.

30. Ашаван — Ашаҳнинг изидан боргувчи. Аша—Аша—«ростник», «тўғрилик», «ҳақ», «ҳакиқат», «абадий қонун», «баркамол қонун ва тартиб» каби маъноларга эга. Ўрни билан яна изоҳ берилади.

31. Жам — «Авесто»да Ийима Вайваҳвантнинг ўғли. Паҳлавийда Ямак ёхуд Жамак Вайвангҳоннинг ўғли. Санскритда Яма Вайавсватнинг ўғли. Шарқ асотирларида кўп учрагувчи қадимий сиймолардан бири. Жамнинг отаси биринчи бўлиб илоҳий иксирни кашф этган ва бунинг эвазига фарзанди Жам дунёга келган. «Авесто»да Жам бир қанча сифатларга эга. Чунончи: «Хшайта»

(форсийда «Шайд»). Маъноси, шоҳона ёхуд Дурахшон. Бошқа бир лақаби — «Ҳваридариса» — «қуёш юзли», «сряр» — «гўзал», «иссиқ дийдор»; «Ҳвасва» паҳлавийда «ҳварамак», форсийда «Ҳуб рама» яъни «яхши сулувлар соҳиби». «Вандидод»нинг 2-фаргарди «Жам достони» деб юритилади. Ярим Худо, ярим одам бўлган Жам Шарқ асотир ва афсоналари, Исломдан олдинги адабиётларда энг ёрқин сиймолардан биридир.

32. **Сувра** — «Авесто»да «сувра»да «суфро» ё «суфор». Аҳура Мазда оламга соҳиблик қўлсин, деб Жамга тақдим этган икки нарсанинг бири. «Вандидод»да у «заррин» сўзи билан сифатланган. Авестошунослар Аҳура тақдим этган нарсанинг нималиги ҳақида мухталиф фикрдалар. Бу сўз «фишт», «ўқ», «муҳр» (хотам) каби маъноларда таржима қилинган. Бироқ бу фаразларнинг бирортаси асосга эга эмас. Манбаларнинг далолат беришича, «сувра» иброний «шуфор» сўзидан келиб чиққан, «Қадимги аҳд»да етмиш марта қўлланилган ва «Карнай» (форсийда «шайпур») маъносини ифодалаган. Бу кўплаб қарашларнинг бири.

33. **Аштра** — паҳлавийда «аштар». Аҳура Мазда Жамга тақдим этган икки нарсанинг бири. Жам уни одамларни бошқаришда восита сифатида қўллаши керак. «Вандидод»да бу икки ҳодиса — «зарнишон аштра» ва «заррин суфра» ҳақида сўз боради. Юқорида таъкидланганидек, авестошунослик фанида бу икки ҳодиса хусусида хилмажил фикрлар бор. Баъзилар «аштра» истоҳига отни нуқигувчи ёки отни йўртиришда фойдаланувчи таёқча маъносини берганлар. Қамчи, шамшир, асочўп дегувчилар ҳам бор. Авестошунос Мехрдод Баҳор «аштра» сўзига изоҳ бераркан, ёзади: «Аштра» сўзи «Авесто» ва паҳлавийда «шаллоқ» ва «тозиёна» (қамчин) маъноларида ишлатилган. Аслида ҳам бу сўз қамчин ёхуд соз чалгувчи асбоб

маъноларига эга бўлиши ҳақиқатга яқин». Айтиш керакки «аштра» «Авесто»да ва «Вандидод»да ҳам қарийб барча ўринларда «қамчин» маъносида қўлланилган.

34. «*Спандармаз*» — «Авесто»да ва «Спинта Орамиста» ёхуд «Спандармаз». «Авесто» гоҳларида «Аҳура Мазда»нинг нури сифатида талқин қилинади. «Янги Авесто»да замин илоҳаси. Бу ўринда Жам унга мурожаат қилмоқда ва ер юзида рўй берәётган фалокатларнинг олдини олишга чақирмоқда.

35. *Астуманд* — сүякли, жисмоний, моддий, дунёвий, заминий. «Астумандон» — аносир, аркон. «Астуманд» сўзининг ўзаги ва маъноси юонон тилидаги «устухон» сўзи билан айни бир хилдир. Араб фалсафасидаги «устукус» истилоҳи ҳам шу маънони ифода этади. «Астуманд» сўзининг ўзаги «аста» бўлиб «сүяк» «устухон» демакдир. (Лотин тилида «ус», юончада «устун»). Эҳтимол, араб тилидаги «асос» сўзининг илдизи ҳам «аста»га бориб тақалар.

36. *Аридвай* — бу ўринда мақсад ё баландлик ўлчови ёхуд машҳур асотирий дарё «Аридвюсвар»дир. Эҳтимол, дарё баландликка қиёсланяпти?..

37. *Асприйс* — асосан, йўл узунлиги ўлчови бўлиб, отчопар майдонининг узунлиги андазасида ўтчанади. Қадимги Шарқда йўл узунлиги ўлчовлари отчопар майдонларининг ҳажмига нисбатан олинган. Маълум бўладики асприйс ўлчовининг муайян бир андазаси бор. Чунончи, «Вандидод» китобининг 2-фаргард, 25-бандида Аҳура Мазда Жамга фармон беради: «Одамлар ва жониворлар учун ҳар бирининг тўртга томони ҳам асприйс узунлигига бўлган вар қур».

«Вандидод»нинг паҳлавийча шарҳида варларнинг узунлиги икки ҳосар, яъни икки фарсанг дейилади. Шундан

хулоса қилиш мумкинки, асприйс икки фарсанг узунлигидаги ер (эҳтимол икки фарсанг кенгликда). Аммо ҳосар ўлчов бирлиги учун муайян бир андаза йўқ.

38. **Вар** — Ер ости манзили. Аҳура Мазданинг кўрсатмаси билан Жам одамлар ва ҳайвонлар учун бино қилган ер ости манзили.

39. «Ҳосар» узунлик ўлчовининг муайян бир андазаси йўқ. 37-изоҳга қаранг.

40. **Дрявака** — бир гуруҳ кимсаларнинг сифати ёхуд унвони. Аҳура Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо эттан ерости манзиллари — варларга йўл топишини истамайди. Бу суз паҳлавий тилида бир неча маъноларда қўлланилади, жумладан, ҳаромзода боланинг ота-онаси маъносини ҳам билдиради.

41. **Дайвак** — бир жамоа одамларнинг сифат ва унвони. Аҳура Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо эттан ерости манзиллари — варларга йўл топишини истамайди. «Вандидод» шаҳрида «дайний» тарзида қўлланилган. Баъзи мутахассислар уни «ёлғончи, аврагувчи» маънолари бор, деганлар. Бошқа бир гуруҳ авестошунослар «дайнвий»ни бадандаги нуқс ё иллат маъносида шарҳ этганлар.

42. **Касвиш** — кин ва жазо девининг исми.

43. **Визбориш** — бемор ёхуд танасида иллати бор кимсалар гуруҳи. Аҳура Мазда Жамга бундай гуруҳларни ерости манзил — варга киритмасликни қатъий таъкидлайди.

44. Афсонавий қуш.

45. **Арватната** — паҳлавийда ва ҳозирги замон зардуштийлар истилоҳида Арватаднор. Зардуштнинг иккичи фарзанди. Маздапарастлар динида оламдаги биринчи деҳқон Арвататнара ҳисобланади. «Вандидод»нинг 2-фар-

гард, 42-банлида қайд этилишича, Жам бунёд этган вар аҳли орасида Зардушт ва Арвататнара энг буюк ва энг донондири. «Бундаҳишин»да келади: «Арватаднар дехқонларнинг улуғи эди, энди Жам бунёд қилган варнинг буюига айланади». Арватаднар абадий зотлар сирасидан.

46. Барсам — «Авесто»да «барис ман», «силамоқ», «серпимоқ» маъноларини ифода этади. Дараҳтнинг янги кесилган шохи. Зардуштлар ҳамд-сано лаҳзаларида бу шоҳларни қўлда тутганлар. «Авесто»нинг бирор бир ўрнида қай бир дараҳтдан кесиб олиниши айтилмаган. Бироқ, энг охирги маздапарастлар дини адабиётида бу шахслар анор дараҳтидан кесиб олинади, дейилган. Бу шоҳларни «барсамчин» номли пичоқда кесиб олишган. Ювениш маросимини бажо келтираётганда барсамдан фойдаланилган. Бошқа расм-руссумлар адо этилаётганда барсамлар махсус «барсамдон» ёхуд «моҳруй»га қўйилган.

47. Ҳована (ҳований) — ҳозирги замон форс тилидаги «ҳован» (ўғирнинг этимологияси ушбу авестоий «ҳовано»га бориб тақалади. Авестоий эътиқодга кўра бир кеча-кундуз беш қисмдан иборат. Унинг дастлабки қисмини асррагувчи илоҳнинг номи Ҳованадир. Бундан ташқари маздапарастлар учун муқаддас саналган ҳвана ўсимлиги эзиз шарбати олиналиган махсус идишнинг номи ҳам ҳованадир. Ҳvana ўсимлиги янчилаетган чоҳда янграган овоз оташпарастларни ибодатгоҳга чорлайди. Ҳован масиҳийлар черковидаги қўнфироққа ўхшайди. Бу қўнфироқнинг келиб чиқиши манбаи ҳованадир, деган қарашлар мавжуд.

48. Мубал, мубид — оташпарастлик динида муғлардан мартабалироқ руҳоний.

49. Аризвар — асотирий тоғ. «Вандидод»да бу тоғ ўнгирлари ва чўққисида девлар жам бўлади, дейилади.

«Бундаҳишин»да Аризвар тоғи ўнгирлари дўзах дарвозаси дейилган. Гўё ушбу дарвоза орқали девлар дўзах ва жисмоний олам оралиғида шитоб қилганлар. Бошқа зардуштий манбаларда ҳам Аризвар девлар жамланадиган манзил, дейилади.

50. Зардуштийлик таълимотига кўра жасалларни қалаштириб кўмиш оқибатида тупроқ булғанади.

51. **Насв** — паҳлавийда «наса» ёки «нас». Лош, жасад, мурдор жисми каби маъноларга эга. Насв ўлик жисмга таъсир кўрсатувчи дев. Кимда-ким ўликка яқин келса, ё унга кўл теккизса, ё ёлғиз бир ўзи ўликни дахмага олиб борса, насв — дев унинг баданидаги ҳамма тешиклар орқали ичига кириб булғаб чиқади. Мурданинг тепасида туриб Амшосипандларнинг номи тилга олинса, насв йўқ бўлади (Амшосипандлар — Аҳура Маздага энг яқин кучлар). Насв мурданинг олдига Аҳриман ва девлар маконидан келади. Шу боисдан мурда олиб борилаётган йўлга насвни кўрқитиб, ҳайдаб юбориш учун тўрткўз ит боғлаб қўйилади.

52. **Дуруж** — «Авесто»да «Друж» ё «Друг». Паҳлавийда «Друз». Маъноси — «дуруғ», ўзбекчада «ёлғон». Каззоб, аҳдсиз урғочи девнинг номи.

53. **Патити** — «Авесто»да «пайтита», паҳлавийда «патийт», «патит» — Гуноҳлардан қайтиш, тавба қилиши.

Зардуштийлар диний адабиётидан патит — истифорнинг тўрт хил матни бизга маълум.

54. Ардовирафнома⁵⁵ китобида баён қилинишича, гуноҳкорга бериладиган жазо бундан баттарроқдир: «...Бир кишининг руҳини кўрдим. Унга одамлар жасадининг гўштини қон ва йиринг аралаш егизардилар. «Бу жасад нима гуноҳ қилди?» сўрадим мен. Фаришта ва илоҳ Озар жавоб берди: «Бу руҳ дунёда рад этилганлардан. У ҳаёти

дунёда кўплаб одамларнинг жасадини сув ва оловдан олиб ўтди. У якка-ёлғиз мурдакаш эди. Ва ўзини ҳеч қаҷон одатга мувофиқ ювмади (покламади — тарж.).

55. **Ардовирафнома** — қисқартма шакли «Ард.» паҳлавий тилидаги рисола бўлиб, унда зардуштий динининг пешволаридан бири Вирафнинг нариги дунёга сафари ҳақида ҳикоя қилинади. Вираф бу сафарда жаннат ва дўзах аҳлиниңг қисмати билан танишади. (Зардуштийлар пешвоси бўлмиш Вирафнинг ўзи хусусида ҳам турли туман қарашлар бор). Ушбу рисоладан айрим парчалар Европа тилларига таржима қилинган.

56. **Варжованд мансараси** — ахуравий муқаллас сўзлар. Илоҳий каломлар.

57. **Аспаҳиҳ-ашатра** — гуноҳкорларни жазоловчи асбоб.

58. **Саравушу-чарана** — муайян гуноҳкор содир бўлганда қўлланилган жазо қуроли.

59. Ушбу вандидодий қасамларни 4-фаргардда ўқиймиз. Одатда қасам келтирган томон ўз сўзининг товони сифатида кейинги қасамни келтиради. Чунончи, қўй-қасамнинг баҳоси бир қўй қийматига баробар. «Буюк ривоят» китобида «қўй-қасам» ҳақида қўйидагиларни ўқиймиз: «Бу ҳолда ҳар икки томон қўй сиқиш йўли билан шартлашадилар».

60. «Буюк ривоят» китобида келишича, гуноҳ ёлғиз гуноҳкорнинг (қариндошларнинг эмас) елкасига юклантган. Матнда уч юздан мингта довур ошиб борган баҳо, китобда гуноҳкор руҳнинг дўзахда кечирган йиллари деб талиқин қилинган.

61. **Очирипата** — «олмоқ» маъносида. «Вандидод» таъбирича, бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурол-аслаҳа олган шахс гуноҳи шундай деб юритилади. («Вандидод», 4-фаргард, 17-банд).

62. **Авауїрайшта** — «айлантирмоқ» маъносида. Қўлга қурол олиб, бирорни урмоқ қасдида жаҳд билан уни айлантирган кимса гуноҳи шундай юритилади. («Вандидод», 4-фаргард, 17-банд).

63. **Аридуш** — кўлига қурол тутиб бирорни урмоққа қасдланган киши гуноҳининг номи. Бунда қасд қилган маздумни урмайди, борди-ю урган тақдирда ҳам унинг захми уч кун ичига тузалиши керак.

64. **Пишавтанду** — «Авесто»да «пишавтанду». «Ўз гуноҳи учун танасини бағишилаган одам» маъносини англатади. Унинг бошқа бир номи «арzon ўлим», яъни гуноҳлари эвазига ўлим жазосини топган шахс. Пишавтанду гуноҳи учун бошқа жазо усуслари ҳам борлиги кўпилаб адабиётларда қайд этилган.

65. **Аспирина** — бир дирҳам.

66. **Астуваязуту** — паҳлавий тилида «астуяҳод». Ўлим девининг номи бўлиб, «таннинг заволи» ёхуд «сүяк бағишлиловчи» маъноларини ифодалайди.

67. **Ашмуғ** — алдовчи ва йўлдан оздирувчи девнинг номи. Шарқ адабиётида унинг «асмуғ» шакли ҳам мавжуд. «Бурҳони қотеъ»да ўқиймиз: «Аҳриманий кучлардан бўлиб, исми Асмуғдир. Асмуғ одамлар орасига ёлғон, фитна, адоват уругини сочади».

68. **Кодиҳ** — жой, ўтоқ, сарой маъносида. Маздапастлар қаҳратон чоғи ўлганларни сақлаш учун маҳсус «кодиҳ» кургандар. Мурда то об-ҳаво илигунга қадар ана шу ерда сақланган.

69. **Фароғкарт** — буюк бир дарёning номи. Бу дарё «Авесто»нинг ҳамма қисмларида учрайди. Эҳтимол Аму дарёдир.

70. **Буйтака** — Фароғкарт дарёсига кўшилувчи асотирий дарё.

71. **Виспубишиш** — Барчага дармон бахш этгувчи дархат.
72. **Отурбон** — «Авесто»да «Осравон», «Олов қўриқ-ловчи» маъносига. Дин пешволарининг унвони.
73. **Завт** — «Авесто»да «завтара». Буюк дин пешволаридан.
74. **Ҳованак** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг иккинчиси.
75. **Атарваҳиш** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг учинчиси.
76. **Фрабиритар** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг тўртингчиси.
77. **Обирит** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг бешинчиси.
78. **Оснатар** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг олтинчиси.
79. **Роспий** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг еттинчиси.
80. **Сравшавариз** — саккиз нафар мўътабар дин пешволарининг саккизинчиси.
81. **Ҳавм** — «Авесто»да «ҳавма» ёхуд «ҳавома». Санскритда «савма». Муқаддас гиёҳ бўлиб, унинг сувидан истеъмол қилиш зардуштий динининг муборак расм-русларидан бири ҳисобланади. Ҳавм суви «ўлимни чекинтирувчи» сифати билан таърифланади. «Бундаҳишин»да баён қилинишича «ҳавм» гиёҳлар шоҳидир.
82. **Астудон** — суюклар сақланувчи жой маъносини англатади. Жониворлар оёғи етмайдиган, дахма ёнида маҳсус курилган чуқурлик ёхуд тешик. «Бурҳони қотеъ»да «Габр (оташпараст)ларнинг дахма ё мақбараси» маъносига келган.
83. **Ардвисура Анаҳита** — сувлар илоҳаси. «Обон-яшт» қасидаси «Авесто»нинг энг мукаммал қисматларидан биридир.

84. **Вятасатий** — ўн икки бармоқ ҳажмидаги узунлик ўлчови.

85. **Фарарасний** — ўн тўрт бармоқ ҳажмидаги узунлик ўлчови.

86. **Фрабозу** — билак ҳажмидаги узунлик ўлчови.

87. **Вайбозу** — миқдори тугал маълум бўлмаган узунлик ўлчови. Баъзилар бир газ десалар, баъзилар ўн одим демишлар.

88. **Стийр** — пул бирлиги.

89. **Завр** — сув билан бажариладиган диний русум.

90. **Урувасний** — паҳлавийда «росн». Хушбўй гиёҳ бўлиб, мурдор чиққан ерда куйдирилади.

91. **Вуҳав-гавна** — хушбўй гиёҳ.

92. **Вуҳав-гиритий** — бўйи удникига ўхшаб кетадиган хушбўй гиёҳ.

93. **Ҳазанаиипата** — ҳозиргача аниқланмаган хушбўй гиёҳ.

94. **Баҳром олови** — паҳлавийда «отахши ваҳромон» ёхуд «отахши варҳарон». Зардуштийларнинг энг буюк, энг муқаллас олови ва оташкадаси. Унинг бошқа номи «Озари Баҳром». Эрондаги етти машҳур оташкадаларнинг бири. (Сосонийлар даври). У маҳсус бир оташкаданинг номи бўлмай, балки кўплаб йирик шаҳарларда Баҳром олови барқарор эди.

Ардашер Бобокон Ардавон жангидан сўнг, Форс кўрфазига қадам қўйгач, ўз номида бир қишлоқ бино қилди ва дарё соҳилига ўнта Баҳром олови оташкадасини қуришни амр этди. Авестошунос Дормустатар ўзининг шарҳларида («Занд Авесто») ёзади: «Оташкадалар икки хил бўлади. Улардан энг буюги Баҳром олови деб аталади. Кичиклари одрон ёхуд огергий дейилади. Бомбейда учта Баҳром олови оташкадаси ва юзта одрон бор. Баҳром

олови ва одроннинг фарқи, асосан уларнинг оловида ҳамда тузилишиладир. Масалан, Баҳром олови сурункасига бир йил ёниб туради ва у ўн уч хил оловдан ташкил топган.

95. Гоҳлар ёки госолар — қўшиқ демакдир. Зардуштийга мансуб барча битиклар бошидаги баланд руҳли, тантанавор шеърлар. Баъзи ўринларда «гот» шаклида ҳам қўлланилади.

96.. Апамон — марҳумнинг қавм-қариндошлари мотам тутиб, ўзгалардан хилватда яшовчи макон.

97. Амшосипанд — «Янги Авесто»да «Амиша Спинта», паҳлавийда «Амисус-панд» ё «Амҳараспанд». «Барҳаёт зотлар» маъносини англатади. Маздапарастлар динида Баҳман, Ардабиҳишт, Шаҳриёр, Спандармаз, Хурдод ва Амурдод каби илоҳлар гуруҳи Амшосипандлардир. Бу мӯътабар зотлар Аҳура Мазданинг эзгу ва масъулиятили вазифаларини ўз зиммаларига олганлар.

98. Суруш — «Авесто»да «сравша», ўзаги «срав». Маъноси — тинглаш, фармонга бўйсуниш, итоаткорлик, яни илоҳий амрларга тобеъ, демакдир. Маздапарастлик динидаги энг буюк илоҳлардан бири. У парҳезкорлик ва туғрилик тимсоли. Унинг даражасини баъзан Меҳр худоси ва Амшосипандларга баробар деб билганлар.

Суруш охират ва оқибат амалларини ҳисоб-китоб қилювчи худолар сирасидан. «Авесто»да бу илоҳнинг номи порсо, парҳезкор, пок, эзгу каби сифатларга қўшилиб зикр этилади.

99. Чийнавд — чийнавод, чийнавт, чийнавот. Синовчи, танловчи, айирувчи маъноларини ифодалайди. Бу ибора «Авесто»да «пирисув», паҳлавийда «пухл» — пул, кўприк, йўлак маъноларини ифодаловчи бирикма билан бирга қўлланилади «чийнавдпул» ёхуд «чийнавтпул». Маз-

дарастлар эътиқодига кўра ҳар бир марҳумнинг руҳи вафотидан тўрт кун ўтганидан кейин ана шу кўпrik устидан ўтаркан. Шундан кейин, аъмоларининг даражасига қараб биҳишт ё дўзахга йўл олади.

Худди ана шу кўпrik бошида ҳар бир кимсанинг «дин»и (агар солиқ киши бўлса) бағоят гўзал ва хуш андом болиға қиз сиймосида, агар гуноҳкор бўлса, қари бир таъвия кампир сиймосида намоён бўлиб, истиқболига чиқади. «Динкарт»да келишича, (тўққизинчи китоб, 19-бўлим, 3-банд) чийнавдгулнинг бир боши Ийрон-Вижга, бошқа бир учи Албурз чўққиларига туташган бўлиб, дўзах дарвозаси унинг остидадир. Жамийки яхшилар ва ёмонлар ана шу кўпrik устидан ўтадилар. Бу кўпrik ашаванлар (солиқ бандалар) учун тўққиз найза баробарида кенгайса, гуноҳкорлар учун тиф учидек ўткир ва ингичка бўлиб қолади.

100. **Банга** — «Авесто»да «банагҳа», паҳлавийда «банг» ёхуд «манг». Шоҳидона деб аталувчи гулли ўсимликнинг барг ва шохларини эзиб, ҳосил қилинган гард. Форс тилида уни «ҳашим» ёхуд «чарс» ҳам дейдилар. Булар гиёҳвандлик моддалари ҳисобланади. «Вандидод»да айтилишича (15-фарғард, 14-банд), аёллар ушбу ва яна бир қатор гиёҳванд моддалардан ҳомилаларини тушириш учун фойдалангандар.

101. **Шайта** — болани туширишда аёллар фойдаланган доривор ўсимлик.

102. **Фион** — аёллар ҳомилани туширишда фойдаланаидиган ўсимлик.

103. **Фраспота** — бир хил дорининг исми. Аёллар ҳомилани туширишда фойдаланишган.

104. **Озар** — Оловни қўриқловчи илоҳ. Маздапарастлик динининг буюк худоларидан. «Авесто»да «отар», «отарш»,

паҳлавийда «отару», «отахаш» шаклида қўлланилган. Илоҳ Озар сиймосига янада улуғворлик бағишилаш мақсадида уни Аҳура Мазданинг ўғли деб, Амшосипандлар сафидан жой бермишлар. Қадимги Шарқ динларида энг муҳим илоҳий вазифалар, энг масъулиятли амаллар Озарнинг зиммасига юкланган.

105. Ашв-звашта — маъноси — «ҳақиқат муҳиби». Асотирий парранда (ҳаққуш) бўлиб, «Вандидод»да баён қилинишича (17-фаргард, 9-банд), маздаларастлар тирноқ синиқларини бир ерга тўккач ўша қушнинг ҳақига дуо ва саловотлар айтишиб, девларни ларзага соладилар.

«Бундаҳишн»да айтилишича, тирноқ олган одамлар юқоридаги дуоларни ўқимаса, девлар ва жодугарлар ўша тирноқларни қуролга айлантириб, ашв-звашта қушини нобуд қилишади. Дуо ва олқишлиар адо этилгач, бояги күш тирноқларни териб ейди. Дев ва жодуларнинг ҳамласи унга кор қилмайди.

106. Мазандарий (мазандарий девлар) — «Авесто»нинг кўплаб бобларида, хусусан, яштларда мазан (мозон) девлари қайта-қайта тилга олинади. Бу ибора «Авесто»нинг айрим нусхаларида, «Мозандарон девлари» тарзида қўлланилган. «Шоҳнома»даги Мозандарон девларининг келиб чиқиши ҳам эҳтимол авестоийи манбалар таъсириладир. Шунга қарамасдан авестошунослик фани бу иборанинг янги-янги маъноларини кашф этган. Чунончи, «мазан» — «азим» маъносини ифодалаб, азимжусса девлар гуруҳига ишора қиласди, дегувчи олимлар ҳам бор. Динкард номаларида мазандар ёхуд мазандарлар жуссаси қуйидагича таърифланади: «Уларнинг баландлиги шундайки, Фароғкард дарёси то сонларига довур, балки киндикларигача етади; дарёнинг энг чуқур ери уларнинг оғзига довур келади...»

107. Паном — «Авесто»да «пайти дона», паҳлавийда «паном», «гандом», «падом», «панум». Маздагараствлар маросимида кийилгувчи либос. «Обон-яшт»да (123-банд) илоҳа Ардвисура-Анаҳита «заррин-паном»да тасвирланади. «Вандидод»да (14-фаргард, 9-банд) «паном» жангчиларнинг зарурий жузви, дейилади. Паномнинг бошқа бир маъноси: бир парча оқ матодан иборат оғизбоғ. Ҳозирги замон табиблари қўлловчи оғизбоғ айни паномнинг ўзи.

108. Аштра-майря — бошқача шакли «аспаҳиҳ-ашатра». «Аштра-майря» истилоҳи ёлғиз бир марта «Вандидод»нинг 18-фаргард, 4-бандида тилга олинади. Унинг биринчи жузъи «аштра» хусусида ўтган изоҳларда маълумот берилган эди. Иккинчи «майря» жузъи — гуноҳкор, ўлимга маҳрум маъноларини ифода этади.

109. Маришана — завол ва фаромуш деви. Аҳриманнинг энг буюк маҳрамларидан. «Занд Авесто»да бу ном «пинҳон руҳли сиж» деб таржима қилинган.

«Бундаҳишн»да ўқиймиз: «Сиж йўқлик ва завол келтирувчи ёвдир» (28-бўлим, 26-банд). Яна «Бундаҳишн»да ўқиймиз: «Сиж номли дурож (дев) бор. Қай бир хонадонда гўдак бўлса. ўша ерга зарап етказади». (32-бўлим).

110. Сиж — сийж. Бошқа номи «маришана» Завол ва фаромуш деви. У пинҳон руҳли деб сифатланади.

111. Мязда — паҳлавийда «мизд». Сув аралашмаган назр-ниёз, эҳсон, тортиқ. Чунончи, нон, гўшт, мева ва ҳоказо. Зардуштийларнинг сув иштирокида ўtkазилувчи «завр» билан тенг ҳуқуқли «мязда» ҳам ўзига хос диний анжуман таоми ҳисобланади.

112. Сравашавариз — паҳлавийда «сурушовауа». Язишна — олқишилар маросимини ўз зиммасига олган саккиз нафар дин пешволари — мўбадларнинг саккизинчиси. Сравашаваризнинг асосий вазифаси язишна маросимни

тартибга солиб туради. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, «сравашавариз»нинг маъноси «илоҳ Сурушнинг хизматчиси»дир. Ҳудди шу унвонни илоҳ Сурушнинг ер юзидаги маҳрамларидан бири — хўrozга ҳам берганлар.

113. *Правдарш* — «олдиндан кўра билгувчи» маъносини англатади. Бу унвон хўrozга берилган. Хўroz илоҳ Сурушнинг ер юзидаги намояндаси ҳисобланади. Одатда бу парранда тонг отишини барчадан аввал сезади ва ғоят қудратли, сеҳрловчи овоз билен бонг уриб, одамларни уйқудан уйғотади, уларни ҳаётга, яшашга, меҳнатга унрайди. «Авесто»даги «храус» сўзи, форсийдаги «хўрус», «хуруш», туркийдаги «хўроз» билан уйқашdir. Айни фарёд ва хўруш қилиши муносабати билан бу жониворнинг номи хўroz, деб аталган.

114. *Каҳрактос* — хўrozни таҳқирловчи, унга номуносиб бўлган ном. «Авесто»да хўrozнинг асл номи «правдарш», яъни, «олдиндан кўра билгувчи»дир. Аммо бадзабон одамлар хўrozни ёмонотлиқ қилиш мақсадида «каҳрактос» дейдилар.

115. *Бушасп* — бушасп. «Авесто»да «бушянства» ё «бушяста». Зоҳирий маъноси «олдин келгувчи» демакдир. Бемаҳал уйқу деви бўлган Бушасп одатда «узунқўл» сифати билан бирга қўлланилади. Форсий луғатларда «бушасп» — уйқу, туш маъноларини ифода этади.

116. *Оз, Озий* — «Авесто»да Оз; форсий ва паҳлавийда Оз. Аҳриманий девлардан. «Бундаҳишин»да келади: «Ҳеч қачон ҳеч нарсага тўймайдиган, ҳеч нарсадан қаноат ҳосил қилмайдиган бир тоифа девлардан. Эмишки, тўймай қолган тақдирда ўз танасини ейишга бошларкан. Агар бутун олам неъматларини унга тортиқ қилсалар-да тўймас экан. Озга монанд кўзлар (эҳтимол турк тилидаги «очкўз» сўзи аслида «озкўз» бўлгандир — тарж.). шундай даштдирки, унга ниҳоят йўқдир». (28-бўлим, 27-банд).

«Авесто»да бу девнинг номи аксарият ҳолларда «даива-дота» («дев яратган», «девмонанд») сифати билан қўлланилади. Гоҳида у «аҳриманий» таърифи билан бирга келади.

117. «*Аҳуна-Вора*» ёхуд «Яса аҳу ваяряв...» маздапа-растларнинг маълум ва машҳур дуоларидан бири бўлиб, номи дуонинг дастлабки сўзларидан олинган. Ушбу дуо «Авесто»нинг бутун таркибидан қизил ип бўлиб ўтади ва у мудом маздапа-растларнинг тилидан тушмайди. Зардустий ўз фарзандининг оғзига соладиган илк калималар ҳам айни шу дуодир. Иккинчи ўринда «Ашим вуҳав...», учинчи навбатда эса «Йингҳиҳа Ҳотам...» дуоларидир. Икки дуо — «Яса аҳу ваяряв...» ва «Ашим вуҳав...» дуоларини «яшлар нақорати ҳам леб атайдилар. Зеро ҳар икки дуо қарийб барча қасида ва мадҳияларнинг бошланиш ва хотимасида такрор-такрор зикр этилади. Ҳозирги замон «Авесто»сидаги «Кичик Авесто» бўлимни ушбу икки дуо билан бошланади. «Яса аҳу ваяряв...» дуоси «Авесто»да «Аҳуна-Ваяря», пахлавийда «Аҳунавар», «Ҳунавар» тарзida ҳам қўлланилади.

«Яса аҳу ваяряв...» дуосида йигирма битта сўз бор. Авестонинг йигирма бир наски (китоби)ни Зардушт айни шу дуо сўзлари миқдорида тартиб берган.

«Яса аҳу ваяряв...» дуоси ўзбек тилига қуийдагича таржима қилинди: «У /Зардушт/ бу оламнинг армони ва танланган Зотидир. Олам халоскори, тирикликнинг солиҳ кирдор ва андишаларининг Яратувчиси. У Аҳуранинг шаҳриёри, Ҳақ дин пешвоси ва дарвишларни парвариш этгувчи!»

118. «*Ҳаматанам...*» — «етти ҳот»нинг илк ва сўнгти сўзи «ҳаматанам»дир. 2-янсанинг 35-ҳоти ушбу сўз билан бошланади. «Ҳаматанам» дуосининг аҳамияти шунда

кўринаники, у «Авесто»нинг кўплаб ўринларида дуч кела-ди. Дуонинг ўзбек тилидаги таржимаси қўйидагича: «Эзгу фикрат, эзгу қалом ва эзгу амал ҳамиша ва ҳар қаерда бордир. Салом ва олқишилар унга бўлсин. Биз-да жону дил билан эзгуликка интиламиз».

119. **«Хўҳшасрвтимом...»** — яснанинг 35-ҳот, бешин-чи бандининг номи. Банднинг биринчи сўзи билан атал-гувчи «Хўҳшасрвтимом» дуоси «Авесто»нинг кўплаб ўрин-ларида тақрорланади. Таржимаси қўйидагича: «Шаҳриёр деб шундай зотни биламиз ва шундай зотни танлаймиз ва шундай зотни истаймизки у ҳаммадан яхши Шаҳриёрлик қила олсин: Мазда Аҳура ва Ардибиҳишт».

120. **«Йингҳиҳа Ҳотам...»** — Маздапарастларнинг учинчи энг муҳим дуоларидан бири. (Юқоридаги 117, 118, 119-изоҳларда келган дуоларни айрим тадқиқотчи-лар «намоз» деб таърифлашади. Бизнинг тушунчамиздаги «намоз истилоҳи» бутунлай бошқача бўлгани боисидан биз бу қисқа ҳамдларни «дуо» деб агадик — тарж.). Ушбу дуо «Яса аҳу ваяряв...» ҳамда «Ашим вуҳав...» дуоларидан кейинги ўринда туради. Таржимаси қўйидаги-ча: «Мазда Аҳура Ашаҳ-Ҳақиқат нурлари остида гўзал-ликни чандон қутлагунларни билади. Мен ҳам шундай кишиларни — улар бор ва бўладилар — малҳ этаман, олқишилар билан уларга иттифоқ бўламан!»*

* -- «Вандидод» таржимаси ва изоҳлар «Гулестон» журналининг 1999-2000 йил. Сонларидан олинди. Таржимон А. Маҳкам.

Хулоса

Қадимги Грециянинг улкан тарихчиси Страбон бир вақтлар бундай деган эди:

«Каспий денгизининг нариги томонида яшовчи халқларнинг баъзилари саклар, бошқалари массагетлар деб аталган, ёзувчилар гарчи Кирнинг массагетлар билан уруши тўғрисида ҳикоя қилган бўлсалар ҳам улар тўғрисида ишончли ҳеч нарса маълум қила олмаганлар. Умуман тарихчиларнинг енгилтаклиги ва эртакларга ишқибозлиги оқибатида... ушбу халқлар тўғрисида ҳеч бир ижобий нарса тадқиқ этилишига эришилмаган»¹.

Афсуски, Страбон давридан бери ўтган икки мингийилик давомида Ўрта Осиё халқлари тўғрисида ёзган қўплаб тадқиқотчилар бундай «енгилтаклик» ва «эртакларга ишқибозлиқ»ни яна бир неча марта намойиш қилилар. Фақат XIX аср бошидан бошлаб фанда Ўрта Осиё халқларининг ўтмишини холисона тиклашга ўринишлар бўлди. Ушбу жараёнда «Авесто»нинг Европа тилларига таржима қилиниши ва Трансоксианинг қадимги давлатлари ҳудудларида археологик қазишмаларнинг боштаниши ушбу жараёнда катта роль ўйнади.

Бироқ ҳозиргача Ўзбекистон халқлари давлатчилигининг қадимги илдизларини шубҳа остига олувчи фикрлар учраб туради.² Бу билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида душманлик уруғини сочишга ва тарихни «ўзлаштириб» олишга

¹ Страбон. География, IX6,2.

² Каранг, масалан: Масов Р. Таджики: история с прифом «Совершенно секретно». - Душанбе, 1995.- С. 29-30; Петрова С.Н. Культурно-историческое наследие как ресурс внешней политики Республики Узбекистан//Восток.-1998.-№3.- С. 82; Шукуров Ш., Шукуров Р. О воле к культуре//Центральная Азия и Кавказ.1999.-№2 (3).-204-6; Akbarzadeh Sh. Nation-building in Uzbekistan//Central Asian Survey, 1996, 15 (1), С. 28-29.

қаратилган курас бошлаб юборилишига уриниб кўрилади. Бироқ қўшни Ўрта Осиё давлатларининг ҳақиқий жилдий олимлари буни яхши тушунадилар. Яқинда нашрдан чиққан «Тожик ҳалқи тарихи»нинг муаллифлари ушбу китобга ёзган сўз бошида тожик ва Россия тадқиқотчилари Ўрта Осиё ҳалқларининг айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон ҳалқларининг тарихий илдизлари умумий эканлигини тъкидлашган: «муаллифлар Ўрта Осиёдаги энг қадимги ва қадимий тарих ва маданият Ўрта Осиё барча ҳалқларининг тарихий-маданий мулки эканлиги тўғрисидаги фундаментал қоидадан келиб чиқдилар... Шундай мисол келтириш мумкин: «Марғиёна (Туркманистоннинг ҳозирги Мари вилояти) кўп асрлар давомида Бақтрия таркибига кирган, унинг жанубий вилоятлари, жумладан, Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистонга ёйилган, ва шу сабабли Марғиёнанинг ўтмиши нафақат Туркманистон тарихида, балки Тожикистон ва Ўзбекистон тарихларида ҳам баён қилиниши керак. Тожикистон ва Ўзбекистоннинг энг қадимги ва қадимги тарихига келганда эса шуни айтиш керакки, улар кўп даражада бир-бирига мувофиқ келади. Сўғд, Бақтрия ва қадимги Фарғона тарихи ушбу қардош мамлакатлар ҳалқлари тарихининг ажralmas қисми ҳисобланади»³.

Ушбу фикр 2000 йил март ойида Ҳиндистон маданият марказининг кўмагида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиёдаги буддизм тарихига бағишлиланган конференцияда ҳам бир неча марта билдирилди. Конференция ишида Ўрта Осиёдаги барча давлатларнинг, шунингдек Россия ва Ҳиндистоннинг олимлари қатнашдилар.

Ўзининг мустақил давлатчилигига эга бўлгандан кейин қадимги Ўзбекистон ҳалқлари тарихини, уларнинг муҳим

³ История таджикского народа Т.1. Древнейшая и древняя история./Под. ред. Б.А.Литвинского и В.А.Ранова.-Душанбе.-1998.

муассасаларини давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши нуқтаи назаридан холисона таҳлил қилиш имконияти туғи-либина қолмай, балки бу муҳим заруриятга айланди. Айнан давлат минглаб йиллар давомида Ўрта Осиёда тоқатсизликка, тартибсизликка ва бош-бошдоқликка олиб келувчи уруғ, маҳаллийчилик-айирмачилик тенденцияларини тийиб турган омил бўлди.

Мазкур илмий иш қадимги Ўзбекистоннинг давлат ва ҳуқуқи ривожланишининг барча масалаларига батафсил жавоб беришга даъво қилмайдиган тадқиқот эканлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Лекин шунга қарамай муаллифлар қадимги Ўзбекистоннинг цивилизациясини тадқиқ этиш китобхонлар орасида қизиқиш уйғотади, самарали илмий мунозара га тўртки беради, ҳамда ушбу соҳада «енгилтаклик» ва «эртакларга ишқибозлик»дан холи бўлган бундан буёнги изланишлар учун асос бўлиб хизмат қиласиди деб умид қиласидилар.

Мундарижа

КИРИШ

БИРИНЧИ ЛАВҲА

Давлатчилик тушунчаси ва унинг келиб чиқиши: Ёндашувлар ва методология 9

Давлатнинг келиб чиқишига цивилизациявий нуқтаи назардан ёндашиш 10

Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллилиги 31

ИККИНЧИ ЛАВҲА

Давлатчиликнинг асосий институтлари пайдо бўлиши ва уларнинг эволюцияси 45

Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг 46

қарор топиши ва ривожланиши 46

Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатлар ривожланишини даврларга бўлиш 48

Давлат тузилмалари типлари 53

Ўзбекистон худудидаги қадимги давлат типологияси 55

Пул муносабатлари 58

Солиқ (фискал) хизмати 86

Ёзма ёдгорликлар 96

Дипломатия 135

Ўрта Осиё халқларининг Мидия ва Оссурия билан халқаро муносабатлари 137

Аҳамонийлар даври дипломатияси 139

Эллинизм даври дипломатик муносабатлари 141

Хитой-Фарфона дипломатик муносабатлари 152

Хитой-Парфян дипломатик муносабатлари 154

Хитой-Канпой дипломатик муносабатлари 155

Юэжийнинг Хитой билан дипломатик муносабатлари 155

Ўрта Осиё мамлакатларининг Хитой билан дипломатик муносабатлари 162

УЧИНЧИ ЛАВҲА

Қадимги асосий ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Юридик плюрализм 167

Зардуштийлик ҳукуки 168

Политеизмдан – монотеизмга, анархиядан – ҳуқуқ сари	168
Асосий мезонлар: қонун, шартнома, танлаш	171
Аҳамонийлар даври: худога – ҳукмдорлик, ҳукмдорга эса – худолик ярашиди	173
Хуқуқий дуализм Вандидодда жиноятлар таснифи	176
Сосонийлар даврида «соф дин» ва «адолатли суд»	180
Юридик шарҳлаш анъанашнинг равнақ топиши	185
Инсон ҳуқуқлари ва зардуштийлик ҳуқуки	189
Аёлларнинг ҳуқуқлари	189
Болаларнинг ҳуқуқлари	190
Кулларнинг ҳуқуқлари	191
Диний ҳуқуқнинг икки модели	192
Ўрта Осиёда яхудийлик ҳуқуки	194
Аристотель фалсафасининг насронийлик ҳуқуқига таъсири ва насронийликнинг ривожланиши	199
Ишобоҳт қонунлар мажмуи – насроний ҳуқуки ёдгорлиги	202
Ўрта Осиёда манихейлик ҳуқуки	203
Монастир ҳуқуки	205
Ҳуқуқ ва Ўрта Осиё буддизми	207
Виная – «монастир ҳуқуки» манбаи	208
ТҮРТИНЧИ ЛАВҲА	
«Авесто» – Шарқнинг бебаҳо ҳуқуқий ёдгорлиги	213
«Авесто»даги сиёсий ғоялар	222
«Авесто»да ҳуқуқий ғоялар	226
ВАНДИДОД	240
БИРИНЧИ ФАРГАРД	242
ИККИНЧИ ФАРГАРД	246
Биринчи бўлим	246
Иккинчи бўлим	250
УЧИНЧИ ФАРГАРД	256
Биринчи бўлим	256
Иккинчи бўлим	257
Учинчи бўлим	259
Тўртинчи бўлим	265
ТЎРТИНЧИ ФАРГАРД	267
Биринчи бўлим	267
Иккинчи бўлим	268
Учинчи бўлим	271

Тўртинчи бўлим	279
Бешинчи бўлим	280
БЕШИНЧИ ФАРГАРД	282
Биринчи бўлим (Алиф)	282
Биринчи бўлим (бе)	283
Иккинчи бўлим (алиф)	284
Иккинчи бўлим (бе)	284
Учинчи бўлим	284
Тўртинчи бўлим	286
Бешинчи бўлим	287
Олтинчи бўлим	288
Еттинчи бўлим	290
Саккизинчи бўлим	291
ОЛТИНЧИ ФАРГАРД	295
Биринчи бўлим	295
Иккинчи бўлим	297
Учинчи бўлим	300
Тўртинчи бўлим	303
Бешинчи бўлим	304
ЕТТИНЧИ ФАРГАРД	305
Биринчи бўлим	305
Учинчи бўлим***	307
Тўртинчи бўлим	308
Бешинчи бўлим	309
Олтинчи бўлим	310
Еттинчи бўлим (алиф)	311
Саккизинчи бўлим	312
Тўқғизинчи бўлим	314
Ўнинчи бўлим	316
Ўн биринчи бўлим	317
Ўн иккинчи бўлим	317
САККИЗИНЧИ ФАРГАРД	318
Биринчи бўлим	318
Иккинчи бўлим	318
Учинчи бўлим	320
Тўртинчи бўлим	321
Бешинчи бўлим	322
Олтинчи бўлим	324

Еттинчи бўлим	324
Саккизинчи бўлим	333
Тўққизинчи бўлим	334
Ўнинчи бўлим	339
ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАРГАРД	341
Биринчи бўлим (алиф)	341
Биринчи бўлум (бе)	343
Иккинчи бўлум	347
Учинчи бўлум	349
ЎН ИККИНЧИ ФАРГАРД	352
ЎН УЧИНЧИ ФАРГАРД	353
Биринчи бўлум (алиф)	353
Биринчи бўлум (бе)	355
Иккинчи бўлум	355
ЎН БЕШИНЧИ ФАРГАРД	357
Биринчи бўлум	357
Иккинчи бўлум	358
Учинчи бўлум	359
Тўртинчи бўлум	364
ЎН ОЛТИНЧИ ФАРГАРД	365
Биринчи бўлум	365
Иккинчи бўлум	368
Учинчи бўлум	368
ЎН ЕТТИНЧИ ФАРГАРД	370
Биринчи бўлум	370
ЎН САККИЗИНЧИ ФАРГАРД	372
Биринчи бўлум	372
Иккинчи бўлум	376
Учинчи бўлум	380
Вандидод. Изоҳлар	385
Хулоса	409

Ртвеладзе Э.В.,

Саидов А.Х.,

Абдулаев Е.В.

**ҚАДИМГИ ЎЗБЕКИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ:
ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ ТАРИХИДАН ПАВҲАЛАР.**

Китобни нашрга тайёрлашда иштирок этган ижодий гурӯҳ:
**А.А.Арапов, Д.Б.Бегимқулов, Ф.Б.Зияев, А.Махкам,
Г.Н.Никитенко**

Муҳаррир: **Д. Бегимқулов**

Бадиий муҳаррир: **Н. Раҳимов**

Компьютер устаси: **Р. Есауленко**

Компьютерда матн терувчи: **С. Рахмонов**

Босишига руҳсат этилди 20.08.2001 Бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$.
Босма тобоби 26,0. Адади 1000 нусха. Буортма № 162.

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
«Адолат» нашриёти.

«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати
«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 700113, Тошкент,
Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.